


ТУРСУНМУРОД ЭРМАТОВ

ОНА БҮРІ ҚАСОСЫ



Бүзлаб қолган бўри болалари
йиллар ўтиб улғаяди. Нафс
васvasасидаги овчи энди уларнинг
пайига тушади...

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ОНА БҮРИ ҚАСОСИ

Қисса ва ҳикоялар

Тошкент
“IJOD-PRESS”
2019

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Э 80

Тақризчи:
**Собир ЎНАР – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**

Эрматов, Турсунмурод.

Она бўри қасоси: Қисса ва ҳикоялар / Т.Эрматов – Т.: “IJOD-PRESS” нашриёти, 2019 йил – 240 бет.

ISBN: 978-9943-5627-4-5

Турсунмурод Эрматовнинг ушибу қисса ва ҳикоялар тўпламида аксарият қишилоқ ҳаётидан воқеалар, ўзаро миллатлар дўстлиги, меҳр ва муҳаббат туйғулари баён этилади. Муалиф инсон ва табиат мувозанатини эзгулик тарозисида ёрқин миллий бўёқларда кўрсатиб беради.

Ёзувчининг Республика матбуотида турли ҳикоя ва қиссалари эълон қилинганидан ташқари «Оқ отган мингандарвеш» номли ҳикоялар тўплами Faфур Fулом матбаа ижодий уйида нашр этилган.

Abdulla Qodiriy nomidaqil

viloyat AKM

INV № 168763 - 2019

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-5627-4-5

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2019

БОЗОРДАГИ БОЛА

Сафонинг бу ҳовлида яшаш-яшамаслиги ҳақида бирор аниқ билмасди. Баъзи-баъзида кечалари уйда чироқ ёниқ бўлиши уй соҳибининг ташриф буюрганидан дарак берарди. Унинг уйига қачон келиб кетиши ҳам номаълум эди. Кимдир Сафони бозорда фаррош деса, бошқа бирор аллақаерда қоровулчилик қилишини айтарди.

Сафонинг ҳовлиси унчалик катта эмас, икки туп ўрик дарахтини айтмаса тайинли қўкарган нарсанинг ўзи йўқ эди. “Савил қолгур шу дарахтларнинг бўлганидан бўлмагани яхши эди” дер эди уй эгаси ўзига ўзи. Чунки баҳорда ўриклар гуллаб, довча айириб қолгандан, бутун ёз фасли болаларнинг кимсасиз уйдаги дарахт меваларига дуч келган нарсани ирғитишларидан уй олди ва ҳовли саҳни улар отган нарсалар билан тўларди.

Дала-даштда ўт-ўлан қуриб-қовжираган паллалардан бошлаб бу уйдан янада путур ва файз қўтарилар эди. Бу пайтлар сарфайиб қуриган бегона ўт-ўланлар, тиканаклар, шох-шаббалар, шамол тўзғитган латта-путталар, синиқ идишларгача ҳаммаси ҳовлини бутунлайича харобликка кўмарди.

Сафо буларга умуман эътибор бермасди. Унинг бу ишларга қараб қўйишга вақти ҳам, ҳафсаласи ҳам йўқ эди.

Унинг бугун ҳам чарчоқдан мадори қуриганди. Бозордан олган нонни қўйнидан чиқариб эски столга қўйди. Олов ёқиб, чой қайнатмоққа ҳафсаласи бўлмади, пақирдан бир пиёла сув олди-да, хўплади, истар-истамас бир бурда нонни оғзига солди.

Хаёлига яна ўша бозордаги боланинг қичқирган овози келди:

Турсуимурод ЭРМАТОВ

— Яхтақ, ким ичади яхтақ, муздай, ширин булоқ суви! — Бола бир пақир сувнинг оғирлигидан бир томонга қийшайганча зипилларди.

Боланинг усти-боши анча униққан, бичими ўзига хийла катталигидан кийим бировнинг эскиси эканлигини билиш қийин эмасди. У бошқа сув сотиб юрган болалардан ажралиб турар, овози ўқтам ва жарангдор, булоқ билан бозор ўртасида бўзчининг мокисидай елиб-югуради..

— Муздай сув, муздай!..

Сафо ҳалигина машинадан туширилган қовун ва тарвузларни тахлаётган эди. Ёнгинасидаги баралла овоздан чўчиб тушди.

— Ҳой амаки, сизнинг уйингиз йўқми? Рўпарасида сув сотувчи бола илжайди.

— Ким айтди сенга уйи йўқ деб? У болага ажабланиб қаради. — Албатта бор.

— Унда нега кеча оқшом қайроғоч остидаги сўпада ухлаб қолдингиз?

— Кўрдинг-ку, кеча бозорга қовун-тарвуз кўп келди, — деди Сафо болага синиққина кулиб. — Шуни тушуриб, чарчабман. Билишимча, сен яқинда келгансан. Қаерликсан?

— Бошқа шаҳардан.

— Ким билан яшайсан?

— Онам билан. Ҳадемай салқин тушади, — боланинг гапларида тушкунлик сезилди, — сув ҳеч кимга керак бўлмайди. Демак биз бу ердан ҳам кўчиб кетамиз. Эҳ, пулим кўп бўлса эди. Онамни даволатишм учун керак. Балки менга фаррош бўлиб олишимга ёрдам берарсиз-а, амаки?

Бола бу гапини бозордаги бошқа танишларига ҳам айтарди. Бола Сафони ҳам ҳар кун кўрганидан унга

умид күзларини тикди. Бироқ Сафо юпатиш учун биронта тайинли гап топа олмади. Чунки у бор-йүғи ҳаммол эди.

* * *

Сафо яккаю ягона қизини турмушга бергач, уйида ёлғиз қолди. Күёви — ҳукумат одами эди — иш жойида муқим бир ҳолат бўлмасди. У хотини билан кўч-кўронини кўтариб ҳукумат юборган томонга жўнтар, йиллаб ўша ёқларда қолиб кетар, ҳатто таътилда ҳам қорасини кўрсатмасди.

Сафо аҳён-аҳён қизидан хат оларди. Хат худди кимдир мажбурлаб ёзdirгандай қисқа ва жўн бўлар, доим конвертнинг хат ёзган кишининг манзили кўрсатиладиган жойи бўш қолдириларди. У қизини соғинар, суҳбатлашгиси келарди.

* * *

Сафо отаси билан кечган ҳаётни, болалик паллаларини хотирлашни яхши кўради. Унинг ҳам қачонлардир онаси бўлганини, ўша меҳрибон хилқат дунёдаги барча оналар каби уни ҳам авайлаб-асрагани, еру кўкка ишонмагани Сафонинг хаёлотида жонланар, ҳозирги йигит бўлиб қолган паллаларда ҳам ҳатто ўзи эслолмайдиган ўша лазиз, меҳрибон чеҳранинг буюқ қадри заррача ўзгаришсиз бўй кўрсатар, Сафо бу ҳақда ўйлаган сари юрагида чексиз орзиқиш ҳамда армонлар туярди. Марҳума онасининг файзли аёл бўлганини, онаси ҳақидаги қалбга соғинч уруғини сочувчи воқеаларни кечалари отасининг узун, мунгли ҳикояларидан билиб олганди.

Шу зайл кунлар ўтар, у отасининг неча йиллардан буён ёлғизликдан азият чекаётганини биларди. Бу ҳақда эртами, кечми, албатта, оғиз очмоқчи

бұлар, бирорта аёлнинг отасига тан маҳрамлик учун кераклигини ҳис қиласы.

Бироқ отасининг сабр косаси тұлған, узоқ йиллик аёл қаровисиз яшаш, хонадондаги парокандалик ҳамда тартибсизлик уни батамом толиқтирганди. Күнлардан бир күн уйга бир хотин ва бүйі етиб қолған қызы билан бирга кириб келди. Аёл ҳайратла қараб турған Сафога номигагина бош иргади ҳамда биров мажбурлагандек илжайди. Уйдаги озодалик, саранжом-саришталик аёлнинг күңглини түлдирмаганди. Атрофни синчковлик билан кузатиб чиққан аёл худди бутун бошли хонадонни шакл-шамойилини ҳозирнинг ўзидаёқ ўзгартириб юбормоқчидай шашт билан ишга киришди.

Аёлга әргашиб келған қызы чиройли эди. У асло гапирай демас, аёл нима иш қылса, унинг атрофиде гирдикапалак бұлар, ундан бир қадам ҳам узоқлашмас, буюрилған ишни чаққонлик ва үддабуронлик билан бажаарди.

Сафо отасидан уларнинг она-бола эканини билди.

Уйдаги муаммо жиддий эди: уй атиги икки хоналик бұлиб, бу хонадонда Сафо ёки аёлнинг қизи, албатта, ортиқчалик қиласы. Бу шүринг Құргурларнинг иккаласи ҳам кекса келин-куёвнинг хонасига кириши мумкин эмас, Бильякс бошқа уйда ҳам бирга яшай олмас эдилар.

...Шунда гүё отаси бунинг имкон-иложисини топгандай, илжайди. Уларнинг бошини қовуштириш билан бу жин ургур муаммони ечиш мүмкінлегини ҳаяжон ва ишонч билан айтди.

Отасининг гапидан Сафо ўйланиб қолди. Қиз йиғлади. Қизнинг күзидаги ёш шунчаки қизларга хос бұлған уялиш ёки карашма ёши эмас, балки, нигоҳларида иложисизлик ва норизолик ифодасининг балқиганини Сафо пайқамай қолмади.

Кунлардан бир кун Сафонинг отаси ишдан келганида аёлнинг қизига эҳтиёткор овозда гапираётганини эшилди:

— Бизни, албатта ахтариб топади у, — дер эди аёл ташвиш билан. — Келишувимизга кўра уницида қолишинг керак эди, била туриб менга эргашдинг. Қачондир у бизни топади ва бахтсизлик чоҳига отади.

Онасининг гапларидан қиз нуқул йиғлар, онаси гапга кирмаган қизини тинмай ёзғиради.

Аёлнинг биринчи эри, яъни қизнинг отаси оғир хаста эди. Даволатиши учун аёлнинг қурби етмас, эрининг умид билан термулиб турган нигоҳлари аёл юрагини тилка-пора қиласарди. Шунда охирги илинжга қўл урди. У қарзга пул олди. Пул берувчи киши noctor хотинни танир ва ҳаттоки яшаб турган уйи ҳам гаровдалигини биларди. Аёл эрининг тузалиб кетишига умид боғлар, кун келиб эри олган қарзни узишига ўзини ишонтирас эрининг тузалиб кетиши учун тинмай елиб-югуради. Таассуфки, ўйлари сароб бўлиб чиқди. Эри дарди бедаводан вафот этди. Ва аёл ҳамда унинг қизи бутунлай чорасизлик ҳамда қашшоқлик ботқоғига ботди. Сафонинг отаси она-боланинг бу ҳасратли саргузаштини эшилгач, воқеани англади. Бу ўта жиддий масала бўлса-да, ўғлига айтмасликни ҳамда воқеа сирлигича қолишни лозим топди.

Сафо ва қиз ҳаммасига жимгина бош эгди...

* * *

Йиллар ўтиб Сафонинг отаси оламдан ўтди. Аёл эри ўлгач, бу уйда яшай олмади. У ўзини ёлғиз ва ҳимоясиз сезарди. Аёл бошқа шаҳарда яшайдиган қариндошига хат ёзди. Бир хонадондан хизматкорлик учун розилик олгач, бу уйдан бутунлай кетди.

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Онасининг кетиши Сафонинг хотинини қайфуға кўмганди. Хотини ундан буни яширса-да, кўзларидаги ўкинч ва надомат барчасини ошкор қиласарди.

* * *

Улар бир қиз ва бир ўғил кўришди. Бироқ болалар туғилганида Сафо хотинининг кўзларидаги оналарга хос қувончни кўрмади ва ҳануз бу ҳолат кўз ўнгидаги тушкун, аламли манзара чизади.

Сафо хотинига ҳеч қачон товушини баландлатиб гапирмас, ҳуда-беҳуда уни тергайвермас, у бутун бошли хонадоннинг ташвишлари билан яшарди. Эрта кетиб, кеч қайтар, баъзан пул топиш илинжида узоқларга бир неча кунлаб бедарак кетиб қоларди. Сафо фақат хотинининг юрагидаги бир мавҳумлик ҳамда ўкинч излари сабабини англай олмасди. Ва ўзича буни бир пайлар аллакимнинг унинг кўнглига ишқ уругини ташлагани, бу туйфу ҳали-ҳануз унинг қалбини тарқ эта олмаётгани деб ўйлар, шунда хотини қалбидаги ўчмас бир чўғ, беадад дард ҳукмронлигини сезар — бу мутаассир туйфу гўёки ўзининг ҳам юрагига кўчган қаби мустару мустағриқ қоларди.

Сафо хотинининг рўзгор камчиликлари ёки ўзидағи муаммолар, болаларнинг феъл-атворидан зорланганини эслолмас, аёлдаги доимиий лоқайдлик ва тушкунлик унинг баҳтли кунларига заҳар бўлиб қуюларди. У бир гал хотинининг туғилган кунини унутиб, совға-салом қила олмаганида ҳам хотинининг шунчаки беғаразгина қулиб қўя қолгани, устига-устак бу ҳолат унга ёмон таъсир қилмаслиги учун хижолатли ҳолатини қувламоқ ниятида елиб-юргани, унинг энг яхши кўрган таомини пиширганини эслайди.

Сафо буларни кўриб туар, аммо ташвиш ва таассуф тўфони гўё уни хароблик томон олиб кетаётгандек туюлар, қачонлардир унга иложсиз ёпириладиган бахтсизликнинг қора қўланкасидан қаттиқ қўрқар, гўё у қилдай нозик арқон устида бораётган омадсиз дорбозга ўхшатарди ўзини.

* * *

Сафо ишлаш учун кетган кунларнинг бири эди. Уйига Сафонинг хотинига таниш бўлган кимса кириб келди. Ва у ўша машъум келишувни эслатди. Аёл қаттиқ қўрқди, юрагига тийиксиз таҳдид ва кучли қутқуёрлади. Унинг хитобларидан аёлнинг қулоқлари батанг эди. Энг даҳшатлиси, кейинги шарт бўлди. Муддао аёл учун ўлимдан оғир эди. Аёл бу кимсани қандай одам эканини яхши биларди. Қиморбозликда донг чиқарган ва фоизга пул берувчи судхўрнинг бежо нигоҳлари аёлни сескантириди ва уни таъқиб қилди. Келган киши аёлни олиб кетишилигини, борди-ю, аёл бунга қўнмаган тақдирда бу ҳолни эрининг хуни билан алмашиб мумкинлигини айтди. Аёл эшитган гапидан эси оғаёзди. “Йўқ, йўқ, фақат ундай эмас!” деганча титраб кетди. Бир айбисиз банданинг ноҳақ қони тўкилиши асло мумкин эмас! Бу ақлдан ташқари. Нима учун, нима учун эри?! Аёл ўқсиб-ўқсиб йигларди.

Аёл эрини охирги бор кўриш учун ундан изн сўради ва яқин кунларда ҳузурига боражагини айтди...

Ўшанда улар қизларининг мучал ёшини нишонлаб, бахту иқболга кўмилганди. Бироқ Сафо учун эртаси бутунлай бошқа тонг отаётганди. У ишга ҳозирланаётганди. Эшик олдида хотини кечагина ўн икки ёшга тўлган қизини қучоқлаб йиғлаб турарди.

Турсунмурод ЭРМАТОВ

У бундан ҳайрон бўлганча уларнинг олдига чиқди. Хотини унга ёш тўла кўзларини тикди. Унинг жавлираган нигоҳи эрига ҳасрат ва алам билан боқди. Хотини гапирмади. Унинг ёнида тугун туради. Сафо нимадир гапириш учун оғиз жуфтлади. Шунда қизи унга яқин келди.

— Отажон! — деди қизалоқ отасини маҳкам қучоқларкан. — Мен сизга албатта яхши қарайман.

Сафо ҳаммасини тушунди ва гапириш ортиқча эканлигини англади.

Қиз отаси билан қолди. Икки ёшга кирай деб турган ўғлини кўтарган аёл уйдан узоқлашди. Сафо бир зум тек қотди. Ҳаммаёқ умидсизликнинг қора лиbosига ўранган, гўё бутун олам бўм-бўшлигича тикилиб туради унга.

* * *

Сафо одатдагидай уйга қоронгида қайтаётганди. Уйи олдида турган машинани кўриб, ҳайрати ошди. “У ҳам бировга керак бўлармикин?” Унинг хаёлидан шу ўй ўтди. Қадамларини жадалроқ ташлади. Наридан эркак кишининг овози келди:

— Отанг, шекилли...

У келганларни таниди. Беихтиёр кўзи ёшланди:

— Болаларим!

Қизи уни қучоқлади. Күёви елкасидан меҳрибонлик билан қучди.

— Уйга, уйга киринглар, — дея ҳовлиқди Сафо.

Күёви шошилаётганликларини айтди. Катта шаҳардан ҳовли олгани, пул зарур бўлиб қолгани, ҳадемай келиб уни ҳам олиб кетишини ва яна алланарсаларни бетўхтов гапирди у. Сафо жимгина

эшитди ва уйи томон одимлади. Қизи отасига шошиб яқин келди-да, пицирлади:

— Дадажон, бу аблағта ҳеч нарса берманг, сизни ҳеч қачон олиб кетмайди...

Сафо қизи айтганини қилмади: бутун умр қанча йиғиб-терган бұлса, ҳаммасини олиб чиқди-да, күёвига тутқазди. Күёви уни елкасидан құлини үткәзіб, илжайғанча алланарсаларни гапирді. Гүё бу воқеаларнинг ҳаммасини, ҳатто унинг ёнгинасида турған қизини ҳам тушида күраётгандек эди Сафо.

* * *

Бола бозор ичидан пақирини дүмбира қилиб чалғанча булоқ томонға сув олиб келиш учун үтарди. Бола Сафони күрди ва унга яқин келди. Бир оз тараддуудланиб турди-да:

— Агар уйингиз бұлса, онам иккимизни олиб кетинг, амаки, — дея илтижо билан қаради. — Онам касал. Уй әгасига ижара пулині беролмадик. У бугун бизни уйдан чиқаради.

Болага бирор тайинли гап айттолмади. Аллақаери симиллаб оғриди. Каражт бир ҳолда туриб қолди.

Бола кетиб борар, құлидаги пақири ерга тегайтегай дерди.

Сафо бозорга тарвуз-қовун ортилған машина келиб қолишини кутарди. Аллакимлар билан күришди. Кимлардир унга бир нималарни валақлади. У ҳамон әрталабки нурсиз ва тушкин ҳолатидан қутула олмаганди. Шу пайт яна үшатаниш овоз янгради:

— Кимга мұздай сув?..

Болакай бошини олдинга хиёл чұзғанча борар, юзидан тер қуюлиб келар, бироқ расталар оша фақат

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ўзиники булоқ суви эканлигини мақтаганча елиб-югуради.

Сафо бола томон шошилди. Уни тұхтатди. Кече ишлаб топған пулині унга узатди.

— Ма, ол, уй эгасига бер, — деди болага самимий жилмайиб. — Мен уйни таъмирлаб бұлай, кейин, албатта, сизларни олиб кетаман.

Бола пулни олиш-олмаслигини билмай туриб қолди. Шу пайт оломон орасидан болани кимдир чақырди:

— Ҳой сув сотадиган бола, сени излаб юрибман. Қайрағоч остида онанг кутиб турибди, борақол.

Боланинг ранги қув учди, унинг пақыр тутиб турған ориқ құллари хиёл титраб кетди. Үзига үзи шивирлади:

— Онам, онам... Бечорани уй эгаси ҳайдаб чи-қарган... Ахир, у касал эди...

Бола бозор ўртасидаги садақайрағоч томон ўқдек отилди.

Сафо боланинг ташлаб кетған пақыри ва кружкасини олди. Пулни қайта чұнтағига солмади. Оломон оқимини оралаб бораркан, нарироқдан садақайрағоч остига қаради. Бола онасимиң қучоқлаб олган ва алланарсалар ҳақида гапиради. Онаси уни энди күриб турғандек бир зум ҳам ундан күзларини олмас, синиққина жилмайғанча боланинг бошини силар ва уни дикқат билан тингларди.

Сафонинг күз олдига құп йиллар бурун уйи олдида йиғлаб турған аёл яна бир бор гавдаланди. Сафо ёнидаги деворга оқиста суюнғанча туриб қолди. Юрагида құзғалиб келған бир ўқинчдан күзларига ёш тұлиб келди. Она ҳам, бола ҳам унга бегона әмасди...

ҚУДРАТЛИ ҚОЯ КҮЧКИСИ

Құрғонтоғ энишидаги қишлоқларда саксондан ошиб, тұқсонни қоралаб турғанлардан Ойқиз кампир билан Пұлат чұтира қолди. Яқингиналарда ҳам Шүробсойнинг тошқини олиб келиб қирғоққа сочған чүп-чүпчак, томиру пүстлоқларни этактұрvasида ортмоқлаб, тирикчилиги – ёлғыз сигириининг сутини пишириб, қолганини оғилида қишкаровли кунлар учун асраб, үз кунини үзи амалтақал қилиб юрган Ойқиз кампирнинг тиззалари ишга ҳам, юриш-туришга ҳам дағфа бермайдиган, нафаси бүғзига тиқиладиган, бир иш қылса ҳаракати етмайдиган бұлды. Тушлари алоқ-чалоқ. Олтмиш йилдан ҳам мұлроқ ёлғызлик издиҳомлари билан олиша-олиша алам ва нафратга тұлған дилхүн қалб қарилекнинг беаёв қудрати олдида тиз чүкди. Кампир ётиб қолди. Фанимининг қора кунини, унинг мажақланған боши, нимта жасадини күрмөқлик куни энди қиёматға қолди.

Инсон ният қилғани, унга бел боғлагани билан, гарчи бу истак ҳақсизликни эзіб-янчса ҳам унга етказиш, ижобат қилиш Аллоҳнинг измида эканини кампир хаёлидан үтқазади. Вужудида чарчоқ сезди, уйқусизлик толиқтирган қовоқларини юмди. “Ёмонға ұлым йўқ экан-да...” Шу тушкун ва умидсиз сүз забонида яна тақрорланди. Шу сүз замиридаги баттол қисмат кампирнинг яна ичини күйдирди.

Аллақайси тоғ қишлоқдан тушиб келган, Худони таниған құшни келин кампирнинг олдига ҳар замонда бир келиб, ақвол сұраши-ю, бир коса обиёвғонини аямаётганини айтмаса, айтарлы унинг ҳолидан бирор хабар олмасди.

Кампир ётиб қолишидан олдин бу ўрада яккаю ягона баҳши саналмиш Абдулла шоирнинг ёқимли овози келганда қишлоқда тўй ёки бирор яхши кун борлигини билар, билъакс, инсон боласини бир қалқитиб ўтувчи фарёд сасидан кимнингдир вақти қазоси етганидан дарак топар, бундай пайтда нафаси бўғзига тиқилгудек нарвонга томон ҳаллослар ва томдан йиги келаётган томонга бор эътиборини қаратар, товуш Пўлат чўтирикнидан чиқишига умидланар, бироқ ҳар гал кампирнинг ҳафсаласи пир бўлганча томдан фуссага кўмилган кўйи қайтиб тушар, қачонлардан унга бегонага айланган ва юз бурган ёруғ дунёда ҳали яна аллақанчадир яшашга маҳкумлигини ўйлаганча бу мусибатдан дарди дунёси қоронги бўларди.

Баҳорнинг илк эпкини эсиб, экин-тикин амал ола бошлигач, кампир сигирини ўтлатиб, хас-чўпини териб келар маҳали яна бир кўнгилсизликнинг устидан чиқди. Қишлоқ юқорисидаги Пўлат чўтирининг ўғиллари эгалик қилган токзор бошида уч-тўрт одам пахса урар, улар ёнида ёғоч чорпояда Пўлат чўтири чўнқайганча, уларга гап берарди. Буни кўрган Ойқиз кампирнинг беихтиёр юраги увшуди. Наҳотки... Пўлат чўтирини оғир ётибди деб эшитганди-ку...

Шу куни қўшни келин хотин-халаждан Пўлат чўтирининг узумзорга қоровул бўлгани, атрофда ўтлаб юрган мол-ҳолни қувиб, эски миршаблиги тутиб иш билан ўтаётган одамни ҳам эрмакка сўров қилаётганини топиб келди. Эшитди-ю, Ойқиз кампирнинг юраги нотинч тепди. Бу нима, Ойқиз кампирга юборган Худонинг яна бир синовими? Ахир, Ойқиз кампирнинг борар йўли шу йўл эмасмиди? Наҳотки, бундан бу ёфи ғанимини ҳар кун кўриш уқубатига маҳкум бўлса, бу азоб билан ҳам курашса? Сабр-бардошга ҳам чек-чегара бордир, ахир?!

Ойқиз кампир шуларни ўйлаб борарди. Хоти-раларни титкилар, бирор нажот ва илинж излар, зим-зиё бир макон узра нур қидириб бораётган одамга ўхшарди у. Бора-бора у туйқус бир хаёлдан сергакланди. Ва бирдан эзгин ва дилгир хоти-раларнинг туб-тубида бир шуъла милтиллаб кетгандай бўлди. Йиллар тўзонида саргардон кезган, армонлар гирдобида муаллақ осилиб қолган истак, буюк хоҳиш фақат шу билангина амалга ошиши мумкинлигини англатувчи бир ўй онгига чақиндек урилди.

...Ойқиз ўн еттида эди. Яратган суқ киргудай ҳусн берганди. Кунларнинг бирида Ойқизнинг уйига одамлар келди. Энаси қизгинани ёнига чақирди. Уни сўраб келганларини айтди. Қиз энаси эпсиз бўлиб, айтмиш мулла Эрназар деганларини етти ухлаб тушида кўрмаганди. Эрназар деган йигитнинг отига “мулла” сўзи қўшиб айтилаётганидан Ойқиз бир хил бўлиб, қизаринди. “Энажон, мен бу уйдан ҳеч ерга кетмайман”, деди юраги тошиб. “Ҳай қиз, мулла Эрназар сенгинани қачон кўрган билмайманку, бироқ баҳт қушинг шу мулла йигит бўлса не ажаб. Худо ярлақаган ўша банда Бухорай Шарифда Мир Арабни уҳдалаган. Бу ўрада бирор киши бормики, унингдайин бўлса.” Ўша соҳир кечмишни Ойқиз эсидан чиқара олармикин? Нақадар сеҳркор куч эди у! Худди тушда кечгандек, яқингинада юз бергандай, гўёки бир шошқин шамол юз сийпаб ўтганчалик бир фурсатдай...

Мулла Эрназар хушрўй, хушқомат, зийрак ва ақлли йигит эди. Ойқиз чимилдиқда ҳуркак кийик янглиғ қўрқа-писа ёнидагига кўз қирини согани чин. Кўзи тушган ҳамон вужудида фалати титроқ туйгани чин. Нигоҳларини шошилинч айирди ўшанда. Айирди-ю,

ботинида бир қутқуни пайқади. Надирки бу ҳисни қувиб бўлса. Бу нима, лайнмиди, раҳмонмиди, билмайди, Худо сақласин, ҳаё қочдими шууридан, яна бир қарагиси келаверди. Қарамаса гүё ҳаприққан юрак тепишдан тўхтаб қоладигандай. Ҳали эр киши тўғрисида ўй-онги хабарсиз қизнинг қалби бу сеҳри синоатдан тўлқинланаверди, интиқликнинг анвойи гуллари боши узра укпар янглиф ёғилаверди, дилу димоғига урилган муаттар ифорлардан маству ҳайрон бу жодунинг нима эканини топа олмай қийналди, баҳту саодатдан-да юксак бир туйфу ва бир муқаддас сезги рўбарусида бош эгди. Ўшал масрурлик ва латифлик дунёсига етаклаётган, япроқ каби титраб турган қалбга дунё каби кенг тафаккурини тўкаётган, қоядек суюнчиқ, айни дам ёнгинасида ёқимли нафаси сезилиб турган йигитнинг сеҳрли қаломлари ва соҳир ҳикоятлари қизни аллалайверди. Ана шу ҳикоятлар Ҳадису Шарифларга уланиб кетди ва соҳир сўзлар мужассам Чор китобдаги тақори йўқ, мағзи мукаммал воқиётлар, ислом оламининг пайғамбари Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёти, Ул зоти мунаварнинг Аллоҳ билан мулоқоти мулла Эрназарнинг бурро забонида ўзга бир жозибаю мўъжиза бўлиб сизиб чиқаверди...

Мулла Эрназарнинг илму салоҳияти, қуввайи ҳофизаси эл ичида муносиб бўлди. Элда араб имлосига эҳтиёж баланд эди. Ҳукумат мактабига бу борада саводи бутун, ақли закий камлик қилди. Тирикчилик важидан араб имлоси бўйича мулла Эрназар аввали ўз яқинлари, қўни-қўшниларига савод беришга, ҳадислардан, тарих сарҳадларига сайр қилишга, риёзиёт илми масалаларини ечиш борасида таҳсил берди.

Мулла Эрназар Бухорои Шарифда таҳсилни бити-

риб қайтгач, яқинда миришаблик даражаси берилиб, район маҳкамасига ишга келган ҳамқишишлари Пўлат билан биринчи бор тенг-тўшлари қаторида Йўлчи полвоннинг тўйида дуч бўлди. Пўлатнинг тил учида, совуққина салом-алик қилиши унинг таажжубини оширди. Негадир Пўлат мулла Эрназарга бир-икки фалати қарави қилди. Кўпкари бошланиш олдидан Пўлат миршаб мулла Эрназарга яқин келди.

— Бизнинг ўғилчани ҳам бир мактабингизда ўқитиб бермайсизми, тақсир? — деди. Унинг гап оҳангидан бадбўйлик уфурди, қўзларида совуқлик ўйнади.

Мулла Эрназарнинг яна ҳайронлиги ошди. Шу кез алланарсани тушингандай бўлди, юрагида хавотир ва безовталиқ қалқиб турган бир сезги кезинаркан, Пўлатнинг ёнидан узоқроқ бўлиш илинжида нарироқ юрди. Шу кез қулоғига “ўзингни тийиб юр, тағин жувонмарг бўлиб кетмагин” деган таҳдидли овоз келди. Мулла Эрназар бу овоздан бир оёқ илди, фалати ва тушкун ҳис вужудини симиллатиб кетди.

Ийд Рамазон тонги Қўрғонтоғ томондан шошилиб келаётган беш кишини сойлик бошланишида кутиб турган тўрт миршаб олдини ўради. Текширувда бешовлон ҳам айбдор бўлди, гуноҳлари чандон бўлди.

Пўлат миршаб бошлиқ яна икков Мулла Эрназарнинг уйига сўроқ-истоқсиз бостириб кирди ва токчада турган “Ҳадислар”, “Чордевон”, “Тарихи Туркистон”, “Тарихи ибн Халликон” аталмиш китобот ашёвий далил тариқасида олиниб, хат-қалам бўлди. Мулла Эрназарнинг хотинидан бу китоботни ҳукумат томонидан текширувда топилгани ва тортиб олинганини тасдиқ қилиш талаб этилди. Мулла Эрназарнинг аёли ўзига маънодор тикилиб турган ҳамқишишлароқ миршабни қачондир ёшлигига бир кўрганини эслади, унинг беҳаё тикилган қўзларида

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ғайир бир ниятнинг совуқ учқуни йилтиарди. Аёл уларнинг айтганидан бош тортди.

Ўша куни олиб кетилган беш киши миршабхонада тонг оттиргач, чошгоҳга бориб сўроққа чиқарилди. Уларни пастак, зах иси анқиган хонага олиб киришиди. Хона нимқоронғи эди. Мулла Эрназар қайиши ихчам гавдасини сириб турган тўрдаги миршабни дарров таниди. У Пўлат миршаб эди.

Столини эрмакка чертиб-чертеб турган миршаб мулла Эрназарга бошдан-оёқ разм солиб турди-да, истеҳзо билан деди:

— Жавоб беринг-чи, тақсир, намоз кимлар билан ва қаерда ўқилди?

Миршабнинг саволидан мулла Эрназар сергак тортди, ўзига тикилган игоҳларда ҳали ғазаб яширин. Мулла Эрназарнинг ҳамон ўйларининг адоги йўқ эди. Миршабнинг гапларини англамади у. Кейинги таҳдиддан ўзига келди.

— Хўш, намоз қаерда ўқилди?

— Худо буюрган ерда! — Мулла Эрназарнинг жавобида бир оғринишдек оҳанг сезилди.

— Намоздан кейин художўйликдан қавмга қилган амри маъруфингиз хусусида айтинг!

Муддао маълум эди, мақсад аён эди. Мулла Эрназарнинг қалби бир қалқди:

— Намоз ўқиган бўлсак, Худонинг буюрганини ва мусулмончилик фарзини адo қилдик, — деди. — Бирорга зиёнимиз йўқ, тақсир!

— Зиёнимиз йўқ, денг. — Пўлат миршабнинг сўзидан заҳархандалик уфурди. — Тақиқдаги китоблар-чи, бунинг ҳам зиёни йўқми?!

— Китобларнинг ҳаммаси дунёвий китоблар, — деди мулла Эрназар ишонч билан миршабнинг қўзларига тик боқиб. — Илмнинг, маданиятнинг ёмон тарафи

бўлмайди. Бильакс, элга маърифат беради, тўғри йўлга бошлайди, ўтмишидан хабардор қиласди.

— Ҳов мулла, эртагингни бориб хотинингга айтасан! — деди Пўлат миршаб бирдан тутикаиб. — Овлоқ Дўшалисойда намоз ўқисам, улусни ортимдан етаклаб юрсам бу ишимдан ҳукумат хабар топмайди, деб ўйлаганмидинг? — Миршаб ғазабнок эди. Стол устидаги қоғозни мулла Эрназарнинг олдига ташлади.

— Ҳаммасини ёзиб бер! Мулаваччаларга дин китобларидан таҳсил беряпман, деб ҳам ёз!

Мулла Эрназар Пўлат миршабнинг нописанд муомаласидан дили оғриди.

— Сиз ҳам мусулмон боласисиз, нима, сизнинг дилингизда Аллоҳ йўқми? — деди ҳайрат тўлган нигоҳларини Пўлатдан олмай.

— Мендами?! — Пўлат мулла Эрназарга жуда яқин келди. Унинг тамаки қоришиқ бадбўй нафаси мулла Эрназарни кўнглини айнитди. — Менинг кўнглимда, дея давом этди у, — фақат ҳукумат бор, менга ишонган, менга амал берган, ризқ берган ҳукумат бор! Зинҳор сенинг худойинг эмас! Сен динни ниқоб қилиб, улусни жаҳолатга кўмасан, ҳукуматга иккиланиш, ёт назар, ёт эътиқодни тарғибот қиласан!

— Мен фақат дунёвий илмдан сабоқ беряпман. У ерда тарих, ҳисоб илми...

Пўлат миршаб мулла Эрназарни еб юборгудай, ёввойи бир турқ, важоҳат билан бостириб келди.

— Бас! — дея ўшқирди. — Бу чўпчакни менга айтма! Ёз, уйимда диний китоблар бор, бунга иқрорман деб ёз!

Пўлат миршаб шундай дея қоғоз устига мушт урди. Олдидаги қоғозга кўз қирини ташлаб ҳам қўйма-

ган, ҳамон хотиржам мулла Эрназар унинг аламдан ловуллаб турган юрагига мой сепгандай бўлди.

— Сенларга қолса шунча азоблар, минглаб мазлумлар қурбонлиги эвазига қурилган ҳукуматни яна жаҳолат ботқоғига ботирасан, ёвойи унсурлар! Фояси бузуқ, чалажон ва мазмуни мавҳум китобларинг билан халқ юрагига қутқу ташлайсан. — Пўлат миршаб қаҳрдан ўзини босолмас, мулла Эрназарга бу усуlda, осонгина ёздиришга ҳам, мажбурлашга ҳам кўзи етмасди.

У эшик олдидаги соқчига мулла Эрназардан бошқаларни олиб чиқиши буюрди.

Хонада иккиси ёлғиз қолгач, Пўлат миршаб бир зум тин олди-да, мулла Эрназарга зимдан қаради. Энди унга гүё бир қишлоқдош, бир элат, тенгқур сифатида ўзининг янги сўров усулини қўллаш мақсадида хаёлида алланималарни пишиди. Дўст каби, бир холис одам турқига кирди. Сиполик ва мулоимлик билан мулла Эрназарнинг эътиrozларига ўта қарши бормай, юрагига ваҳм бермай тушунтириш хатини айтиб турди.

“Тирикчилигим учун шу ишга қўл урдим”, дея ёзди мулла Эрназар. Кўнглида бошқа ният йўқлигини, элга савод бериш учунгина шу ишга қўл урганини, эскича қитоблари кўп эканини, бундан бу ёғига ҳам савод чиқарувчиларга шу илмдан сабоқ беришини ҳеч бир қўрқув ва истиҳоласиз ёзди.

Пўлат дарҳақиқат маслаҳатгўй, бир беғараз дўст мисоли эди. Китоблар номини мулла Эрназар кўрсатмоққа изн ололмади, китоб номини кўрсатиш жиноят оғирлашиши, деб тушунтирилди. Араб хатини ўрганмаган халқ ҳадис илмини тушунмайди, ислом оламини танимайди, тарихини билмайди, деган гаплари абас кетди. Фақат тилни тийишини,

тил ёмон, тил фаним эканини Пўлат миршаб ботбот тушунтириди. Юраги алағда, дили хуфтон мулла Эрназарнинг қалбida ҳадик, тилида тушов бор эди.

Мулла Эрназар Пўлат айтганини қилди. Ёзганилари-ю, қишлоқдошининг бермоқчи бўлган ёрдами унга умид ва манфаатдай туюлса-да, мулла Эрназарнинг дунёси туман ичида қолгандек хира, кўнгли мудҳиш бир ниятдан зада эди. Дил ўртовчи сабаб кўп эди. Шунча йил мадраса тупроғини ялагани, мусоғирчилик азоблари, илми донишни бош узра тож тутгани, қанча-қанча орзулари, мозий силсилалари, асрлар ошиб қелмиш отабоболари ўқиган имлони ўргангани, эл-улус билан баҳам кўргани, наҳотки, уни туби йўқ чоҳга итқитса, китобларни форат қилган кимсалар бу муқаддас зиёдан хабарлари бормикин? Фойда нимаю, зиён нималигини айри қилолмаган нодонлар, наҳот, басирлик ботқоғига шунчалар ботдилар, бу ўгай ва баттот тузум, наҳот, уларни шунчалар кўр қилган?!

Мулла Эрназар Ойқизнинг фуссага тўлган, ҳадик, қўрқувдан унсиз йиғлаётган нигоҳларига, тўқилиб-тўқилиб турган гулдай қалбига ички интизорлик ва изтироб билан термулди. Юрагида муз қотган, тошдан-да қаттиқ аламларни, эзгин мутаассир руҳиятни тыйди. Ойқизга армонларини сўйлади. Пўлат қўйган тузоқ уни маҳф қилишини ботинидаги сезгидан ўқиди. У Ойқизга эпсиз-эпсиз қаради: Ойқизга тили билан айта олмади. “Сени армонлар ва аламлар тўғонида, баттоллик тўзғиган маҳораба аро ёлғиз ташлаб бораётган мендай ношуд ва чорасизни кечир”. Бу хаёл юрагига қайта-қайта ўт ёқиб ўтди. Таассуфлар ва аламлар ночор вужудни ингратди.

Ойқизга жаври – иккисининг фарзандсизлик азоби эди, туғилибоқ нобуд бўлган икки ўғлонни

Турсуңмурод ЭРМАТОВ

ерга қўйганлари эди. Шуларни ботинида сўзлади, надоматлари шундан эди мулла Эрназарнинг. Зоҳирида яхши сўзлардан айтди, Ойқизни аяб-аяб гапирди. Ойқизнинг қоронғи қалбига чироқ ёқмоқ илинжидаги сўзлари ёниқ-ёниқ эди.

Орадан уч кун ўтиб, мулла Эрназарни маҳкамага олиб кетишиди.

Эшитаётган гаплари тоғлар қадар оғир эди. Туҳмат ва маломатлардан мулла Эрназарнинг руҳи зирқиради, қулоғи батанг бўлди, ботинида мажруҳ ва noctor бир руҳ ингради. Унинг гаплари ўрин ўтмади, сўзлари ўрол бўлмади. Энди билса, ёзиб берганлари бошқа маъно касб этибди. Пўлат миршабнинг қилган ироди бошқа бир англашиш, ўзга бир маъно, ўзга бир муддаонинг қўлансаналик уфурган айблови бўлиб жаранглайверди. Кескир бўлди, гўё қиличданда ўткир бўлди. Ҳамма ишонди. Эл ичида мулла Эрназар хавфли бир инсонга айланди, шубҳали гаплар болалади. Унга ёрдам бергувчи ака-ука, дўсти ёрон бўлмади, гўё унинг қилмиши одамлар кўнглига қўрқув солди, қисмати қорага бўялди.

Фақат Ойқизгина бўзлади, фақат ўшагина аламларга беланиб-беланиб, Пўлат миршабни қарғай-қарғай, танҳолик уқубатларини елкалаб, изтироб тиканларини қучоқлаб-қучоқлаб қолаверди...

Орадан йигирма йил ўтди. Ойқиз йигирма йилки ёлғизлик ва ҳақсизлик оғусини сипқорди, дарду фироқ заҳрини ичди, унсиз, нидосиз, айрилиқнинг зардоби чакиллаб томиб турган фарёдлар, озору ситамлар эса Ойқиз яшаётган уй деворларига сингиб-сингиб кетаверди. Эрининг ўлик-тириклигидан бехабар аёлнинг бардоши ўпирилаётган қоя сингари тобора емирилиб борар, на кутиш, на аза очишни билмаган аёл аросат сарҳадларида сассиз-садосиз

кезинар, маҳкамага қилган арзу сўровлари ҳеч бир самара бермас, Пўлат миршаб каби малъун билан рўбарў бўлишга эса Ойқизга нафсоният ва нафрат йўл қўймас, на хат, на хабари бўлган мулла Эрназар бора-бора эл назаридан унутга эврилганди. Энди эридан ёдгорлик саналмиш, униқсан уч-тўртта кийим-кечак ва сарғайиб кетган биргина суратни Ойқиз юзига сурта-сурта, кўксига боса-боса тонг оттирас, гўёки шу жонсиз буюмлар унинг мискин қалбига юпанч, қақраган соғинчлари-ю мутаассир қалбига оби ҳаётдай сизар, бу мурувват жафокаш қисмати кечган йиллар силсидалари олдида унга бир зум ён бераётгандай, аяб асрәётгандай таскин бўлар, бироқ йиллар ўтган сайин туши ва хаёлларида далда бўлиб келган мулла Эрназарнинг сиймоси ўч ва нафратнинг қуюқ тутунлари ичиде баъзида кўринмай кетаётгандек сезилар, хаёлий висолга ҳам шукур қилиб келган ва ҳар тун у интиқ кутишга одатланган ёлғончи ва сароб дийдор ҳам гўёки ундан юз буриб бораётгандай бўлар, аммо аёл армонлар ичра ғарқ бўлган эрининг ўқинч, туҳмат, маломатлар ва интиқом рўёби учун ўлим аждарҳоси билан яккаш курашмоқ йўлини излашдан чарчамасди.

Аёл аҳён-аҳёнда туман марказидаги уйи, обрў, мартаба, хотинидан ва ҳаттоқи бутун умр сажда қилган ҳукуматидан мосуво бўлган Пўлат миршабни кўриб қолар, тушларида ҳам тинчлик бермайдиган бу кас кўз ўнгига бало-қазо бўлиб тиккаяр, юрагида оғир дард кўчкиси қўзғалар, алам ва изтироблардан ўзини қўярга жой тополмас, гўёки Ойқиз аллақачон катта маҳорабада издиҳом уфунатлари аро ўша бад-кирдорнинг хуни учун, саргардон изғиб юргандай сезарди ўзини.

Шундай кунларнинг бирида Ойқиз борлиғида

қўпган ўч ва алам туйғуларини боши узра тутди, тушкунлик, мусибат ва ҳасратнинг мунгли яловларини босиб янчди, фуур ва ориятни белига боғланган кўйи шаҳд билан остона ҳатлади. Юрагидан қутқуни юлиб ташлаган аёл энди эри ҳақидаги маълумотнинг сўнгги ва ишончли гувоҳи собиқ миршаб Пўлат билан эрининг тақдирни ҳақида юзмаяз гаплашиб олиш, ҳақиқатни билиш учун Пўлат яшаётган уй томон жадал одимлади.

Ойқиз Пўлатнинг маҳкамага ишга ўтган йиллари ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган нўғай хотин билан топишгани, ҳар замон қишлоққа кўриниш бериб, болалари вояга етиб қолганда ҳам бепушт аёлнинг этагини қўйиб юбормагани, Пўлатнинг кўз очиб кўргани, бир муштипар эса эрининг ёнига қайтишини умид қила-қила, ғам оғусини сипқора-сипқора алал-оқибат қайси бир бедаво дардан вафот этганда ҳам болалари қошига қайтмаганини билар, нўғай хотин маҳкамам башлиғи билан дон олишиб юрганини сезиб қолган Пўлат уни уйдан ҳайдагани, ўзи ҳам хотинбоз бошлиқнинг қаҳрига учраб, феодал эр сифатида қораланиб, иш ва хизматхона берган уйдан қувилгани, шумшук “ҳукумат бандаси”нинг бадфеъллигидан безган ўғиллари янги уй қуриб, ота уйидан кўчиб кетишгач, нурай деб қолган уйида аламдан ўзини-ўзи чақаётган чаён сингари ёлғиз қолганини ҳам эшиштанди.

Шунча йиллар ўтиб олдига келган Ойқиз Пўлатга бошқача таъсир қилди, ўзга бир ният кўнглида кўпчиди. Юрагига ғалати илиқлик югорди. “Нўғай хотиннинг кирдикорини бу ўрада ит ҳам эшилди, бу эшитмасинми? Шунча йиллик ёлғиз яшаш ситамлари юрагини тилкалагани, бағрини куйдиргани чин. Ушанда китобат учун уйига

ОНА БҮРИ ҚАСОСИ

borganida bиргина қош қоққанида-ку, эрини оқлаб юбориш ҳеч гап әмасди. Майли, яхши амалнинг кечи ҳам яхши! Кел, ҳали ҳам сени жонимга жой қиласман. Бошингни силаганим, ташна күнглингга сув сепганим бўлсин". Яшиндек тез ва хуш ёқувчи хаёл Пўлатга дадиллик ва куч берарди.

— Кел, тортимай келавер, Ойқиз. — Пўлат шундай дея ўзига ярашмаган талпиниш қилди. — Қандай шамол учирди?

Ойқиз турган жойидан жилмади. У Ойқизнинг юзида заифалик ва таслимлик алматларини әмас, билъакс нафрат ва қаҳрни кўрди.

— Эримни нима қилдиларинг? — деди Ойқиз кўзларини Пўлатга қадаб. — Ўлик-тириклигини билларсиз?

Пўлат Ойқизга зўраки илжайди.

— Эринг энди керак бўпти-да, Ойқиз. Эринг қамалаётганда келганингда-ку...

Ойқиз йиллаб қатламланиб келаётган алам ва ғазбдан, юрагидаги битмас жароҳат оғриқларидан давангирдай, ёлғиз эркак ҳузурига кириб келишдан ҳеч бир ҳадик, қўрқувни ўйлаб кўрмаганди. Бироқ рақибнинг ҳаёсиз ва қўрқинчли нигоҳлари уни бир қадар сескантириди, юраги нотинч тепди. Бироқ қайтиш мағлубият — чекиниш эканини яхши фаҳмларди. Ортга йўл йўқ эди. Сукут — таслимлик. Таслимлик — номус. Номус — ўзликни кўмиш. Ойқиз ундай қилмайди. У энди жанггоҳга кирган.

— Айт, эримни нима қилдинг, чиябўри?!

Ойқизнинг кескир хитоби жаранглаб кетди. Пўлат буни кутмаганди. Заифанинг пўписаси орини қўзитди. Қаҳри қаҳратондан қаттиқ миршабга нечалар бош эгган, валломати ҳам олдини кесиб ўтолмаган одамга, гарчи у собиқ бўлса ҳам, бир

заифа “чиябўри” деган ҳақоратни отди. Пўлатнинг
ғазабдан қовоқлари пирпираб учди ва:

— Эринг улган! — деди кескин. — Додингни ху-
дойингга айт. Қилма деганни қилди у муллавач-
чанг. Мен сенга атай хабар қилмадим. Сенлар доим
хавфлисанлар! Сен урғочи унсурнинг ҳам қисматинг
шу, эшитдингми?! Мана сенга ҳақиқат, энди аза
очасанми, сочингни юласанми, сенинг ишинг!

Ойқиз Пўлатдан бундан ортиқ гап ҳам кутмаган-
ди. Ойқизнинг юзларига қон тепди. Бу дунёда
тирик мурда бўлиб яшагандан кўра, шу бадбаҳтнинг
бошини егани хайрли иш. Қамашсин, майли. Бир
баттолнинг қотили деб қамашсин! Ойқиз ички
туғённи тута олмади, ғазаб итоатсиз эди.

— Уни сен ўлдирдинг, сен! — дея ҳайқирди ва жон
ваҳмида Пўлатнинг бўғзига чанг солди. Ойқизнинг
ҳайқириғи гўё бармоқларига куч берди, Пўлатнинг
йўғон бўйнида бўртиб турган кекирдагини қўшиб
узиб олмоқчидай қаттиқ бўғди. Ва... шу зумдаёқ куч-
ли зарбдан кўз олди тиниб кетди, вужуди бўшашди,
борлиқни қора зулмат ютиб юборди...

Кимдир Ойқизни меҳрибонлик билан соchlарини
силади, лабига сув тутди. Ойқизнинг нам инган,
лаблари бадбўй ҳид ва ирkit бир таъмдан титраб
кетди ва учеб ўрнидан турди. Вужудини даҳшат
қоплаган кўйи яқингинадан Пўлатнинг ҳаёсиз ва
масрур қўзларини кўрди. Пўлатдан ҳам, ўзидан ҳам
жирканди. Ҳалигина гуноҳу айдан айро танига гўё
илон ўрмалагандай сесканди ва ҳўнграб йиғлаганча
телбаваш кўчага отилди. Ортидан Ойқизга гўё
жирканч бир ҳайвон одам тилида гап қотди:

— Ойқиз, сени яхши кўрардим! Сен меники
бўлдинг, меники! Сени урган қўлларим синсин...
Ойқиз энди мисоли бир суратга айланган, руҳидан,

дунёсидан ёт бир шарпа каби одамлардан нари, гүё бутунлай ҳақирилик ва ҳақорат ботқофига ботган, нур ва зиёдан мосуво зулмат саҳросида саргардон кезар, бу ҳаётда яшашга ўзини ҳақсиз санаса-да, азиз кишиси рухи қаршисида парчаланган қалби, топталган номус қасоси учун яшаб туришида ўзида куч топмоғи зарурдай кўринар, ўзини узлатда тутса-да, мустар қалбининг туб-тубида, эласгина бир илинж ёлқин ташлаб турганини пайқарди. Илинж бетиним эди. Илинж ўч ва номус эди...

Орадан йиллар ўтган. Энди кунларда бир пайтдаги ой юзли Ойқиз кампир тусини олган, олма юзлари сўлиб, ажин қоплаган, чақноқ қароқларига муңг из ўйган, қадди букилган... Энди у этактўрвасида Шўробсой қирғоқларидан ўтин-хас теради. Таппи-тезак йиғиб, ёлғиз сигирини соғиб, сутини пиширади. Қолган-қутганини совуқ кунларга деб оғилнинг бурчагига тахлаб қўяди.

Пўлат миршаб ҳам қариб-чуриди. Қайси йили бетига яра тошиб, яхши бўлиши қийин бўлди. Дўхтирга чопа-чопа тузалди. Бироқ ўрни чўтири бўлиб, орқаворатдан одамлар “Пўлат чўтири” дейдиган бўлди.

Пўлат чўтири умр бўйи ҳукуматим, ишим, юмушим деб юрганими, қарилигида ҳам тиниб-тинчимай, қишлоқ юқорисидаги ўғиллари кўкартирган токзорга қоровул бўлиб, ўша ерда кичик томча қурган. Чуғурчиқлару Мусо қишлоқнинг хотин-халажи, чурвақаларидан узумини қўриб, ҳай-ҳайлаб юрибди. Одам-ку одам, узумзорига ит ҳам йўлолмайди. Ёғоч чорпоясида таёқдай бужур оёғини осилтириб нафақат узумзорни, кафтда тургандай қишлоқни ҳам кунуззукун кузатиб ўтиради.

Кўп қатори Ойқиз кампирнинг сигир ҳайдаб, ўтин орқалаб келар йўли ҳам шу ер. Ойқиз кампир

Турсунмурод ЭРМАТОВ

жимгина, беозоргина ерга қараб үтади. Томча ичида ёхуд чорпоясида үтирган бу ёруғ оламга үзига басмабас яшаб келаётган ғанимини қарамаса ҳам ҳис қилиб туради. Нафрат ва номус кампирнинг кўзларини ерга қадайди, вужуди титраб-титраб кетади. Ойқиз кампирнинг қоқсуяк муштлари терисини тешиб чиққудай тугулади, кўзларидаги қаҳр ва алам, интиқом ва надомат оёғи остидаги ерга санчилиб-санчилиб бораверади. Юрагида эскидан қотиб қолган бир илинж, бир имконият кампирга муддао ва мақсад дарвозасини очгандай хотиржам тортади. Ўша кунлар яқингинадан Ойқиз кампирга жилваланади. Ойқиз кампир кела-кела бировга қўрсатмай юзига фотиҳа тортади: “Илоё, ўз ажалинг билан ўлма, яшайвер, қонхўр, ўша кунгача яша...”

Ойқиз кампир ўйлаб юрганидай атрофни қоронгилик қоплаган маҳал қабристоннинг эрганак эшигини очиб ичкари кирди. Кампир кўр ойдинда эски гўрни қидирди. Бир бурчакдаги ўйилиб тушган қабрни танлади-да, белкуракни ажриқ ичига яширди.

Ойқиз кампир илгакда турган фақат азаларда киядиган тундай қора жегдасини олиб кийди, бўхчага тахтлаб қўйилган эрининг кийилавериб, титифи чиққан кўйлагини жегданинг кенг чўнтағига солди. Узоқ йиллардан бери азизу авлиё қилиб сақлаб келган зилдай оғир тугунни қўлтиқлади.

Рутубатли осмон Ойқиз кампирга яқингинадан кўринди. Ой аллақачон ботиб кетган, булут сузаб кетаётган кечки баҳорнинг туни ҳали салқин, яккам-дуккам кўкдаги юлдузлардан тўкилиб турган ёфду қоронги тун билан тортишиб-талашарди. Ойқиз кампир томча олдига келгунча ҳарсиллаб, толиқди. Ажин қоплаган пешонасидан реза-реза тер қўйилди.

У томчага янада эҳтиёт бўлиб, оёқ учида яқинлашиб келди. Яқингинадан хуррак овозини эшидти-ю, юрагида хотиржамлик ҳисси балқиб чиқди. Ойқиз кампир чўккалаб, синчков разм солди. Пўлат чўтирнинг ориқ, бироқ давангир гавдасини таниди. Кампир тугунчани очди. Пўлат чўтирнинг ажали деб аввайлаб сақлаган қиррали қора тошни чиқарди. Ойқиз кампир Пўлатнинг бош томонига биргина сония тик турди ва қўлидаги тошни боши узра баланд кўтарди-ю, фанимнинг қоқ миясини мўлжалга олди...

Тошнинг бошни ёриб тарсиллаган овози кампирни сескантириб юборди. Ойқиз кампир жойидан бир қалқди, боши айланиб, қора тун чайқалиб кетди. Чорпояни маҳкам тутамлади. Кўз олдида Пўлат чўтирнинг гавдаси бир силтанди-ю, тинчиб қолди. Ойқиз кампир шошилди, жегдаси чўнтағидан эрининг кўйлагини чиқарди-да, Пўлат чўтирнинг қонига бўяди.

Ойқиз кампир қабристон томон ҳаллослаб кетаркан, кўзларидан олтмиш йилдан ошиқ алам ва изтироблардан сизиб чиқаётган интиқом тантасининг шўрттак ёшлари ажинли юзларини юварди.

У мўлжаллаб кетган очиқ гўрга Пўлатнинг қони билан бўялган кўйлакни ташлади-да, устига тупроқ тортди...

Ойқиз кампир ўша куни оёқдан қолди. Буни у ўзигагина маълум бўлган воқеа сўнгидағи Яратганинг кўрсатган инояти, деб тушунди. Энди ҳаммаси барҳам топди, ўлим каби ҳар нарсанинг поёни ҳақ. Мулла Эрназарнинг қошига у виждони осойиш топганча боради энди, унинг нур балқан юзига тик боқади.

Ойқыз кампир тұшагида, бутун вужуди қулоққа айланиб ётарди. Дүңгликдан әшиналажак фарёдни кутарди. “Хадемай аёл-эркак чуввос солади. Иrimиға бұлса-да, овоз чиқаришади. Мусулмончиликку, ҳарқалай”. Кампир шуларни үйларкан, бетоқат бұлғанча уф тортди. Бирок қишлоқнинг сокинлиги унинг ҳайратини оширап, сабри чидамасди. Кося күттарған құшни келин шошиб келарди. У узумзор қоровулини аллаким бошини мажақлаб кетгани, үғиллари хабар топиб касалхонага олиб кетишганини құрқұв билан айтди. Ойқыз кампир бу хабардан бақрайиб қолди. Қулоқларига ишонмади. Ичидан алланима чирсиллаб узилди. Хотиржам нигоҳлари құрқинчли ва таҳликали чақнади, беихтиёр ингради. “Тирик?! Тирик?!” деган ботиний нидо пажмурда танани зирқирадиб юборди.

Үзи билмади, Ойқыз кампир яна қанча күнлар ётди. Балки ойлар ҳам үтгандир. Ёз бошланиб, тирик жон ўзини кундуз сояга, оқшомлар ўрнини далага күчирадиган маҳал келди. Құшни келин Ойқыз кампирга уй орқасига жой солди.

Кампир уйқусиз күзларини құкка тикканча, хаёллари таҳликали қисматига қоришиб кетганча ғамгину мустағриқ ётарди. Ва шу маҳал у нимадандир сесканиб кетди. Тушимиidi, ўнгимиidi? Наҳотки күзи илди унинг. Қулоқлари остидан, яқингинадан ғалати товушни әшиитди-ку ҳозир. Товуш ростдан ғайриоддий эди. Ваҳимали эди. Товуш телбавор айқириқ эди. Кампир жон ваҳмида ёнбошига ўнгарилди, фарёдмиди, кулгимиidi у, англаш қийин бұлған бу овоздан кампирнинг юраги орқага тортди. Бор кучини йиғиб құлларига таянганча гавдасини күттармоққа тутиндиди. Негадир у яна ўша құрқинч ва

даҳшат қоришиғидаги товушга истак сезар, ўрнидан туришга талпинарди. Шу кез ҳовлиниң шовшаган даричаси очилди. Кампир илкис қаради. Құшни келин унга яқын келди. Унинг ранги докадек оқ эди.

— Момо, деди ҳансира. — Ҳалиги товушни әшитдингизми? Ұша... боши мажақланган қоровул бор-ку, дүхтирдан тузалиб қайттан экан... лекин...

Құшни келиннинг гапидан кампир соғлом пайтидаги каби жон ваҳмидә иккала құлиға таянғанча муштдек жуссасини тик тутди ва титроқ товуш билан:

— Кейин, кейин-чи? — деди сабрсиз. Құшни келин шошқылаб кампирни суяркан, унга ҳайратланиб тикилди.

Кампирнинг қүрқинч ва таҳликали үйнаб турған қорачиқларини күрди-ю, сесканиб кетди.

— Ұша одам ақлдан озғанмиш, — сүзида давом этди лаблари титраганча. — Дүхтирларнинг айтишича, бошидаги жароҳатининг касри экан. Жиннихона ҳам қабул қылмабди. Ұғиллари уйига панжара қуриб, қамаб қўйғанмиш, ош-нонини ҳам ұша ерда берармиш. Юзларини юлиб ташлаганидан қўлларига латта боғланган дейишади. Ҳожат жойи ҳам ұша уйчада экан. Худо кўрсатмасин, нажас ҳидидан оғизларини боғлаб овқат олиб бориб берарканлар...

Ойқиз кампир құшни келиннинг кейинги гапларини әшитмади. Қимтилган лаблари бир нималарни пицирлади. Құшни келин кўмагида жойига чўзилди. Орадан бир оз фурсат ўтиб яна ұша ҳайқириқ қишлоқни ларзага солди. Бироқ буни Ойқиз кампир әшитмади...

Эртаси Ойқиз кампирни сўнгги йўлга кузатиши. Қўргонтоғ энишидаги қишлоқларда ёши каттадан энди битта одам қолди. У ҳам бўлса...

АРВОХ ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Қишлоқ аҳолиси сувли ерга күчиб кетгандарига ҳам бир неча йиллар бўлган. Ҳозирги вақтда қишлоқнинг эски ўрнидаги ёғочлари бузиб олиб кетилган уйлар вақт ўтиши билан нураб, болалар уруш-уруш ўйнайдиган чордеворларга айланган. Харобага ва ўт-ўлан билан қопланган илон изи сўқмоққа туташиб турган қишлоқ қабристони ёнида одамлардан ёдгорликдай қолган кўхна ҳовли тартибсиз ўсан қуюқ сербута ва улкан дараҳтлар қуршовида афтода бир кўриниш касб этган. Мен қачонлардир эшитган, ғаройиб сир-синоат ва мавҳумот кўп тенгқурларим ёхуд қишлоқ аҳли сингари тинчгина ва сокин хаёл суриб ўтишимга халал берар, баногоҳ юз бериши эҳтимоллиги бўлган инсон тафаккуридан йироқ ва лекин аёнлик устивор ҳодисалар мени ўз измидан холи қолдирмас, юрагимни кемирган ҳамда тинчлигимга рахна солган арвоҳ ҳақида эшитганларим барча ширин ва тотли ўйларимни чилпарчин қиласарди.

Ҳовли қабристоннинг ёнгинасида бўлиб, ҳозирда атрофини ўраб турган деворнинг бир маҳаллар пахсадан ўта уқувсизларча тикка қилингани, янтоқдан қўйилган пардаларнинг бутунлай чириб битгани, деворнинг яроқли жойидан кўра, кемтик ерларининг кўплиги ҳовли кўринишини янада ҳаробликка кўмар, шохлари узоқ йиллар тартибга солинмаганлигидан, тарвақайлаб кетган қари тут новдалари шунчалик зич ва бетартиб эдики, кўчадан ўтаётган ҳар қандай одам ҳовлидаги кулбани бир қарашда пайқаб олиши амри маҳол эди. Хароба ҳовли ичидаги кичик кулбада эса бир пайтлар кимлардир истиқомат қилганидан дарак

бера оладиган жиҳатлари деб мана буларни айтса бўларди: тавақалари бутунлай шовшаган, кўримсиз ва жуда эскирган дераза ва унинг синган шишалари ўрнида униққан, ҳилвираб чириган, сарғимтири ма то, эски ва шунчаки йўлига чекиб қўйилган нурсиз ва одми нақшли, алмисоқдан қолган эшик, уй олдида тўкилай деб қолган тандир ва ўчоқ...

* * *

Таътилга қелганимнинг учинчи куни. Ёз узун ва жазирама. Лоҳас кайфият танани толиқтиради. Кеч бўлиши қийин. Мен оиласидан кичиги бўлганим учун, акаларим уйланиб, опаларим турмушга чиқиб кетишган. Ёлғизлик дарров ўз кучини кўрсатади. Зерикиш ёв каби беаёв.

Дўнгликка чиқиб уфққа тикиламан. Қуёш уфққа ёнбошлайяпти. Бир оз салқин. Атроф сўлимлашган.

Кеч кириб, жойга чўзиламан, ҳадеганда ухломай, кўкка термилиб хаёл сураман. Шунда яна ўша ташландик ҳовли кўз олдимда бутун бўй-бости, сир-синоати билан бўй кўрсатади. “Зиқналиги ва бадфеъллиги туфайли оиласидан мосуво бўлган хонадон ҳожаси... Ошнаси томонидан аёвсиз қатл қилинган мурданинг кўчага тарқаган бадбўй ҳиди. Барчанинг тинчини бузган мудҳиш қатл. Узун тафсилотлар. Безовта ва чирқираган рух, аламзада арвоҳнинг бот-бот ташрифи, тунлари уй ичидаги кўринаётган шуъла, қотил ташрифи ни кутиб ётган шарпа интиқоми ва исён!”

Қишлоғимга қадам қўйишим билан ҳар гал бу мудҳиш ва мавҳумлик уфурган воқийлик мени қучоқ очиб қаршилайди ва мен барча ишларимдан кўра бир муҳимлик ҳамда заруратнинг этагини тутаман — йўл қолиб, атайин ўт-алаф билан қопланиб ётган сўқмоқдан одимлаб бораман, ҳароба ҳовли томон

нигоҳларимни зўриқтириб қадайман, нобакор сир янчилиши учун, мени мавҳумлик гирдобига отган, шубҳалар, гумонлар, рӯёлар ҳужумини фош қилишим учун ўз-ўзимни даъватга ундейман.

Мен бу кеч туннинг зулмати, ҳадик ва қўрқувларга бош эгмаган кўйи, қабристон биқинидаги ўша харобага ташриф буюришим керак. Ва юрагимга уя соглан ҳар қандай ҳадик, қўрқув ва ишончсизлик устидан ғолиблик яловини кўтармоғим керак. Мен ана шу тадорикка шай турибман. Ва уйдагиларни уйфотиб юбормаслигим учун оёқ учида, оҳиста юриб боряпман.

Хароба ҳовли тун қўйнида қорайиб кўринади. Ёнгинамдаги қабристон ҳар қачонгидек сокин. Қабрлар устини қоплаган ўт-ўлан ва ўтган йиллардан қолган чирик янтоқларнинг тиккайиб тургани фавқулодда қабрлар устидан чўнқайган қандайдир мавжудотни эслатади. Ёз фаслининг фақат юлдузларгина хира нурларини тўкаётган қоронғи туни қўйнида қабристоннинг қуи қисмидаги улкан дарахтлар ва буталарнинг қорайган важоҳати бутун бўй-бости билан устимга эгилиб қараётгандай. Тун қушларининг ваҳима солувчи ғайриоддий чин-қириғидан вужудим бир лаҳза музга эврилгандай яхлайди – бехос ўша жонзор потирлаганча бошим узра қуюн каби ўтади. Мен шошиламан, қўрқув ва ваҳималар салтанатидан нигоҳларим, ҳамда шууримни айраман. Барibir буларнинг ёқимсиз таъсирини сезаману этим жимирлашгандай бўлади. Аста-аста эшитган воқеаларим, мавҳумликлардан сизиб турган нохуш ҳодисалар таъсири мутаассир ҳолатимни кучайтирганча борлиғимга сесканиш каби ёқимсиз сезгини уйфота бошлайди. Бундай вазиятдан тезроқ чиқиб кетиш шарт деган далдани

қидираман. Ва ўйлай бошлайман: бу оддий рүёва алдамчи рухият холос, бор-йўғи булар мен ҳар қадамда учратишм мумкин бўлган оддий кўринишлар, риёкор шарпалар, бу чарчоқ ва иродамнинг толиққанлиги, ҳаётда фақат енгил-елпи нарсалар билан овора бўлиб, бундай ҳолатларга тушиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган оддий вазиятнинг дафъатан ёхуд бевосита мен билан тўқнаш бўлиши. Ва мен рухиятимдаги иблисона қутқуни қувиш ҳамда ўзлигимни тиклаш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қиласман. Ёшликда емиш-хашак мавсумида бир неча бор, ҳар қадамда йиртқичлар ғажиб кетиши мумкин бўлган овлоқ, кимсасиз тоғ этакларида ёлғиз, қоронғи кечаларда қолиб кетган вақтларимни хаёлан жонлантираман. Бу ҳаракатим вужудимни қийнаб, тузалмас дард каби менга ёпишиб олган алдамчи рухиятга қувғин беради ва мен аста-секин ўзимни ўнглай бораман. Ниҳоят ички қониқишининг зафарли чеҳраси юз кўрсатади.

Мен қабристонни четлаб хароба ҳовлига яқинлашаман. Тўкилиб тушган пахса девор кемтигидан ошиб ўтаман-да, ўша тарвақайлаб ўсган дарахтнинг сербута ва бетартиб ўралиб ётган новдалари орасидан бутун зеҳнимни ишга солиб, кулба дераза ва эшигига дикқат қилиб қарайман. Яна менга рүё ҳужум қила бошлайди. Юрагим алланарсадан дафъатан ҳаприқиб кетади. Наҳотки ҳаяжоним шу қадар зўр?! Ҳаяжон ҳам инсонни аксарият чалғитувчи ботиний сезги эканлигини яхши тушунаман. Бунга табиатен босиқлигим ёрдам бергани учун бу саробга парво қилмайман. Ахир, менинг қўзларим ўткир. Ўткир! Қаранг мен ўша чакалак сингари ўралган тартибсиз новдалар орасидан хира бир нурнинг қийналиб, сизиб чиқаётганини кўряпман. Бу ҳеч қандай рүё

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ёки сароб эмас, бу эътиқод – ишончнинг яққол ва тиниқлашган бир кўриниши. Теран таажжубларим зўраяр, бу ойнаи жаҳондаги ажойиб сериалларнинг давомини нечоғлиқ қизиқиши билан бетоқат кутаётган лаҳзалардан ҳам ўн чандон зиёдроқ. Ана, ана деразанинг сарғиш пардасининг бир учини сурганча аллаким идишдаги суюқликни тўкяпти. Ҳатто ўша суюқликнинг ерга тўкилаётгандаги овози ҳам яққол эшитилмоқда. Бу одамлар айтиб юрган руҳми? Руҳ бу – рӯё, руҳ – сассиз шарпа. Мен ахир овозни эшитдим!

Кейинги кўринишни кутардим. Ўтган саҳна мисоли оддий бир томошанинг ибтидоси эди, холос. Мен ўзимни тўлалигича босиб олиб, барча қутқу ва қўрқувларни тиз чўқтириб олганимдан кейинги эркин фикрлаётганим ўзимга ҳам наъша қилаётган эди. Таассуфки, менинг бетоқатлик билан кўраётган томошам охирига етган, ўша хира ва жонсизгина нур энди кўринмасди... Воқеанинг давомини эртага қолдиришдан бошқа иложим йўқ. Ахир, ким бўлмасин, охир-оқибат бу қароргоҳдан ташқарига чиқиб, бирор юмушга қўл уриши муқаррар-ку!

Уйга келгач ҳам табиийки, ўша руҳият билан яшадим. Бир сафар “Бош ва орқа миянинг асаб тизимлари” фанидан бўлган имтиҳон олдидан шундай ҳолатга тушганимни эсладим. Ўша қаттиққўл, доимо қовоғидан қор ёғиб юрадиган домланинг салобати ва эртанги синов кўз олдимдан кетмаган, тонг отгунча уйқуни қувлаб, бесамар тун тонгга улангани ёдимга тушди.

...Саҳармардондан кулба олдига келдим. Қабристон ва атроф сукунат оғушида... Аммо бир қадар жонланган. Тоғ томондан эсаётган ёзнинг майин шабадаси ва тонгнинг юзни сийпаловчи мусаффо эспикини

ёқимли. Мени кеча тунда қўрқитган қуюқ сербарг дарахтлардан энди тўргай, булбул ва яна аллақандай қушларнинг овози ёқимли эшитилади. Шу пайт... Менинг тикилишимни кутиб тургандай, эшик се-кин, тақиллаганга ўхшаган овоз чиқариб очилди. Мен дарҳол худди бирор номақбул ишим устида тутиб олаётгандай чекиндим. Кимдир назаримда мен турган томонга кела бошлади — вужудимдан совуқ тер чиқиб, ўта тоқатсизландим. Қадам товуши аввал бир зум тингандай бўлди ва хайриятки, мендан узоқлашаётганини сездим. Қадам товуши охири менга эшитилмай қолгандан сўнггина, қарашга журъат қилдим. Мендан анча нарилаб қолган, шошилганча кетаётган эркак кишига ҳайратланиб қарадим. Дарҳақиқат, у ахён-ахёнда нимадандир безовталангандек ортига қараб қўяр, яна олға интиларди.

Мен ўйлаган иш содир бўлмади: ўзимча уни асфальт йўлда машина кутиб тургани устидан чиқаман деб ўйлагандим. Бироқ у асфальт йўлдан анча нарилаб, тоғ томонга йўл олганди.

Кундуз, куним одатдагидай ўтди, телевизор, радио, кейин, газета-журналларни шунчаки варақладим. Бир оз мизғидим ҳам. Кеч кирди. Уйдагиларни кўзигагина хонамга кириб радио овозини ҳамма мени радио эшиتاётганимни билишсин учун, сал баландлатдим. Ҳамма уйқуга кетишини кутдим... Ва мен яна ҳароба ҳовли томон йўл олдим.

Бугунги туннинг кўриниши бутунлай ўзгача. Кечаги ваҳимали бўлиб кўринган дарахтлар, нарироқдаги дўппайиб турган қабрлар, нимхира қабртошлар ҳам энди назаримда одатдагидай оддий ва жўн. Мен ҳеч иккиланмай ҳароба ҳовлининг пастак девор кемтигидан қийинчиликсиз ошиб ўтдим-

Турсунмурод ЭРМАТОВ

да, кулбани түсиб турган дарахтга яқинлашдим. Кузатувим учун қулайроқ жой топиш мақсадида атрофга алангладим. Ёнимдаги дарахтнинг бақувват танасига суюндим-да, кулба томон хиёл энгашибрөқ разм солдим. Ажабо! Қаранг... мен кулба ичидан аёл кишининг овозини эшиятпманку! Эҳтиросли ва айни пайтда менинг шууримга сифмайдиган узук-юлуқ сўзлар. Алаҳсираётганим йўқ. Ҳушёрган! Мен батамом тетикман! Ҳайратим нақадар зўраймоқда. Аёл нималарнидир гапиряпти, унинг самимий, сўзлаётгани қулоғимга чалиньяпти, ахир, бу мўъжиза, шу аснода эркак кишининг сўзлари эшитилмоқда, бироқ ҳар қанча уринмай, ҳарчанд вужудим қулоққа айланмасин, аниқ бирор сўзни англай олмайман. Шу зум деразанинг сарғиши пардаси ортидаги эркак кишининг қўллари сояси аёлнинг ёйиқ соchlарини авайлаб силади... Бу ҳақиқий синоат эди! Қишлоқдошларим мени ҳам бир ёлғончига чиқаришар, бироқ энди менга барибир ва мутлақо аҳамиятсиз. Қандайдир руҳларнинг сароб ва бутунлай мавжуд эмаслигини ўзимнинг саъии ҳаракатларим эвазига исботлаётгандим! Ҳозиргина кўрганим ҳеч қандай рух ёки рӯё эмас, эркак ва аёлнинг самимий ва ёки оташин муносабати деса бўлади. Бироқ ким ўзи улар?.. Рости менинг ишим ва кузатувларим ҳозирда аро йўлда десам адашмаган бўламан. Бугун эрталаб кўрган, жон ҳалак кетаётган кимсанинг мақсади нима, мени батамом лол қолдирган хароба кулбадаги хилқат ким?

Эртаси тонг отиши билан бекатга чиқдим ва у кимсанинг шошилиб қелаётганига кўзим тушди. Яна тоғ томонга йўл олганди. Мен қорамақора унинг ортидан боришга аҳд қилдим. Икки чақиримча йўл юргач, адирга томон бурилди.

Үндән анча берида туриб, кузата бошладим. Бир нарсаны аниң тасаввур қилдимки, у кимса гиёх тераётганди. Ана, құлидаги китобга тикилиб қарайпти ва яна эгилиб қандайдир ўт-ўланларни юлиб, түрvasига солиб қўймоқда. Мен ҳеч бир иккиланишсиз жуда яқин бордим. Ёши қирқлар атрофидан булиб, қотмадан келган, кўзлари теран ва ақлли боқарди. Уни хушсурат деган одамнинг ҳақи кетмасди. У менга юзланганида нигоҳларида ҳайрат ва самимият мужассамлигини кўрдим. Худди олдиндан танишлардек самимий саломлашдик.

— Менда ишингиз борми? — деди у кулимсираб, қўлида боядан бери ушлаб турган қандайдир гиёхни түрvasига соларкан.

— Ҳа, ишим бор эди, — дедим, — сизни кузатиб келдим.

Чеҳрасида ҳайронлик қалқди. Мен истиҳола қилардим, дафъатан гапни нимадан бошлашга бошим қотарди. Ва мен ҳеч бир нарсаны яширмай сўзлашга қарор қилдим ва икки оқшомда кечган воқеани унга сўзлаб бердим. Бу ғайриоддий, ижозатсиз ва бирмунча шаккок ҳаракатимдан ҳамроҳимнинг нигоҳларида норозилик аломатлари сезилди. Чамаси, мен уни ранжитиб қўйгандим. Бу ноқулай ва хижолатли ҳолатдан чиқиб кетиш умидида ҳалидан бери миямга чарх ураётган фикримни айтдим:

— Мен ҳадемай врачлик дипломимни оламан, — дедим шошиб. — Асаб тизимлари бўйича. Эҳтимол, сизга ёрдамим тегиб қолар. — Менинг бу гапимдан у ялт этиб қаради ва фавқулодда кўзлари чақнаб кетди.

— Ростданми?! — деди ҳаяжонланиб.

— Икки ойдан сўнг, — дедим ҳийла дадиллик

Турсунмурод ЭРМАТОВ

билан. — Сизга ёрдамим тегиши учун менга бўлган воқеани айтиб беришингизга тўғри келади.

Ҳамроҳим ерга қараганча бир зум ўйланиб турди.

— Сиз менга ёрдам бера олармикансиз? Унинг нигоҳлари умидсиз боқди.

— Биласизми, дўстим, — дея сухбатдошимни ишонтириш илинжида, — кимсасиз харобада яшашининг ўзига яраша муҳим сабаблари бўлиши керак, ҳарҳолда мен шундай деб ўйладим. Зоро, менинг касбимга алоқаси бўлмаган тақдирда ҳам сизга ёрдам беришга тайёрман.

Ҳамроҳим бир зумгина сукутдан сўнг юzlари хиёл ёришди ва менга мамнунлик билан бош қимиirlатди.

— Агар шу сирни билишингиз керак экан, — деди у бир оз ўнгайсизланиб — айтиб бераман. Мен доришуносман, сиз врач экансиз, икки ёрти бир бутун деганларидаи, эҳтимол, бир баҳтиқарони дардига малҳам бўлармиз.

У бошидан кечирган воқеани айтиб берди.

Уларнинг муҳаббат ва иқболга йўғрилган ҳаётлари, саодатли кунларига заққум солган беаёв қисмат зарбалари эди. Эр-хотиннинг мисоли сувсилизикдаги ниҳол каби қуриб-қовжираётгани, интиқлик ва ташналик билан кўз тикаётган зурриёдларининг бирин-кетин ўлик дунёга келаётгани бўлиб, бу қадар уқубат ва андуҳлар икки юракни хавотиру умидсизликка кўмганди. Уларнинг ҳар галдаги умидлари ҳам сўниб, тўргинчи фарзанднинг ҳам дунё юзини кўрмаслиги аёлнинг ҳадикларга қуршалган зада қалбини чилпарчин қилди ва телбалик дунёсига итқитди. Уларнинг шусиз ҳам шам каби титраб турган беҳаловат олами қоронфиликнинг тубсиз қаърига чўкли. У энди аёлининг телбаваш дунёси билан яшашга маҳкум, аёлининг толиққан

руҳи самарасиз муолажалардан чарчаган, энди аёл атрофидагиларни, борлиқни ва ҳатто эрини ҳам кўрарга кўзи йўқ манқуртлик либосини ёпинганди...

Кунлар ўтаверарди ва шундай кунларнинг биррида доришуносга бир шифокор ўртоғи хотинини тинч ва сокин жойларга олиб кетишини ва имкон қадар гиёҳлар ёрдамида даволаш самара беришини тайинлайди. Ва доришунос ўша ўртоғи айтганидек қиласди...

У ҳикоясини якунлагач, бир зум тин олди-да, менга юзланди. Мен ҳам унга тикилиб қолдим. Ҳозиргина ҳикоя сўзлаётгандаги нигоҳларига соя солиб турган андуҳ қаёққадир фойиб бўлган, бир қадар хотиржамликдан чеҳраси хиёл ёришиб турарди.

— Келганимизга мана уч ой бўлди, — деди ҳамроҳим нимтабассум билан. — Ҳозир шу гиёҳлар таъсирида аҳволи яхши, анча ўзига келиб қолган. Менга кеча қўймоқ ҳам пишириб берди!

Шундай дея унинг кўзлари чақнади.

— Қанча пайтлардан буён қишлоқ аҳли бу харобада сирли ҳодисалар юз бериши, хусусан, чироқни аламзада арвоҳ ёқади деб ўйлаб келишган, — дея кулимсиради у. — Ахир, бунақа харобада арвоҳдан бўлак ким ҳам чироқ ёқарди. Унинг юзлари ёришиб, жилмайди.

Мен унинг айтиб берган ҳикоясидан эзгин ва дилгир ҳолат таъсирида турсам-да, кейинги гаплари вужудимда ёқимли бир ҳисни етаклаганди. Ҳамроҳим қўлларини маҳкам сиқдим.

Биз ана шундай яхши кайфият билан хайрлашдик. Мен ҳамроҳимга шаҳарда ишларим борлигини айтарканман, қайтишимда зарурий китоблар ва доридармонларни олиб келишимни ваъда қилдим.

Таътилим бошланганига энди беш кун бўлди.

Дилимга ғашлик ва мавҳумлик солиб турған ҳиссиётдан фориғ бўлгандайман. Рўёлар, арвоҳ ва мавҳумотлар энди йўқ! Бироқ булардан ҳам муҳимроқ иш бор. Еруғ дунёга умид кўзлари билан қараётган ва кимлардандир нажот кутаётган хароба қулбадаги хилқатни азобга соглан касаллик бўйича чуқур изланмоқчиман. Эҳтимол, диплом ишимнинг мавзуси ҳам шу бўлар. Устозларим кўмагидан фойдалана-ман. Дори-дармон, китобларни излаб топаман. Яхши бир одамга ваъда берганман. Уларни баҳтли кўриш мен учун энг қувончли кун. Демак, ишларим кўп. Мен таътилим тугагунча ана шу ишларни қилмоғим керак! Таътилнинг тугашига эса ҳали бор...

ҚОТИЛИМНИ АФВ ҚИЛАМАН

Кишлоқларда ёш гўдакларни ухлатиш учун узун арғамчини икки дарахтга боғлао ясаладиган ҳалинчакни кўрганимисиз? Худди шунга ўҳшаган. Менинг чўзилган қўлларим ва ориқ оёқларим ҳалинчакнинг таҳминан икки учи бўлди. Ана шу икки учдан икки барзанги, йўқ учта эди улар, ахир бири белимдан олди-ку. Уларнинг ҳаракатидан менинг танам чап ва ўнг томонга икки бор ҳавода бориб келди-да, девордан ошиб, гурсиллаганча қабристон ичи-га бориб тушди. Мени ирғитишаётганларида тасоди-фган ҳалиги барзангиларга қарадим ва улардан бирини таниб қолдим. Унинг кўзлари совуқ йилтирас ва даҳшат из солганди. Айни пайтда мурданинг туслига айланган турқидан хурсанд ё тушкун ҳолатини англа-бўлмас, қараашларида совуқлик учқунлари ва ўлим иси из солиб турған ўша баҳтиқаро хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ўзимнинг ўғлим эди.

Мен салгина сархуш ҳолда курсдош оғайнимнинг

тўйидан қайтаётгандим. Вақт алламаҳал, кеча зимзиё. Ҳеч бир кутмаганимда аллаким ортимдан келиб, қаттиқ нарса билан қоқ бошимга туширди ва мен бу кутилмаган зарбадан беҳуш йиқилдим. Кейин у қўлидаги нарса билан нақ миямни нишонга олди. Мен шу заҳоти жон таслим қилдим ва қаттиқ ҳайқирганча ўғлимни чақирдим. Бироқ уларнинг учаласи ҳам орқасига қайрилмай шошиб кетиб борар, фарёдимга парво ҳам қилишмасди.

Жонсиз танам очилиб қолган ўзга бир майитнинг эскирган қабри ичидаги қолди. Менинг қотилим ким? Менинг ўғлим ҳалигиларнинг орасида нима қилиб юрибди? Кимга ёмонлигим бўлиши мумкин?

Оддийгина, камсуқум банда деб биламан ўзимни. Кексалигим ва қасалвандлигим учунми, аксарият хизматдошлар кўпам менга эътибор беришмайди. Майли, ёшлар айтишса айтишаверар, бироқ ўзимдан уч-тўрт ёш кичиклар ҳам менга бобой деб мурожаат қилишади. Мен “бобой” деб чақирила бошланганимга, эҳ-ҳей, қанча бўлди, эсимда ҳам йўқ! Ҳаммасига кўнишиб кетганман. Ёшинг ўтгач, бобой бўласан, ким бўлардинг? Энди бу бўшанг бандадан нима наф бўлиши мумкин, деб ўйласа керак, ҳозирда бошлиқ ҳам йўқламай қўйган.

Маoshим ўзимга етади. Болалар ҳам ўзларидан тиниб-тинчиб кетишган. Хотинимни олсак, уни шаҳарсевар аёллар тоифасига қўшса бўлади. Кўришмаганимизга билмадим, қанча бўлди, балким олти ойлар бўлгандир. У шаҳарда яшайдиган ўзига анча тўқ ўғлимиз, ҳа, ҳа, узр, мен уни ҳали айтганим йўқ, чамаси, мен қабристонга ирғитилаётганимда кўзим тушган ўғлимизницида яшайди. Қўшнимиз ўша шаҳарда хотинимни кўриб қолиб уни бегойимлардай кийинган, олтин-зарга беланиб юрганини айтиб

қолди. Мен ҳовлиқиб: “Айтинг-чи, у мени сүрадими, балки келишини айтгандир” дедим. Құшним менга ғалатироқ қаради ва ҳайрон бұлганча: “Сизни?!” деди ва дами ичига тушди. “Оббо құнглімнінг күчаси, ҳар балони тусайверар экансан-да” дегандай бўлди.

Ёшлигимлан то ўлдирилганимгача бўлиб ўтган воқеалар бир-бир кўз олдимдан ўтаверди. Қаранг, бирор билан сан-манга борганимни эслолмадим. Хотиним билан баъзан айтишиб қолганимизда, ўша ўғлим, албатта, онаси томон бўлар, унинг совуқ нигоҳлари мени тешиб юборгудай бўлар ва баъзан тап тортмай сўкинарди. Болалардан бири мени беҳурмат қилаётган ўғлимга киши падарига бундай муомала қилиш нотўрилигини айтганда, хотиним мени ерга урган ўғлимиzinинг мутлақо ҳақ эканлигини айтиб тилидан зақум сочганди. Хотинимнинг нима сабабдан мени ёмон кўришини аниқ айта олмайман, бироқ шуни айтишим мумкинки, у ёшлигига бир спортчи йигитни яхши кўрган бўлиб, отаси унга бермай, институтни битириб келган дўстининг ўғлига, яъни менга турмушга берганлигидан деб биламан. Гўё мен унинг баҳту иқболидан, ажойиб келажагидан мосуво қилган баҳтиқаро эмишман. Таассуфки, у менинг толишиш тутишим ҳаминқадарлиги учун ҳам ёқтиримаса керак деб ўйлайман. Негаки ойлигимдан орттириб, баъзи эркаклар сингари унга бирор марта қимматбаҳо тақинчоқ ёки бирор-бир тайинли совфа беролмаганман. Лекин мен кўнглімдагини айти қолай, унга нисбатан бошқача фикрдаман, бирга яшасак яхшироқ бўларди, деб ўйлайман, бироқ баъзан бошимга келган ўйдан қўрқиб кетаман. Худонинг ўзи кечирсинг-у, шу ўғлимиzin хотиним бир пайтлар етиша олмаган ўша спортчига ва унинг жоҳил хулқ-атворига ўхшатаман. Ўша спортчининг

турқи таровати күз олдимдан сира ҳам кетмайды. Ҳадеб бу үхашлик менга азоб бераверади. Мен үзимга буйруқ қила оламан ва буни фикратимдан қуваман. Дарвоқе, нега үлдирилганлигим сабабини билиш керак... Эх, шошманг, шошманг, бир ойча бўлди бунга, ўша ўғлим дўстининг тўйига қишлоққа келганида, маҳалла мажлиси бўлиб, мактаб директори мактабнинг нураган спорт залини қайта тиклашда аҳолидан баҳоли қудрат ёрдам сўраганди. Шунда у мактаб директорини қўлидан иш келмайдиган, ландавурга чиқариб, кўпчиликнинг олдида устозини изза қилгани учун ўғлимнинг бадхулқилигини кўпчилик олдида шартта юзига айтгандим. Шунда унинг кўзлари қинидан чиққудек жазавага тушгани, гарчи одамларга эшитарли қилиб айтмаса ҳам мени ҳақоратли сўзи билан “сийлагани” ёдимга келди ҳозир. Ҳа, дарвоқе, ўшанда “ҳавойи пуллар қутуртирибди сени, яқинда бир балога йўлиқасан, үзим бориб керакли жойга айтмасимдан үзингни йифиштириб, ахлоқингни тузат” дея тўғри маънода юрагига қутқу солганимда, мени худди келишолмай қолган тенгдошини уришиб бергандай силтаб ташлаганди. Бир гал унга шу даражага етиб келиши учун қанчалар меҳнатим сингганини эслатиб қўймоқчи бўлдим. Ўша катта шаҳарда ўқишига тайёрланиши учун ётоқхона шовқин ва тартибсиз деб кажбаҳслик қилганида алоҳида ҳовли топганим, эвазига уй эгасининг (уй эгаси қандайдир корхонада ишлар эди) ўрнидан узоқ вилоятларнинг бирида, жазирамада йўл ёқасидаги бегона ўтларни қириб-тозалаб юрганимни, ундан ташқари ўқишига кириб олгунча имтиҳон учун зарур бўладиган адабиётларни қидириб саргардон бўлганим ва ўқиши давомида уни ҳар томонлама таъминлаб

Турсунмурод ЭРМАТОВ

турганимни айтдим. Бироқ унинг ўрнида онаси менга чақчайди, “Бунинг гапини қаранг, ҳеч қанақа оламшумул воқеа юз бергани йўқ, бор-йўғи номукаммал оталик вазифаси бажарилибди, холос” деди. Мен лом-мим демасдан ташқарига чиқдим. Бир оз айланаб қайтиб келганимда ҳали-ҳамон она-бала менинг гўримга ғишт қалашар, ҳали чол бўлишимга анча бўлса-да, бедаво чоллигим ва шумшуқлигимни, ҳар нарсага сассиқ бурнимни тиқаверишимни ҳеч тортинмай вайсанашар, бундай бедавонинг бу дунёда боридан йўғи афзал, дейишдан ҳайиқишишмасди. Мен умр бўйи болаларим деб яшадим, ишладим ва ҳоказо. Очифи, анойироқ кўринсан-да, ўзимга етгунча ўжар ва чўрткесар ҳамда анчагина мутаассир одамман. Ҳаммага ҳам ёқа оламан деб айта олмайман. Ахир, корани оқ дсёлмайман-ку! Очифи, бугун юз берган ҳодисани айтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Каллаи саҳарлаб ижозат ва изн кутмасдан уйга нотаниш бир киши кириб келди. Унинг кўзлари қинидан чиққудек эди. “Ўғлингиз хотиним билан дон олишади, топинг, у ярамаснинг кекирдагини узаман!” дея ўшқирди. Мен ўғлимнинг уйда йўқлигини, умуман, у бу ерда яшамаслигини айтдим. Кўзларидан қаҳр ёғилди ва отилиб уйдан чиқди. Унинг қораси ўчгач, ўғлимни шошилиб қидиришга тушдим. Бир ўргониникидан авжи майшатбозликда излаб топдим ва воқеани айтдим. “Хотинининг ўзи менга осилиб юрибди, сиз бурнингизни тиқманг, ишингиз бўлмасин” дея мени ҳайдаб чиқараётганди, нақ улфатларининг олдида тўғрисини айтдим, “сени ва бўлган воқеани ҳозироқ бошлиғингга айтаман”, дедим. Азбаройи йўлдан қайтариш учун шундай дегандим. Унинг кўзлари ўйнаб кетди. Мени ҳозироқ еб юборгудай,

хезланиб келди, тишлари ғижирлади. Үрмоқчи бўлдими ёки силтаб чиқариб ташламоқчи эдими, қулининг кескин ҳаракатини улфатларидан бири тутиб қолди ва ўша улфати мени эшиккача кузатиб қўяркан, “яхши иш қилмадингиз, энди барибир бу гап бошлиққа етиши аниқ. Ўғлингизни ишдан кетди деяверинг, ўша сиз айтган аёл бошлиқнинг жазмани эди”, деди. Мен бўлсам... ҳали айтганимдай ётибман, бироннинг эскириб, очилиб қолган қабрида. Менга дарров ҳукм ўқилганига ишонгим келмайди. Ҳукм ўша кунининг ўзидаёқ ижро этилди. Билмадим, миямнинг қатифи ўша овлоқда ҳали ҳам оқарганча кўриниб ётгандир. Миянинг қатифини ҳамма ҳам кўрмаган чиқар. Шунда кундуз куни баъзи бирорлар бунинг нималигига ақллари етмай, шунчаки бепарво ўтиб кетишаётгандир. Тўғриси, мен ўғлимга ҳеч қандай ёмонлигим йўқлигини ҳалигина айтдим. Биласизми, бу ҳодисадан, яъни менинг ўлимим воқеасидан кейин бу гапни айтсан асло ишонмайсиз. Афсуски, бу ҳақиқат. Ҳамма оталар сингари мен ҳам ўғлимни яхши кўраман! Ахир, у қўйнимда улғайди. Мен унга бир гал жажжи фонусча сотиб олиб берганим бугунгидай эсимда. Ўша жажжи фонусчани кўриб у шундай қувондики, ишонасизми ўғлимнинг бу шодон ҳолатини, ҳатто, тушларимда кўриб чиққанман. Уни уч яшарлигида, гулларнинг ичидаги тушган фотосуратини ҳозир ҳам сақлайман. Ҳали айтганимдек, мен уни борйғи бу йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Қайси ота ўз жигарпорасига ёмонлик соғинарди? Мен ҳам шуларнинг бириман. Ҳадемай, билмадим неча кун ўтиб, ситила бошлайман, ёхуд одам ўлигининг ҳиди жуда бадбўй дейишади, ҳидим атрофга ёйила

бошлайди. Масалан, сиз, кимнингдир йўли шу яқиндан тушмаслигига кафолат бера оласизми? Қизиқсиниб бирорта ўтиб, мени... қўрса ёки бўлмасам шу кунларда йўқолиб қолганимни бирор билиб қолса-чи? Бу нақадар хавфли ва таҳликали! Негадир шу кунларда қабристонга ит ҳам, шоқоллар ҳам йўламай қўйишган. Мен тинчгина ётибман. Бошимни мажақланганини ҳисобга олмаса ҳамма ёғим бус-бутун. Атрофда асабни қақшатувчи соқинлик, шу қадар сукунатки, гўё барча кечаю кундуз уйқудан бошини кўтара олмаётгандай. Бирор билан бирорвинг заррача иши йўқ. Гўё борлиққа лоқайдликнинг совуқ изфириллари кезиб юргандай. Мен ҳам тинч ётибман, аммо бир нарса мажақланган миямга тинчлик бермайди. Бу ерда ётганимни нима бўлганда ҳам бирор билмасин дейман. Билишса, албатта қотилларимни топишиди. Ахир, уларнинг бошлифи... Тўғриси, жонсиз ётган жисмим садосиз, забоним ўлик, буни айта олмайди. Айта олганда тилим ва жисмим ловуллаб ёнади, борлиққа ўт кетишини асло истамайман. Мен отаман, ахир!

БАШОРАТ

Элбурутдан кураш бўладиган сайхонликка қурортган қишлоқ кексаларининг гап-гурунглари авжланиб борарди. Мойли оқсоқол ўтирганлардан ёш жиҳатдан кичик, соқол-муртига ҳали оқ ораламаган Холча эшонга гап қотди:

— Тақсир, одамларга бизнинг ўғилни сайловда маҳалла раислигига ўтолмайди, деган экансиз, қаранг, башоратингиз тўғри чиқиб, у қолиб Усмон малимнинг боласи сайланиб кетди. Бу кароматингизими, нияtingизими?

Мойли оқсоқолнинг зарда уфурган калимаси Холча эшонга айил ботса ҳам ўзини босди, индамай қўя қолди.

— Эшоним, — дея гапни илди Мисир чойхоначи, — саводингиз жойида, кароматпеша одамсиз, қайси йил апрель ойида қор ёғиб, мева-чевани совуқ уришини айтгандингиз, ҳақиқатан ҳам шу ҳодиса бўлган эди. Фойибингиздан овоз келадими дейман?

Холча эшон бу гапдан бир қўзғалиб олди.

— Бунинг ҳеч бир кароматли ери йўқ, — деди ва аввал Мойли оқсоқолга, кейин Мисир чойхоначига бир-бир қараб олди. — Яратганинг немати — инсонга ҳам, об-ҳавога ҳам зеҳн солинса, ёхуд воқеян ҳисоб-китоб қилинса, аён бўлаверади. Бунга кароматнинг ҳам, башоратнинг ҳам ҳеч бир алоқаси йўқ, тақсирлар.

— Эшоним, яна бир башорат қилинг бугун, — дея гап олди Карим қўса илжайганча. — Бугунги қўйиладиган түяни ким олади, Эшниёзми ёки?..

Холча эшон бу саволга бир зум ўйланиб қолди-да:

— Мен Худо эмасман-у, бироқ... — деди-да, жим қолди.

— Гапни бошладингизми, давом этинг-да, эшон, — деди Мойли оқсоқол силтаниб. — Ичингиздаги нима деб ётибди, айтинг!

Ҳамма муҳим бир сирдан воқиф бўлиш илинжида сабрсизлик билан Холча эшоннинг оғзигатикилишди.

— Эшниёз половонинг кураги ерга тегмаган ҳали... — дея Холча эшон хаёлига келган ўйни айтишга журъатсизланиб турди. Бироқ яна бошига ёғилажак маломатдан юраги безиллади. — Оқчовалик Жобир келган дейишди, — давом этди Холча эшон, — унга Эшниёзнинг бас келиши мушкул, Жобир Эшниёзни йиқитади бугун.

— Ҳа, әшон, — деди Райим барлос им қоқиб. — Ҳар доим Эшниёзни мақтаб-сийлаб ўтиардингиз, бугун гап бошқача, кечаги Нурмуроднинг курашида олган солимидан ташлаб ўтмаганми дейман, гапингиздан құланса ис келиб турибди. Шу экан-да оқибат.

— Сенинг хабаринг борми, йұқми, барлос, — дея гапта қүшилди Түйчи қассоб кулиб. — Эшоннинг ўғил уйлантириш түйига, пиримизга битта құчқор атаганим бор, деб юриб эди Эшниёз. Кұрасан, айтаман ҳали Эшниёзга, сен тұғрингда әшон фалон деди дейман, кейин құчқор тугул, құчқорнинг құлоғини ҳам уплатмайди.

Давра күчгудай күлгі күтарилди.

— Нафсингиз тиртаймай қолинг, үлдингиз энди, әшоним, құчқор ҳам кетди, Эшниёзнинг ихлоси ҳам, — деди Мойли оқсоқол хохолаб. Холча әшон гапирмади, бир хұрсиныб, атрофға журъатсиз аланг-лаб құйди-да:

— Ҳа энди... тилга келганини бир айтдик-да, — деди, — боринг ана, гапимизни қайтариб олдик. Бундан бу ёғи айтмаганимиз бўлсин. Эшниёз полвон йиқитсин. Нима бўлса ҳам Халил бойваччанинг солимга қўйган туясини шу олсин. Бўлдими?

— Бу гапингиз бошқа бўлди-да, тақсиrim, ҳар на бўлса ҳам яхши ният қилинг, — деди яна кимдир. — Ҳарқалай Эшниёз ўзимизники.

Бу пайтда сайхонлик томон оломон оқиб келаверди. Дўнглик турли-туман, катта-кичик машина, трактор, от, эшакка тўлаверди. Қифтлари бир қулоч полвон йигитлар, устоз, ёру дўст, шотири қариндошлар қуршовида, алп келбатларини элбурутдан улусга кўз-кўз қилмай, бир қадар қисиниб-қимтинишиб, тиззалашиб давра эгаллашаверди. Ҳалиги сухбатдошлар бир-бирига сездирмай, Оқчовалик пол-

вонга қизиқиб, күришга ҳавасланиб турганларини бирөвгә билдирмай, билдирса Эшниёз полвонга ҳурматсизлик бўлар, деган андиша билан кўз остидан Жобир полвонни ахтаришиб-излашаверишиди.

Холча эшон яна анча эрмак бўлиши тайин эди. Даврага шу кез шивир-шивир, ола-ғовур ўрлади. Орқароқдан бир билгич:

— Ана, ана, хув олача тўннинг ёнбошидаги қоруви жигит Жобир полвон бўлади, — деди ҳовлиққанча. Холча эшон ялт этиб ўша томон қаради, қаради-ю, беихтиёр: — Ҳа, Жобири шу бўлса, Эшниёзниң иши чатоқ, — деб юборди. Шусиз ҳам тутаб турган Мойли оқсоқол Холча эшонга еб қўйгудай тикилди.

— Ҳой эшон, — деди бўзариб. — Жобир энангизнинг бош боласи бўлса ҳам жим ўтириңг, фаришталар яхши гапга ҳам омин дейди, ёмон гапга ҳам!

Холча эшон бу ерда қур тортган қишлоқдошлардан энг ёши кичиги. Қишлоқда бир пайтлар Хол деган отдошлар уч киши бўлиб, Холча эшон ёши ҳам жуссаси ҳам қолган иккисидан кичиклиги боис шу ном билан аталиб қолган. Хол улғайиб, эл танигач, отаси Ҳасанхон эшоннинг нуфузи олдида Холча деган ном унга хийла аянчли ва кулгили туюлар, қишлоқдошлар, айниқса, кексалар ўртасида эшон номига Холчанинг тиркалиши камситилишдек оҳанг касб этар, бу илтифотсизликдан Холча эшоннинг алами келар, шундай дегувчилар гарчи оқсоқол бўлса ҳам Мойлига ўхшаган нописандларни юрагида чексиз нафрат билан қарши олар, ўзидан анча ёши кичик бўлса-да, ҳар-ҳар замон, олган солимидан бирор нарса илинувчи Эшниёз полвонни ўзига яқин олар. яхши инсон, жўмард бир одам мисолида кўрарди.

Ҳасанхон эшон уруш йиллари Оқчова деган юртдан кўчиб келиб, бу ер аҳли орасида диний илмдан

тузукроқ хабари бор, тақводор киши бўлмаганлиги сабаб одамларга керак бир инсон сифатида қадр топганди. Ихлос – халос дегандай, кўз теккан, сух урганларни ўқиб, куф-суф қилар, никоҳ қийиш, жаноза ўқиши каби шариат ишларини уддалар, аслий пири-муршиидларидан хабарсиз қавмларга пир бўлишликни ҳам бўйнига олганди. Таассуфки, ундан бўлган фарзанд минг чиран масин отаси каби эл ичидаги қадр топмади. Отасидан савод ўрганди, китоб мутолаа қилди, беш вақт намозни унумтади, эл ўртасида тузуккина амри маъруф ҳам қилди. Бироқ нимаики қилса ўзига қилди. Ёшлик қилибми, фўрлик қилибми, наана-настқамда, биринкита бесарга қўшилиб, ҳазми таом баҳонасида шайтонсувдан истеъмол қилиб юрди. Бу элга гап-сўз бўлишига сабаб бўлиб, нуфуз ҳам ҳаминқадарлигига қолди. Холча эшон бундай ўйламасди. У нафаси ўткирлиги, мулоҳазаси, фикрлаши, саводи, бир нарсани олдиндан пайқаш хусусияти падаридан кам эмаслигидан далолат берар ва бунга ҳар қачон имон келтиради. Ул макруҳ ишдан аллақачон воз кечган, ҳазар қиласиган даражада бўлса-да, улус ишончи ўша-ўша мавҳум ва машъумлигича қолганди. Ҳозир ҳам даврада бор-йўғи хаёлига келганини айтганди. Кўз олдида Эшниёзниң мағлубияти, унинг тушкин ҳолати бот-бот юз кўрсатарди.

Холча эшон хаёллари қуршовидан чиққанида аллақачон кураш бошланган, кўз ўнгидаги бачки полвончалар ўрнини катта полвонлар эгаллаган, давра гувраниб ётарди. Ниҳояти пландаралик бир полвонни мағлуб қиласиган Эшниёз полвон ердан товоқни кўтарди. Бир он сукунат чўкди. Эл кутганидек Жобир полвон даврага чиқиб келди. Полвонларнинг бургутники каби нигоҳлари бир лаҳза тўқнашди.

Икки азамат силкиниб-силкиниб бир-биридан нарилади. Белбоғлар сирилиб, қадди басты керилиб, құлларни ҳұллаб-хұллаб, құлларни үйнаб-үйнаб, ҳар бири бошқа бир жуссага әврилди: әл күзіда бир қадар катталашиб кетган каби, кийим-бошлар торайған мисол. Баковул полвонларни яқынлашишига имо қиласы. Холча эшоннинг хаёллари узоққа учарди.

Жобир полвон Холча эшоннинг падари юртидан. У ерларнинг аёллари йирик бұлади, деб ҳикоя қиласы отаси. Мабода үшандай оналардан дунёга келган фарзанд олишгир, полвон бұлиб етишса, үндайларни йиқиб бұлмас, дегувчи эди. Эшниёзнинг ҳали кураги ер күрмаган. Холча эшон ҳам ҳали Жобирни күрмагунча, уни эшитмагунча бу ўрада Эшниёзча полвон топилмас деб юрарди. Энди күрса... “Бу Эшниёздан қурби зиёд-ов, бу қоя юксакдир-ов” деган душман хаёлдан беихтиёр озорланди.

* * *

Кураш шиддат қамровида эди. Полвонларнинг яланг шилликларга урган қоқмаларининг қарсиллаган овози томошабиннинг гувранишига сабаб бұлар, үтирганлар ихтиёrsиз туриб кетишарди. Полвонлар қўйиб-қўйиб олишаверди. Юлиб-юлиб олишаверди. Олиш ўн қафасдан ошиб борарди. Дафъатан кимдир “Ё пиrim” дея ҳайқирди шу маҳал. Бу наъра арслонники эди худди. Бу наъра заминни зириллатганди гүё. Оломон ҳайқирарди, борлық гувранарди. Алҳазар, полвон оёгининг бош бармоғи рақиб болдирини темир каби йиртиб, қонатиб келарди. Гурсиллаган мудҳиши сас даврани тутди. Холча эшон кўзларини юмди... Пичирлаб дуо ўқиди. Бир лаҳза үтиб, қўрқа-пуса кўз очди. Давра гувраниб

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ётар, Жобир полвон Эшниёз полвоннинг қўлларини тутганча ердан тортиб турғазарди. Ҳайқириқ ичидан кимдир Холча эшоннинг қулоқлари остида фижинди.

— Энағар эшон, муродингга етдингми? Ниятинг ёмон эди сен келгиндининг!

Холча эшон Мойли оқсоқолнинг юзига қарамади, ўрнидан турганча даврадан чиқди.

* * *

Эшниёзниң мағлубиятига гүё Холча эшон сабабчи эди. Яна бир маъракада Холча эшонга, “одам деган яхши ният қилса-да”, лейишиб дардига дард қўшди. Бу маломат Холча эшоннинг худди бошидан муздай сув қўйди. Руҳи лат еди. Кун ўтмай қўчада Эшниёз полвонни учратди. Эшниёз полвон мийифида кулди.

— Эшоним, бизнинг йиқилишимизни эл олдида башорат қилган экансиз? — деди киноя билан. — Жобирни қўллабсиз. Минг қилса ҳам юртдош-да. Келгиндилигингизга борибсиз-да. У мени фирром ютди.

Буниси Холча эшонга ўлганинг устига тепган бўлди. Буниси Эшниёздан олганларига писандада бўлди. Холча эшон титраб кетди. Сабр косаси синди.

— Полвон, Жобирга кучингиз етмайди, — деди қатъий. — У билан энди довлашиб юрманг, бефойда.

Эшниёз бу гапни ҳаммадан кутса ҳам Холча эшондан кутмаганди. Бир зум караҳт қолди. Эшниёзниң бармоқлари асабий титраб туар, ғазабнок қораҷиги нафрат сочарди.

— Исботлайсан, ит! — деди муштлари тугилиб. — Келгинди мутттаҳам!

Холча эшоннинг ғурури топталди.

-
- Исботлайми?! — деди қақшаб.
 - Исботла!
 - Үнда онангиз билан күчада туринг, — деди Холча эшон, — бир ерга борамиз. Үзим машинамда олиб бораман.

* * *

Улар узоқ йўл тортишди. Оқчова қишлоғига етиб келгач, Жобир полвоннинг уйини сўроқлаши. Ҳовлига яқинлашиб бир ўтгувчидан сўрашди.

- Жобир полвонники шуми?
- Шу, ана, Жобир полвоннинг энаси, — деди ўтгувчи, — нон ёпаяпти.

Ҳовли катта эди. Ҳовли деворсиз, дарвозасиз эди. Ҳашаматсиз, оддий пахсадан кўтарилган уй ёнидаги тандирхонада фавқулодда улкан бир аёл ерда ўтирган ҳолда нон ёпарди. Эшниёзнинг кўзлари катта очилган, лол бир кўринишда аёлдан нигоҳларини ололмас, уларнинг учови ҳам ҳайрат қуршовида қолишганди. Эшниёзнинг онаси негадир ўзига бошдан-оёқ ихтиёрсиз разм соларди. Эҳтимол, аёл биринчи бор ўзининг хийла қорувли жуссасини бошқа бирор билан солишириар ва бундан ҳайратланар эди. Аёл ногоҳ уйқудан уйғонгандек ўзига келди-да:

- Сенинг йиқилишингга, Жобирнинг йиқитишига ким сабабчи эканлигига ақлинг етдими, болам,
- деди оҳиста. — Ахир, бундай аёл туққан ўғлонни йиқиб бўларканми?

Эшниёз маъюс ҳолда турарди. Унинг вужудида виждон қийноғи бош кўтарган, ёнида турган Холча эшоннинг кўзларига қарашга журъати етмас, фақат унинг қўлларини беозоргина сиқиб турарди.

БУНИ ИШҚ ДЕЙДИЛАР

Мұхаррам опамнине ёрқин хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

Үшандың олти ёшда әдим. Тутинган опам Ойгүлнинг түйи бұлаётган әди. Катта болалар поёндоз тортиш учун ҳозирланиб айвонга үтәптилар. Енг шимаришиб, үлжага ташланмоқчи бўлган лочиндай шайланишган. Бу ишда ҳамишагидай бизнинг маҳалланинг йигитлик шамойиллари уриб қолган катта болалари боши-қоши. Поёндоз тортишнинг якуни мабодо жанжал билан тугагудай бўлса ҳам бу иш шуларнинг иши бўлади. Бир парча лаҳтак азизу мўътабар. Лаҳтак текканлари боши узра баланд кўтариб қичқиришади. Қўзига суртишиб, катталардан юзлари қамашмай “биз ҳам хотин олайлик, катта куёвлар бўлайлик “деб илжайишиб, лаҳтакни қўйинларига уришганча ўзларига ўзлари фотиҳа беришади.

Йўлнинг нариги бетидан бери келмай турган бешолти ўспирин ор талашиб, қишлоқнинг қизи бошқа қишлоққа келин бўлиб кетаётганидан аламлари ошибб, куёв томондан келган йигитларни янишиб, бошқа элдан қиз олишнинг оқибатлари қандай бўлишини яхшилаб кўрсатиб қўймоқчи. Тўйхонадан иккита нон ва бир пиёла туз олишиб, йўлга чилвир тортиб, келин-куёв жўнашини кутиб, шумлик излаб ўтиришиб олишган.

Ичкарида ўйин-кулги. Соиб эшон ҳар бир тўйда минг марта айтадиган “Йўл беринг, қизлар келади”ни бир минг биринчи марта терлаб-пишиб айтиб ётибди. Ёнида Соат доирачи чалинаётган куйга мосми, фализми бехабар, ичган винодан боши қизиб ўзини

шайиту карбало қилган. Таранглиги кетиб, совуб қолган тери Соат доирачининг қўли зарбидан фақат пап-пап этади.

Бизга ўхшаганлар аросатда. На поёндоз торта оламиз, на бизни анави йўлда қўр тўкиб, ўзини қишлоқнинг эгасиман деб олган калондимоғлар ўзларига тенг кўришади. Зўроқ даромад бўлса хўпхўп, бўлмаса, куёв томондан келганларнинг шўри қурийди. Бу касофатларга на отаси хўжайин, на қишлоқнинг бошлари. “Ҳа, нима дейсиз, ота-боболар касми? Йўл бойлаш азалдан бор!”

Хуллас, биз аросатдагилар жимтина ноилож Соийб эшон билан Соат доирачининг сўзи куйига тўғри келмаган муқомларини тинглаб турибмиз. Бир ҳисобда бу яхши. Поёндоз тортиш ҳам кўпкарининг бир тури. У ҳам бир издиҳомга киришдай гап. Бурни қонаган ким, енги юлинган ким, ёқавайрон ким. Қуриб кетмайдими деймиз!

Бир пайт торт-торт бошланади. Қизлар қизларни тортиб ўйинга тушишаверди. Даврага жон киради. Давра файзланади. Ҳамсоямиз Лайло чиройлилиги учун у билан ўйнаб олиш мақсадида (чиройли қизлар билан ўйнашнинг гашти бор-да, сабил) бир-биридан бехабар икки ўспирин даврага отилиб чиқади. Сир бой бермай ичиди бир-бирини егудай, аччиқдан Лайлого қараб ҳам қўйишмай, ер тепа кетишади.

— Эшон, шўхига чал, шўхига, — дейди Лайло билан бир ўзи ўйнамаганига алами ошиб, асаби қўзиб, худди Сойиб эшон уни даврага тортиб чиқаргандай. — Кучинг борми?! Ҳаҳ ўйинг куйгур-а! Ҳеч бўлмаса лазигига чал, лазигига! Сендан қосин, умринг бино бўлибдики, топганинг — “қизлар келади!” Сойиб эшоннинг аччиғи чиқади. Шартта тўхтайди... Ҳамма қийқиради. Қий-чув бошланади. Сойиб эшоннинг зардали овози эшитилади:

— Чалганим шу! Худди менга бирор нарса бериб қўйгандай дод дейсанлар! — дейди чийиллаб. — Ё тўйдоринг бериб қўйибдими?!

Шу зум ёш бўлса ҳам ўзини кайвони чоғлаб юрадиган Сайфи дароз кела солиб Сойиб эшоннинг қўлидан рубобини юлиб тортиб олади ва кўзлари олма-кесак терганча даврага шошиб аланглайди. У менга қараб кела бошлайди. Юрагим увшади. Бу гўрсўхта менга тутқазади-ёв ҳозир дейман. Хаёлимдан бу гап ўтар-ўтмас Сайфи дароз шопқиличдай қўлида тутамлаб турган рубоб дастасини менга узатади.

— Айтмаса айтмасин, — дейди Сойиб эшон томонга ўқрайиб. — Алкаш, муттаҳам. Бир шиша кам бўлдида бунга. — Ол, ука! Мактабда айтган қўшиғингдан ол, ҳов бир байрамда эшитганман. Ҳа, барака топ!

Мени суст босиб қолади. Ҳаяжоним зўраяди. Шу ўйлайман, ёдимга бирор қўшиқ келса денг. Давра қийқириб ётибди. Таниган-тачимаган мени олқишилаганча қий-чув кўтаради. Бу ёқда тенгдош дўстларчувиллашади:

— Ол, Турди, андижон полкани чал. Чал, жўра!

Давра жимиб қолади. Сезиб турибман, ҳамманинг кўзи менда. Рубобни тингирилатиб жўрини созлаяпман. Ҳаяжон босилса-чи. Созлаяпману кейинги айтишим шарт бўлган сабил қолгур бирорта шўҳроғини эслаяпман. Ҳарқалай сийқаси чиқиб кетган бўлса ҳам келиб қолади. Хурсандлигим ҳаяжонимни олиб кетади. Рубоб бошини кўкрагимга босаман-да, резни бериб юбораман.

“Ҳай омоне-еей, омон. Қорли тоғлар, қорли тоғлар! Қорли бўлар, қорсиз бўлмас...”

— Яшасин, ёш-да ёш. Овозни қара!

Сайфи дароз мени “кашф” қилганидан даврага гердайиб қарайди... “Йигит боши омон бўлса, ёрли бўлар, ёрсиз бўлмас...”

Энди қизлар қизларни, йигитлар бир-бирини тортиб даврага жон киритади, даврани гуриллатиб юборади. Қизларнинг ишваю нозлари, қўлидан келган келмаган, ўзини эр йигит чоғлаганлари кўкрак кериб, ер чангитиб, қўлларини тўлғаб, елкасини титратиб, йўргалаб кетади. “Ҳой, қора кўз бой-бой!..”

Қизлар бир томон, йигитлар бир томон. Йигитларнинг кўзлари куёв томондан келмиш меҳмон қизларга ўқтин-ўқтин тикилган. Чиройли-чиройлиларининг кўзлари билан кўз уриширишни мақсад қилишган, чиройли қизи тушкирларнинг қани эди нигоҳларини тутиб бўлса.

Орқароқда турган қизни дугоналари тортқилашади. У силтаниб, дугоналарига ғамза қиласди, даврага кирмай тисланади. Мен қўшиқни қўшиққа улайвераман. Ўйинга чиқмасин дейман ўша қизни. Негадир шуни истайман. Бегона бир қизни хаёлан қизғонаман. Ўша қизни мана бу эркакка ярашмаган қилиқ қилиб, қилпантлаб ётганлар билан ўйнашини хоҳламайман. “Ўйнамасин! Ўйнамасин! Керак эмас. У жуда чиройли”. Бошимда шу хаёл. У менга ҳам, бошқаларга ҳам қарамаяпти. Майли, қарамасин, қарамасин! Шу кез унинг сузик нигоҳлари бир мартагина кўзларим билан тўқнашиб кетди. Бир мартагина. У мени ер остидан, зимдан кузатиб турганини сезиб қолдим. У аввалдан менинг кўзим бошқа томондалигида менга тикилиб тургандай туюлади. Мен унга қарагим келаверади. Қарамаган вақтим нигоҳларни соғинаман, дарров соғинаман. Менинг кўзларимга ўзимдан бошқа хўжайин йўқ. Бироқ ҳадеб қарай олмайман, сабабини билмайман. Юрак ютиб яна қарайман. Дугоналарининг ортида, худди яшириниб олгандай. У менга қарайди. Бир зумгина нигоҳларини олмай туради. Мен галати

бўлиб қолдим. Қўшиқ сўзлари чалкашиб кетади. Атиги ўн олти ёшимда нотаниш бир туйғу вужудими ни титратиб ўтади. Унинг мунгли ва сузук кўзлари нигоҳларимга муҳрини босади...

Келин чиқар вақти бўлади. Рубобни яна Сойиб эшон олади. Тўйлар муборакни бошлаб юборади. Ўйин-кулги якунига етади. Энди ҳамманинг нигоҳи чиқиб келаётган келинга – Ойгул опамга қадалади. Поччамиз бўйдоргина, келишган эканлигидан ҳурсанд бўлиб қўяман. Ихчам ўралган оппоқ салласи ўзига кўрк ва салобат бахш этиб турибди. Опам куёвнинг букилган ва кўксига тутган қўлини омонатгина ушлаб, ердан кўзларини олмай ғоятда оҳиста одимлайди. Куёв ҳам опамнинг қадамларига мос ва итоаткор қадам ташлаб келади.

Мен ҳалиги қизни тинмай излайман. Уни йўқотиб қўйганимдан ташвишланаман. Ичим куюб-куюб кетади. Бир лаҳзада юзлаб нигоҳларни кўраман. Тополмайман, у йўқ. Йўқ! Ва уни ёнгинамда турганини кўраман. Яна ғалати бўлиб кетаман. “У атайлаб ёнимга келиб олган” деган хаёлга бораман-да, бахтга кўмиламан. Бу боягидан ҳам ўтиб тушади. Ичимда бир севинч ва ширин энтикиш, ором ва ҳузур астагина балқийди. Бироқ у ҳозир кетади. Кетади. Ана қудалар келган машина. Ҳозир у ҳам шу машинага чиқади ва... Унга тикиламан. У ҳам бир зумгина менга қарайди. Менга табассум ҳадя қиласди. Бу нима? Дунёда бундан ортиқ тухфа бўлиши мумкинми? Бу нима? Жаҳонни кезиб, бир умр излаб айни мана шу лаҳзани топиш мумкинми? Менинг ёшимда қизлар билан фақат дўстлашиш мумкин дейишади. Ёки бу ҳам дўстлашиш учун ризолик кўринишиимикин? Дўстлик... Йўқ мен буни шунчаки дўстлик десалар хафа бўламан. Менинг вақтим жуда ҳам тифиз! Унга қараб олай, бир мартаги-на қараб олай. У кетяпти ахир...

— Гулнор, бүл, қаерда қолиб кетдинг. Ҳамма машинаға чиқиб бўлди!

У дугонаси билан қўл тутишиб, машинаға қараб югуриб кетяпти.

Шу кез атрофдагилар кўчага гуриллаганча оти-лишади. Жин ургур ҳалигилар! Чилвирни икки учини йўл ёқасидаги икки тутга боғлашган. Исмат безори қўлини пахса қилиб, кўзи қинидан чиққудай, қишлоқ оқсоқолига алламбалоларни тушинтириб ётибди. Олдида, йўлнинг қоқ ўртасида, катта бир тош устида иккита нон ва пиёлада туз. Тавба, сержаҳл оқсоқол бува Исматнинг елкасига меҳрибонларча қўлини қўйиб ялингандай сўзлайди. Исматнинг қўлида бир даста пул.

— Бу оз. Бу пулга хўрозқанд ҳам бермайди! — Шундай деб бақиради Исмат.

— Чидаса бошқа қишлоқдан қиз олсин. — дейди Исматнинг ёнидаги шотири чираниб. — Күёвтўра битта эчкининг пулинин чўзиб қўйсин, кейин ўтади!

— Исматжон, бованг айлансин, қудалар олдида уялтирма, — дейди эмраниб оқсоқол бува (Бошқа жой бўлганда кўрсатиб қўярди бу безбет безорига. Ҳай аттанг, жойи эмас-да!). — Сенга ароқ керакми, гўшт керакми, ҳозир буларни жўнатаильик, тўйхонадан олиб бераман.

— Гап ароқда эмас, бова, — дейди Исмат салмоқлаб. — Элда шундай удум бор. Сиз маъракангизга қаранг. Қудабовалар билан ўзимиз келишиб оламиз.

Хуллас, тортишиш давом этиб ётибди. Мен очиқ машинанинг устидан кўзларимни ололмайман. Ҳамма Исмат безори билан овора. Фақат мен... Уни яна бир мартагина кўрсам эди. Машина устидаги қизлар, аёллар сабрсиз чувиллашади. Бир маҳал қайсиdir бир қиз машина ўртасидан четроққа силжиб чиқди. Уни қоронғида ҳам танидим. Кўзимга

ловуллаб күринди. У менга жилмайиб тургандай эди. Мен шуни нигоҳларимда жонлантиридим ва иқболга күмилдим. “Исмат, Исмат ака, яна бир оз ушлаб туриңг, имконингиз бўлса эрталабгача ҳам қўйиб юборманг, жон Исмат ака!” Шу гаплардан бошқа гап келмасди хаёлимга...

Бир пайт машиналар гуввиллаганча жойларидан жилдилар. Бир ёнда Исмат безори шотирлари билан шоду хушнуд гаплашиб ётибди. Қўлларида бир даста пул. Машиналар чайқалиб-чайқалиб кетяпти. Уларнинг бирида менинг бир лаҳзаллик шодлигим ва мунаvvар лаҳзаларим машиналардан кўтарилаётган чангларга кўмилиб-кўмилиб боряпти. Ҳеч кимни кўришни истамайман. Жўраларим мени ахтариб, чақиришади. Энди “бекинмачоқ”ни бошлиш керак. Тонгтотар ўйин. Қизиқ ўйин: йигирма чоғли бола овга кетади. Йигирматаси маррада қолади. Марра дегани гўё истеҳком. Бешта бола шу истеҳкомда қўриқчи. Қолганлар ҳалиги кетган йигирма чоғли болани излаб кетади. Улар узоқдан, яширган жойларидан овоз беради. Уларнинг мақсади маррадаги рўмолчани қўлга киритиш. Қолганларнинг мақсади: кетганлардан ҳеч бўлмаса биттасини ушлаб олиш. Ушлаб олган заҳоти истеҳком томон овоз берилиб, рақиб томонидан ушланган боланинг оти айтилади ва шу тарзда ўйин якунига етади. Сўнг барча истеҳкомга йиғилиб келади. Энди ютқазган гуруҳ маррада қолади. Ютқазсанга яширинишга кетади. Қизиқ ўйин-а? Ана шу ўйин ҳам кўнглимга сифмайди. Үн олтига кириб-кирмай аллақандай сирли бир азобдан азият чекиб ўтирибман. Уйга киргим келмайди. Жўраларнинг узоқ-узоқлардан бақир-чақирлари қулоғимга киради. Боргим, қўшилиб ўйнагим келмайди... Үн олти ёшли бир бола бу дардни бирорва

айтса кулгига қолади. Айтиб бўлмайди. Мен ҳам худди шу: айта олмасдим... ҳа, айта олмайман...

Орадан йиллар ўтса-да қаерда келин тўй бўлса юрагим потирлайди. Эзгин ўйлардан азобда қоламан. Гулнор дея шивирлайди ички бир овоз! Кейин... кейин бўлса бу Гулнор деган ҳайқириққа айланиб кетади...

Узоқларга тушиб кетган Ойгул опамнинг менга ёзган битта хатини ҳамон сақлайман. Хат ўқилавериб, титилай деб қолган. Хатнинг буқланган ерларидаги ҳарфларини ўқишининг имкони қолмаган. Бироқ мен ёдлаб олганман.

“...Укажоним, Турдибек. Гулнор бизга қўшни турди. У сендан уч ёш катта. Кўнглингни биламан. Хатларингдан қийналганинг сезилиб турди. Сенга қўшилиб мен ҳам эзиламан. У шўрлик дўппи тикиб сотиб, мендаги опа-ука бирга тушган суратимиздан расмингни катта қилиб ишлатган. Расминг менинг хонамга осилган. Гулнор ҳар куни поччанг ўғифида келиб расмингга термулиб ўтиради. Укажон, мен нима қиласай? Сенинг хатингни унга ўқиб беришдан бошқа илож тополмайман. У ҳар куни сендан хат келишини кутади. Унинг кўзлари айтади менга. Ҳозир Гулнор ўттизга яқинлашиб қолган. Турмушга чиқмади. Отаси оламдан ўтгач, укаларини уйли-жойли қилди. Ўшаларга бош бўлди. У ҳамон сени кутаётгандай хаёлимда. Ўшанда у билан учрашганингда билмадим, нималар дегансан. Ўша кезлар уни кўрсанг эди. Қиз гулларга ўхшаб, яшнади. Райҳон янглиғ бўй таратди. Осмонларга учди. Шодмонликнинг ва висолнинг ҳусни латофатга бўлган таъсирини ўшанда кўрганман...”

Мен, дарҳақиқат, таътилга келганимда Ойгул опамниги бориб, Гулнор билан қўришгандим. У

били гаплаша олғандым. Үлғайған, янада түлишган эди. Сузик күzlари ўша-ўша сеxрli ва сирли эди. Унинг тароватли нигоҳларидан күzlаримни ажратиши гуноҳдай оғир эди. Мендаги ночорлик бундан ҳам қийин, бундан-да машиққатли эди...

Нозик құllаридан ушладим ва: “Мен, албатта, сизни қишлоғимга олиб кетаман”, дедим. У ёш силқиган қуюқ киприклари билан нигоҳларини охиста яшириди ва ердан күzlарини ололмай шивирлади: “Сиз мендан кичкисиз. Сиз ўзингизга муносибини топинг. Опангиздан ўтингим, ҳар замон суратингизга қараб туришдек баҳтдан мендек чорасизни бенасиб қилмасынлар. Келганингизга ташаккур”. Гулнорнинг ўшандаги мискин ҳолати ва тушкин сұзларини қандай унутай?..

Кейин... Мени үйдагилар уйлантириш тараддудига тушишди. Ана шунда дарди дунёмни айтдим. Мени биров эшитмади. Эшитишни исташмади. Ўзимдан уч ёш катта бұлған, ҳозирда ўттизни қоралаган бир муштипар менга раво күрилмади. Уйдан тинчлик кетди. Менга айтиладиган яхши гап қолмади. Имконсиз эдим. Геолог тоғамга құшилиб тоғу тошларга бош олиб кетдім.

Уни соғинардим. Ҳисор қояларининг эң юксак жойидан севгилимни бор овозимда чақирмоқчи, ичимдаги тутаб ётган нолаю ҳасратларимни унга айтмоқчи, унинг Гулнор деган номини тошдан тошга, тоғдан-тоққа күчган акс-садоларини эшитгим келарди. Мен ана шу мақсад билан Ҳисорнинг юксак чүққисига чиқдим. Ва атрофни бир зумгина кузатиб турдим. Нақадар гұзаллик пойимда. Қуиyoқда яна бир чирой. Ўшшайған ва мағрур қоя бағрида жон сақлаган бургут уяси ва бир парчагина ям-яшил майса. Нигоҳларим шу кез яқингинамда,

ёлғиз ва ял-ял ёнган лолага қадалди. Мен лолани, албатта олмоғим ва хаёлан Гулнорга тутишим кепрек. Бундан бошқа иш гуноҳ ва вафосизлик! Мен лолага томон шошилдим. У мендан янада нарида күринди. Доимо шундай. Күнглинг истаган нарсага интилсанг у сендан нарилайди. Сен интилаверасан у узоқлашаверади. Бу ҳаётнинг ёзилмаган қонуни. Мен лолага яқин қолдим. Бир қарич қолдим. Қоя маҳобатли ва қўрқинчли. Мен энди оёқларимни тошга маҳкам тирадим. Ярим қарич, биргина ва сўнгги интилиш. Лолани эгиб олиш учун кўрсатгич бармоғимни илгак қилган кўйи оз, озгина узалдим... Ва... ва қўрқинчли ҳайқириқ!.. Бу бошқа бир ҳайқириқ. Бубошқа акс-садо. Ҳаммаситушда кечгандай... Узоқ ётган беморхоналар... Узоқ йиллик изтироблар... Менинг киприкда илинган ёш каби омонат жонимга кафт тутган кафтдеккина яшил ўт...

Үйга худди айб иш қилган одам мисол, бошим ҳам, қўлтиқтаёқда кириб келдим. “Йўқ! Йўқ!” дея хаёлан ҳайқирадим кечалари унсиз ва чорасиз. Гулнорнинг олдидаги ваъдаларим, алам ва изтиробларим вужудимни тилка-пора қилган ўша қаттол дамларга қўшилиб надомат дарёсида узоқларга оқиб кетаверарди, кетаверарди. Аламли армонлардан янчилган қалб ва мустар жисм ҳиссиз қўлтиқтаёққа таяниб баҳтиқаро руҳ каби саргардон кезади энди. Мен бу ҳолимда бировга керакманми? Оҳ, ўша ял-ял ёнган лола. Гўзаллик чечаги ва унга етмаган вужуднинг машъум гуноҳи! Вафосиз ва иложсиз сарсари руҳ! Энди унинг сузук, сурмали нигоҳлари ҳорғин ва мустағриқ кўзларимда абадий яширин...

Орадан узоқ йиллар ўтди. Энди кексалик хукмига бошим эгилган. Соchlаримга қиғов инган. Энди Гулнорни ўйлаш ҳам бир мушкулот. У бир лаҳза ёдим-

Турсунмурод ЭРМАТОВ

дан күтарили маса-да, уни күриш ва у ҳақда сўраб-суришириш мендай ҳориган, кекса бир одамга нораво.

Аёвсиз тунлар ва мақсаддан мосуво кундузлар бепарво ва тушкин қадамлайди. У билан боғлиқ кечмишлар, қизлар ортида ийманиб қимтиниб, даврага тушмаган ўша ҳилқат, бесамар қисматга айланган сузик нигоҳлар энди мени абадийга ташлаб кетиб боради.

Ойгул опамнинг ота уйида қанақадир тўй бўлаётганини эшийтдим. Кўнглимга дафъатан хира-гина бир нур шуълаланиб келганидан ажабландим. Бу бесамар умидланишдан бошқа бир нарса эмас, биламан. Кексайиб қолган, ҳар нарсага ақли ета-вермайдиган банда сифатида ўзимдан койинаман. Уялиш ҳисси вужудимни кемиради. Опамдан қолган жиянлар келишади, лоақал ўшаларни күриш учун боришим керак-ку, дея ўзимни оқлаганча қалбимда-ги инкорга қарши отланаман. Шу хаёлларни ўйлаб, қўлтиқтаёғимни дўқиллатганча йўлга тушиб бора-вераман.

Мен тўй бўлаётган уйга яқинлашяпман. Чарчоқ ва аллақандай ҳаяжондан юрагим ҳам, қўлларим ҳам титрайди. Бораётиб уй яқинидаги кекса аёлга кўзим тушади. У худди бирорни кутиб тургандай кўзларини йўлдан ололмай туради, тўйга келаётгандарга тавозе қиласди. Мен тўйга келган кекса ва нотаниш бир аёлнинг йўл ёқасида турганини кўриб ажабланаман ва тўй эгаларидан бу каби эътиборсизликлари учун аччиқланаман.

Мен унга яқинлашаман ва нотаниш бўлган кекса аёлга салом бераман. У аввал ўтиб турган одамларга тикаётган нигоҳларини менга ҳам қаратади. Ногоҳ букилган гавдасини ҳассаси ёрдамида тиклайди. Қордай оппоқ соchlарини шошиб рўмоли остига ол-

ганча түғрилаб қўяди. Юзларини ажин қоплаган бу кекса аёлнинг нигоҳлари менга кимнидир эслатиб юборади. Мен қачонлардир худди шу уйда илк бора кўрган бир қизнинг боқишилари сақланиб қолган бу қарааш кексайиб қолган мендек бир бандани тақиб қиласди.

Унинг лаблари хиёл титрайди. Кекса аёл ниманидир сўраш учун менга ботиниб қарайди. Кейин суқланиб тикилади. У айтмоқчи бўлган гап бўғзида қолади. Узун киприкларида ёш ҳалқаланади. Наҳотки...дейди дафъатан юрагимдан ҳайқирган бир надомат. Наҳотки... деётгандай бўлади унинг қалбидаги беҳудуд армонлар... Ундан бир лаҳзаки қўзларимни ажратса олмайман... Ва шу лаҳзада Яратганинг синоати ва иноятидан, ҳойнаҳой, икки кекса қалб осоийиш ва оройиш топгандай туюлади менга. Икки қалб бир-бирига қарайверади, қарайверади. Нигоҳлар сўзлайверади. Юраклар бўлса симиллаб йиглайверади...

ДЎСТИ ҚИЁМАТ

*Дўстим ва курсдошим баҳмаллик
Тошпўлат Болиевнинг ёрқин хотирасига
бағишилайман.*

Муаллиф

Касб тақозаси, эҳтиёт қисм учун ойда бир вилоят марказига йўлим тушади. Ҳар сафар базага кириб боравераману, таниш ва қадрдон бир туйғу вужудимга ҳаяжон билан кириб келади. Қўзларим кимларнидир интиқ-интиқ излайди, борлиғимда соғинчнинг ёқимли безовталиги кезинади. Мен шу кез хаёлан ўша кутаётгандаримдан бирини кўриб қоламан, одамлар орасидан уни осонгина ажратаман

ва унга қучоқ очаман. Ҳаяжон құршайди. “Оҳ жүрәжоним, беш йиллик умринг беғараз гувоҳи, бормисан, қадрдон?!”

Шунда ўша онлар, баҳордай әрқа, гұзал күнлар бутун бүй-басты билан онгимга бостириб келади. Ўша дунё, бирор-бир нарасага қиёслаб бұлмайдиган мұнаввар олам менга офтоб каби чиройини очади. Мен ўша бетакрор күнлар билан танқо қоламан...

Ажид бир шаҳар, ажойиб шаҳарнинг беш йиллик ҳаёти. Бахтга күмилған толиблиқ күнлари.

Хужжат күтариб, у эшикдан бу эшикка чопиб юрибман, үйлайвераман, улардан бирортасига күзим тушиши керак дея ўзимни ишонтираман. Юз әллик чақирим йўл босиб келиб бирортасини учратмасам ҳали... Наҳотки ўн саккизтадан бирортасига эҳтиёт қисм керак бўлмаган бўлса? Ҳаёлимга келган юксиз фикрдан асабим таранглашади. Уларда ҳам шу ўй, шу фикр, шу илҳақлиқ бормикин, дея үйлайман. Шундай хаёл билан ўзимни ўзим қийнайман. Ўтган гал келганимдаги воқеа юрагимдаги бетоқат соғинч ва илҳақликка соя солиб турган бўлса-да, бу фаюр фикрга ён бергим келмайди, бироқ таассуфки, мен хаёлларимдан дафъатан фориғ бўлолмайман. Қалбимдаги ёпишқоқ мутаассирлик ўз ишини қилмай қолмайди.

База биқинидаги ошхонада тушлик қилиб, кўринмаган курсдошларни ичимда яниб, бироқ юракдан дийдорнинг умидлари сұнмай ўтирибман. Нариги столда бир гуруҳ йигитлар роса мириқишиб овқатланишыпти. Қиттак-қиттак бўляпти шекилли, овозларида эркин ва баланд пардалар, шарақлаган кулгилар янграб қолади. Иста-истама ошхонани ўзиники қилиб олганлар мендан бошқаларнинг ҳам эътиборини тортади. Улардан бирини, дафъатан таниб қоламан. Танийман. Битта бўлса ҳам учратдим-

ку! Ўрнимдан сапчиб туриб кетаёздим. Очил! Жўражон! У ҳам мени аллақачон кўрган шекилли, менга қараб турар, бироқ юз ифодасида бирор-бир ўзгариш, ҳаяжон сезилмасди. У менга шунчаки бош иргади. Шунчаки. Аҳамиятсизгина. Совуққина. Мен янгишдиммикин? Очил эмасдир. Очил бўлганида?.. Одам одамга ўхшайди-ку, ахир. Зимдан разм со-ламан яна. Афсуски мен янгишмаяпман. Юзида қаршилик йигитларнинг кўпчилигига учрайдиган чўлнинг қаттол пашласидан эсдалик – “тамфа”. Ўрнимдан турибоқ, унинг олдига отилмаганимга, сабри қаноатимга таҳсин айтдим. Аҳ, Очил, Очил! Балки Очил тўғри қилгандир, сапчиб туриб менинг истиқболимга чиқиши учун унга ноқулайлик тудирган сабаб бордир. Ҳойнаҳой, Очил катта ишга кўтарилиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Бундай одамлар анчайин сипо ва вазмин бўлишади. Ҳамма билан очилиб-сочилиб гаплашиб кетаверса, раҳбарлиги қаерда қолади. У мен билан жон деб кўришгиси келаётгандир, бироқ ёнидагилардан истиҳола қилаётгани аниқ. Мен у билан дийдорлашиш учун интиқ бўлиб ўтирибман. Улар овқатланиб бўлишгунча йўлигагина чой ҳўплаб туравердим. Ва ниҳоят улар туришди. Мен Очилга томон қадам ташладим. У менга шошиб қўл узатаркан:

— Э, ўртоқ, ўртоқ... — дерди исмимни эслолмай. Вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида ёнидагиларга мени шошилганча таништирмоқчи бўларди:

— Бу ёқ билан ўқиганмиз, бир гуруҳда...ҳа, ҳа битта гуруҳда...

Очил менга ҳам, ёнидагиларга ҳам зўр бериб ўзидаги ноқулай кўринишни яширишга уринарди.

— Қалайсиз (сенлашардик у пайтлар, тилим бормади), Очил... Очил Панжиев, — дедим миқти қўлларини сиқиб.

Турсунмурод ЭРМАТОВ

— О-о, — деди Очил юзларига табассум ёйилиб. — Хотирангиз ҳалиям зўр!

— Унитиб бўларканми, Очил?

— Ҳа, ҳа, албатта, ажойиб кунлар эди. Тўғри, оғир кунлар бўлган. Яшаш, ўқиши...

Шу кез Очилнинг эсига муҳим бир нарса келиб қолгандай кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳалиги, қорақалпоқ қиз, бир курс пастдаги... оти нима эди, Эмсиноймиди? Аммо зўр нарса эди, — Очил ҳиринглаб кулди. — Сиз билан, а? Хат-пат ёзишиб турасизларми?

Мен Очилга қараб турарканман, унга нима дейишимни билолмасдим. Мен унга нима дейин? Қайси бир қизиқ воқеани айтиб берай? Ким ҳақида гапирай, ўша “ким”ни эслай олармикан? Эшитиб ўтиришга Очилнинг хоҳиши-ҳафсаласи бўлармикан? Мен ана шундай ғалати ва тушкун бир ҳолатда турардим.

— У қорақалпоқ эмасди, Очилбой, — дедим зўрбазўр. — Тўрткўллик ўзбек қиз эди, оти Гулбаҳор эди.

— Э, шунақами, биз қизиқмаганмиз, қизиққанимизда-ку... — Очил шундай дея сирли илжайди-да, соатига қаради. — Бўпти, — деди ҳеч кутилмагандан хайрлашиш учун менга қўл узатаркан, — мажлисга шошилаётгандик. ПМК — 22. Ўша ерда бошлиқман, ўтинг, хизмат-пизмат бўлса, а?

Шундай бўлса ҳам шошиб сўрадим:

— Очил, Тош билан бир жойдан эдинглар, кўриб турасизми?

— Ҳа, ҳа, Тош, — дея Очил бир зум ўйлаб турди.

— Уни кам кўраман. Қачондир бир кўрганимда, қаердадир, механикман дегандай бўлятиувди. Аниқ эсимда йўқ...

У жўнаб кетди. Мен қолдим, ўйланиб, сўзсиз-

садосиз. Бир зумлик воқеанинг зилдай оғир юки остида. Хайр-хўш насия, дўсти ёрон насия, дийдору хотира насия...

Ёнимдаги ўтиргичга беҳол чўкаман. Очилни ўйлаб ўтиргандайману, хаёлимда бошқа бирор... Очилга ўхшамайдиган, бутунлай бошқа... ўша гаройиб, ўша ҳаммадан бошқача, ҳамма қизиққан, ўзи ҳам қизиққина, барча “шеф” деб атайдиган бир йигит.

Шеф! Ҳурматли ўқувчи, шеф деган сўз сизга ғалати ва тушуниксиз сезилмасин. Биз уни эркалабми, ҳаддимиз сифибми, ё бўлмасам, яхши кўрибми, шундай атардик. Шеф бу асли бошлиқ ёки хўжайнин маъноси англатувчи сўз. Балки биз ҳам хаёлан ана шу беғараз, соддадил йигитни ўзимизнинг бошлиғимиз сифатида кўришни истагандирмиз. Бошқалардан бошқача жайдаригина бир дўст. Дўсти беғараз, дўсти қиёмат Тошкентга келиб, тилини ўзгартирган, одамийлигини ўзгартирган ва ҳатто миллатини ўзгартирган баъзи бирорлардай эмас, ҳатто лаҳжасини ўзгартиришни ўзига ор билган соддадил, анойи.

“Сумурғ” достонини достоним деган, Бунёд деган қаҳрамонни дўстим деган. “Шу жигит асли бизнинг Бахмалдан бўлади-да, бизга элатдош” дейди чиппачин (анойи-да, анойи!). Ўзининг гапига ўзи астойдил ишонади. “Кўнглимнинг кўчаси, зап оласиз-да, шеф, Бунёд қайдо-ю, сизнинг Бахмалингиз қаёқда” деймиз қилиқларидан кулиб. “Эй шошма, — дейди жаҳли чиқиб. — Ҳамид Олимжон қаерлик, биласанми, адабиётни ўқиганмисан ўзи?” Жиззахдан, деймиз ноилож. Ҳа, маладес, дейди мағуруланиб. “Шоири Жиззахдан бўлиб, нима, қаҳрамони Қашқадарёдан бўлсинми? Бунёд бизга дўст бўлади. Бизди касбдош. Биз ҳам ўқишгача Бахмал тоғларини гуллатганмизда, ойнам!” (дарвоҷе, у кўнглига ўтиришган жў-

Турсунмурод ЭРМАТОВ

раларга ошнам эмас, ойнам деб сұзларди, шевага содиқ қолған дедим-ку ҳали). Шефнинг отаси биз ўқийдиган олийгоҳнинг бир катта домласи билан хизматдош дүст бұлади. Бахмалга үша катта домла тандирхұрлыкка борганида, калла қызыб, шефнинг отасига “шу чүпон ўғлингни үзим дипломлик қилиб бераман” деб гуруллаб юборади. Шеф бу гапларни ҳеч тортинмай, құрқмай айтади (шунинг учун ҳам у шеф-да!).

Шеф трактор ёки автомобилнинг қияликдан ағанаң кетмаслик ёки темир балканинг қанча күчга чидами ҳақидағи назария ёхуд бошни қотирувчи ҳисоб-китоблар билан иши йўқ, үша охири йўқ формулалардан, ҳосила-ю интеграл, фазовий чек-сизликлардан зерикканида, тұртгынчи қаватдаги деразасини ланг очганча бошлаб юборади:

*Кун ботарда бир ёвуз
Дев бор эмиш, ялмоғиз.
Одамни еяр эмиш,
Қон эмиш унга емиш...*

Бутун бир яхлит достонни айтаверади, айтаверади...

Бизнинг шеф шундай, қизи билан кинога кетган курсдошини номидан йўқламада “мен” дейдиган, имтиҳондан йиқилиб стипендиядан қолищдек жар-лик ёқасида турган ўртоғи учун домлаларнинг уйида лой қорийдиган, үзи уйланмай туриб дүсти учун совчи бўладиган...

Чироқчилик дўстимиз Қувват тошкентлик бир сочи узунга ишқи тушибди, деңг. Қизи тушкур ҳам Тошкентнинг сўлим гўшаларидан воз кечиб, Чироқчи деган юртнинг дараҳтлари йўқ, яланг қишлоқларига келин бўлиб боришга кўнибди. Ишқ деганлари шудир-да. Нима қилиш керак? Қувват ҳар

куни олдимизга келиб, етимлигини пеш қилади, бироримиз совчиликка бормасак қизни бошқаси илиб кетишини айтиб зорланади. Ким ҳам бораарди, кимнинг орқаси қичиб турибди? Чучук баданга аччиқ таёқ. Тошкентлик дарғазаб аканинг синглиси ни бир қишлоқи, тўпори йўлдан уриб юрса-ю, унинг-дек шаҳар эгаси “мана синглим, ола қол” десинми? Ҳамма жим. Маслаҳат берувчи кўп, бораман дегувчи йўқ. Бир маҳал эшик очилди-ю, шеф кириб келди. Қувватнинг шумшайиб ўтиришидан эски муаммо яна қўзғалганини пайқади. Ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, “ўзим бораман” деди қатъий. Ҳаммамиз ялт этиб шефга қарадик.

— Кўкчадаги кинотеатрнинг орқасидаги ҳовли, акаси Бахти қассоб, — деди Қувватнинг кўзлари жавдира. Шеф яна бир бор барчамизга бир қараб олди-да, шашт билан чиқиб кетди.

Шеф кечгача келмаганидан хавотир ола бошладик. Бироқ Кўкчага боришга бирорнинг юраги дов бермади. Хабарсиз қолибмиз, тунда келиб, хонасига қамалиб олган экан. Азонлаб уйқуси учган Қувват шефнинг хонасига бориб қараса, шеф бояқиши афт-ангори бир ҳолда эмиш. Шунда ҳам тишининг оқини кўрсатганча, “пўстагимни қоқса ҳам қассобинг кўнди, жўра, кўндиридим, бермасликни йўли йўқ, муносабатлар чуқурлашиб кетган дедим” деганмиш шеф тушмагур.

Қувватнинг тўйида Шеф Тошкентдан Чироқчига-ча ўйнади. Автобусдаги бошқаларни ҳам ўйнамаганга қўймади қурфур.

Учинчи курс охирида амалиёт бошланди. Ўн талаба Қаршига келдик. Икки гуруҳга бўлиниб, чўлқувар механизаторларга ёрдам бериб ётибмиз. Кейинги гуруҳ биздан беш-олти чақирим нарида. Қоронғи тушгач, уларнинг вагонида чироқ ёнади. Чироқларга

Турсунмурод ЭРМАТОВ

қараб бир-биримиз билан хаёлан саломлашиб, ҳол сүрашамиз. Күришиш қайда. Чүлқувар акаларга эш булиб С-100 ни сурганимиз сурган. Чарчаб-хориймиз. Амаллаб овқатланамизу, таппа ташлаймиз. Ҳафтада бир кун дам. Чүлқувар акалар уйларига кетишган. Бешовлон ётибмиз. Тошкентнинг сайрибоғ гүшала-ри, камалакка қиёс фавворалар, тунларга оро берган, маржон каби тизилган ложувард неон лампаларнинг ажид шукухи... Бир ёнда Қаршининг шувуллаган, тўзон қўпган шамоли вагон деразаларини аёвсиз чертади. Қуюн забти кучайган. Дераза ойналари хира тортган, борлиқ кўнглимиз каби фуборли. Аффон-нинг тентак шамоли исканжасида ётибмиз. Муқояса қиласиз. Тошкент қайда-ю, Аффоннинг шамоли кўрсатаётган томошаси қайда... Шу кез кимдир эшикни шарақлатиб очди ва қуюнга қўшилиб вагонга кирди. Аллаким осмондан тушди гүё. Ҳамма баравар сапчиб турдик. Қўзларимизга ишонмасдик. Ҳудди келишиб олгандай, ҳамма баравар ҳайқириб юборди. Осмондан тушган одам шеф эди. Ростдан у эди. Шодлигимиз юракларга сифмасди. Ҳайрат, ҳаяжон, қувонч ва дийдорнинг ёқимли таровати кичик ва тор вагонни дунё қадар кенгайтирганди. Оҳ, шеф! Оҳ, жўражонлар! Биз “ғарибу фуробалар”га Бахмалнинг қирмизи олмасини олиб келибди. Тўрваси тўла нарса. “Ярмини олинглар, қолгани наридаги вагондагиларга” дейди илҳақ бўлиб. Ё тавба, беш чақиримни биз узоқ деб, боролмай турган нариги вагондаги бешовлонни тўрт юз чақирим йўл тортиб келган шеф ғамини еб ётса, интиқ бўлиб ётса. Ай, дўсти қадрдон-а! Гурунг гуриллаб кетди. Қарши чўли ям-яшилликка бурканди гүё. Дилни эзид турган губорлар туман каби тарқади.

Шеф ҳам бизга ўхшаб амалиётга чиққан. Үз юрти Жиззахда қолганди. Үзининг нақл қилишича,

прораби мировой йигитлардан экан. Шеф уни күнглини топганмиш. Шеф бұлади-ю, бир прораб-нинг күнглини топмасинми? Жұраларни соғиндим, бир Қарши ёқларга шамоллаб келай, дебди-да, жұнабди. “Қаршистройдан олдим манзилларингни” дейди. Ұша ёқдан мошин кира қилиб, қум оралаб, роса энасини күрганини айтиб, кулади.

Гурунг асносида, муҳим бир нарса эсига келиб қолғандай, мени қучоқлаб олади.

— Турдижон, рубобингни ол-ей, ойнам, — дейди қувончдан күzlари порлаб. — Битта “ұтган кечалар”ни ол. Жуда соғиндим!

Айтмай бұларканми, бошим устига. Садқаи суханингиз. Сиз учун әрталабгача айтайин!..

У ҳаммадан барвақт туриб олган, ҳаммани бир-бир үйғотиб чиқяпти. Кечаги бош оғриғидан кейин кимдир норози гудранади:

— Етсангиз-чи, шеф, әрталабдан қаерга бормоқчисиз?

— Ҳозир ҳу анавиларнинг олдига, — дейди нариги вагондагиларга ишора қилиб. — Кейин тұғри Бухорога.

— Бухорога? Бухорода нима бор?!

— Сенларнинг олдиларингга келганимни Мирзо билан Латиф эшитса хафа бұлади.

— Бухорога бориш шартмикан, шеф, яқинда амалиёт тугайди, Тошкентда күраверасиз.

— Сенларни-чи, сенларни күрмасмидим Тошкентда? — У шундай дея синиққина кулади.

Шеф биздан, биз бұлсак ундан ажралгимиз келмайди. У бизни бир-бир бағрига босади, юракларни зирқиратиб, дийдорига түйдирмай-түйдirmай, چүл оралаб жұнаб кетади...

Ұша куни экскаватор бузилиб, иш бўлмади. Бешовлон вагонда үтирибмиз. Ҳамма жим. Гүё кеча

ҳамма гап айтиб бўлингану, гапиришга гап қолмаган. Кечакоқшомдаги шукуҳдан асар ҳам йўқ. Худди бари, барчаси шеф билан бирга кетган. Кимдантир бирор садо чиқса эди, деймиз интиқ бўлиб. Бироқ ўша садо йўқ. Ҳамманинг хаёлида гўё битта гап. Етиб олдимикан манзилига? Бизга бериб кетган шодликни Мирзога, Латифга улашиб, уларни ҳам шодликларга кўмиб ётибдимикин? Ёхуд бегона шаҳарда чипта излаб саргардон-сарсон юрибдимикин?..

Мен Очилни тамом унуган бўлсан-да, биз шеф билан бирор ерда учрашиб қолишим мумкинлигини ўйлайман. Ва ғалати бир туйғу борлиғимни қамрайди. Кўз олдимга шеф билан кечган гаройиб кунлар келади. У билан хаёлан кўришаман, сухбатлашаман. Дейлик, Тошкентнинг кўчаларида учрашиб қолдик, дафъатан кўзларимиз тўқнашиди. Нима қиласдим мен? Нима қиласди у? Очилга ўхшаб иссимини тополмай қийналармиди? Қизариб-бўзарармиди? Ёки... Тахминан гурунгимиз мана бундай бўлармиди? Мен:

— Ҳой, бахмаллик, Бунёд чўпоннинг ҳамқишлоғи, омонмисиз?!

У:

— Э, э қўшиқчи бола, соғ-омон бормисан, ойнам? Қанчалар согиндим сизларни.

Қулоғимга бўлса ҳам ўша “ўтган кечалар” ингни айтиб бер, ўтган кунларимни эслай!.. Албатта, ана шундай деб айтарди у.

ЁЗИҚ

Мен кўп қаватли уйга яқинда кўчиб ўтгандим. Уй шаҳарнинг марказида бўлиб, деразадан қараганда осмонўпар телеминора, ҳашамдор банк, яқинузоқлардаги чиройли ва баланд бинолар, улкан ва серсоя дараҳтлар янада шаҳарнинг кўркамлигини

оширади. Ёнгинаизда мактаб, боғча, нарироқда истироҳат боғи, қатор супермаркетлар.

Ана шу манзараларни томоша қилиб турарканман, пастдан келган овоз хаёлимни бўлди:

— Ҳув укажон, — дея шанғилларди у. — Уйда бўш баклашқа бўлса ташлаб юбор. Кўшниларингга ҳам айтгин, хўпми?! Мен беихтиёр пастга қарадим. Элликларга бориб қолган эркак қоп кўтариб олганди. У ҳар томонга қараб, товушини баралла қўйганча бўшаган сув идиш сўрарди. Устидаги энгил-боши уни жуда ғариб кўрсатарди: гимнастёркаси жуда эски эди, шалвираган галифе шимининг почалари узун-қисқа шимарилган, чўпдай ориқ оёқларидағи қийшайиб қолган резина шиппаги ва тартибсиз соч-соқоли уни янада хароблик ботқофига ботирганди. Мен унинг шанғи овозини қаерладир аввал ҳам эшитгандай ажабсиндим. Кечаги зиёфатдан кейин бўшаб қолган сув идишлари эсимга келди. Бироқ ўғлим уни аллақачон ташлаб юборган бўлса керак. Кейин хонамга дам олгани кирдим. Ҳалиги товуш аҳён-аҳёнда эшитилиб қолар, бу овозга гоҳо аёл кишининг ҳам қичқиргани қўшилиб қоларди: “Баклашқа, бўш баклашқа!..” Анча ётдим. Соат ўн икки бўлди шекилли, пастдан болаларнинг шовқини эшитилди. Ўрнимдан туриб яна дераза олдига келдим. Мактабдан гуррос-гуррос ўқувчилар чиқиб келишарди. Олдинроқда ўғил бола билан ёнма-ён суҳбатлашиб келаётган қизга кўзим тушди. Уларнинг гапи менга эшитилмаса ҳам, ҳархолда, самимий гаплашиб боришарди. Шу кез орқадан қандайдир ўспирин шашт билан уларга етиб олди. Ўспирин спортча кийинган, қадди-қомати келишган эди. У қиз билан келаётган болага алланима дея дўқурди ва қизнинг қўлларидан маҳкам ушлаб олди. Қиз ўспириндан қўлини силтаб тортиб оларкан, тумтайиб нари кетди. Қиз билан

келган бола йўл ўртасида ҳайрон қотиб турарди. Ўспирин қизнинг ортидан эргашди. Бироқ бир зум ўтгач, қизнинг ҳалиги ғамзали нигоҳлари ажибина жилмайишга эврилди. Бу менга ғалати туюлди. Таассуф, ўспирин келмасидан аввал қиз ва бола суҳбатида қандай самимият бор эди-я, тиниқ бир туйфуни илғагандим ва бу менга гўзаллик саҳнаси-нинг ажиги бир талқини, эзгу ҳиссиётнинг соҳир дебочаси бўлиб бўй кўрсатаётганди... Эндиги саҳна бутунлай бошқа! Мен тушкун ва ҳайронлик қопла-ган нигоҳларимни улардан айирдим. Нимадир алам қилди. Ёшлиқ паллаларимга сингиб кетган хаёллар мени таъқиб қиласди.

Бизнинг мактаб саккиз йиллик, тўлиқсиз бўлган-лиги учун қишлоғимиздан тўрт чақирим масофада жойлашган ўн йиллик мактабга қатнаш, ўрта маълумот олиш учун боришимиз керак эди. Кўпчи-лик тенқурларим касб билим юртларига кетишган-ди. Қиз болаларнинг ота-оналари бегона қишлоқда ўқишиларига рухсат беришмади. Фақат қизлардан синфдошимиз Фазилатгина мен билан қатнайдиган бўлди. Унинг ота-онасини ўзим кўндирганман. Қизингизни ҳимоямга оламан, деб сўз берганман.

Шундай қилиб, бегона синфдошлар билан ўқишини бошлаб юбордик. Кимлар бизга хайриҳо қараашса, кимлар худди олдидаги ошга шерик келиб қолгандек ола-кула қараашарди.

Танаффус бўлгач, қизлар Фазилатни ўраб олиш-ди. Фазилат менинг назаримда, ўша қизларнинг ҳаммасидан ҳам чиройли эди. Бироқ ўғил болалар мени хурсанд бўлиб қарши олишмади. Бор-йўғи бунга устимдаги кўркамгина костюмим сабаб бўл-ганди. Болалар орасидан бири менга яқин келиб, костюмимни ушлаб кўрди ва ғалати илжайди:

— Ошна, бу отангникими, бобонгникими? — деди. Унинг ёнида турган жўралари синфи кўчиргудай қийқириб кулишди. У ёнимиздаги партанинг ёзадиган қисмига оёғини селанглатганча ўтириб оларкан, сўйлоқ тишларини илжайтириб, томоша қовоқни кузатгандай менга бош-оёқ разм солди. — Сен агар жимгина битириб кетай дессанг, менинг айтганимни қиласан, тушундингми? — деди ҳамон калондимоғлик билан. — Дарвоқе, биз чекамиз. Демак, сен ҳам чекасан.

— Чекмайман, чекмоқчи ҳам эмасман! — дедим. Сўзимдан: “ким бўлсанг ҳам сендан қўрқмайман” деган оҳанг жаранглаб кетгандек бўлди. У буни кутмади шекилли, бир зум қотиб қолди. Кейин худди уйқудан уйғонгандек бирдан сергак тортди ва мени иягимдан кўтарганча деди:

— Энди чекасан! Ичасан керак бўлса, мажбур қиласман, сұтак!

Шу пайт иккинчи соат учун қўнғироқ чалинди. Жанжалимиз чала қолди.

Жанжал бу билан тугамаслигини билардим. Бир гала бола Фиёс бошчилигига мени йўлда қарши олишди. Уларга бас кела олмасдим... Фазилатни ўйлардим, Фазилатни излардим. Унга зиён етмадимикан? Мен ўғил боламан, чидайман. Унга зуфум қилишса, у ўқишга қатнамай қўяди. Бу мен учун энг қўнгилсиз ҳол, ҳар куни калтак ейишдан ҳам оғирроқ...

Фазилатнинг оиласи бизнинг қишлоққа бошқа ердан кўчиб келганди. Ӯшанда иккинчи синфда ўқирдик. Фазилатни ўқитувчимиз бизга таништирди. Янги синфдошимиз жуда ёқимтой эди. Унинг қўлида ўйинчоқ дурбинчаси бор эди. Фазилатдан кўра унинг дурбинчаси қизиқроқ туюларди менга, бал-

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ки ҳаммамиз ҳам шу дурбинчага бир қарааш орзусида ёнгандирмиз. У буни пайқаб турарди. Танаффусда у дурбинчасини йигирмата синфдошларимиз орасидан менга узатди ва:

— Ол, сенга совға қилдим, — деди. Мен бу куттимаган ва чексиз марҳаматдан довдираб қолгандим. Ҳатто томоша қилиш ҳам бир орзу бўлиб турган дурбинчани менга совға қилганди у. Нақадар илтифот эди бу!

Саккизинчини битиргунимизга қадар мен синф сардори, Фазилат менинг ёрдамчим бўлди. Гарчи мактабда ёнимда бўлса-да, нуқул гаплашгим келаверар, фақат Фазилат билангина дарс тайёрлагим келарди. Саккизинчини битираётганимизда билиб қолдик: синфдошлар бизни ошиқ-мошиқлар дейишар экан. Сезишимча Фазилат бундан хафа эмас эди. Мен уялиб кетдим. Энди у билан танҳо гаплашиб ўтириш мен учун ноқулайлик олиб келар, бироқ бу ҳолат барибир ҳам ёқимли эди.

Фазилат киришимли қиз чиқиб қолди, дарров қизлар билан чиқишиб кетди. Бошқа таниш ва дўстлар орттириди. Фиёс ҳамон ўзини ҳаммадан устун қўяр, ҳатто шахсий югурдаклари бўлиб, унинг хизматига доим шай туришарди. Фазилат чиройли қиз бўлгани учун хаёлимда Фиёс Фазилатга хушомад қиларди ва бўлар-бўлмасга унинг ёнини олаверар, ҳимоячиси-дек тугарди ўзини. Биз Фиёс билан ҳамон ит-мушук эдик. У кажбаҳс, такаббур, ўзини худди қишлоқнинг эгасидай тутар, шу боис мен бу ҳолатни ҳазм этолмас, айниқса, уни Фазилат билан кўрганимда баттар қоним қайнар, вужудим алсанга ичидা қоларди. Энг ёмони шунда эдики, назаримда Фазилат ҳам Фиёснинг илтифотларига соме кўринар, унга кулиб қарапарди. Мен Фиёснинг номақбул ишлари ҳақида

Фазилатга айтгим келар, бироқ бу ўғил болалик шаънимга тұғри келмагани учун сукут сақлардим.

Адабиёт дарси эди. Эламон муаллимимиз “Роксананинг кўз ёшлари”ни ўқимоқда эди. Кутилмаганда Фиёснинг шовқини дарсни бузиб юборди:

— Муаллим, Сабодан мени қутқаришингизни сўрайман, — деди гүё бир жабрдийда кўринишида. — Мана бу унинг менга ёзган тўртинчи хати, бу нима аҳвол?

У хатни ўқитувчининг столи устига қўяркан, беҳаёларча илжайди. Ҳамма дув этиб Сабога қаради. Сабонинг ранги докадек оқариб кетганди. Лаблари пир-пир учди ва ҳўнграб йиғлаганча кўчага отилди.

— Ўртоғингнинг ҳурматини ерга кўмганингга тиржайяпсанми ҳали, — деди Эломон муаллимнинг жаҳлдан сўзлари титраб, — ярамас!

Фиёснинг одоб-ахлоқи паст бўлса ҳам спорт мусобақаларида район миқёсида мактаб нуфузини кўтариб келаётганлиги учун унинг баъзи қилиқларидан мактаб директори кўз юмар, муаллимлар ҳам Фиёсга яхши баҳолар қўйишар, шу сабаб у нафақат ўз тенгқурлари ичида, устозлар орасида ҳам ўзини бошқача тутарди.

Фазилат мендан узоқлашиб борарди. У Фиёсга пинҳоний ва ошкора ошиқ қызларнинг ягона ғолиби бўлса, мен ўсмирлик қувончларимни, орзу-умидлар ва покиза туйғуларимни Фиёснинг оёқлари остига отган бир бўшанг, бир баёв эдим. Мен Фазилатга Фиёс билан курашажагимни ҳамда олдинги Фазилатни кўрмоқчи эканимни айтганча унга илтижолар қилдим ва унинг: “Ахир, ким Фиёсдай бўла олади, сен бўла оласанми? деган кулгилари мудҳиш жаранглади ва хотиримда мангуга жароҳат изларини ўйди.

Мактаб радиоузелидан магнитофон ва овоз

кучайтиргичнинг ўғирланиши барчани ҳайратга солди. Директор ҳам ғазабда, ҳам ташвишда эди. У барчани йиғди ва буни эълон қилди. Үқувчилар орасида шивир-шивир, тахмин, шубҳа ва гумонлар ўзаро муҳокама-мунозаралар авж оларди. Шу пайт кутилмаганда ўртага Фиёс чиқиб келди ва мактаб директорига юзланди. У ҳозироқ ишга киришишини, ўртоқлари билан бу масалани ечишга астойдил бел боғлашини, катта синфнинг ўғил болалари билан шахсан ўзи гаплашишини ваъда қилди. Ҳамманинг кўзи олдида директор унинг қўларини маҳкам сиқаркан:

— Сенга ишонамиз, ўғлим! — деди. — Сен буни, албатта, уддалайсан!

Дарҳақиқат, Фиёс уйма-уй кириб чиқар, директорга кунлик маълумот берар, катта синф ўғил болаларини бир-бир элакдан ўтказарди. Бироқ шунча ҳаракатлар зое кетарди. Кунлар эса ўтаверар, дарслардан озод қилинган Фиёс ва унинг шотирлари ҳамон излашда давом этишарди.

Орадан ҳафталар ўтди ҳамки, бу матоҳнинг драги чиқмади. Бора-бора бу воқеа унутила борди. Директор йўқолган нарсалар тўғрисида далолатнома тушиб, қоровулнинг маошидан ушлаб қолишга бўйруқ берди.

Хуллас, ўрта мактабни тугатиш арафасида мактабга қатнайдиган велосипедимнинг занжири узилиб кетди. Эҳтиёт қисмлар бозорига бордим. Занжир ахтарардим. Шу пайт нарироқда аллаким билан гаплашиб турган Фиёсга кўзим тушди. У қора кўзойнакда, шошиб пул санарди. У билан ҳамон каклигимиз сайрашмаганлиги боис олдига боргим келмади. Фиёс тоқатсиз атрофга алангларди. Бироқ шу зум уни кўздан қочирдим. Мен занжир

излаб, ҳали Ғиёсни күрган жойга келдим. Ва... ногоҳ корпусида инв№27 (идоралардаги буюмнинг инвентар рақами) рақами ва рақам усти қириб чала-чулпа ўчирилган "ВЕСНА" магнитофонига кўзим тушди. Сотувчига туйқус бақириб юбордим:

— Қаердан олдингиз?!

Сотувчи менга илкис қаради, жаҳли чиқди.

— Ўзимники, нимайди? — деди ўта совуққонлик билан. — Нима бало, мелиса эмасмисан мабодо? — У ҳиринглаб қулди. Кейин жиддий тортди. — Бу ер бозор, укам, биз бирордан сотиб оламиз ва бошқага сотамиз!

Мен нарироқ юрдим. Виждоним азоб берарди. Шу зум кимдир ортимдан елкамга қўлини қўйди. У Ғиёс эди.

— Ҳали кўрганингни мактабники деб ўйладингми? — деди одатий ёқимсиз ишшайиб. — Исботлай оласанми? Исботлай олмасанг ўзинг шарманда бўласан, ўзинг ўғирлаган бўлиб чиқасан. Қолаверса, ўша сотувчини Сано каллакесар дейди. Уқдингми? Улиб кетма тафин. Энди сур уйингга, чолни кўриб, бобом деб юрма.

Мен жойимдан қимирамадим. Чархпалак ўйлар бошимда тинимсиз айланар, виждоним озор чекарди. Мен кўрган нарса мактабники эмаслигига ўзимни ишонтиргим келар, бу билан гўё Ғиёсни аяётгандай бўлар, бироқ қарама-қарши ўйларимнинг адоги кўринмасди. Мен илдам турдим ва сотувчи турган жойга қараб югордим. Магнитофонни тортиб олмоқни ва мактабга қайтармоқни жуда-жуда истардим. Минг бир хаёл билан етиб келганимда, таассуфки. у ерда на сотувчи ва на унинг ашқол-дашқоллари бор эди.

Биз математикадан давлат имтиҳонини топши-

Турсунмурод ЭРМАТОВ

раётган эдик. Ҳамма ўз иши билан машғул, синфда осудалик ҳукм сурарди. Шу кез ўқитувчининг:

— Бу нима?! — деган баланд овози сукунатни тилиб юборди. Муаллим Фиёснинг олдида турарди. Фиёс бамайлихотир эди ва шу кўйи жавоб берди:

— Татиуровка, кўрмаяпсизми?

Муаллимнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўқувчилигинг эсингдами? — деди баттар тутақиб.

— Мен ўқишни битирдим, — деди безбетларча Фиёс.

— Бу ёғи ўзимнинг ишим. Ҳамма унга қаради. Фиёснинг билагидаги “Ф” ҳарфи яққол кўриниб турарди.

Фазилатга совчи келди деб эшитдим. Фиёсдан экан. Бирга ўқиймиз, дебди куёв. Фазилатни кўрдим. У, дарҳақиқат, баҳтли кўринарди. Қандай яхши, шундай келишганд, улдабурон йигитга ёр бўлаётган Фазилатга қандай яхши. Фазилатга баҳт тиладим. Осмон булат, ёзниг қоп-қора булути, ҳадемай жала... жаҳонни фарқ қиласи у... ўзи каби қорайган ва армонга кўмилган юракни юлиб кетади у...

* * *

Машинам устахонада бўлганлиги боис уйга яёв жўнадим. Бунинг устига ишхонам унчалик узоқ эмас. Кўп қаватли уйларнинг орасида чиқиндиҳона бўлиб, йўлим шу жой ёнидан ўтарди. Кетаётиб кўзим бехос ўша кундаги бўш пластмасса идиш йифиб юрган одамга тушди. Унинг кийимлари ўша-ўша. У нарироқда куймаланаётган семиз хотинга қўлини пахса қилганча бақирап эди:

— Ҳой текин томоқ, оёғингнинг майиблигини пеш қилма менга. Тур, бўш идиш тўпла, бу ёғига ҳар ким ўз кунини ўзи кўради, уқдингми?!

У шундай дея аёлдан нарилаб юрди. Аёл унинг ортидан еб қўйгудек қаради ва ўзига ўзи:

— Күргани күзим йўқ сени, — дея фижинди. — Алкаш, гадой! Ҳаётимни хароб қилдинг.

Аёлнинг елкасини қоплаган патила сочлари юзини тўсиб турар, усти-боши ҳалиги эркакникидан қолишмас эди. У қопдан тўкилган бўш пластмасса идишларни бир ёнга жаҳл билан ажратар ва алланималар деганча тинмай вайсар эди. Мен йўлимда давом этардим. Ҳалиги киши менинг олдимдан кетиб борар, кўзлари худди тепага қотиб қолгандек уйнинг юқори қаватларига қараганча қичқирап, одамлардан бўшаган сув идиш сўрарди. Мен унга тобора яқинлашардим. Унинг товуши кимнидир эслатарди яна, яна хаёлларим чирпирак бўлиб тўзғирди, беихтиёр бир сезги нигоҳларимни унинг афтода жуссасига қадарди. Ва ҳаприқади юрагим. Мен ютоққан нигоҳларимни қадайман яна. Ва тиланаман: “Кўзларим алласин мени, алласин, алласин!..” Таассуф... Шуурим тиник, кўзларим тиник. Дунё хира, фақат борлиқ туман. Қисматдаги ва қўлдаги ёзиқ: “Ф” ҳарфи...

ЁМФИРДА ҚОЛГАН КИШИ

Бекатда писта сотиб ўтирадиган аёлнинг энгилбоши анча униқкан ва юпун эди. Ёнидан ўтиб-қайтаётганларга таниса-танимаса салом берар, харид қилиш учун ўзи томонга бурилган кишини кўрган ҳамоно юзига мамнунлик ёйилар, хариддан сўнг ташаккур айтишни эсдан чиқармасди.

У эллик ёшларни қоралаб, жуссасида ҳоргинлик аломатлари ва юзида ажинлар из солган бўлса-да, кўзларида ёшлиқ суқсурлиги сақланиб турарди.

Бекат рўпарасида ихчамгина дўконнинг қурилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ дўкон аллақа-

чон харидорини топиб улгурган ва кун узоқ гавжум эди. Дўкондор аёл бундан хурсанд бўлар, узоқ йиллар армон ва тушкунликдан кейинги ташриф буюрган хотиржам ҳаётдан Оллоҳга ҳамду сано айтар ва бу билан бирга ўзининг ҳам тиниб-тинчимаслигию файратидан мамнун бўларди. Ростдан ҳам унинг ишлари юришганди. Аёл ўзига анча эътибор берар, кибор аёллар каби ярашиқли кийинарди. У ҳар куни истаса-истамаса рўпарасида бекатдаги аёлга кўзи тушарди. Кеч кузнинг этни зирқиратувчи из-фиринида дийдираб турган аёлга раҳми келар, дўкондаги бежирим иситгич рўпарасида тани яйраб ўтиришидан беихтиёр ўзида ноқулайлик сезар, Қачонлардир ўзининг ундан ҳам хароброқ кечмиши кўз олдига келарди.

У бир йигит билан тақдирини боғламоқчи эди. Йигит курсдош эди унга. Қиз хушчақчақ ва доимо ораста юрадиган хушсурат йигитни бошқалардан Қизғанар, асраб-авайлар ва бу туйғу йигитдаги баъзи камчилик ҳамда нуқсонларни яширади. Бироқ йигитнинг ҳадигини оширмасдан қолмас, кундан-кун ташвиши зўраяр; унга ялиниб-ёлворишдан ташқари, иккиси учун бахтли онлар жуда яқин қолгани ва уни кўкка совурмаслик кераклигини айтарди.

Йигит шунча гап-сўздан кейин ҳам ўз билганидан қолмади ва узоқ вақт қорасини кўрсатмади. Қиз ростакамига тушкунлик оловида қовриларди, йигитга ихтиёрини топширганлиги боис ҳам даҳшатга тушарди. У йигитни анча саргардонлик ва қийналишлар эвазига топди. Суҳбат чоғида йигит бошқа бир қизнинг тузофига тушиб қолганидан, ундан қутулиш амри маҳол эканидан надомат чекди ва ўша қизнинг енгилтаклигидан жавранди. Унинг

чангалидан қутулиш ҳамони ёнига қайтишини ва ўша баҳт қуршаган кунларга етишажакларини айтди. Бироқ, деди у таассуф билан, ўша беҳаё ва инсоғизни кўндириш учун мўмай пул зарурлигини, унда эса бунча пул йўқлигини айтиб қақшади. Қизни қўрқув ва саросима ларзага солди, эси оғаёзди. Унинг келажаги сал кам жаҳаннам бўсағасида эди. Йигитнинг ночор боққан кўзларига тикилиб қолди. Ва бувиси никоҳ тўйига атаб тортиқ қилган олтин сирфасини қулоқларидан ечди ва йигитнинг қўлига тутқазди. Орадан кунлар ўтди. У йигитни тасодифан кўчада кўриб қолди. Ҳамма ҳам ета олмайдиган сўнгги урфдаги плаши йигитга кўрк бағишлаб турарди, суқсурдек қиз унинг қўлларидан тутганди.

Қизнинг бошига қайғу кўланкалари қора булат каби ёпирилди, кўз олди тинди. Энди унга ёруғ олам жуда торлик қиласарди.

Қиз шаҳар четидаги ёлғиз бир кампирнидан паноҳ топди. Кампирнинг буюрган барча ишларни бекаму кўст адo этар ва рўзғор юмушларидан бўшаши билан йўл четидаги бекатда писта ва қурут сотар, пулини тийинигача ҳисоблаб, кампирга тутқазарди. У узоқ йиллар сабр-қаноат билан бундай ҳаётга бардош берди. Кампир уни писта сотишдан бошқа ҳақиқий ҳаётга, қийинчиликларга ҳам бардошли қилиб тарбиялади.

У кампирни ташлаб кета олмади. Ўтмиш ва оқибат уни батамом бу хонадонга боғлаганди. Кампир унга уйини хатлаб берди. У энди бошпаналик бўлганди. Ва бирор ишнинг бошини тутиш учун бор маҳоратини ишга солиши, астойдил ва тинимсиз меҳнат қилиши керак эди. Ўзи орзу қилган шинамтина дўконини тушларida кўриб чиқарди.

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғарди. Писта сота-

диган аёл халтасини бекатга олиб кирди. Аёл муз қотган кафтларини оғзига олиб келганча нафаси билан иситаркан, ёнидаги халтачадан эркаклар плашини олиб ёпинди ва совқатган құлларини плаш чүнтакларига солди. Дүкондор аёл бу манзарани кузатиб турарди. Ва беихтиёр дикқати зўрайди. Плашни аллақаерда күргандай ҳушёр тортди. Плаш эскирган ва рӯдапога айланган бўлса ҳам бир пайтлари барчани ўзига қаратар даражада урф бўлганлиги унинг эътиборини тортди ва кўзига жуда иссиқ кўринди. Ёмғир баттар зўрайиб борар, қор учқунлари ёмғир томчиларига қўшилиб атрофга совуқлик сочарди. Шу кез алмисоқдан қолган шалоқ велосипедли киши аёлнинг қошига келиб тўхтади. Унинг ёмғирга бўккан энгил-боши аёлницидан қолишмас, бошидаги униққан телинак қулоқчинлари ғалати шалвираб кўринар, бир қўли билан велосипед рулини тутганча, бир қўлида қийшайиб қолган ёмғирпўш ушлаб турарди. Эркак велосипед ва ёмғирпўшни аёлга қолдирапкан, тез-тез одимлаб йўлни кесиб ўтди ва дўконга томон юрди. У дўкон эшигини очар-очмас:

— Узр хоним, дўконингизда сал исиниб олсам майлими? — деди шошиб ёмғир томчилаб турган телпагини қўлига оларкан. Таниш овоздан аёл сесканиб кетди. Ўsicқ ва тартибсиз соқоли қорамтири юзини қоплаган эркак бир зумгина аёлга тикилиб қолди ва аёлнинг жавобини кутмади, шошиб ортига бурилди.

Қўчадан хонага изғирин ёпирилди, ботинида қалққан ҳаяжондан аёл бир зум кўзларини юмди. Аёл қайта бош кўтарганида велосипедига суюнганча буқчайиб кетиб бораётган эркак ва писта солинган халтани ортмоқлаганча эгнидаги плаши ерга судралиб бораётган аёлни кўрди.

ЖОНҚОРА

Йўл ёқасида солинган пастқам томда ёйилган узумнинг қуриганларини сиқимида саралаётган аёл икки қўлини томга тираган кўйи, увишиб қолган оёғини олдига узатди. Бироқ қўлларини ердан узган ҳамон мувозанатини сақлолмай гавдаси бир томонга оғиб кетди ва жон ҳолатда кафтларини ерга босди. Аёл қаддини ростлади, хавотирланиб, атрофга ола-зарак аланглади. Кимдир уни кўриб қолиб, раҳми келишини истамади. Қўёшнинг нурлари том устини тўлдириб ёйилган тилла ранг узумга жимиirlаб тўкилар, аёлнинг доимо ёши силқиб турадиган кўзларини аёвсиз қамаштирап ва бу унинг қилаётган ишига халал берарди. Аёл энди ўзига ноқулай бўлса ҳам қуёшга тескари томонга ростланди, мўлтоқ оёғини мувозанатига тўғрилади-да, ишини давом эттириди.

Аёлнинг бир оёғи қорасоннинг касридан кесилганди. Тақдери азал унинг юрагига ўйган ҳадсиз жароҳати ва бу нотавонлиги устига-устак кўзларининг доимо ёшланавериб, жонидан тўйдиргани, ҳали унчалик кексайиб қолган бўлмаса-да, тишларининг аксарияти тўкилиб битгани, шундоғам кўркамлиги бўлмаган бу муштипарни баттар хунуклик ботқоғига ботирган эди. Буларни кўриб бир нафас ҳам ёруғ дунёнинг мунааввар лаззати ва масур оллари бу банданинг ҳазин дунёсига кўриниш бермаётганини илғаш ва билиш қийин эмасди. Шундай бўлсада, аёл тақдирнинг қаттол кирдикорлари билан беаёв курашмоқ учун ўзида етарлича куч топа олган, тушкунлик ва ҳақирилик бўхронларини ҳам додга қолдириш ва уларнинг устидан ғолиб келиш

Турсунмурод ЭРМАТОВ

мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандай юз-кўзларида доимо кулги ўйнаб турар, бу билан у гўёки қисмат зарбалари устидан қаҳ-қаҳ ураётгандай эди.

Бу аёл хотини бандаликни бажо келтиргач, йиллар мобайнида тулликнинг ситамларини сипқорган ва анчагина қийинчиликлар заққумини тотган бобомиз, яъни отамизнинг акасига (биз ёқларда отанинг акаси амаки эмас, бобо саналади) хотин бўлиб, чўл томонлардан тушиб келган. Бобомизнинг завжаси бўлганлиги учун бизга момо ҳисобланаб, биз ака-укалар уни шундай деб атардик. У эрининг қариндош-уруғлари ҳурмат-иззатини жойига қўяр, ёшимиздан қатъи назар, сизлаб мурожаат қиласар, фарзандидан гарчи ёшим кичик бўлса-да, мен ҳам бу иноятдан бебаҳра қолмаган эдим.

Мен момомиз ва бобомизнинг хонадонига жуда кам келганман. Улар ҳақидағи баъзи бир гаплар онам ва отамнинг ўзаро суҳбатларида қулоғимга чалинса-да, болаларча бегамлик мени бу инсонларга у қадар яқинлаштирмаган десам бўлади. Бироқ онам момомизнинг жуда ҳам қадрига етар ва унга бўлган ҳурмати ҳамиша сезилиб турарди. Эсимни таниганимдан буён бу аёлнинг ўз отимни айтмай, Жонқора деб аташини ҳеч тушинмасдим, олдинига жаҳлим чиқиб, онамга обидийда қилганим ҳам тўғри. Бироқ шундай аталишимнинг сабаб-моҳиятини ҳар қанча уринмай билолмаганим, онамга қилган илтижоларимнинг шамолга соврилганлари менинг индамай кўнишим ва бунга чорасиз бўйин бўлишимга сабаб бўлган.

Катта шаҳарга ўқишига кириб қайтганимдан кейин онам қувончини овсини билан баҳам кўриш мақсадида, гарчи улфайиб қолган бўлсан-да, кенжатои, яъни мени момомизникуга меҳмонга олиб келди.

У бизни томнинг устидаёқ кўрди ва сабрсизлик билан яқинлашишимизга кўз тикди. Қисиқ қўзлари юмилиб, илжайди. Унинг сарғайган йирик ва сийрак тишлари кўринди. Бизнинг ташрифимиздан боши кўкка етгандай ёнидаги қўлтиқтаёқларини илдам қўлтиғига олди-да:

— Мен ҳозир, ҳозир, — дея ҳовлиқди. — Шаҳарлик Жонқора кепти-ку!

— Моможониси, Жонқорангиз катта ўқишига кириб келди! — деди онам қувончини яширолмай. Момомиз шошқилаб, қўлтиқтаёқларини томдан сирғалтириб ерга ташлади-да, нарвоннинг пиллапояларидан қўлларини шотига тираган кўйи, бир оёқда ҳаккалаб, дорбозлар сингари чаққон тушиб келди. Қўлтиқтаёғини фичирлатганча аввал мен томонга дадил қадам ташлади, эркаклардай бир қўлида маҳкам сиқиб қучоқлади. Сўнг елкамга шапатилағанча:

— Шаҳарлик қизларнинг шўрини қуритиб юрибсизми? — деди ва қийқириб кулди. Момомизнинг қоқсуяқ қўллари қаттиқ ва кучли эди. Онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, менинг иззатимга тансиқ овқатга ҳафсала қилиб, елиб-югурди. Бир гапириб ўн куларди у. Момомизнинг онам билан қадрли ва бир-бирига меҳрибонликларига ҳайрон қолар ва бундан қувонардим. Мен унинг ҳаракатини кузатиб, момомиздаги шижиоат, ирода ва яна алланарсага тасаввур қилиб бўлмас даражада интилиш ҳиссиятидан батамом лол бўлиб турар ва ҳайратли бир ҳолатни бошдан кечирардим. У ҳамма нарсадан рози ва баҳтиёр эди. Момомиз шу ҳолида ҳам бобомизни ювиб-тарашига, унинг ҳурматини бажо келтиришига шаксиз ишонса бўларди. Унинг худди олдингидек ҳазил-хузуллари, оҳори тўкилмаган гапгурунги ва бир қадар ҳазми оғирроқ ҳазилларини

ҳам моҳирлик ва усталик билан кулгига ўраб-чирмаб кетишиларигача, баъзида силлиқ ва қўйма жумлалар эшитилиб қолаётгани, момомизнинг ташқи куринишига мутлақо мос тушмай турса-да, ундаги нималардандири боҳабарлик ва нозик таъблукни мендаги ботиний бир сезги аён қилиб турарди. Бундан менинг ҳаяжоним кучаяр, қалбимга эса илиқ бир нур оқиб тургани сезилар эди. Мен шу асно бу камтарин хонадонга жуда кам келганимдан ҳадсиз афсус чекар, бу ўтакетган худбинликдан бошқа нарса бўлмаганидан ўзимни койир эдим.

Ўшанда ҳар ким ҳам топа олмайдиган, ҳар кимнинг уйида учрайвермайдиган иккита қалин китобни момомизнинг токчасида кўрдим. Китоблар янги духоба мато билан қўлда қайта жилдланган ва авайлаб асралган эди. Китобларни қўлимга олиб қарадим. Духоба жилдда чиройли ҳусниҳат билан биттасига “Алпомиш”, иккинчисига “Кунтуғмиш” деб ёзид қўйилганди. Ўша кундан сўнг бу хонадонга, момомиз ва бобомизга интиқлик ҳиссининг уйғонгани, бу туйғунинг вужудимга тобора сингиб бораётганидан болалардек қувонган ҳолатим ва энг азиз нарсасини топган инсоннинг руҳиятини тиниқ ҳис қилиш шарафини сезганман.

Онамнинг баъзи-баъзида айтиб берадиган энг фамгин ҳикоялари момомиз ва бобомизнинг маҳзун ва дилгир кечмишларига келиб тақалар ва бу нақл бизнинг энг эзгин онларимизга айланар эди. Момомиз билан бобомизнинг ёлғиз фарзанди ҳақидаги воқеа ҳали-ҳануз қалбимда ҳазинлик ва ўқинч уруғини сочади. Мен гарчи бу воқеани ҳали болалик чоғимдаёқ эшитган ва билган бўлсанм-да, гувоҳлари бўлган онамчалик ёки отамчалик идрок этолмас эдим. Ўша ёлғиз фарзанд бобомиз ва

момомизнинг умидлари ва тиргаклари бўлганини онам доим кўзида ёш билан эслайди. Йиллар ўтиб момомиз билан бобомизнинг ўғиллари улгаяди, бобомизнинг қаватидан киради. Ори баланд бир йигит бўлади. Дўсти-ёронлари орасида келбатли бўлади. Давраларда манаман дегич полвонга бас келади, кураги ер кўрмаган марди ҳам бобомизнинг боласидан ҳайиқадиган бўлади. Бобомиз ички фуурурдан боши осмонга етиб юради. Шундай кунларнинг бирида ўғлини қаватига чорлаб таклифини айтади: “Молбоқарликни ҳам, полвонликни ҳам касбга санаб бўлмас, болам, бирор ҳунарнинг бошини тутиш йигит-мардумнинг безаги, ризқи-насибаси, – дейди. – Шаҳрисабз томонлар кўп обод жой. Бирор ҳунармандга шогирд тушгин”.

Йигит отасидан қайғуради. Онасининг интиқ нигоҳларидан узоқлашишни хоҳламайди. Отаси, онаси ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Ота тутган таёқни азиз билади.

Бир куни бобомизнинг ўғли дўстининг тўйидан бир оз ҳаяллаб отарга қайтади. Кўнгли бир нарсани сезгандай нотинчлана-нотинчлана етиб келади. Келса, қўтон ичи ҳувиллаб кўринади. Отаси ётадиган ўрин бўш бўлади. Тўйига аatab боқиб қўйган тўрт новвосни жойидан топмайди. Йигитнинг бошидан ҳуши учади, важоҳат билан отилиб ташқари чиқади. Ўзини ҳар ён уриб новвосларни излайди. Новвослар изини топгандай бўлади. Ерга ботган туёқ изларини кўради. Югура-югура катта йўлга чиқади. Йўлда ногоҳ инграган овоздан донг қотади. Қоронғида жон ваҳмида ўша томонга отилади. Бобомизни ерда ётган, афтода бир ҳолда кўради. Қўл-оёғи боғлиқ бўлади бобомизнинг. Йигитнинг бундан эси оғаёзади. Ўзини

ўғлининг қучоғида кўрган бобомиз бўлган воқеани кўзда нафрат, юракда ҳасрат билан айтади. Ўғлининг қон тўлган кўзлари бобомиздан сўрайверади. “Таний олмадим, болам, варганзаликларга ўхшаброқ сўзлашиди улар” дея олади бобомиз. Йигитнингюраги ўртаниб кегади. Алланимани англагандай тўлғаниб кетади. Бир ҳафта бурунги Варганзадаги кураш чақиндай миясига урилади. Товоқни кўтарган чинор келбат полвон кўз олдига келади. Ўша полвонга талабгор булади бобомизнинг боласи. Баковул полвонни панжакентлик дейди. Кураги ерга тегмаган полвон, азиз меҳмонимиз, дея нисбат беради. Бобомизнинг ўғли давра четида тайёргарлигини кўриб турганида, унга бир ироқи дўппили киши яқинлашади. “Полвон, – дейди шивирлаб, – аввало, тўй Варганзада бўлаётганини унутманг. Талаб қилаётганингиз панжакентлик машҳур эшонимизнинг тилаб-тусаб олган боласи. Йиқитиб қўйиб, бошингизни балога қўйманг. Яна бир гап, бу полвон бизнинг меҳмонимиз. Биз меҳмонни ранжитиб қўймаймиз, солимингизни берамиз, бу ёғига ўйлаб иш туting”. Бу гапларни эшитиб турган бобомизнинг боласи мийифида кулади. “Ота-онам мени ҳам тилаб-тусаб олган, биродар, – дейди. – Кўрдик, полвонингизнинг қулоғи бор экан. Биз ҳар қандай полвонман деб давра айланган марддан қайтмаймиз, қулоғи бўлса бас”. Бу гапдан ҳалиги кишининг кўзи олайиб, алланарса айтганча шошиб нарилайди. Бобомизнинг боласи рақибини синаб, нарилай-нарилай, йўлбарсдай ҳамлага шайланиб олишади. Усулларини кутиб беллашади. Бобомизнинг боласини ўйлаб турган лаҳзаси келади. Шунда: “Ё, пирим!” дея рақибнинг бақувват болдирига чил солганча, чинорни эгган мисоли эгади. Рақиб инграган кўйи оёқлари ердан

узилади. Давра гувраниб кетади. Варганза ларзага келади. Бобомизнинг боласи икки қўлини ҳавода ўйнатиб-ўйнатиб, музaffer давра айланади...

Бобомизнинг боласининг бошига урилган чақин ана шу бўлади. Йигитнинг вужуди зирқирайди, ботиний издиҳом юрагини нафратга кўмади. “Мен уларни топаман, ота!” – дея наъра тортади, Ҳисор тоғ ошиб жўнайверади. Бобомиз ўғлининг олдини ўраб, ёлғиз бормаслигини айтиб, зор қақшайди. Йигит арслондай кўкрак бериб, ориятдан юраги қақшай-қақшай тусмолидаги юрт томон шошилади... Кунлар ўтаверсин, алп йигит қайтай демайди. Унинг бедараклиги нафақат ота-онани, Ҳаловат элини ташвишга кўмади. Уруғ-аймоқ йигитни излаб, ҳар томон сочилиб кетади. Оҳ фалак, не чоғли беаёв. Нақадар аччиқ экан!.. Бобомиз ҳам, момомиз ҳам Яратганга илтижолар айтиб, йиғлай-йиғлай кутади. Шу боис момомизнинг кўзлари йиғламагандা ҳам йиғлагандай кўринадиган бўлади. Йиллар ўтади ҳам йигитдан дарак бўлмайди. Кўрган йўқ, билган ҳам йўқ. Кимлардир Ҳазрат Султон тоғларида қўй боқиб, пинҳоний ўша ўғриларни изидан тушиб юрганинш деса, яна бирор Самарқанд бозорларининг бирида ҳаммоллик қилиб юрганини эшигтан чиқиб қолади, новвосларини форат қилганларни тополмай овораи сарсон юргани тўғрисидаги мавҳум ва тусмол гаплар совуқ шамол каби момомиз билан бобомизнинг дардини янгилайверади, мутаассир юрагини тилкалайверади, дарди дунёсини изтиробга кўмаверади”. Аҳ болам-а, тўрт эмас, ўн новвос азиз бошингдан садақа, дея нола чекади момомиз, “бир кунлик ўлигим беэга қоламасмикин?” деб ғамалам ютади бобомиз. Бироқ бир мудҳиш ҳадикдан дунёси ёнади иккисининг, бир ёвуз хаёл мажруҳ

қалбларни дүзахий бир өчөн ирғитади... “Ер босиб юрганда келарди-я, шунқорим, гурсуллаб-гурсуллаб келарди-я, полвоним, дея изиллаб-изиллаб йиғлайди иккиси. — Ё Худо, үзинг паноҳингда асра ёлғизимни!” Бу дуо күн-кеча ҳам тилда, ҳам дилда. Бир лаҳзаки, бу илтижо тинмайди. Бу үтінч ҳануз бетиним...

Құнғилни ҳасратга чүмдірадыган бу ҳодиса мени доимо үз домига тортиб келар, үша номаълум ёқларга кетғанча қайтмаган йигитнинг аламли қисматини қалбим түридаги үйғоқ бир түйфу яккаш эслатиб туради. Қайси юртга бормай, худди у билан юзма-юз бўлиб қолишидек ҳаяжонни туяман, ҳали-ҳануз уни сўраб-суриширишдан тўхтагим келмайди...

Бобомиз шундан кейин подани бир үспиринга топширди. Үзи уйи олдида катта боғни обод қилди. Биз ёқларда узумзорни боғ дейди. Үҳ-ҳӯ анчагина, боғ деса боғ дегудай үзиям. Султони узумларини юқорида айтганимиздай қуёш нурида тиллага менгзаса арзиди. Бир момомизнинг кўзини эмас, қараган барчанинг кўзини қамаштиради. Унинг ҳосили бирам бўлади, бирам бўладики. Бобомиз томга чиқариб беради, момомиз бу ёғини эплайди. Майизини айтинг, ҳар бири бошбармоқнинг катта бўғинидай...

Қишлоққа келганимда момомиз билан бобомизнинг олдига боргим келаверади. Дўстлар бошқа, қариндошлар үз йўлига, мени қандайдир ботиний ва бетиним куч, интиқ бир түйфу ундейверади. Атайлаб момомиздан Жонқоранинг кимлигини сўрагим келиб бораман. Жонқоранинг кимлигини бирор билса-чи, шояд эшитгани бордир? Маъно-маниси нима? Гудаклигимдан менга эш бўлган, эргаш бўлган Жонқора! Аниғи шуки, момомиздан бўлак одам боласида бу жавоб йўқ. Жавоб бергувчи йўқ.

Йўлдан атайлаб момомиз билан бобомиз учун олган Самарқанд нонини олиб кириб бораман.

— Келинг, Жонқора, айланай сиздан, келинг, — дейди ер-у осмонга сифмай. — Кенжа қайнимиз кеп қопти-ку!

Момомиз худди ёш боладай хурсанд бўлиб кетади. Учиб-қўнади. Обдан сўрашади. Мен алдаб юрган, мени алдаб юрган шаҳарлик қизларнинг ҳам аҳволини сўрайди. Суҳбат қизигандан қизийди. Ҳазилидан бир парда юқорилайди-да гапи, момомиз тушкур мени уялтиради...

— Ким у Жонқора? — дейман. Баҳонада гапни чалғитаман. — Отимни айтаверинг, момо. Жонқорангиз нимаси?..

— Сиз бизга қайноға турасиз. Отингизни айтолмаймиз-да .

— Унда Жонқорангиз ким бўлди, момо?

— Катта ўқишиларда ўқийсиз-да, шугинани билмайсиз...

— Ўзи яхши одамнинг отими?

— Полвонларнинг оти-да, яхши дўстларнинг оти, айланай...

— Жон момо айтинг, ичим қизиб кетди.

— Бир шарт билан айтаман, — момомиз муғомбир жилмаяди. Мен ҳар келганимда айтаверадиган гапни яна қўзғамоқ пайида бўлади. Ўгирилиб қўшни ҳовлига қараб қўяди, яна кулади.

— Э, қўйинг-ей момо, топиб олганингиз шу, — дейман ёлғондакам момомиздан хафа бўлиб.

Бир гал борсам момомиз том устида қуриган туршакни тўрвага жойлаб, қўни-қўшнига бўлишаётган экан. Имлаб ёнига чақирди. Момомизнинг олдига чиқдим. Момомиз қўшнининг ҳовлисига им қоқди. Қарадим.

— Сочига қаранг, сочининг ўзи бир қиз! — деди момомиз бу гал ҳеч ҳазиллашмай. — Хотин, қиз деган ниначидай бўлмай, мана шунга ўхшаган тутимлигина бўлса-да! Бугина қизга ҳам ер боқиб гапиради. Ҳуснига нон ботириб еса бўлади.

— Нон ботириб е-еб ўтиринг бўлмасам, — деб куламан.

— Вой айланай сиздан, сиз нон ботириб енг деб юрибман-да, Жонқоражон, — дея қарсак уриб кулади момомиз.

Момомизнинг ўша айтган гаплари йиллар ўтиб хотирамда тикланади. Ҳолсиз, тушкун ўйлаб қоламан. Момомизнинг гапларини шунчаки эрмак деб юрганимни ўйлайман. Мендай бир олийгоҳда таҳсил кўраётган, “билими уммон”га бир ўқимаганнинг тенг бўлиши тўғримикан, деган хаёлларим энди ўзимга жуда бачкан ва юксиз туюлади. Ўша бебошликлар, сарсари хаёллар ва ёшликтининг бетийиқ, даққи-девона кечмишлари...

...Шуларни ўйлаб кўз ўнгимда қилдай нозик, ипакдай эшилган, чошгоҳда зўрға уйғонадиган, шаҳарнинг қоқ ўртасида ўниб-ўсган, ёстиқдошимиз гавдаланади. Сўнг негадир ўша момомиз биз учун ўзича асраб юрган, қошлари қалам, сочи тақимини ўпган дуркун қизни ўйлаб қоламан. Шунда яна кўз олдимда аёлимнинг чарчоқ ва ҳамиша нимадандир норози нигоҳлари бўй кўрсатади. Мен ўйлаб қоламан ва ўйимга етолмайман. Ўзимни ҳам номаълум нарса қийнайверади. Еган-ичгани олдида, бугун истиро-ҳат боғи, эрта концерт, индин... Бироқ кун-кунора ҳали боши, ҳали тиши... Қони кам эмиш... Бу қони тушкур қаёққа кетаркан?.. Инжиқлик, эркалийк... Бу ҳам қоннинг камлигиданмикин?.. Момомиз шуларни билганмикан, шуларни ўйлаб айтганмикин? Аҳ, моможоним-а!..

Шаҳардан безиб, саратонда бетон деворларнинг ҳовурига дош беролмай, салқин гўшаларни қўмсаб, бола-чақани олиб қишлоққа отланамиз. Неча кундир ҳали у ошнаникida, ҳали бу жўраникida бош фовлаб, сарсари юрамизда охири зерикамиз. Момомиз билан бобомизни ҳам бир кўриб ўтайлик кетар олди. Маликаи дилоромнинг анави қўлтиқтаёқда судралиб юрадиган, хунук момони, момомизни сира кўргиси йўқ. “Келиб-келиб үшатга борамизми, ўргилдим сиздақа романтикдан! Манга ким бўлалла, ман момо деб айтолмийман, опоқи дейман. Адаси, бормей қўя қолайлик...” Мен бу нағмаларни сезаманда, атайнин уни бирга олиб бораман. Олдинига уни такаббурлиги тутиб, тумтайиб, бетоқат ўтиради. Бироқ момомизнинг қайноқ тафтидан қишида печканинг устига қўйилган челякдаги муздайин асташта эрий бошлайди. Момомиз ҳам, бобомиз ҳам келинини ўтиргизгани жой тополмайди. Айниқса, момомиз милён нарсага уриниб ётибида-да, кўзига боқсангиз ҳеч қўнгли тўлмаётгандай. Нимадир камдай. “Туршак, майизни кўтарганингча ол. Ахир, боримиз сизларники-да, орқалаб кетармидик?!” Момомиз хотинимга тез-тез қарайди. Бир менга, бир унга, бир унга, бир менга. “Ширинлик берманг, кўпроқ гўшт есин”, деб ичи тутайди. Ҳаммасини пицирлаб айтади. Тескари қарайди-да, афсусли бош чайқаб, эпсиз бўлади. Чиқаётганимизда хотинимнинг “Яхши-да, а адаси, опоқи билан додани этаман, бояқишлиар ширин сўз, бирам меҳрибон!” деган гапларига аранг чидайман, виждоним зирқирайди. Момомиз тутқазган тўрвадаги зилдай оғир ёнғоғ-у, майизнинг куч-қудратига қойил қоламан...

— Жонқора, келинни олиб, яна келинг, — дейди момомиз.

Хотиним бақрайиб қолади:

Турсунмурод ЭРМАТОВ

— Ким? Жонқора? Оппоққинасиз-ку! Нега унақа деяптилар?..

Сабабини момомиздан сўрамайман. Мавриди эмас-да. Бошқа гаплар орага киради. Момомиз жон деб ҳазил-хузул қиласи. Кулиша-кулиша хайрлашамиз. Қушдай енгил тортаман. Момомиз, бобомиз хайр-хушлашяпти-ю, мен бўлсан уларни соғиняпман, тавба, негадир хўрлигим келяпти, истиҳола билан момомиз билан бобомиздан кўзларимни яширишга тиришаман.

Кунларнинг бирида ишхонамга онам қўнфироқ қилди.

— Момомиз ўтиб қолдилар... Кела оласанми?

— Нима? Нега, нега ахир?.. Яхши эдилар-ку! Қачон... қачон?! Она, момомиз, ўзимизнинг момомизни айтаяпсизми?.. Кела оласанми, дейсизми? Бу нима деганингиз, она?..

Йўл олис. Момомизнинг тобутини кўтаришга етолмадим. Айни ёз эди. Беихтиёр момомизнинг аксарият ўтирас жойи-томга кўзим тушди. Ҳамма нарса саранжом-саришта. Майизлар саралаб олингани билиниб турибди. Момомиз шундай қолдиармиди? Қариндошлар эшик олдида саф тортишган. Бобомизни бағримга босаман. Бобомиз кичрайиб қолгандай худди. Ушоққинадай. Кўз ёшлиари юзларини ювади, мен далда бўлиш йўлини излайман-да, тополмайман.

Бобомизнинг ёнида кечгача ўтирдим. Кейин хайрлашиб йўлга чиқдим. Кетяпман, ортимга қарайман. Орқамда бирор йўқ. Биринчи марта мен учун ўлиб-тириладиган, гиргиттон бўладиган одам йўқ. Йўқ! Кўзларимга ёш қуиилиб-қуиилиб келяпти. Бошимда жавоби йўқ саволлар. “Моможон, менга Жонқоранинг кимлигини айтмадингиз-ку?! Сиз

айтгандай ўша катта ўқишларда ўқибману уни кимлигини билолмабман-да, қаранг! Бормиди ўзи ўша Жонқора деганингиз?! Ёки мени яхши кўрганингиз, мени эркалаб айтган ҳазилларингизми, а, можон?..” Юрагим бир армон билан ўртанди. Шу кез кимнингдир ортимдан чақиргани хаёлимни бўлиб юборди. Қарасам, бобомиз. “Болам, қаричилик қурсин, эсимдан чиқаёзибди, момонг сенга бериб қўйишимни тайинлаганди” дейди қандайдир қоғозни менга узатиб. Ёш тўла кўзларимни арта-арта нарироқ бориб қоғозни очдим. Хатда шундай ёзилган эди: “Жонқора бу – Қоражон. Алларнинг кенжаси – Алпомишнинг дўсти. Момонгиз”.

МАЛОМАТ ЮКИ

Босим подачи кун кўтарилилмасидан молларни тўдалаб ўғлини олдига солди-да, қишлоққа эниб, эшаги бошини тўғри Басбуви момонинг ҳовлиси томон бурди. У Басбуви момонинг дарвозасини тақиллатишни эп кўрмай, девордан бўйлаб овоз берди:

— Чеча-ҳов. Ҳо, чеча!

Босимнинг овозида худди қарзини сўраб келган одамнинг иддаосидай оҳанг сезилди. Басбуви момо овозни таниди. Бироқ урчугини йигирганча миқ этмай ишини қиласверди. Босим бир зум сукутдан сўнг яна чақирди.

— Чеча, биламан уйда ўтирибсиз. Энди бояги шашт сезилмади. — Ана, бўсағада калишингиз турибди. уйдасиз. Ишим бор, қараб юборинг.

Ҳамон Басбуви момо турай демади. Басбуви момога Босимнинг муддао-мақсади аён. Ўғлидан келган совчиларни кеча учинчи марта қайтарди. Элда совчию элчилик қилиб юрган, камдан-кам

сазаси ўлган Хуррам оқсоқол билан Тилла хўжанинг уриниши-ю, ҳаракатлари зое кетди. Муштдай кампирга бас келиб бўлмади. Сўзу нуфуз синди. Бир томонда қишлоқнинг обрўси баланд кимсалари бўлса, бир томонда Босимнинг ялиниш-эмраниши уч пул бўлди.

— Ишинг битмади-ку, жўра, — деди Хуррам оқсоқол ҳафсаласи пир бўлиб. — Чечанг ўламан саттор у бадбахтга берар қизим йўқ, қишида ҳовлимдан қор сўраса бермасман бу бетовфиққа, лейди. Ўзинг бориб бир гаплашиб кўрмасанг бўлмайдими дейман-да, момонинг сен билан қуда бўлиш нияти йўғ-ов.

— Э-ей, ўзим борсам сенларни нима керакларинг бор эди? — деди қўл сермаб Босим. — Ким айтади сенларни қишлоқнинг обрўли одамлари деб, мени ёмонласа, ёмон ўзи, деб тургунча сал мен томонга ҳам оғиб гапирсанглар арпа-буғдойинг қоврайдими барингнинг?! Шу ҳам буйинсам, ошнам дейишларингга ҳам шубҳам ошиб қолди. Бир эмас, уч марта бординглар. Бир балонинг тайини йўқ. Бу ёқда анави падар лаънати ҳам олсам шуни оламан, бўлмаса, тоқ ўтаман деб турган бўлса, сенлар бундай деб нақл тўқиб турсанг. Сенлардан кўра минг марта анави гўрков Ойдин капказ яхши эди. Ўлсанг гўрингни ковлашга бормайман деб қўрқитарди ҳеч бўлмаса, ўргилдим сендай оқсоқоллардан!

Босим совчиларга уйга киринглар ҳам демади, уларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, қўл силтаганча дарвозани шартта ёпди.

— Ажаб бўлди, — деди Тилла хўжа Хуррам оқсоқолга ўгирилиб, — ўтказиб қўйгандай ўдағайлайди-я. Бас-буви кампир бу падар қусурга қишида қор бермайман деб тўғри айтди. Қандай ҳам берсин?! Бир томони яхши ҳам бўлди, яна боринглар деб безор қилмайди. Энди Ойдин капказни юборсин.

Босим ҳамон Басбуви момонинг девори олдида турарди. Эркаги йўқ уйга кириш нораво. Ўзига еткунча-да, қайсар. Ўрлиги эркакда йўқ. Босим ҳам ундан қолишмаслигини исботламоқчи бўлдими, ётиб қолгунча отиб қол, қабилида:

— Ўтиравераман, чеча, — деди тўқимдан бир оз кўтарилиб. — Подани кўёв бўлмишингизнинг олдига солиб Қўрғонтовга ҳайдатиб юбордим. Бўладиган йигит. Иши пухта. Ўзимга ухшайди! От минса ҳўкизни олдига ўнгариб кетгудай!

Босимнинг бу гапи шундоқ ҳам ғазаби қўзиб ўтирган Басбуви момонинг қулоғига хунук эшитилди. Илкис ўрнидан туриб дераза ёнига келди.

— Куёв бўлмишум ким? — Басбуви момонинг гапидан қаҳр уфурди. — Менинг жинимни қўзитманг, аввал ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман, сенларга қизим-ку қизим, бойловлик итимни ҳам раво кўрмайман.

Босим ирғиб эшакдан тушди. Оёқ учида кўтарилиб деворга тирмашиб, Басбуви момога буй курсатди.

— Менга нима қипти? — деди жаҳли кўпчиб. — Менинг песим борми, моховим борми? Қонимга ташна қилма, — деб юборди дафъатан сансираб, — барибир қизингни ўғлимга олиб бераман, қўлингдан келарини қиласан кейин!

Басбуви момога бу муомала, айниқса, Босимнинг сансираши шунчаки таҳдид эмас, ҳақорат бўлиб эшитилди.

— Ҳой кетасанми ёки... — Басбуви момо хезланди.

— Кетмайман, нима қиласандинг?!

Босимнинг беписанд пўписаси Басбуви момонинг ҳамиятини ўртаб юборди, ортиқ тура олмади. Ҳалпиллаб дарвоза томон жўнади. Босим бир сесканди. Аёлга бас кела олмаслиги чин, аламзада бу аёлдан ҳамма нарсани кутса бўлади. Унинг кўз ўнги-

да хунук манзара из ўйди. Ўрлигига изн берса тамом, ўйлаб-нетиб ўтирмайди, қўлидаги урчуфи билан бошини қоқ иккига бўлади. “Энди бу ёғи бефойда. Шарманда бўлгани қолади. Қизини пишириб есин!” Босим шу хаёл билан эшагига хала босди.

Басбуви момо дарвозани очган пайт Босим эшагини ниқтаганча анча нарилаб кетиб борарди.

— Изгинанг куйсин сенинг! — деди Басбуви момо қақшаб. Эгилиб ердан тош олди-да, ирим қилиб Босимнинг орқасидан отди. — Қоранг ўчтир, ювиндихўр! Ўзинг ким эдинг, ўғлинг ким бўлсин, қочқинчи!

Басбуви момо қарғана-қарғана дарвозани ёпди. Беҳол деворга суюнди. Яна ўша дилгир кечмиш вужудига симиллаб оғриқ берди.

Уруш тугаган йиллар. Инсонлар юрагида уруш касри, уруш солган жароҳатлар ҳали оғрикли. Басбуви билган ўнлаб аёлнинг қўнгли ярим, аза куйиги. Қишлоқда суюниб сўзловчи кам, хурсандчиликлар яширин. Кимнинг отаси, кимнинг боласи, кимнинг... Қишлоқ кўчалари ҳувиллаб-ҳувиллаб ётар маҳал.

Ярим тун эди. Ногоҳонда бироннинг “Басбуви!” деган саси келди. Овоз қайта, эҳтиётгина, авайланибгина тақрорландияна. Сакраб уйғонди у. Юраги увишиб кетди. Тушида эди у сас гўё. Эсанкиради, кейин... шуурини йиғди-ю, юраги гурсиллаб кетди. Рӯпарасида эрини кўрди. Кулгичлари ой ёруғида ёйилиб, жилмайиб турарди. Унинг ёниб турган қароқларидан гўё навжувоннинг қалбига ловуллаган аланга оқиб ўтгандай бўлди. Самодан тўкилаётган соҳир нурда кўксидаги медаллари аксланди...

Эрқул урушга кетган таниш-билишлари, ёру дўстлари ҳақида дам олмай сўраб-суриштиради, руҳиятида дилхушликдан кўра дилхунлик тарози

палласини босиб-босиб кетарди, Эрқулнинг зада қалбига мунг уруфини сочарди бу... Эрқул эшитган яна бир хабар унинг ҳайрат сезгиларини титратиб ўтди. Таассуф, ўкинч ва хиёнат қоришиб кетгандай ўзидағи дилгир сезгидан азият чекди. Буни хотинига сездирмасликка тиришса-да, қалби муз каби совиди. Ахир, Эрқул Босим билан бирга кетганди-ку. Вокзалда кўнглим айниятти дея отилиб пастга тушиб кетди. Кетдию вагонга қайтиб чиқмади. Эрқул қўрқиб кетди. Юзлари докадай оқариб кетган, жунаётган поездга зўрға илашган кузатувчи зобитдан Босимни сўради. Зобитнинг қовоқлари уюлган, тинмай ҳансираради. У Эрқулга еб қўйгудек қаради, “бор жойингга!” дея ўшқирди. Эрқул ҳеч нарсага тушумади. Кутимаганда перронда шошилиб кетаётган Босимнинг амакиси, районда савдо идорасининг бошлиғи бўлиб ишлайдиган Облоқуловга кўзи тушди. Кўзи тушдию Эрқулнинг таажжуби ошди. Кейин, жияни билан хайрлашгани келгандир, деган ўйга борди. Бироқ беҳаловат руҳият Эрқулни тинмай тақиб қиласади.

Энди хотинидан эшитганлари Эрқулнинг вижонини изтиробга солади. Фикр мавҳум, хаёлот қоронғи. Қарши вокзалида Босимни аллақандай безорилар аввал пулинни тортиб олиб, кейин калтаклашиб, хилватга ташлаб кетганини ҳикоя қиласади хотини ўша тун: бошидаги хавфли жароҳат, одам шуурининг бузилиши – руҳий хасталик... беморхона... олти ой ўтиб қишлоқقا қайтиб келган “телба ва хаста” бир одам. Сўзлари алмойи-алжойи киши – Босим девона. Кейин... бир савобталаб, саховатпеша Облоқуловнинг жигарчилик кўмаги. Ўзига келиб қолган Босим. Худо қайтиб берган бир “бечора банда”. Бу саргузашт эртакка ўхшаб кетарди. Бу чўпчак

Эрқулнинг вужудини туман каби қоплайверарди, юрагига ғашлик уруфини қадайверарди. Кўз олдига тўхтаб турган эшелон, қўнгли айниган Босим, ўқчий-ўқчий вагондан отилиб пастга тушиб кетаётган Босим... хилватда Облоқулов ва унинг икки югурдаги... Матонат ва чидам билан кўзларини чирт юмиб турган Босим ва халоскор амаки амри. Бошини ёрган тош зарби... шилқиллаб тушган гавда, кейин алланиманинг қони, юзларига сизиб келаётган Босимнинг қонига қўшилиб оқаётган бошқа қон. Ва бир “жабрдийда”ни усти очиқ машинага ортаётган уч киши. Облоқуловнинг бўзарган ва гўштдор юзи. Бу тасаввур эди. Мудҳиш тасаввур. Наҳотки шундай? Бошқа қандай, қандай, қандай?! Бу ҳиссиётдан қутила олмасди Эрқул. Тушида ҳам ўша қонни кўради у, бошқа эди ўша қон, одамники эмас эди қон...

* * *

Бир ойча вақт ўтгач. Эрқулни раис йўқлади.

— Эрқулжон, сени битта ишга мўлжал қилиб турибман, — деди, — дамингни олиб бўлган бўлсанг, — кулиб давом этди у, — мана фалла йигим-теримини ҳам бошладик. Фалла омборига Босимни мудир қилиб тайинлаганмиз. Сени шунга ёрдамчиликка қўяман. Ака-ука бўлиб ишлайсизлар. Билишимча, қариндошликларингиз ҳам бор шекилли-а?

Эрқул бир зум сўлиш олди. Бу кутилмаган таклиф Эрқулнинг дилига илиқлиқ эмас, билъакс, хира бир сезги ёйди.

— Биз ўқимаган бўлсак, раис бова, — деди бир ишончсиз оҳангда, — ишчилик қилсак ҳам бўлаверади. Раис бош чайқади. — Айтган гапни қилавергин, — деди қатъий. — Бир нимани ўйлаб шу ерга тайинладим сени. Облоқулов катта одам, сўзини

қайтара олмаганимдан Босимни қўйдим. Бу ёғини тушунгандирсан, а?

Босим Эрқулни гўё яхши кайфиятда қаршилаган бўлди.

— Сиздай бир ишончли одам керак эди-да бизга, қариндош, — деди салмоқлаб Босим. — Раис вали киши, яхши-ёмонни ажратади. Уруш кўргансизда, уруш кўргансиз... Эрқул Босимнинг гапидан аллақандай нохолислик ва истеҳзо уфурганини фаҳмлаб турса-да, сир бой бермади. Аксинча, шу топ ўзида айнан шу ерда ишлаш даъватини сезди.

Ишлар бошланиб кетди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кўринса-да, Босимдаги баъзи хатти-ҳаракатлар Эрқулнинг юрагига шубҳа уруфини сочар, раиснинг гапи қулоқлари остида жонланар, борлиғида қандайдир нотинч руҳият ҳукмрон эди.

Ўша кун Эрқулнинг юраги одатдагидай яна ғашланди. Тун қоронғи эди. Уйқуси қочиб, ташқарига чиқди. Эрқул Босимнинг ётоғига кўз ташлади. Хонада чироқ ўчган, каравот бўш. Эрқулнинг юрагига аллақандай нохушлик ўрлади, хирмонни айланниб келиш мақсадида юрди. Шу кез қоровулхона чироғининг хира шуъласида орқасига нимадир ортмоқлаган икки шарпа липиллаб ўтди.

— Тўхта! — дея ҳайқирди Эрқул. Ва жон ҳолатда югуруди. Қоронғида алланарсага қоқилиб кетди. Мункиб, тезлиги сусайди. Деворгача анча йўл эди. Эрқул чаққонлик билан пастак девордан ҳатлади. Атроф зим-зиё. У яна чопди. Қоронғида аланглаб югуриб борар, шарпалар энди кўринмас, зимистон борлиқни қамраб олганди. Үнга алам қилди. Фазабдан вужуди зирқиради. Ночор қайтди. Хирмон олдида Босим билан дуч бўлди.

— Ҳа, тинчликми? — деди Босим Эрқулга синчков

Турсунмурод ЭРМАТОВ

назар соларкан. — Чопиб кетдингиз, күзингизга бирор нарса күриндими, немисни туш күрдингизми, дейман?! — Босим масхараомуз ҳириングлади.

— Ҳа, немисни күрдим, — деди Эрқул Босимга нафрат чақнаган нигоҳларини қадаб. — Бироқ ўнгимда күрдим. Ўша ғаламислар шу ерда ҳам бор экан.

— Бу нима деганингиз?

— Ҳозир қўлга тушира олмадим, лекин албатта тушади! — деди Эрқул ҳамон ундан кўзларини олмай.

— Бу биринчиси эмас, билиб қўй!

— Босинқирадингизми, нима бало? — Босим ғалати илжайди. — Бориб ётинг, эртага ғалла ортишга ёрдам берасиз.

Эрқул гапирмади. Хаёлига ёшлиқдаги бир воқеа чақиндек урилди. Босим иккиси Қўр丰тоғ адирларидан хас йифишга боришганди. Олдиларидан чўпон сурув ҳайдаб ўтди. Орадан вақт ўтиб, сурув узоқлашиб кетгач, Босим Эрқулнинг олдига келиб, хуржунидан кичкина ва жонсизгина улоқчани чиқарди.

— Менинг ўлжам бу, — деди мағурланиб, — шартта пойчасидан ушладим-у, хуржунга урдим, — ҳириングлади Босим, — чўпон-ку чўпон, ёнма-ён кетаётган онаси ҳам сезмай қолди.

— Олиб бориб бер! — дея газабланди Эрқул. — Эсинг жойидами, онализ ўлиб қолади-ку! Босим хотиржам жавоб қилди:

— Ўлмайди, менинг ҳаётимдаги биринчиси эмас бу. Сут бериб катта қилиб оламан.

Эрқул бу воқеани узоқ вақт эсидан чиқаролмай юрганди. Ҳозир ҳам ўша воқеа худди шу топда юз бергандек ижирғанди, руҳиятида сустлик сезди.

Эрқулнинг ҳар тун уйқуси учар, хирмонни айланаб чиқар, хотиржамлик кўнглини тинчлантирса-да,

барибир ҳам аллақандай нохушликдан безовталиги ошарди.

Эрқул ишчиларга ёрдам қилиб жуда толиққанди. Кимдир ярим тунда уни қаттиқ турткилади. Эрқул аланг-жаланг күзларини очди. Қараса, тепасида икки миршаб турибди.

— Оёқ кийиминг қани? — Эрқул миршабнинг дағдағаси ва ўхшовсиз саволидан ҳангу манг эди. — Оёқ кийимингни сўрадим, гарангмисан?

— Анави калиш меники, — деди Эрқул пойгоҳдаги калишни кўрсатаркан.

— Ҳар куни шунча ғалла ўғирлайсанми?

— Қанақа ғалла?! — ҳайратланди Эрқул.

— Мана бунақа ғалла! — Миршаб калишни чироққа яқин олиб келиб, бўш пақирга калиш ичидағи буғдойни шовуллатиб тўқди.

— Халтанг қани?! — деди иккинчи миршаб.

— Қандай халта? — Эрқулнинг ҳайрати ошди.

— Ҳар куни буғдой олиб кетадиган халтангни айтаяпман, нон солиб келасан-ку.

— Нон халтамни сўраётган бўлсангиз, мана у.

Эрқул ёстиғи остига қўл солди. Кеча оқшомги бўшаган нон халтаси ёстигининг остида эмас, ёнбошида турар, халтада анчагина буғдой солинганди. Эрқул бўшашиб кетди. Томоғига нимадир тошдек тиқилди. Қулоғи шанғиллади, миршабнинг гапини элас эшилди:

— Босим ака, бу муттаҳамнинг ишга келган кунидан бошланг, — деди миршаб ташқаридан кирган Босимга, — калиш ичидағи ғаллани тарозида тортинг, ҳар куни ўғирланган буғдойни мисқолигача ҳисобланг.

Босим негадир Эрқулдан шошиб кўзларини олиб қочди ва тил учида ғудранди:

— Мўмин одам деб ўйлардим буни, раис юборган одам ҳам шундай бўлса-я, ўртоқ начайлик?..

Эрқул ҳеч нарсани исботлай олмади. Исботлаб бўлмади. Нон халтадаги буғдой, раиснинг ишониб-ишонмай турган нигоҳи, Босимнинг маккор қўзлари...

* * *

Икки йил деганда узоқ юртдан мудҳиш хабар келди. Аёлнинг жисми гўё мусибат тошлари остига янчилди. Лаънати иқлим, сил оқибати! Басбуви учун ул юрг борса келмас эди. Эрқулнинг жасади қолди ўша борса келмасда. Унинг арвоҳи Басбуви аза очган ва телбавор соч ёйган совуқ ва файзиз уй шифтларига чирқирай-чирқирай кезинди. “Бу қасофатлар билан олишиб, ўзингни хароб қилма, Худойимга сол!” деган сўз эди ўша охирги сўз. Бу сўнгги сўз илтижо бўлди, шу сўнгги сўз видо бўлди. Басбувининг йўлига ФОВ солли ёгу айтмиш илтижо. Босимнинг қонини тўкишга моне бўлди. Аҳ, аттангга, дея надома үтида қовурилди навжуwon. Интиқом үти тутаб-тутаб қолди, интиқом қиёматга қадар узун бўлди. Бу ўтмишга саловат айтиб бўлмас бўлди.

Эл-улусга Босимнинг кирдикорлари равшан эди, кундай аён эди. Урушдан қочди у. Ота уруғи Эрқулга тухмат тошини оргтан, авахта қилган ҳам шу, қаттол йиллар ҳукуматга хуфя бўлиб, нечтани мол-мулки, деккасидаги бир кафт майизигача уруш учун дея форат қилган кафорати йўқ, истиффор ёт бандай куфр ҳам ўзи. Алалоқибат уйда жаҳолат: қиз қариган, ўғил бўйдоқ, ҳақ басири ботил омон.

* * *

Босим эшагини қичаб борар, юрагида бир ожизага қасос үти ловуллаб ёнарди. Сўзи бир пул,

одамлиги бир пул. Эркаклик ер, ору номус туфроқ. Асрий қўрқоқ руҳиятнинг галдаги панди. Бир заифа қаршисидаги жонсиз забон. Фарзанд муддаоси, афв ижроси, ўтмишга саловат, бари бирдай қайсар дил тубига чўкди, юракни тилкаловчи ҳақли маломат бирожиза ва жабрдийда забонида гўё момоқалдироқ бўлиб гумбурлади. Ва у шу жабрдийда заифанинг қаҳридан ортига чекинди. Мен ҳам ҳақман, мен ҳам инсонман деган сўзларни ботинига кўмди-ю, қайсар юракнинг измида қолди. Маломат эса ўша. Майли бу маломатдан кўра аёлнинг қўлидаги урчуқтоши бошини уриб ёрса, ёрса-ю, мақсад учун унинг қора қони юз йиллардан бери айқириб ётган Кайнардарёга қўшилиб кетса...

* * *

Басбуви момо рўй берган ҳодисани ақлига сиғдира олмасди. Ҳадиги, ҳайронлиги ошгандан ошди. Тириклиги, тирикчилиги томдай сигир оғилидан ечиб кетилган. Кўрдим деган йўқ, билдим деган йўқ. Бир чақиримли йўл — пода чиқарга ҳаллослай-ҳаллослай кетди. Ҳансираб, нафаси бўғзига тиқилди. Пешонасидан реза-реза тер оқди. Ўлимлиги эди шу сигири, ош-ардоби эди. Ҳар йили боласини сотиб рўзфорга яратарди. Ҳўқиз бўлсаки, ўзини кўчага урса. Жуда бўшалиб кетса, ҳовлидаги ўт-ўланга оғиз уриб турмасми? Басбуви момо бўшалиб кетди. Томоғи қуруқшади. Қизи Сарагул иккиси кўчага чиқди. Беш чақиримли пода ўтлар Душалисойга йўл солди. Чиқмаган жондан умид. Томдай сигиринг сувга тушган тошдай дараксиз кетади-ю, қараб туриб бўладими. Она-бала ана келиб қолар, мана келиб қолар деб, уч кечаю уч кундуз йўл қараши. “Кўллик бўлди, қўллик бўлмаса чиқарди-я,вой эсиз-а!”

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Басбуви момонинг хаёлига урилди бу умидсиз ўй, унинг ичи куйиб-куйиб кетди.

Тоңг ёришиди. Осмонга оқ кумуш ранг инди. Момонинг күнгли ҳам осмоннинг ҳадсиз бўшлифи каби ҳувиллади. Охурдаги чала ейилган хасга шуурсиз бир зум тикилиб қолди. Момо қўшни қишлоқлик Исоқ даллолниги ҳам бориб келди. У ҳам бехабарлигини, бозорга момо тасвирлаб берганидек сигир кирмаганини айтди. Исоқ даллолнинг маслаҳати билан Басбуви момо қизини олиб макридлик Жонузоқ даллолни қидириб борди.

— Э, моможон-ей, — деди Жонузоқ бош чайқаб. — Сигир қўлли бўлган. Сигир қўлли бўлмаса йўқ бўлиб кетмайди. Энди гап бундай, — давом этди у, — мени айтди демайсиз, сигирни Мойли қассобдан сўрайсиз. Кеча бозор қишлоқдошингиз Босим дегич билан Мойли қассобнинг чеккада қўл олиб турганини кўрганман. Мен ҳаловатлик фалончининг аёлимдан дейсиз. Урушда отангиз билан хўжайиним бирга хизмат қилган деб айтинг, хўпми, момо, аммо Мойли мард одам.

* * *

— Нега бу ишга қўл урдингиз? — деди терговчи Босимга қадалиб. — Бисотида биттаю битта сигири бор экан, момога раҳмингиз келмадими?

Босим нигоҳини Басбуви момога ўқтин қадади.

— Бунинг менга раҳми келибдими? — деди истеҳзо билан. — Гапидан илон пўст ташлайди бунинг. Менда ҳам юрак бор, эркаклик фурурим бор, начайлик. Бойловли итимни ҳам раво кўрмайман сенга, деди, қочқинчисан, ҳукуматнинг ювиндиҳўрисан, деб туҳмат қилди, ҳақорат қилди!

Басбуви момо ҳамон сукут сақлаб ўтиради. Бироқ

Босимнинг ўзининг жабрдийдалигини ошириб га-
пирган гапи унинг сабр косасига сўнгги томчини
қўйди, чидамини кесди.

— Сенда фуур борми, беномус?! — деди титроқ
овозда. — Ўлсам ҳам сенга айтган гапларимдан тон-
майман. Қирғин келгур, ўғри!

Терговчи шошилиб ручкасини тиқиллатганча
деди:

— Ҳақорат қилинmasин.

* * *

Бир йил ҳам кўз очиб-юмгунча ўтди. Босим
қайтиб келгач, кўчага чиқмади. Унинг қамоқдан
қайтганига бўйинсалари Тиллахўжа билан Хуррам
оқсоқол демаса, бирор йўқламади. Кўргани келган
Ойдин капказга гўрков деб ирим қилдими, кажлиги
тутдими эшик очмади. Қамоқда орттирган касали
унинг тинка-мадорини қуритиб борарди. Кўп нарса
алам дафтарини ковларди. Кундан-кун дардига дард
қўшилар, бу дунёда бирор-бир савоб иш билан ба-
қамти бўлмагани, бирорни дуст деб қўл бермагани
бошига армоннинг қора кўланкасини ёпар,
фарзандлари бўла туриб ёлғизлик заққумларини
ичгани ва ҳатто ёлғизгина ўғлини уйлантира
олмагани, қиз чиқармагани озурда юрагига найза
санчар, заққум томчиларини сепарди.

* * *

Орадан бир йил ўтди. Орттирган касали Босим-
ни кундан-кун уқубат ва изтироб гирдоби томон
етакларди. Унинг юрагида тенгсиз фулғула бор
эди, айтиб бўлмас бир сир яширин эди. Бу сир во-
қифлиги барчасидан ҳам мушкул, аянчли эди: у ҳат-
то бу ҳақда ўйлашдан сесканар, хаёлига келадиган

Құрқиңчли хаёллар уни ҳаловатдан, тинчидан ва дунё лаззатларидан айиради. Бироқ у ноилож эди. Бошқа йүл йүқ эди. Алалоқибат у ўғлига юрагига ҳадик оловини ёқиб ётган узок йиллик асрорни айтишга жазм қилди. Ўша сир ҳалтачадаги тилло тангалар эди. Ох, қанчалар азоб-уқубатлар билан тұпланды булар, қанча күз ўшларнинг эвази эди бу. У теваракка аланглади. Биргина сасга интиқлик билан қулоқ осди. Бу сирни неча бор ўғлига айтишга уриниб күрарди у. Бироқ ҳар гал бунга күзи қиймас, кункекча лабига сув томизиб турған ёлғиз ўғилга айтиш ҳисси ҳам юрагини чаёндек чақар, очкүз ва худбин феъл-атвор олдida бу эзгулик мағлублик кийимини кияр, хасис ва харис руҳ измиға бүйин әгарди.

Босимнинг ўғлини чақираётган заиф овози дегенде раза оша сирғалиб чиқди. Ўғил эшитмади. Ўғли ҳовлида кезинарди. Босим қулоқ осди. Ҳовлида одам шовурини сезмади. Шу кез күкдаги ола-чалпоқ, увада булатлар лашкари қүёш юзига күланка ташлади, дераза оша беморнинг юзларига кузнинг салқин шабадаси келди. Ҳовлида бүй үзүиб турған, мағрур ва сервиқор теракларнинг сарғайған япроқлари күчсизгина эпкинга дош беролмай, чирпираб тұзғиди. Ичкарида этни жунжиктирувчи салқин ҳаво кезинди. Босим күзларини катта очганча әнди кимнидер илхақ ва ютоқиб ахтарарди. Күзларини юммаслик учун тиришиди. Күзларини юмишдан сесканди. У эсанкиради, лаблари пичирлади. Бироқ ҳадемай бемор ётган хонага қоронгилик күлкалари бостириб кирди... шунда ҳам у күзларини юммади, алланимадан умидвор тикилған күзлари очиқ қолди...

Қабристонда одам сийрак эди. Ойдин бобо ўсал бұлса ҳам таёқ сұяниб қабристонга келди, ўш-яланға күрсатиб, ўргатиб турди. Қабр асп номози маҳали

тайёр бўлди. Йиғилганлар қабр ковлаб бундай қаттиқ чиққан ерни кўрмаганди. Ойдин бобо буни ошкор айтмади. Қабр бошида бу гапни айтиб бўлмайди. Савоб ишга маломат, майитга писанда бўлади. “Ёз иссиқ келди-да бу йил, кузда ҳам деярли ёмғир ёғмади”, деди Ойдин бобо, гарчи уч кун олдин шаррос ёмғир ёққан бўлса ҳам. Икки томондан фонус тутиб майитни қабрга қўйишди. Аср намози билан шом намози орасида дуои фотиҳа жоиз бўлмагани боис Тиллахўжа қабр бошидагиларга эртага эрталабдан майитнинг уйига фотиҳага келишларини айтди.

* * *

Басбуви момонинг бундан икки йил олдин, сиғири йўқолгани қанчалик ҳайратли ва ақлни шоширадиган иш бўлган бўлса, яна ўша ҳолат тақрорланди. Бу сафаргиси бутунлай бошқа бўлди: бўй-басти, ранги-рўйи ўзининг сиғирига ўҳшайдиган бегона бир сиғир икки йилдан бери оғзи ланг очилиб қолган оғили оҳурида чала қолган емишни куртиллатиб, чайнаганча боғлоғлик турарди. Ё тавба бу нимаси? Муштдай бир кампир билан ким ҳазиллашади, бу қандай ноинсофлик? Басбуви момо қақшаб кетди. Ҳовли супираётган қизи томон шошилди. Шу чоғ кимдир эшик қоқди. Басбуви момонинг кўнгли нотинчланди. “Каллаи саҳарлаб ким бўлди? Ким бўлса ҳам ёмонликка бўлмасин, илойи. Худо кўрсатмасин, ўғирлаб келиб, оғилингга боғлаб қўйгансан деса-я?.. Босимга ўҳшаб, мени ҳам...” Басбуви момо ногоҳон келган хаёлдан сесканиб кетди. Боши айланди. Қўлларини зўр-базўр дарвоза зулфинига олиб борди.

— Очаверинг, опа, — деди кимдир ташқаридан. — Қўрқманг, мен Ҳуррам оқсоқолман. Басбуви момо ҳамон қалт-қалт учган кўйи турар, келганларнинг

мақсад-муддаосини англашга ақли етмас, бошида чексиз хаёлот чаппар уради. Икки қария кула-кула уйга киришди. Басбуви момо ҳамон ҳайрон тикилар, сабрсизлик билан мәхмонарнинг оғзиларини пойларди.

Тиллахұжа билан Хуррам оқсоқолга яна қийин бўлди. Айтилмаган гапнинг ўзи қолмади.

— Юзни қон билан ювмайдилар, опа, — деди Тиллахұжа куюниб. — Битта йигит бўлса шунча бўлар. Отаси ўлгач, тинмади шу бечора. Ана, ўртоқлари билан қабристонни пахса қилиб ўраб чиқди, савоб йўлига қишлоқнинг подасини боқиб юрибди. Янги масжидга битта эшик олиб берди. Отамнинг кўзи очиқ кетмасин, бўйнида қарзи қолмасин деб, мисқоллаб йифиб, сигирингизнинг ўрнига ўрин олиб келиб оғилингизга боғлаб қўйди. Яна нима қилсин, куёв бўлса шунчалик бўлар.

— Бу ёғига гажирликни қўйинг, опа, — дея гапни илиб кетди Хуррам оқсоқол. — Бу ишни ўзи қилса ҳам доим бизнинг маслаҳатимиз билан қилди, бола пақир. Йўқ деманг, опа. Яхши бола. Яхшилигига мана биз кафил. Қўрқманг, йигит онасига тортган, — кулди у, — билардингиз-ку, қандай оқила аёл эди Худо раҳмати, а?

Халидан бери ранги бўзариб турган Басбуви момо қарияларга бир қараб олди-да:

— Ҳа, — деди мунгли бир товуш билан, — шўринг қурғурнинг ҳам бошига етган, сил қилиб ўлдириб юборган ҳам шу жўраларингиз эди. Эрнинг зўри — хотиннинг шўри экан-да...

— Энди ўтган ишга саловат, — деди Тиллахұжа, — қани, қўлни очинг. Очинг, очинг, опа, иккиланманг.

Шу кез кутилмаганда оғил томондан сигирнинг чўзиқ маърагани эшитилди. Уйдагилар беихтиёр ялт

этіб баб-баравар ўша томонга ўгирлишди. Иккі қария ҳам бирдай хохолаб кулиб юбориши. Шу кез қариялардан бири ташқарига қараб чүзиқ овоз берди:

— Ҳо Сарагул қизим, сиғириңгә ўт-пүт ташлагин, қорнини түйғизгин уни!

МУРОСА

Девори эскириб, тұқилиб турған бұлса ҳам ҳовли ичкарисидаги гилос дарахти әкілған каттагина боғ үзгача бир күринишида әди. Дарахтлар чунонам ҳосилга кирган, меванинг мұллигидан шохлари синай дер, күчадан ўтган ҳар қандай одамнинг әътиборини тортарди. Айниқса, ёш болалар үzlарини тиёлмас, игна күзидек жой қолдирмай шохларни зич қоплаб ётган қирмизи мевалардан нигоҳлари айрилмас, бироқ ҳар қанча оғзиларининг суви кетген билан бунинг фойда-нафи бұлмас, хароб девор олдида чириған курсида доимо ҳушёр ўтирадиган дарғазаб қариядан истиҳола қилишар, яна ҳам аниқроғи, құрқишар, айниқса, унинг құлидаги йүғон сүйилнинг совуқ шамойили гилосдай тақчил меванинг ҳам ҳар қанча тотли таъмию мазасидан устун турарди. Мұл ҳосил ва бошқа бир шукуұдан капча илонни күрган одамдай сеҳрланиб қотиб қолған бола боеқишлиар учун ҳатто томоша ҳам тақиқланған, оёқ илдими, дафъатан телбавор ҳайқириқдан ўтакаси ёрилгудай тисланишарди.

— Сенларга деб экиб құйибман-да, а?!

Қария әснаганча яна хаёл сурарди. Кечаги келған новча, зағарон юз харидор күз олдига келди. Негадир унинг тулкеникіга ўхшаш күзлари ёқинқирамади қарияя. “Үн миллион бераман, териш ҳам, олиб кетиш ҳам үзимдан. Одам олиб келаман, фақат

қудуғингиздан сув ичиб турсак бўлди”, дея илжайди. Унинг баҳараси илжайганда янада совуқлашгандай сезилди. Қудуқдан сув ичиб турармиш. Негадир кейинги кунларда қудуқдан тарма кўчиб турибди. Тез-тез лойқаланади, савил қолгур. Ҳадемай қурийди, шекилли. Бир талай ичиб тўймас мардикорлари сув ичавериб қудуқни чиппа қуритиб кетса-чи? Албатта, шундай бўлади. Қудуқни ковлашиб қўйгандай гапиришини қара. Қудуқ-ку, бир гап бўлар-а, қўлига пул тушса кавлатиб ҳам олар, бироқ анави падар қусур ўғлининг муддаоси қўрқинчли. Гилоснинг пишишини пойлаб ўтирганми, нима бало, қазо келгандай бемаҳалда кириб келди. Ҳамишагидай қуп-қуруқ. “Омад келмади, омад”, дейди яна уялмайнетмай. Омад покиза неъмат. Сендай маломатгўй ва ношукрнинг бошига қўниб, ўзини хор қилмайди у.

“Бобомнинг тупроқларидан айланай, – дейди яна уялмай. – Бу гилосларни набирам есин, ортганини сотиб, етмаганига уласин деган-да”. Суллоҳлик ҳам эви билан да. Бутакаббурга қани тушунтириб бўлса, қани эди, одамларнинг боласидай нима десангиз, “сизники тўғри, ота”, деса. Вой, баттол-ей. Ҳали кампири ҳам бор ўртада. Неча пулга сотганини билса борми, “чўз менга ҳам” дейиши тайин. Она-болани бунча бир-бирига ўхшатиб яратмасант-а, эй Худо! Қария ўғлининг бемеҳрлигини ўйлади яна. Ўқиши қойиллатмади. Аввал сайёр дорбозчиларга қўшилиб, дайдиликни бошлади, ҳунар ўрганяпман, дея ҳаммани ишонтириди. Кейин сураткашга шогирд тушди. Дарбадар, кўча боласи, пул топиш илинжида яна санқиди. Ҳаммаси абас кетди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ – хирмонда ҳозир. Гилосга кўз тикиб ўтирибди, қасанғи. Бу замонда ўз молингга ҳам тинчгина хўжайнчилик қилолмайсан! Эртароқ,

сотиб қутулгани яхши. Харидорни чақириш керак, шекилли. Қария шу кез бирдан ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетди. Қўлидаги сўйилни сермаб ҳай-ҳайлаб юборди. Кейин сергакланди-ю, теваракка аланглади. Атроф сув қўйгандек жим-жит. Зоғ ҳам кўринмайди. Ёқасига туфлади. Ҳозиргина қайсиdir дараҳт шитирлади-ку. Сабил қолгур майна бўлса керак, гўшting мушукларга ем бўлгур қузғун. Қариянинг хаёли бўлинганди. Ҳа, деди у хаёлини жамлашга тиришиб, товуш чиқарган кўйи, кейин кўрсаткич бармоғи билан бошига секин нуқиб қўйди. Ҳалиги, ҳа, харидорни, үшани ўйлаётганди. Келишиб олади у билан. Унга сенга сотмайман, дейишдан осони борми?! Сотмайман, дейди тамом. Кейин олиб сотар харидор ялинадими унга, ялинади. Чунки у тулкининг ақли етиб турибди, қиммат савдо қилмаётгани унга куидай аён. Бўлмаса елимдай ёпишиб олармиди? Кейин унга bemalol шарт қўя олади. Ўғли билан кампирига гилосни кўтара саккиз миллионга келишдим, дейди. Олибсотар саккиз миллионни ҳамманинг олдида санайди. Қолган икки миллиони кейин... Қария бир зум ўйланиб турди ва бирдан сесканиб кетди, бармоқлари титради. Ва яна товуш чиқариб “йўқ, йўқ ундай эмас”, деб юборди. “Ўҳ, калла”, дея бошига секин муштлаб қўйди. Ундай эмас, олдин олади пулни. Олдин икки миллионни сўрайди. Қани бермасин-чи? Шундай ҳосилдорликдан воз кечиб бўларканми?! Унинг гилосларидан юз ўғирган ҳар қандай олибсотар итнинг ялоғидан овқат егани дуруст.

— Ким билан гаплашаяпсиз, ота? — қария овоздан шундай чўчиб тушдики, гўёки муттаҳамчилик ва ёмон гуноҳ устида қўлга тушгандек ичидан бир

Турсунмурод ЭРМАТОВ

нима узилиб тушгандай бўлди. — Нима бало, ақлдан оздингизми? — ўғлининг овози узоқдан келгандай бўлди. Онги хира ва тарқоқ эди қариянинг ва кимдир ҳозирнинг ўзидаёқ гилосдан келадиган мўмай пулни чўнтағига уриб кетадигандай сесканди.

— Шарпага ўхшамай ҳар бало бўл, ярамас, — деди ўғлига жаҳл билан. — Салом йўқ, алик йўқ.

— Ўргатмагансиз салом беришни, — деди ўғил ўта совуққонлик билан, алланимани ковшаб тураркан, — ўргатганингизда берган бўлардим.

Қария ҳамон караҳт эди, каловланди.

— Нимани... берган бўлардинг?

— Саломни берган бўлардим деяпман, бу дейман, ақл кетган десам, қулоқдан ҳам, а?

— Бас қил, итнинг боласи!

— Бу ҳаммасидан ҳам тўғри.

Қария бу нобакор билан низога боравериш фақат зиён-заҳмат етаклаб келишини фарзандаб турарди. Шунинг учун ҳам хиёл пастроқ келди.

— Болалар ҳам чўғурчукдек гап, — деди бир оз ўнгайсизланиб. — Қўриқлаб турмасанг ейди-кетади. Сен буни ўзидан ўзи пишиб етилган деб ўйлайсан, шекилли? Менинг, отангнинг меҳнати бу. Сен ва онангга ўхшаб тараллабедод қилиб юраверганимда бунақа ҳосилни тушларингда кўрардинглар. — Ўғил шода мевадан сидириб олиб оғзига солди. Ўша қўйи ғудранди:

— Бобом эккан дарахтлар бу, бобом. Сиз буларни пуллајapsиз, холос. Қани, кўрсатинг-чи, бобомдан кейин ерга бирорта хивич қададингизми? — Бу гап қариянинг иззат-нафсини поймол қилди, жаҳлдан ранги оқариб, сийрак тишлариғи чирлаб кетса ҳам тилига эрк бермади. Ўғил ҳали бозорла олибсотарлар билан гапни бир жойга қўйиб қайтганди. Бироқ буни ҳозир айтиб бўлмайди. Отасининг авзойи

бузук. Доимо шундай. Отасининг олдида одоб сақлай олмади. Юмшоқроқ гапирса бўларди балки. Кажбаҳслиги тутди. “Бу чол билан келишиб иш қилиш – анҳорда чўкиб ўлиш билан тенг шекилли”, деб ғижинди. У эрталаб боғни айланган ва ҳосилни чўтлаган эди. Қарангки, олибсотар ҳам бу девори шовшаган боғни кўрган чиқиб қолди. Олибсотар деганлари ҳам лўлидай бир гап-да. Пишиқчиликда ҳовлима-ҳовли изғишгани изғишган.

— Гилосингга ўн бир миллион бераман, — деди олибсотар. Ўғил бу пулнинг чўфи не ҷоғли баландлигини тасаввур қилаётган, унинг куч-қудрати осмонга олиб учайдиган бўлса-да, бош чайқади.

— Ўн бешдан ками йўқ, — деди. Олибсотар унинг гапидан оғрингандай кўрсатди ўзини.

— Сендан тўртта новвос олаётганим йўқ-ку, ука, — деди ўксингансимон, — атиги озгина гилос оляпман, холос.

— Ке, қўй, сенга гилос эмас, кейинроқ кеч пишар олчам бор, шуни сота қолай, — деди атайин унинг жигига тегиши учун. Одамлар гавжумлашаверди, унинг гилосини сўровчилар тобора орта бошлади. Рўпарасида яна ҳалиги олибсотарнинг турқи кўринди ва қўлини тутди.

— Ўн икки бераман, бундан бу ёғининг тоши оғир, барака де! — деди шошиб. — Ўн икки миллион деяпман, тушуняпсанми?

У ўйланиб турди. Олибсотарлар ҳамиша тулкининг дўсти бўлишади. Бироқ у ҳам анойилардан эмас. Бўшанглик қилгани йўқ. Ўн икки ҳам ёмон пул эмас. Ота-онасига ўн миллиондан кейинги пулни айтмайди, тамом. Ўйлаган режаси: олибсотар уларнинг олдида ўнтани санайди, қолганини эса кўчада аста... Манави тулки шунга кўнса бўлди. Кўнмай нима қиласди.

Турсунмурод ЭРМАТОВ

— Эртага уйга ўтасиз, гаплашамиз, — деди у ўзини бозор кўрган савдогарлардай тутиб, — бошқа гап ҳам бор ҳали.

Ота бугун ўғлининг боғда пайдо бўлганидан жуда ташвишланарди. Ахир, бу ярамас шу ерда тураверса харидор билан қандай келиша олади? Ҳамма иш барбод бўлиши тайин. Ўғил ҳам худди шу таҳлика ва безовталик оловида қовуриларди: отаси олдида ҳеч қандай мақсад-муддао амалга ошмайди, ҳаётидаги навбатдаги баҳтсизлик унга яна ханжар қадайди ва уни қашшоқлик ботқоғига итқитади. Нақадар инсофсизлик бу! Улар ботинан бир-бирига қарши қилич қайрашар, безовта руҳиятнинг золим ва қаттол чангллари узра эзилиб-янчилишарди. Бироқ ўртада яна бир воқеа бор эди. Бу қишининг аёз томиб турган қаҳратонига ўхшар, аёвсиз ва раҳмсиз эди. Кеча ота-бала боғда ғижиллашиб турганда уйга қўшни хотин қириб қелди.

— Голосга харидор бор, — деди уй бекасига, — укамдан ўн миллион олиб бераман. Эрингиз ва ўғлингизга саккизга мижоз топдик, деймиз. Эсономон иш битса, укам саккиз миллионни ҳамма олдида санаб беради. Қолгани ўртада. Иккимиз ҳам кўйлак сотиб олардик. — Қўшни аёлнинг гапидан бекани яшин ургандай бўлди, юзи ловуллаб кетди, бармоқлари титради, лабларига шира суртгандай чилп-чилп ёпишли. Беихтиёр устидаги кийимиға қаради. Ростдан ҳам кўйлаги шу қадар унниқиб кетган эдики, бу афтодаҳол ва ҳақир ҳолати унга ҳеч қачон ҳозиргидек хўрланиш туйғусини олиб келмаган эди. Бундай кўринишдан эри ҳам, ўғли ҳам ва ҳаттоқи ўзи ҳам бирор марта орланмаган ва ташвишга тушмаганини таассуф билан ёд олди... Шундай қиласа балки бирор янги кийим сотиб олар. Аёлнинг

энди қулоқлари шанғиллаб кетди. У қулоқларини кафтлари билан маҳкам босди, рўзғоридаги асрий парокандалик, эри ва ўғли ўртасидаги имонсизлик, қадр-қиммат тақчиллиги уни батамом титратиб ўтди.

Ўғил ва ота боғ ўртасида даҳанаки жанг қилишарди.

— Саккиз миллион ёмон пул эмас, — дер эди ота тутақиб. — Ҳатто сенинг бошингни иккита қилиш мумкин.

— Ўн миллион қаёқда-ю, саккиз миллион қаёқда, ота! — дер эди ўғил.

— Саккиз миллион, тамом, вассалом, мен лафз қилганман, ярамас бола, — дер эди ота сўзида маҳкам туриб, — сен лафз нималигини қаёқдан ҳам билардинг, дарвоқе.

— Тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз ҳам эмас, — дер эди ўғил оёқ тираб. Уларнинг бу можаросини бир-биридан бехабар олдин-кетин келган икки киши ҳам эшитиб туради.

— Ота-бола олдида ишни битириш яна яхши, — деди улардан бири жилмайган кўйи, — келишмовчилик бўлмайди ҳар қалай, — ва қўшиб қўйди: — Мана, амаки сизга ўн миллион, келишган пулимиз, у шундай дея қарияга пул узатди, — санаб олинг, ишни бошлай қолайлик.

— Нималар деяпсиз, биродар, — деди бир оз орқада келган одам ёнидаги кишига ҳайрат билан қааркан, — боғдаги гилосни мана бу йигит билан ўн икки миллионга барака қилганмиз, тўғрими?

— Нега гапирмайсиз, амаки?

— Ҳов ука, сиз гапиринг!

— Нима, оғзиларингизда талқон борми? — Ота ва ўғил ердан нигоҳларини ололмас эдилар. Уй бекаси нарироқдан уларга қараб туар, юрагини қоплаган алам ва изтироб баттар хуруж отига қамчи босар,

ҳозиргина эшитган ҳамда англаған хиёнатнинг тим қора булутлари боши узра аёвсиз жала бўлиб қўйиларди.

Шу пайт ота тилга кирди. Ва кечә кўрган савдогарга нигоҳ ташлади:

— Мен кекса одамман, — деди астагина ердан қўзларини олиб. Кейин ўғли томон нигоҳларини қаратди-да: — Бу ишни мана, ўғлимиз бажарсин, — деди. Ўғил бу жавобни кутмаганди. У ялт этиб отасига қаради. Кўнгли бўшаб кетди. Кўзларида ногаҳонда ёш ҳалқаланди.

— Бу ишни қилиш менга йўл бўлсин, — деди отаси томон назар ташларкан, — бошимда отам, қолаверса, ана, онам бор.

Ҳамма бир лаҳза сукутда қолди. Кейин ўртада бир оз баҳс мунозара ҳам бўлди. Чунки бу табиий эди. Бироқ ҳаммаси ўғилнинг муросаси билан барҳам топди. Боғдаги гилос мўл эди. Бундан ҳар икки харидор ҳам дўппиларини осмонга отса бўларди.

ОҚШОМГИ ОППОҚ НУР

Устма-уст жиринглаётган телефондаги рақам аёлга нотаниш эди. У аввалига олгиси келмай турди. Бироқ бир оз ўтиб яна экранда ўша рақам кўринди ва аёл ноилож телефонни олди. Эркак кишининг овозини танимади. Бироқ кутилмаганда у кимса унинг исмини айтди ва сўрашди. Аёл ҳайрон турарди. Телефондаги киши шошиб ўзини таништирди. Бундан аёл беихтиёр қалқиб кетди, эсанкиради. “Наҳотки у?” деди ички титроқ. “Ахир... Ўттиз йил...” Аёлнинг хаёллари тўзиб кетди. Бироқ аёл ҳамон жим турар, бирор-бир гап айтишга ботина олмас, ҳаяжони баттар зўрайиб борарди.

Аёлнинг беморлиги ва телефон рақамини бир

пайтлардаги курсдоши ва телефон қилаётган кишининг ҳамюрти берганидан огоҳ бўлди.

Овоз ўша-ўша, фоятда самимий ва меҳрибон эди. Унинг ўқиши битгач, катта шаҳарда ишга қолганини аёл эшитганди. У бир пайтлар ўзига интиқ бир қалбнинг ташриф буоришини эшитди-ю, хаста юраги зирқиради.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, — дея ҳовлиқди. Дард хароб қилган кўринишини унга кўрсатишдан қўрқиб кетди. Вужудида қўзғалган таассуфлар тўфонидан сесканди. “Мумкин эмас, айнан у кўриши мумкин эмас”. Шу хаёл забонига кўчди. Аммо... Телефон қилаётган эркак боришини айтди ва келди.

У ҳамон салобатли ва келишган эди. Элликни қоралаб қолган бўлса ҳам қадди-қомати тик, уст-бoshi башанг, силлиқ қилиб тараган соchlари зулукдай қора эди.

У палата эшигини очиб киаркан, ҳаяжон билан порлаган қўзлари аёлга қадалди ва ихтиёrsиз юз кўриниши ўзгарди.

— Менга... менга? — дея каловланди эркак.

— Мен... ўша сиз сўраётган... — дея олди аёл зўрба-зўр ўрнидан қўзғаларкан. Эркак бир зум аёлдан қўзларини ололмай қолди, кейин бирдан ўзини зўрлаб жилмайди. Эркакка фақат аёлнинг қўзларигига на таниш эди. Энди у имкон қадар аёлга қараашдан ўзини тиярди ва шундай ҳам аёлнинг қисиниб-қимтинаётгани сезиларди.

Ранги заъфарон, қоқсуяк ва қўrimсиз эди аёл. У эркакнинг ташрифидан ноқулайлик сезар, имкон қадар уни палатани эртароқ тарқ этишини истар, бироқ бунга қарама-қарши бир ҳис ҳам бор эдики, умр бўйи азобга солган ўша гуноҳи кечирими ва бир эзгин туйғунинг ботинидаги нотинчлигини жиловлаш учун унинг ёнида бир оз қолишини истаётганди.

Эркак аёлни уринтириб қўймаслик учун у билан имкон қадар тез-тез гаплашди, ҳол сўради, кейин ташриф қоғозини узатди. Сўнг олиб келган майда-чуйдаларни тумбочкага жойлаштириди. Эркак хайрлашаркан, аввалгидек самимий жилмайди ва эшикни авайлабгина ёпди.

Аёл кароватига суюнганча туради. Касаллиги чўзилиб кетганидан бирор ундан хабар олай демас, фарзандсизлик дардининг узоқ йиллик азоби ва қаттол тақдирнинг ситамларидан кейин эри ўзга бир ҳаётни танлаган ва бунга анча йиллар бўлганди.

Аёл ҳалигина палатадан чиқиб кетган кишини яна бир бор кўрмоқ истагида дераза томон талпинди. Ва бирдан бундай қилишга ҳақли эмаслигини англади. Жойига ҳолсиз чўкди, ёстиқни юзига босганча изтиробдан елкалари титраб йиглади. Аёл эркакнинг онасини ҳамон тушларида кўришини айтмоқчи эди... У кўзларини бир нуқтага тикканча ўтиради. Палатага ҳамшира кирди, унга кулиб қаради.

— Буни сизга бир амаки бериб қўйишмни айтдилар, — деди ҳамон жилмайиб. — Бу ноёб доридармонлар. У шифокорингиз билан гаплашди. Тумбочкингизга қўяман. — Ҳамшира шундай дея тумбочкини очди ва: — ўҳ-ҳу, тўла-ку, — деди. — Яқин одамингиз шекилли, а? Ҳамшира ҳамон жим турган аёлга ўгирилди. Аёлнинг лоқайд ҳолати уни таажжублантириди.

Аёлнинг кўз олдида тушларига кирадиган сиймо яна гавдаланди.

Аёл бундан ўттиз йил олдин кўрган ўша кекса аёлни эслади. Кекса аёлнинг эти қочган ориқ, териси бурушиб қолган қўллари унинг соchlарини оҳиста силади ўшанда. Унинг навниҳол қоматига меҳр билан боқди ва титроқ лабларини пешонасига журъатсизгина теккизди, кейин оҳиста қучоқлади.

Қиз аёлнинг шундай сўрашишини хаёлан кўз олдига келтиради. Бироқ... У аёлни онасига ўхшаган деб тасаввур қиласади. Қизнинг қалбини алланима тирнади. Нохуш ва дилгир бир кайфиятда хона деворларига илинган эски палаклар, униқсан гиласади ва катта-кичик суратларга руҳсиз тикилди. Кўримсизгина хонадон қизнинг ширин хотираларини аллақайларга учирашиб кетди.

Дарҳақиқат, кекса аёл унинг онаси каби ёш ва хушбичим эмас эди. Қиз онаси билан бу аёлни солиштиришнинг ўзи кулгили деб ўйлади. Кекса аёлнинг жуда чўкиб қолганлиги ва касалвандлиги билинар, бир қараган одамга аёл ёшига нисбатан анча каттадек таассурот уйғотар, унинг қордек оқ соchlари рўмоли остидан кўриниб турарди.

Кекса аёл ўғлининг меҳмонларини ҳурматини жойига қўйиш учун елиб-югуради, ўтиргизгани жой тополмас, уни чинакам толе ва баҳтиёрлик қуршаганди.

Қизнинг юрагида уйғонган тушкун кайфият ҳамон қулфи дилини очмасди. Шу сабаб уч йил мобайнида уни ҳурмат қилган ва севган йигитнинг миннатдор тикилиб турган нигоҳларидан кўзларини олиб қочди.

Қизга туғилган кун бир баҳона эдими?.. Наҳотки, йигитнинг яшаш тарзини билиш учунгина шунча йўл босиб келган бўлса. Наҳотки, анави — изидан соядек эргашиб юрган маҳалласидаги уй ўтказган бойвачча йигит билан шунча йил уни ардоқлаган, асраб-аввайлаган, ташрифидан боши кўкка етган инсонни солиштириш учун келган бўлса... Инсонни бир марта дунёга келишини мудом эслатиб, ҳадеб ўша бойвачча йигитнинг таърифини келтириверадиган ёнидаги дугонаси, наҳотки, ҳақ?..

Қиз тоқатсиз ташқарига қаради. Атрофга қоронфилик чўмган ва қишининг совуқ ёмғири дераза

ойналарига севалар, бу қизнинг зада юрагига янада тушкун бир руҳ тўшарди... Шу маҳал унинг кўнглидан утиб турган ҳисларни сезгандек дугонаси яқин келди ва: — “Мутлақо сенга мос эмас экан, — дея пицирлади. — Онаси билан яшолмаслигинг аниқ, қара уни... Туғилган кунига келдингми, келдинг. Катта йўлга чиқариб қўйсин, кетамиз”.

Қиз бу гапдан бир зум эсанкираб турди. Кейин... йигитни ёнига имлади. Йигитнинг масрур кўзлари порлаб кетди. Оҳ, нақадар баҳтли у. Бу кун унинг шунчаки байрами эмасди. Толе ва саодат қуршаган оппоқ оқшоми эди. Негадир йигит ўзи кутганчалик қизнинг нигоҳларида олдинги жозибани кўрмади.

— Онам тез қайтиб боришимни тайинлаганлар, — деди қиз бетоқат. — Илтимос, савол бериб мени қийнаманг, кузатиб қўйинг.

Йигит қизнинг гап оҳанги ҳамда бу тариқа ўзини тутишидан ҳайрати ошди ва бундан уч ой олдин кўрган сеҳркор хилқатни эмас, қаршисида совуққон ва бегона бир қизни кўриб турарди. Ахир, юз чақирим масофани босиб, фақат унинг учунгина келган қиз нега бирдан кетаверсин? “Бу шунчаки ҳазил, ҳазил, холос...” Йигитнинг бошидан шундай ўй ўтаркан, қизга синиққина жилмайди. Бироқ у қаршисидаги жиддий нигоҳлардан аввалги интиқ ва интизор боқишлиарни топа олмади. Йигит беихтиёр бўшашиб кетди. Ҳозиргина уни қуршаб турган саодатли онлар гўё шамолдек беқарор ва, ўткинчи эканлигини надомат билан сезди. Ва ички бир ҳайқириқ жисми жонини қийнаб ўтди. “Нима учун?! Нега?!” У қизга умидли ва ҳадик акс этиб турган нигоҳ билан тикилди. Кейин... Кўз ўнгига қиз билан танишган кун келди.

Қиз бошқа олийгоҳда, йигитнинг қишлоқдоши билан бир курсда ўқир, йигитни бундан бир ҳафта

бурун қишилоқдоши таваллуд кунига таклиф қилғанди. Қизни у ана шу ерда учратган, илк бор эңг лазиз ва сөхрли бир ҳисни түйганди. Қизнинг нигоҳлари жуда чиройли. Шу кез ўша оромбахш нигоҳнинг бир зумгина ўзига қилған марҳамагидан юраги нотинч урганини унуполмайди у.

Улар бир ҳафта ўтиб ётоқхона ёнидаги ўтиргичда сұхбатлашишарди. Шунда у қызга онаси ҳақида түлқинланиб гапириб берди. Қиз хайрихоҳ жилмайди. “У қишини күришни истайман” деди ийманибгина. Ўшанды унинг нигоҳларида муҳабbat ва ҳурмат балқиди.

Йигиттага қизнинг ҳар қанча эркаликлари ва ҳатто гантиқликлари ҳам ботмас, уни баттарроқ севар ва ардоқларди. Қиз шинамгина хонадон, тўқис ва эркин турмуш ҳақида кўпроқ гапирав, бу вақтда қизнинг қўзлари чиройли порлар, лабларида қулги ўйпар, йигитини тамом маҳлис қилаётганидан шавққа кўмиларди.

* * *

Йигит онасига қизнинг қайтиб кетаётганини айтди. Бу кутилмаган гапдан аёл эсанкираб қолди. Аёл учун бу чинакам бахтсизлик эди. У шошилиб ичкарига кирди. Ичкарида кўпчилик эди. Мехмонларга яқинлашли, қизга жовдирағ қаради. Ёлғиз ўғлини аяшлигини, бу куни ўғли узоқ ва интизорлик билан кутганини тушунтиришга уринди, уларга кетиб қолмасликлари учун ёлворди.

Бироқ она қизнинг кўнглидагини ўқиди. Ростдан ҳам шундай эди. Қизнинг юзи чидамади. Нарироқ юрди. Дугонаси қизнинг муддаосини яширмади. Йигиттага бу гапни эшитиш оғир эди. Унинг ботинидан “Ёлғон! Ёлғон” деган фарёд отилди. Фарёд бўғзига тиқилди...

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Йигит анча пайт ўзига келолмай турди. Чироқларнинг ўткир нурларини ҳам писанд қилмаётган зулмат қуршаган кеча йигитнинг кўнглига инди. Куйлагининг ёқа тугмаларини бўшатаркан, рўпарасида мўнгайиб турган волидасининг фуссали кўзларини кўрди. Йигит алам ва таассуф тўлган нигоҳларини қизга сўнгги бор қадади. Қизнинг ерга тикиб турган нигоҳларида тоқатсизлик ва лоқайдликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Йигит уларни кузатди. Машинанинг қизил чироқлари тун қўйнига сингди. Совуқ ёмғирдан кейин ҳозиргина бошланган қор учқунлари кўнгилни қақшатувчи бир дард мисоли йигитнинг соchlарига санчилди. Мўъжазгина хонадондаги энг яхши кун ва бир мунгли муштипар армон тўзонлари билан қоришиб кетди.

* * *

Орадан йиллар ўтди. Энди йигитнинг таваллуд кунлари ўзга бир шукуҳ, тотли руҳият билан етаклашиб кириб келади. Яхши кун ва лазиз айём шукуҳининг дилларга тухфа этажак чинакам эзгулик, ҳақиқий муҳаббатга йўғрилган туйгулари барчага баробар улашинишини тилайди. Инсонлар юрагига бир пайтлар унинг қалбига из ўйган алдамчи ва ўткинчи муносабатлар юз кўрсатмаслигини истаганча оқшомги оппоқ қор қоплаган кўча бўйлаб сархуш хаёллар оғушида оҳиста одимлайди. Қишининг губорлардан холи сокинлик чўмган мусаффо ҳавосида, қалbdаги хотиржамлик ҳамда қучоқ очиб турган хонадон остонаси чинакам саодат бўлиб жилваланади. Шунда у ҳақиқий баҳт деган муқаддас туйгуни ахтариб топганидан ва ўша толе томон ўзи ҳам қучоқ очиб бораётганидан беихтиёр энтикиш туди...

Йигит ҳар гал ўша касалхонада кўрган илк муҳаббатининг шам янглиф сўниб бораётган чехрасини кўз олдига келтиаркан, инсон учун баҳт аталмиш туйғунинг нақадар тақчил ва ноёблигини янада чуқурроқ идрок этади.

СОТҚИН

Болта омборчининг менга ёмонлиги йўқ. Хаёл билан юрадими, билмадим, қулоғи оғирми, бирор салом берса алик олмайди. Бироқ мен уни ёмон кўраман, тўғрисини айтсам, қўрқаман. Ўртоқларим билан келаётганда дуч бўлса Болта омборчи келаётган йўлнинг нариги четига ўтиб, юзига қарамасликка ҳаракат қиласман. У ўтиб кетгач ҳам орқасидан қараш менга ёқимсиз ҳис қўзғайди. Ёлғиз унга дуч келишимни айтмаса ҳам бўлади.

Бир гал Қодир ўртоғимникига ўйнагани борганимда чорпояда ўтирган аёллар гурунгидан чалинган гап ҳамон юрагимга қўрқув изларини ўяди. “Болта омборчининг танасининг аллақайси жойида Гитлер босган тамға бормиш, у урушда немисларга сотилган экан”. Бу менинг кўз ўнгимда доим ғалати бир манзара чизади, буни тасаввур этарканман, юрагимда ваҳима ўрлайди.

Болта ён қўшниси, тенгқур дўсти Шароф муаллим билан урушга жўнаган ва бирга хизмат қилган. Улар хизмат қилаётган полк асирга тушиб қолади. Асирикда ҳам иккови бирга бўлишади. Бироқ Болта омборчи урушдан қайтиб келади, Шароф муаллим қайтмайди, бедарак кетганлиги тўғрисида хат келади. Эллик учинчи йили Болта оқланиб, озгина саводи бўлгани боис колхознинг тахта омборига ишга тайинланади.

Болта омборчининг одамлар билан тузук-қуруқ

гап құшгани кулиб-қувнаб юрганини құрмаганман. Үйида ҳам тунд башарасини очиб юрмаса керак. Үғли Ҳамдамга ҳам қийин деб үйлайман.

Киши бирор-бир воқеа таъсирида юрса, борди-ю шу ҳодисага оид сүз кетса, үзида азбаройи қизиқишиң ва эътибор зўрайишини сезади. Менда ҳам шундай бўлди. Отамнинг онамга айтган гапларини унуголмайман. Отам Болта омборчи ҳақида бирордан, тўғрироғи, улар билан асириликда бўлган бир киши айтиб берган воқеани онамга сўзлаб бераётганда тасодифан эшитиб қолганман.

Ўша кишининг ҳикояси моҳиятидан туркистонлик асиirlар орасида Болта билан Шароф муаллим ҳам бўлган. Улар доим бирга юрган. Немиснинг тинимсиз зулми, таҳқирларидан асиirlарнинг тинка мадори қуриган, баъзилар азобга дош бера олмай ўз жонига қасд қилишган. Бир куни Шароф муаллим немис зобитига рус, туркий тилларни ~~ва ҳатто~~ озроқ форс тилини тушинишини, лозим бўлса, тилмочлик қила олишини айтади. Немис зобитлари буни обдан ўйлаб кўришиб, маслаҳатдан сўнг Шарофнинг таклифига рози бўлишади. Шароф муаллимнинг яшави ўнгланади. Зобитларга ялиниб-ёлвориб, дўсти Болтани ошхонага ўт ёқувчи қилиб ишга олишларига кўндиради. Кунлар ўтавериб, Болта ўт ёқувчиликдан зерикканини, уни ошхонага ошпазга ёрдамчиликка ўтказишини Шарофга айтади. Шароф бу ишни қила олмаслигини, бу гапдан немис зобитининг жаҳли чиқишини айтиб бу ишга кўнмайди. Шундан сўнг Болта Шарофга файирлиги келади, унинг яхши яшавтанидан ичига ўт тушади. Атайн менга ёрдам бергиси келмади деган хаёл унга тинчлик бермайди. Юрагини алланималар кемира, Шароф унга душмандек кўринар, кун сайин Шарофга бўлган норози кайфият нафрата гэврилиб борар, Шароф-

дан киройи алам олиш пайида тинчлиги йүқола боради. Охир у ўйлаб, пишитиб юрган режасини амалга оширади. Рус тилини биладиган немиснинг катта зобити ҳузурига киришга муваффақ бўлди. Ва унга Шарофнинг уларга қарши иш қилаётганини, туркистонлик асирларни бир ерга уюштириш, немис зобитлари ва аскарларни аста-секинлик билан йўқ қилиш, алалоқибат лагердан қочиш йўлларини тарғибот қилиб юрганини билдириди. Дарвоҳе, воҳеа асли шундай ҳам эди. Суроқда бу ишлар тасдифини топади ва Шароф кўпчилик ватандошлари қаторида шафқатсизларча отиб ташланади...

Мен отамдан эшитганларимни бировга, ҳатто яқин ўртоқларимга ҳам айтишга қўрқар, бу гап Болта омборчининг қулоғига етгудай бўлса мени омон қўймаслигига ишонардим. Шу боис доимо бу банданинг юрар йўли менга бегона эди.

Болта омборчининг ўғли Ҳамдам мсндан уч ёш катта. Бирга футбол ўйнаб, сомон, беда йиғишига бирга борардик. Бироқ уларникига имкон қадар камроқ боришга ҳаракат қилардим. Ҳамдамда ҳам ўзгача феъл-атвор, мавҳум ва сирли хусусиятлар мавжудлиги мени ўйлантиради. Аксарият биздан ёши катта бўлган Фани бангига футбол ўйнаб турганимизда Ҳамдамни чақириб олар, кейин иккови жарлик томон бошлишиб кетарди. Ҳеч биримиз Фани бангига тенг бўлолмас, унинг андишасиз башараси доим қўрқинчли, лоқайд ва нурсиз боқиб турган кўзларида бировга нисбатан ғайирлик ва масхара излари кўланка ташлаб турарди. Биз ўзимизча Ҳамдамга раҳмимиз келар, ўйинбузуқи Фани бангини яширинча ёзғирап, шу билан бирга ундан балодан қўрққандек қўрқардик. Катта болаларнинг айтишича, бангни нима иш қилаётганини ўзи ҳам билмасмиш. Неки қилса

Турсунмурод ЭРМАТОВ

зиён-заҳмат, ёмонликдан иборат бўлар, ҳатто одам ўлдириш ҳам уларга ҳамирдан қил суғиргандай гап эканлигини кўз олдимизга келтирганча сесканардик.

Бир гал футбол ўйнаб турганимизда қаёқдандир кутилмаганда совуқ шамолга үхшаб Фани пайдо бўлди. У шунча бола ичидан келиб-келиб мени чақириди. Қўрқиб кетдим. Оёғим зилдай оғир. Ёнига бордим.

— Бор, Ҳамдамни чақириб кел, — деди чағир кўзла-ри алланечук ўйнаб. — Фақат тезлат. Бу сўтакларнинг орасида абжири сенсан шекилли. Уч. Қани, бегом!

Фани бангининг қаҳридан ўтакам ёрилиб Ҳамдамларнинг уйига томон шамолдай елдим. Етиб келсам дарвозага танба урилган. Ҳам жаҳлланар, ҳам йиғлагим келарди. Фани бангининг олдига Ҳамдамни тополмадим, деб бориб бўладими? Қўркиб кетдим. Ичимда Ҳамдамни роса сўқдим. Уни топмасам бўлмасди. Чақирдим, дарвозани урдим. Садо йўқ. Девордан ошиб ўтмоқчи бўлиб ҳовли адогига чопдим. Пастак, ғўзапоя пардали девордан пардани кўчириб бўлса ҳам ҳовлига ўтмоқчи бўлиб сакрадим ва деворга миниб қолдим. Беихтиёр ҳовли бурчагига кўзим тушди. Маккапоя орти — пастқам жойда Ҳамдам билан отаси алланима билан машғул эди. Зеҳн солдим. Кафтдеккина ер. Ҳамдамнинг қўлида теша, аллақандай ўсимликни остини юмшатар, Болта омборчи эгат бошидан ўсимлик остига жилдиратиб пақирдан сув қуяр, дам-бадам уй томонга ўқтин қараб қўярди. Мен тушуниб-тушунмай қараб турдим ва шу заҳоти қўлга тушган ўғридай шошиб кўча томонга ўзимни отдим.

Фани бангидан бизнинг жўрабоши ҳарбий хизматни ўтаб қайтган Тоши фалтакгина қўрқмайди (унинг

олдида бу лақабни айтиб бўлмайди). Фақат Тоши унинг олдида bemalol сўзлай олади. Fани банди ҳам

Тоши ғалтакдан сесканмайди. Тошининг лақаби ғалтаклигини Fанидан эшитганмиз.

— Ғалтакдек юмалаб, коптот кетидан чопганингдан кўра бирор ишни бошини тутсанг ўласанми, — дейа ҳиринглади Fани гапидан қўлансанлик уфуриб. Тоши ҳам унга бўш келмай ачитиб олди:

— Нима қиласай ёки сенга ўхшаб наша тортиб юрайми, а?

Ҳаммамиз жўрабошимизнинг гапига кирап, ундан ҳарбийда ўрганиб келган илми амалларни жон деб ўрганаардик. У бизга райондаги қишлоқ терма командалари орасида чемпионликни олиб бермоқчи. Оёқчи қишлоғига бориб улар билан мусобақалашишни дилимизга тукканмиз ва бу ишга астойдил бел боғлаганмиз. Оёқчи узоқ, қарийб эллик чақирим йўл. Тоғ бағридаги қишлоқ. У ерлар автобус бормайдиган жойлар саналар, бироқ футболни яхши ўзлаштирган болалар тўпланган деб эшитгандик. Оёқчи яқинда районнинг манаман деган мактабини ўхшатиб ютиб кетгани тилларга тушган. Мўмин деган ҳужумчиси Абдурайимовдек бурчакдан ҳам қийинчиликсиз гол урармиш. Дарбозабон Жўракул қорани Лев Яшинга менгзаса бўлар экан. Хуллас, ваҳималар ошиб-тошиб кетган. Ҳамманинг юрагида фулгула, қутқу. Фақат Тошигина парво қилмайди. Шугина тушкунликка тушмайди. Ҳарбий хизматнинг иродага таъсири бўлса керак-да. Ҳаммага далда, ҳаммага қалқон, ҳаммага суюнч.

— Оёқчи биз учун нима, уч пулга қиммат, дейди ишонч билан. — Ўша Лев Яшинга биринчи бўлиб биз гол урамиз. Бир эмас, бешта урамиз. Қани болалар бир ҳайқириб, руҳланайлик! Майдон ҳайқириқдан

жаранглаб кетади. — Ҳа, маладес, қани кетдик! Ҳамма ўз ўрнига! Ҳамдам келдими?! — шошиб сўрайди Тоши.

— Мен! — дейди Ҳамдам бир четдан.

— Яша, Ҳамдам! Ҳимоямиз сенинг қўлингда, укажон.

Дарвоқе, ҳимоямиз Болта омборчининг ўғли Ҳамдамнинг қўлида деса хато бўлмайди. У футболни зўр ўзлаштирган. Қобилияти зўр. Уни эркалаб Чевадзе деймиз. Тоши унга айтарли танбек ҳам бериб ўтирумайди. Ҳамма каби уни ҳам руҳлантиради. Очиги, Тошини (биздан ёши катталиги учун кўпчилигимиз Тоши aka деймиз) ҳаммамиз яхши кўрамиз. Бу ўйин гарчи унга ҳеч қандай шуҳрат олиб келмаса ҳам, уни ҳеч бир шоҳсупага кўтармаса ҳам жонини жабборга берар, ўзидағи бу юксак руҳиятни барчамизга юқтиришга ҳаракат қиласарди. Уни бир ўйлов ва ҳадик қийнарди. Жамоамида яхши ва ишончли ўйинчилар бор-йўғи ўн киши бўлиб, бу жуда оз, захира учун ортиқча ўйинчи йўқ эди. Рақиб олис, масофа узоқ. Бирор боланинг ўша куни эрталаб Оёқчиға бориш учун келмай қолишини шахсан мен тасаввуримга сифдира олмасдим. Тошининг-ку бундай воқеанинг содир бўлишига юрагида ҳам, хаёлида ҳам жой бўлмаслиги аниқ. Ҳамма ўз ўрнида ўйнаши тайин бўлди. Шу бўйича оз эмас, бир ой қаттиқ тайёргарлик кўрилди. Оёқчига жўнашдан бир кун олдин дам олдик. Ҳамма майдон бўйлаб оҳиста югурди, чигал ёзди машқлар, ўн бир метрлик зарбалардан дарбозабонимиз Тўхтанинг маҳорати яна бир бор синовдан ўтди. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Бари жойида. Охирида Тошининг болаларга мурожаати янгради. У болаларни кайфиятини кўтариш учун армиядан ўрганиб келган латифаларидан айтиб, ҳаммани кулдирди. Барчага юракдан тер тўкишларини, қишлоқ шаъни учун курашишларини

ва албатта ҳар қандай шароитда ҳам эртага эрталаб ҳамма жам булишини ўзгача бир самимият билан илтимос қилди. Тошининг илтимоси менга ғалати туюлди. Биз унинг буйруқларига, бақиришларига, даккиларига ўрганиб қолгандин-да.

Эртаси кун қуёш чиқмасдан ҳаммамиз Оёқчи йўлига чиқдик. Хайрият, ҳамма келди. Умидимиз район марказидан Оёқчи томонга фермалардан сут олиб қайтадиган юк автомашинасидан эди. Кўп кутмадик. Ҳар қалай узоқдан машина кўринди. Унинг гувиллаган овози бизга янада қувонч, руҳият ва куч бахш этарди. Ҳаммамиз қичқириб қўл силкидик. Машина олдимизга келиб тўхтади. Биз чақонлик билан борти баланд юк машинасига чиқиб олдик. Тоши баланд овозда ҳамманинг эътиборини тортди.

— Болалар! — деди нигоҳларидан ҳаяжон ва гурур чақнаб. — Қишлоғимиз бу бизнинг ватанимиз. Биз албатта ғалаба билан қайтамиз. Бу Ватанимизга, қишлоқдошларимизга совфамиз бўлсин. Фақат ғалаба, укаларим!

Машина болаларнинг ҳайқириғидан ларза олди.

— Фақат ғалаба учун!

Машина чайқалиб ўрнидан қўзғалди. Озроқ юришимиз билан аллаким ҳайқириб юборди:

— Қаранглар, ана Ҳамдам!

Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Анча нарида чўккалаган кўйи, нигоҳларида такаббурлик ва масхара акс этган, тиржайганча бизни кузатиб қолган Ҳамдамга қўзимиз тушди. Ҳамма шу кез Тоши томонга ўгирилди. Унинг ранги бўзарган, лабларида титроқ, машина бортига ҳолсиз суюниб турарди.

Машина чайқалиб-чайқалиб кетиб борар, хаёлимда отамдан эшитган манзара тиккайиб келар, кўз ўнгимда Шароф муаллимнинг немис ўқидан кўкрагини чангллаганча юзтубан йиқилаётгани гавдаланарди.

СҮҚИР ВА БОЛА

Йўл ёқасидаги ошхонада уч-тўрт бекорчи ҳар доимгидай пиво ҳўплаганча гап сотишарди. Аксарият бировлардан эшитган-билгаңларини бўрттириб сўзлашар. ўзларича билағонлик қилишар, уён-бу ён ўтиб иш билан машғул юрган стол тозаловчи жувонга ҳам маза-матрасиз гап ташлашдан тийилишмасди.

Жувон бу ерга ишга келганига кўп бўлмаган. Бироқ шу ишни ҳам у зўрға топғанлиги боис жонини жабборга бериб елиб-югурап, ҳар хил оғзига эгалик қилолмайдиган бадмаст ва бадхулқ хўрандаларнинг эрмак ва эркаликларига чидарди.

У доимо ишга киришишдан олдин ташқи кўринишига эътибор қаратар, қуюқ ва тим қора соchlарини рўмоли остига олар ва оғзини ёпиб туарар даражада, худди бироғ билан гаплашишни ўзига-ўзи тақиқлагандек боғлаб олар, оғифда арzonгаров шиппак бўларди. Бу одми ва ўта содда кўриниши ҳақиқий эмасди. Унинг чиройли кўzlари барибир буни ошкор қиласди.

Пивохўрлардан жувоннинг кўнгли жуда зада бўлганди. Ширакайф башаralарни кўтарга кўзи йўқ эди. Бироқ баъзida уларнинг эрмакловчи гапларига жувоннинг эътибор қаратмаслигининг иложиси бўлмас, чунки жувон уларнинг столини тозалаб олишга мажбур бўларди. Бу ҳақда ошхона бошлиғига шикоят ҳам қилганди у. Бироқ ошхона бошлиғи:

— Даромадим ўшанга ўхшаган даққиёнуслардан, ойимча, — деганди бамайлихотир. — Шуларнинг сафини кенгайтирсанг қани эди.

Жувон барчасига бош эгарди. У иккиланарди. Туни билан мижжа қоқмай хаёли олиб қочган чигал фикрларига ечим тополмас, қуш уйқусидан кейин

тонг отар ва чала қолган ўйлари билан қоришиб яна ошхонага шошиларди. У арzonгаров ишга ҳам кўнганди. Жувоннинг бир кунлик хизматини тахминан икки порция энг арzon таомнинг пулига тенглаштирса бўларди.

* * *

Жувон йўлга кўз тикарди. Велосипедликлар, машинадагилар, аёллар, эркаклар, болалар биринкетин йўлдан ўтишаётгандарни кузатар, бирорни излаётгандек тоқатсизланарди.

Дам олиш кунлари ошхонада хўрандалар кўп бўларди. Шунда янада ишлар қўпаяр, айниқса, тунги бедорлик аёлнинг силласини баттар қуритарди.

У узоқдан аравача етаклаб келаётган болага кўзи тушди. Жувон бир зум уларга тикилиб турди. Назарида арава тоқатни тоқ қиласар даражада имиллаб келар, арава суриб келаётган бола аёлнинг тоқатсиз ҳолатини мутлақо сезмас, аравачадаги кимсага алланималар ҳақида берилиб ҳикоя қиласарди. Аёл тунов кунги сўрида ўтирган пивохўрлардан бири бола ва сўқир киши ҳақидаги сўзлари шу иккиси ҳақида эканига шубҳа қилмади: “Шўринг қурғур сўқир, шу асранди ҳам бор экан, баҳтига...”

Жувон шошилди, бурчакла ажратиб қўйилган таъмирталаб стол ва иккита курсини ошхона адогидағи каштан дарахти остига олиб борди. “Ошхона бошлиғи нима дерди, пули тўлансанга бўлди-да”. Шу хаёл далда берди унга. Шундай бўлса-да, уларнинг кийимлари жулдур ва кўримсиз. Аксарият бундай энгил-бошда хўрандалар ошхонага кирмайдилар. Ҳатто анави пивохўрлар ҳам бир мунча униқсан бўлса ҳамки, кир бўлмаган либосларда бўлишади...

Улар яқинлашарди. Бола аравачадаги кимсага нимадир деди ва аравача тутқичидан қўлларини

оларкан, яқингинасидаги жувоннинг ўзига тикилиб турган кўзларига жилмайди ва:

— Бизга эҳсон қилинг. Худо умрингизни зиёда қиласин, — деди. Жувон болага гапирмади, орқамдан юринглар, дегандек ишора қилди. Жувон бола ва сўқир кишига ўтирадиган жойни кўрсатаркан, уларни кузатиб турган ошпазга яқин келди ва:

— Уларга бир порция овқат беринг, — деди атрофга бетоқат аланглаб. — Менинг ҳисобимга ёзасиз.

Ошпаз жувонга фалати қаради. Энсаси қотгандай лаб бурди.

— Бошлиқ кўрса шуларнинг орқасидан кетасан, билиб қўй, — деди истеҳзо билан. — Кийган кийимини қара буларнинг. Жувон гапирмади. Ошпаз сузган таомни олди-да, каштан дарахти тагидаги столга шошилди.

— Тезроқ енглар, — дея шивирлади жувон, — бошлиғимиз кўриб қолмасин.

* * *

Жувон катта шаҳарда нуфузли оиланинг фарзанди эди. Бир куни кўчадан уйга қайтганда ҳовлидаги янги қурилган шийпончани ранглаётган йигитга кўзи тушди. Қиз қўшни ҳовлида ижарада турадиган йигитни таниди. Уйга кирган қизига онаси шипшиди:

— Ижарада турадиган қўшни. Ранглаб берсин, пулени берамиз.

Қиз уйга киаркан, ўзига-ўзи жилмайиб қўйди. Йигитнинг Худонинг берган куни саҳармардондан қаёққадир чиқиб қайтиши-ю, кеч киргач дўкондан буханка нон олиб қайтаётганини кўрарди. Йигит ҳар доим унинг олдидан сассиз ўтар, бироқ дарчасидан киар ҳадди қиз томон интиқ бир қайрилиш қилар ва қизнинг кўнглига ҳаяжон соларди. Йигит қизга гап қотишни хаёлига келтиролмасди. Бу ўзига хос

жимжитлик мувозанати эди. Ҳаммаси тескари бўлди. Бу мувозанатни қизнинг ўзи бузди ўшанда.

— Сизда жаҳон адибларининг китоби топиладими? — деди жиддий бир қўриниш билан. Йигитни ток ургандай бўлди. Ва шошилган қўйи:

— Мен...мен қурувчиман, — деди ва бу нурсиз жавобдан хижолати ошди, қизга синиққина жилмайди.

— Сизни талаба деб ўйларканман.

Қизнинг гапи йигитга ўзгача таъсир қилди. Беихтиёр ичида такрорлади: “Сизни... ўйларканман! Ўйларканман!..”

Кейин... ўша дамлар нақадар хушхол эди...

* * *

Жувон столдан имиллаб қўзғалаётган бола ва сўқир кимсага бир зум тикилди. Бола ҳам аланглаб жувонни изларди. Жувон болага яқин келди ва унинг кафтига чойчақа қистирди. Шу пайт ошпазнинг иddaоли овози эштилди:

— Ҳой, қанақа аёлсан-а, бегоналарни қорнини тўйғазиб нимага эришардинг? Бир умр тўқлай олмайсан-ку, — деди ва пўнфиллаб қўшиб қўйди. — Буларнинг сони кўп бўлса, бўлақол, мижозлар пиво сўрашяпти.

Ошпазнинг гапи жувоннининг ўйларини чирпирак қилди.

* * *

Қизнинг ота-онаси қишлоқ номини ёмон кўрап, асрий қолоқ макон дея таърифлашар, қизларини аллақайси тупканинг тагига кетиб қолишини ақлларига сифдира олмасдилар.

Икки қалб учун дунё мунаvvар эди. Чарақлаган юлдузли оқшомлар тажаллиси муқаддас эди.

Ана шундай кунларнинг бирида... Бу бебошликтан онанинг титрофи ва қишлоқ аталмиш маконни асрий қолоқликда кўрган бадфеъл отанинг даҳшатли ғазаби. Бошқа ҳеч ким воқиф бўлмаслик талаби. Шўрпешона ва асрий қолоқлик меваси – бир йигит қисматидаги қиёмат қўпган кун. Мусичадек беозор ва мунглиф илтижо, бадбаҳтликка эврилган иқбол. Ва онт. Бу жойларни қайта кўрмаслик қасами...

Йўргакдаги чақалоқни йигитнинг қўлига тутқазишиди ва... Ва баҳтли онларга мангуга видо айтилган кун...

* * *

– Оҳ бечора-ей, – деди бир куни улар йўлдан ўтаётганда пивохўрлардан бири. – Урушнинг касри. Мана аҳвол. Сўқир ва нотавон. Бошқаси бош чайқаб деди:

– Онаси асраб олган бола бир кун келиб асқотди шунга. Бола бўлмагандан бунинг куни жаҳаннам эди, – деди уларга термулиб турганча. – Қани эди бирор бу нотавон ва асрандига раҳнамолик қилса. Савобга қоларди. Жувон илк бор уларга қулоқ тутганча қотиб турди. Савоб!.. Жувон эзгин ва дилгир бир ҳис қуршовидан чиқолмас, бошида фақат савоб деган сўз муборак ва лазиз бир туйғу бўлиб такрорланарди.

Тавба уларга раҳми келган анави кимса ким бўлди? Нега кўпроқ шу одам унга тикилади. Ёрини излаб юрганда балки шу одамдан ҳам сўраганмикин? Бироқ жувоннинг эсида йўқ. Чиройли қўзлари наҳот ўзига душманлик қиличини қайраса яна. О, нақадар разил кимсалар. Келиб қўлидан тутишдан ҳам тойишмайди. Жувоннинг ботинида ҳақиқий қўрқув ва ишончсизлик бош кўтарди.

У тез-тез ёрининг кўксига бош қўйганча жимгина тинглаган бир гўзал қишлоқ ва унинг сервиқор

тоғлари, зилол булоқлари, яшил күкламларини маҳзун күнглига күмилиб эслайди. Эртак каби сеҳрли сирлашувлар!.. Бир пайтлардаги юрагида илк чечак ёзган муқаддас туйғуни қайтара ололмаслиги каби, ўша баҳтиқаро мусофирнинг қўлига тутқазилган норасидани ҳам, ҳақир ва дилгир юрагига кўмилиб кетиб бораётган мусофир йигитни ҳам қайтариб олмоқлик энди абас. Унинг ҳушида ҳам, тушида ҳам тинчлик ва осойиш бермаган безовта ҳиснинг ортидан эргашади фақат. Гўё номаълум ва мубҳам бир руҳият изидан боради. Бир сирли олам ва меҳр сизган синоат билан қачондир дуч бўлишини сезиб-сезмай ботиний бир сезги бетоқатлиги ортидан қадамлайди.

* * *

Сўқир кишига илк дафъя назар ташлаганини эслади жувон. У аравача тутқичларини маҳкам ушлаганча тушкун ва лоқайд ўтиради. Унинг кўз атрофи ханжар билан тилингандек, кишида ачиниш ҳиссини кучайтирувчи ҳамда қайта қарамаслик руҳини берувчи ажабтовур чизиклар асорати, бутунлай юмиқлигича қотган кўзлар, аравачага боғланган тўмтоқ оёқлар, соchlарига оқлик инган, қаримсиқ юзи маъносиз ва тушкин... Ўшанда жувон ундан жуда тез нигоҳларини айирган.

Жувон бу ерларда қанча туришини билмасди. Олти ойдан бўён бир пайтлардаги унга мuaққат иқбол ато қилган йигит айтиб берган тоғлар қуршаб тургувчи юрт ва ўзининг саргардон кечмиши. Мавҳум тақдир. У ахтарган тун каби қоронғи иқбол. Йигит урушга кетган... Унинг эшитгани шу. Танигувчи йўқ. Унинг бу ерга келиб танигани эса мана шу сўқир кимса-ю, аравани суриб бораётган бола. Шуларгина беозор ва хокисор. Шулар уни таъқиб қilmайди. Ўшаларгина муруватли.

Бошқалар улардан фарқли алланарсадан умидвор ва таъмагир! Ҳар бозор куни уларга бир коса овқат ва арзимас чойчақа тутқизади. Шундан күнгли таскин топғандек. Алланечук хотиржам бир ҳисни түяди. Бундай кимсаларга муруваттава оқибат дастини узатса, гүё бирор унга үша мәхрибон йигитни ва нури дийдасини топиб берәётгандек юраги ҳаприқади, шу ирим, шу хурофот ҳақиқатдек күринади ва ботинига аллақандай бир ишонч, илинж сизиб киради, мутаассир қалбіда умид учқунлади.

Охирги илинжи ёрининг урушга кетганини эшигтгани учунгина сўқир кишидан ҳам ёри ҳақида сўраш унга хирагина бир умид учқунларини ёлқинлатгандай бўлади. Ким билсин, балки бирга хизмат қилгандир? Эҳтимол, исмини эшигтгандир?.. Оҳ, нақадар эзгин ва маҳзун соғинч!

Энди жувон анчагина ўрганиб қолганди. Ошхонага ташриф буюрувчининг муомаласи, пивохўрларнинг ғалати нигоҳлари одатий, энди у қадар жувонни ташвишга солавермасди. У дастлабки танишлари бола ва унинг аравасидаги кимсани эслаб қўяди. Борди-ю улар ташриф буюрганда ҳам овқат тутишни канда қилмайди. Улар келганда урушга кетган ёрини сўрашга интилади фақат, бадфеъл бошлиқ ва ошпазнинг ғалати қарашлари улар билан бафуржа гаплашиб ўтиришнинг имконини бермайди.

Янада тинмай ишларди: стол артиш, йигиштириш, супириб-сиришдан ташқари қозон тагига ўтин қалаш, идиш-товоқ ювиш, сув келтириб бериш, ошпазга кўмаклашишга ҳам улгуради. Ошхона бошлиғи ва ошпазнинг кўнглини олиши керак, деб ўйларди у ва бу сўқир киши билан бафуржа гаплашиб олишнинг имкони дея тушунарди. Жувон яна бирорларга ёрдам қўлини чўзгиси келар, ҳеч

қурса ёрининг юрти ва элатдошларига ҳурмат бажо қилар, бу билан ташналиқ из солган юрагига сув сепаётгандек ва ҳатто бир пайтлар отаси айтган ўша асрий қолоқлик уфурган бир гўшани ватан тутмоқлик мумкинлигини исботламоқчи бўлар.

* * *

Бугун байрам. Янада одамлар оқими кўпайган. Одатдагидай машиналар, пиёдалар... Жувон ҳам энди ҳар қунгидай эмас — бола ва сўқир кимса учун бугун бир порциядан овқат бермоқчи. Жувоннинг кўзлари қувонди: улар келмоқдалар, уларнинг уст-боши худди бугунги байрамга хос. Сўқир кишининг кўкрагида медаллар ялтирайди. Байрам нақадар ёқимли ва шукуҳли. Жувон бугун гапирмоққа, сўрамоққа, албатта жазм қиласи.

Улар жувон каштан остидаги столга қўйган таомни ва ширинликни тановул қилиб бўлишди. Ўзларича жувонга одатдагидай миннатдорлик дуосини айтишаркан, бола аравани жойидан қўзғатди. Жувон бир зум ҳаяжон қоришиғида қотиб турди-да, беихтиёр улар томон юрди. Сабри чидамади.

— Тўхтанглар, — деди жувон биринчи марта овозини баландлатиб. — Менинг сизларга муҳим гапим бор.

Бола аравачани тўхтатди. Сўқир киши товуш эшитилган томонга кескин юз бурди. Жувон етиб келди-да, оҳиста аравача тутқичини ушлади. Сўқир кишининг қовоқлари пирпираб учди, аравачани тутиб турган ориқ бармоқлари титраб кетди.

— Тамила... бу сен-а? — деди ҳансираф. Жувон овоздан сесканиб кетди... Лаблари титради:

— Мен, мен, — деди энтикиб.

— Тамила, биласанми бу ўша, ўша йўргакдаги

бала! — деди у ҳаяжон-ла бош силкиб, бола томонга ишора қиласкан.

— Биламан, айтмасангиз ҳам биламан, — деди жувон тоқатсиз. — Буни меш бирордан эмас, күнглимдан эшидим, азизим!

Жувон бола ва ёрини маҳкам қучоқлаганча йиглар, ўтётганлар уларни ҳайрат билан кузатишарди.

ТИЛАК

Узоқ муолажадан кейин ҳам қизнинг аҳволи ўнгланмади. Қиз бу ерга келганида ҳали қишининг аёзли кунлари эди. Қиз баҳорни соғиниб яшарди. Баҳор ҳамиша унга онаси каби меҳрибон ва сирдошидек қадрли эди.

Дараҳтлар яшил куртаклар очган кунни байрамдек қарши олди у. Қиз деразадан кўзларини олгиси келмасди. Шу эди интизорлиги. Чунки борлиғига лазиз туйғуларни олиб келадиган онлар яқин эди. Улуғ кунларнинг бирида қизнинг истаги амалга ошди. Камалакни кўрди у. Кўзлари порлади, ҳаяжон қуршаганди, дафъатан. Яратганинг тухфасига ҳамду сано айтди. Оппоқ ҳарир парданинг қия очиқ тирқиши узра бир синоат кулиб қарапди унга. Узоқлардан жилваланиб кўзга ташланарди камалак. Камалакнинг турфа ранглари кўм-кўк адирлар узра санчилиб туар, қизнинг ғамнок, бироқ умидвор нигоҳлари ютоқиб тикилар, турфа нурлар пойида унинг соҳир кечмиши ва тизгинсиз хаёллари чаппар уради.

Унга бир йигит камалак ҳақида ривоятлар айтиб берарди. Ўша йигит камалакнинг ҳар бир қатим ранги учун алоҳида тилак айтишни унинг қулоқларига қуяр ва бу кўклам мўъжизасининг сеҳркор кучига, ижобат муқаррарлигига ишонтирас,

Йигитнинг ёш бола сингари ўзига-ўзи пичирлаб тилак айтиши, самимийлиги ва соддалиги уни ром қилас, тилакларида ҳаёдек лазиз ва пинҳон руҳият устивор бўларди.

Кимнингдир эшикни эҳтиёткор чертаётганини элас-элас эшитса-да, қиз жилвакор руҳиятдан аж-ралгиси келмасди. У ночор ва истаксиз бир ҳолда чанқоқ қўзларини ўша гўзал ва сеҳрли манзарадан айиришга мажбур бўлди. Хонага бирин-кетин кириб келаётган дугоналарини кўрди. Қиз жилмаймоққа, дугоналарини кулиб қаршиламоқ учун ҳорғин қўзларига қулги индириди. “Улар ичиди Сафсар ҳам бормикин?” Бу хаёл ногоҳ ва нохуш урилди қизнинг онгига. Наҳотки?! Қизнинг юраги алланечук безовта тепди. “Фақат Сафсар эмас”. Шунитиланди ички дард. Бироқ, ботиний бир қалқиш туйди қиз. О, нобакор сезги! Қизларнинг адогидаги унга кулиб қараб турган... Сафсар. У келди. Гўё уни таҳқирламоқчидай, жилмайиб қаради ва аста унга томон кела бошлади. Ана нафаси юзларига урилди. Муаттар ифордан қизнинг боши айланди. У чиройли, жуда ҳам чиройли. Сафсарни юз бора, минг бора ўзи билан солиштирган, солишгира-солиштира чаракаганди қиз. Бироқ ҳамиша Сафсарнинг ғолиблиги унинг юрагига ўқинч ва армонлардан из ўйган. “Оҳ Сафсар, риёкор рақибам! Наҳотки, таслимлик тупроғига кўмсанг мени, наҳотки, ҳадемай мағлубликнинг тим қора гулларини қучоқларимга босиб жон берсам. Менинг ilk муҳаббатим сенга шунча қудрат ҳадя қилдими, ой каби тўлишибсан, Сафсар?! О бевафо тақдир, ҳозиргина димоғимга урилган ифорни ўша мен муҳаббатим деб атаган “рақибим” фақат мендан таралишини истаб келган-у, энди мени мустағриқ ташлаб, ўзганинг

жисмидан таралаётган мауаттар бўйдан сархуш. Наҳотки, аламлар ва армонлар тифлари бунчалар кескир?” Қизнинг хаёллари унинг озурда ва хаста юрагига заққумлар тўқмоқдан тийилмасди. Ёнида унга меҳрибон тикилиб турарди дугонаси, дугонасининг кўзларида нимадир яширин эди. Ва ниманидир англатар даражада унинг кафтларини мулойимгина сиқди дугонаси. Қизнинг нозик сезгиси оҳиста юмилган дармонсиз кўзлари тубидан қалқди. Қиз дугонаси айтмоқчи бўлган муждани сезди: “Келган, у ҳам келган!” Бу ботиний шивирни фақат ӯзигина эшитди: “Истиҳола, истиҳола... журъатсиз қалб, абадий бегоналик ва тушкунлик...”

“Сафсар! Сен мендан Ҳаётимни тортиб олдинг. Йўқ, тортибмас, юлиб олдинг. Ҳаёт муқаддас эди менга. Қара, ҳозир ҳам мендан Ҳаёт иккимиз баробар севган ва икки юрак учун эртакка эврилган мўъжизани — камалакнинг ҳусни тароватини нигоҳларимдан тортиб олдинг. Ҳатто унга видо айтишим учун фурсат бермадинг. Ўшанда дугонам, дея сиримни сенга айтдим. Дардимнинг бедаво эканидан илк бор сени хабардор қилдим. Сен бу сирни ҳаётга ва бошқаларга ёйдинг. Менинг мусибатим сенга йўл очди, Сафсар! Рўпарамда боши эгик ҳаётга яна ӯзим юпанч сўзларни айтдим. Мен унга баҳт тиладим. Ундан яшириб, йифлай-йифлай, бошим эгиб-эгиб тиладим. Мен қайғу заққумларини симириб-симириб яшадим, армон тупроқларига кўмилиб-кўмилиб яшадим...”

Қиз ўйларини тугата олмади. Эшик шошила-шошила чертилди. Ҳамма дув каради. Қизнинг юраги қафасдаги қуш сингари потирлаб кетди. Эшикдан шошиб кирди у. Ва энтикиш аралаш бир зумгина қиз билан ёлғиз қолдиришларини сўради. Бошқалар

ва ҳатто Сафсар ҳам унинг ўтичига хайрихоҳ бош эгди.

У қизнинг қўлларидан эҳтиёткор тутди-да, дераза томон бошлади:

— Тез бўл, шошил, тилагингни айт, — деди у қизга.
— Қара уни, қандай гўзал. Мен кўчадаёқ кўрдим ва сенга хабарга шошилдим. Сен, дарвоқе, уни кўрдингми?

— Кўрдим, — деди қиз.

— Тиладингми?

— Тиладим!..

— Нимани тиладинг?

— Сизнинг бахтингизни! — дея энтикли қиз.

— Мен сенга ҳаёт сўрадим, ҳаёт!

Қиз унга миннатдор қаради. Гўё дераза оша камалакнинг турфа ранглари сизиб киргандек хона жилвакор тусланди. Қизнинг кўзлари севинчга йўғрилди. Унга жилмайиб турган Ҳаёт эди.

УКА

Жўлли бу тирмизакни яхши кўрадими, йўқми, ўзи ҳам билмайди. Кет, деса энаси ранжийди. Кел, деса яна бир бало. Майда гап, чақмачақар, муштдай ҳоли билан китобий гаплар айтиб, тоқатини тоқ қиласди. “Тирмизак” кўча эшикдан кўринар-кўринмас Жўллининг эти тиришади.

— Эна, яна, анави Тилов-қилов бизникига келяпти, — деганча тумтаяди. Йўқолсин шу муллача, келмасин!

— Ҳа, ҳай Жўллижон, энант айлансан, болам, — дейди Жўллининг энаси астойдил ундан ранжиб. — Асло ундей дема. Уканг-ку, укангга шундай дейсанми? Акам деб сенинг, энам деб менинг олдимга келмаса, қаерга борсин. Сен Тиловжоннинг акаси, мен энаси бўламан. Бор, чақир, уришмай ўйнанглар..

— Ҳе-е, ҳеч ҳамда. Сиз қандай эна унга? Алдайверар экансиз-да. Пардавой иккимизнинг ўйинимизга халал бергани берган. Ҳадеб келиб тиргалаверади. Ака, менга ҳам ясама копток ясаб беринглар деб безор қиласи. Ўзидан кичикни иззат қилиш керак, одоби йўқ бола ундан бўлади, бундай бўлади деб бошни қотиришини айтинг-да, мулла бачча, Тилов-қилов.

Шунда Жўллининг энаси Жонгул момо ўғли Жўллидан астойдил хафа бўлади, кўнглига алланима ботади. Бош чайқайди. “Ҳа кучуккинанг чиққира, шунинг нимасини фараз оласан. Мусичаю безалал бир бола бўлса, китоб ўқиса ёмонми?”

Тилов ҳеч нарсадан бехабар, кириб келаверади. Гўдаклигидан Жўллиларникида ўйнаб юриб Жўлли эна дегани эна, ота деганини ота деб ўрганиб кеттган, болапақир. Ҳеч тортиномай сўри устидаги ластурхондан сўроқ-истоқсиз нон синдириб еяверади, майиздан лўнжини тўлдириб кавшайверади. Шунда Жўлли унга файирлиги қўзийди. Ўйнагиси келмай, унга еб қўйгудай қарайди.

— Кимдан сўраб еябсан? — дея жағ уради.

— Жонгул энамдан сўраганман, — дейди Тилов йиғламсираб. — Эна, қаранг Жўлли акамга, нонни олмайсан деб ётибди!

— Жўлли! Тегма дедим, укангга! Яна уша гап... Яна шу азиз-авлиёни туғри. Шунинг гапи ўрол.

Ҳар куни Жонгул момо Тиловнинг бемор ётган энасига овқат чиқарди. Бирга енглар, энанг вақтида дорисини иссин деб тайин қиласи. Тилов Жонгул момонинг айтгандарини бекаму кўст бажаради. Кейин лойдан аллақандай ўйинчоқлар ясади. Бир ўзига бу қизиқ туюлмайди. Қушларга кесак отишни машқ қилиб кўради. Симёочнинг қоқ тепасидаги ку-кулаб турган мусичанинг овозига тақлил қилиб ку-кулайди. Ўхшата олмайди. Зерикади. Яна

бейхиtiёр қадамлари Жонгул энасиникига тортади. У ерда Жүлли бор. Унинг ёмон-ёмон қарашлари билан бирга, күп үйинчоқлари ҳам бор. Синик-бузуқларини ҳам бермайди. Қизғанади. Бироқ у үша үйинчоқларни үйнагиси келаверади. Жонгул энасига Жүллинин чақиб бериб бўлса ҳам ниятига етмай қўймайди. Жүлли пана-панада уни турткилаб, уришади. “Менинг энамни эна дема. Эна қилиб қўйганинг йўқ. Ўзингнинг туққан энанг бор, ўшани эна дегин” деб силтаб ташлайди. Тилов яна йифлайди. Товушини хийла баландлатади:

— Эна, Жүлли акамни қаранг!

Уйдан Жонгул момонинг жаф ургани келади:

— Укангни уришма, Жүлли дедим!

Тилов үйинчоқлари бўлишини орзу қилади. Китоб ўқиб зерикканида, қани эди Жүлли акаси ясама учқучини бериб турса, у ҳам бир яйраб учирса. Уни үйинчоқлари йўқ. Ҳеч қачон бўлмаган.

Кеч киргунча Жонгул момонинг атрофида ўрлашади. Уришса ҳам Жўллига эмраниб ака-акалаб юради. Кеч кириб уйига қайтади. Кейин энаси ётган ўрин ёнидан ўзининг кичкина кўрпаасини тўшайди. Энаси билан гаплашиб ётишни жудажуда хоҳлайди. Ёнбош бўлиб энасига қараб олади. Энаси кўп гапирмайди. Кўпроқ гапирса ёки бирор иш қилса ҳам тез чарчаб қолади. Тиловдан бор-йўғи иккита нарса ҳақида сўрайди: кун бўйи нима ишлар қилгани-ю қайси китобни ўқигани. Энаси ухлагунча табибдан олиб келган дорисини ичади. Тилов пиёлада сув тутади. Энаси секин бош силкиб, Тиловдан миннатдор жилмайиб қўяди. Энасининг жилмайиб туриши унинг ҳорғин ва киртайган кўзларидан аранг сезилади. Кейин энаси ухламоқчидай бошини кўрпа-га ўрайди. Кўрпа остидан унинг елкалари титраб-титраб кўринади. Тилов кўрпа устидан энасининг

елкаларига авайлабгина бош құяди-да, астагина
пичирлайди: “Күп иш қилдингизми, энажон?”

Тилов отасини элас-элас әслайди. Отаси яхши
бұлиб кетса уни Самарқандга олиб боришини айтган.
“Китобда үқіғанларингни күзинг билан күрасан”
деб қувонтирган.

Хөвлида үшанды одамлар жуда күп зеди. Кейин
үша күп одамлар отасини аллақаерларга олиб
кетишиди. Тилов күп бора отаси айтмиш үша катта
шаҳарни, унинг осмонга тегиб турған минораларини
түшларида күрди.

Хөвли этагидан Тиловнинг зорланған товуши
келди. Жұлли акасидан шикоят яна.

Жонгул момо бу беқадр боланинг қилиғидан кү-
либ қўйди. “Қадр-қимматни недан билсин булар!”
демиш ўй үтди бошидан.

Күп бўлди у кунларга. Қўргонтоғ энишидаги қа-
тор қишлоқларга гап тарқаб кетди. Бир полвон
чиқибди. Оти Бердимурод экан. Босим полвоннинг
ҳам охир елкаси ер кўрибди. Бердимурод экан-да,
елкасини ерга теккизган. Шу қишлоқда бир қиз ҳам
бор экан. Қиз бирам дуркун экан. Шу ўранинг зўри
Қулниёз бойнинг яккаю ягонаси экан. Бердимурод
шу қизгинани Қулниёз бойнинг катта ерларида ғалла
ўроққа ёлланиб борганида ўроқчиларга чанқаса ичар
деб кўзасида сув олиб келганда бир кўрган экан.
Шунда йигит ҳам бу сулувга бир ўқтин қарабди.
Қўзларини ҳеч олар кўнгли йўқ эмиш. Қиз ҳам,
нима бало одам кўрмаганми бу, дея ғамза қилиб,
илкис баш буриб кетибди. Синоатни кўрингки, қиз
тushmanагur кета-кета бояги безбет йигитга яна бир
қарагиси келар эмиш...

Бердимурод полвон шу элнинг боласи. Қиз-да,
шу улуснинг қизи. Иккиси ҳам қарчифай нигоҳли,
қизни парилардай сулув десак, йигит алплардай

келбатли. Ками йўқ, кўсти йўқ. Аттангки, бир андишаси, бир фарқи бор. Андишаки Куҳи Қофданда баланд, андишаки Баҳри Наҳрдан-да ҳадсиз. Қиз катта бойнинг қизи, арзанда-ю эркаси, йигит бир подачининг боласи. Қизнинг отаси беш ўғли, уч қизи туриб шу қизга меҳри бўлак, қизни қиз эмас, ўғилга менгзаб, улимлаб эси кетар, Ойпарча деган отни бирор марта айтмас экан. Хотини “хой ўғилларингиз бўла туриб, қизни уйтиб айтманг, бехосиятлик бўлар” деганда Қулниёз бой кампирини сермаб, жеркиб ташлар экан. Ана шу осмондаги ой бир полвон йигитни тушларида кўриб юаркан. Тақдирни қарангки, Бердимурод полвон ҳам анчадан бери, яна ҳам тўғрироғи, кўзадаги сув ичгани қўл чўзгандан бери кўнглига бир фулгула ўрлаган экан. Ишқ сўраб келарми? Ахтариб борарми муҳаббат? Қай бир тўйда даврани айланиб турганда юзлар қизу хотин-халаж орасидан туйқус ўша қизни яна бир кўрсинми Бердимурод? Нигоҳлар бир тўқнашиб кетсинми? Бир чақин ярқ этиб оламни тутибди денг, йигит билан қизнинг борлиқ-бисотига бир оқ нур оқи-иб кирибди. Қизнинг пинҳонгина табассуми ақлдан жудо қилгулик бўлсинми, Бердимурод полвоннинг эс-ҳушини бошидан учирсинми?.. Бироқ бу атиргул кўп йироқларда, қўл етмас осмонларда экан.

Бир йўлини қилиб йигит қизни қайси бир тўйда синглиси орқали холи учратибди. Розини сўйлабди. Бардоши етмай, йигит шаштини жиловлай олмай, меҳр бетийиқлик қилиб қиздан биргина бўса олибди. Шундан-да улуғ саодат бўлмабди йигит учун.

Йигит юрак ютиб бойникига одам йўллабди. Совчилар бойникидан таёқ егудай бўлиб қайтишибди. Ҳар жойда ҳам teng tengи-тезак қопи билан. Ўйлай-ўйлай йигит қизга бир хат чиқарибди. Мужда келибди йигитга. Йигит қалби қизнинг

Турсунмурод ЭРМАТОВ

кўнгли билан ҳамоҳанг экан. Бундан йигитнинг боши кўкларда экан.

* * *

Иккиси ҳам йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, охир ҳориб-чарчабдилар. Замон қаттол, борар манзил мавҳум экан.

Йўлда бир йигит пичан ўриб турган экан. Таваккал деб шу одамни қора тортишибди. Келиб шу ўроқчидан сув сўрабди. Ўроқчи икки ташнага сув берибди. Борини уртага қўйиб, уларнинг қорнини тўйғазибди. Йигит ва қиз ўроқчини ўзларига дўст тутибдилар. Воқеадан огоҳ бўлибди мезбон бўлмиш. Улар атрофга қоронги тушгач қайтишибди. Ўроқчи уйидан жой берибди.

Қизнинг отаси Қулниёз бой чор томонга одам қўйибди. Бозорларда айюҳаннос, қирчиллама йигитлар қишлоқ кўчаларида изғиган, тўзғиган. Эшикма-эшик важоҳат солган. Оқибат ҳаммаси совибди, лойқа сувлар боз тинибди. Йигит-қиз ўроқчининг ертўласидан ташқари чиқибди... Қиз ўроқчининг энасига ёрдамчи, йигит ўроқчига ҳамдард, дўсти қиёмат бўлибди. Ўроқчи деб атаганимиз Равшанбек уйида икки севишган қалб никоҳ риштаси билан боғланибди. Равшанбек уйи ёнидан янги иморат солдирибди. Равшанбек ва Бердимурод полвон ҳамсоя бўлиб умрларининг охиригача шу маконда яшаб қолибдилар.

Алқисса, Бердимурод полвон ва Ойпарча кун ўтиб беш фарзанднинг ота-онаси бўлди. Шулардан бири ҳикоямиздаги Жонгул момо бўлди. Уларнинг жонини асраган, бойнинг газабидан қўрқмаган ўроқчи йигит Равшанбекнинг Самандар деган ўғли бор эди. Самандар вояга етиб уйланди. Бироқ у узоқ йиллар фарзанд тирноғига зор бўлиб яшади. Дўстлар

даврасидан қочди. Писанда гаплар юрагига из ўиди. Оллоҳнинг карами кенг, бераридан қисмасин экан, эр-хотиннинг оҳи Оллоҳга етди. Ёши бир ерга бориб ўғиллик бўлдилар. Тилаб олинган фарзанднинг исми Тилов бўлди. Аммо отанинг юраги хаста эди. Самандар кундан кун шу дард ҳукмига бош эгди. Тилов ҳали жуда ёш эди.

* * *

Жонгул момо ота-она васиятини бошига тож қилди. Уларга кўрсатилган шунча меҳр-оқибат, қадр-қимматни ҳамма нарсадан кўра улуф ва мукаррам деди. Уларнинг давру даврон суриб яшашларига, ўзга элни эл қилишга Тиловнинг бобоси Равшандек бобони сабабчи деб тушунди ва бу уруғдан ўзларини бир қадар қарздор билди.

Эллигига кўрган Жўлли эркароқ бўлди. Дам тур-тек турни билмас, қашшант. Укам деб Тиловга эмранмайди. Жонгул момо Тилов деса-ку, жон бергудай. Ҳаммадан ҳам Тиловнинг эна деб чақириши қулоғига мойдай ёқади. Бундай олиб қараганда ҳам Жонгул момо Тиловжоннинг энаси-да, бошқа кими?

* * *

— Эна, Жўлли акамга қаранг ёнғофимни тортиб олди. — Боғ адогидан қичқиради Тилов.

— Жўлли укангга тегинма, Жўлли! Ҳа, уйгинангга буғдой тўлсин-а, бер ёнғофини!

Энасини ҳайқирганидан Жўлли бўзрайиб туради. Уй ичига қараб-қараб Тиловга муштини дўлайтиради.

— Жуда жонга тегдинг-да, сен дардисар, — дейди алами келиб. — Тилов-қилов.

— Қилов эмасман, қилов эмасман!

Жонгул момо ҳаммасини эшишиб ўтиради. Кулиб

Турсунмурод ЭРМАТОВ

қўяди. Тилов ўз оти билан тилаб-тусаб олинган. Тилаб олинган бола ота-онанинг топганини еб-ичиб, дўппосдай бўлиб кетавермайдими, денг. Авайлаган кўзга чўп тушар. Чиллак чўпдай озгин. Ейишида ҳам бир суроб йўқ.

— Опа, Тиловингизнинг ҳеч иштаҳаси йўқ-да, — деди бир кун Тиловнинг энаси Жонгул опасига илтижоли қараб. — Еб-ичиб кетавермайди, қилов бўлганми нима бало шунингиз, — дея синиқ илжаяди.

Шуни эшитиб ўтирган Жўлли тушмагур сергак тортиб қарайди. Чиппа-чин ишонади. Кўз олдига емиш емай қолган молнинг тилини оғзидан зўрлаб чиқариб, қум қайроқ ишқаб, тил қиловини едириб ётган отаси келади-да, пиқиллаб кулади.

* * *

— Эна, суюнчини чўзинг, қаранг Тилов болангиздан зўри йўқ чиқди бу қатор қишлоқларда, — дейди Жўлли эшикдан кирап-кирмас. — Ўқишнинг ҳам зўрига кирибди. Энди мударрис бўлади шунингиз, мударрис!

— Ҳа, боламдан айланай, бўлар бола бошидан. — Жонгул момо амаллаб ўрнидан туради. — Суюнчи сендан айлансин, Жўллижон, укангнинг ўзи қани, қаерда у. Бир бағримга босай улимди.

— Ўтираверинг, эна, энди келади. Ҳадемай келиб қолади, эна.

— Қўрдингми, бир маҳаллар уни муллача деб майна қиласдинг Пардавой икковинг. Мана самараси, болам!

— Ҳе, энажон-а, гапирасиз-да, биз унинг жонига тегардик. Аслида жонимизга жойлардик. Укани ака тергаган-да.

— Тўғри, болам, тўғри. Ака укани ёмон кўрармиди.

* * *

— Жүллижон болам, акаларинг уйли-жойли бүлди, — деди бир кун Жонгул момо кенжасига. — Энди навбат сеники-да, болам. Құнглинг Пардавой жүрангнинг синглисида бұлса, эртан туриб борай, Майрам холангди күндирай. Ҳар айтганимда даминг чиқмайды, бу гал бир нима дегин?

Пардавойнинг синглиси хумор күзларини Жүллидай келбатли бир йигитга қаратса қаратгудайда ўзи. Жүлли ҳам кейинги вақтлар шуни күрса бир ғалати бұладиган, гапирап гапи адашадиган булиб қолган. Бұлмасам шу тирмизак билан ҳам тупроқ үйнаб катта бўлган. Жонгул момо Майрам ҳамсоясига бир қулоқ қоқиб эди чамаси бир гал. Қиз боланинг ҳам онгига етмай қолмасми бундай сирли гаплар, қиз боланинг күнглида шунда бир титроқ турмасми? Тўймаъракаларда “бир қизни кенжатойимизга мўлжаллаб юрибмиз” деганда Жонгул момо Пардавойнинг синглиси Ақиқни назарда тутаётганини улус кошки билмаса.

* * *

— Эна, тараддингизни кўринг, совчиликка борадиган бўлдингиз, — деб қолди бир куни Жүлли дабдурустдан.

— Майрам холангникигами, Жўллижон?

— Майрам холамникига-да, энажон, — дея кулади Жўлли.

— Ҳозир, болам, ҳозир, янги рўмолимди ўраб олайин, ҳозир...

— Мен ҳам борсам бўладими, сиз билан, эна?

— Кет нари, ҳазилинг қурсин. Ҳеч замон одам ўз киндигини ўзи кесадими?

Жүлли кула-кула келиб энасини беозор қучоқлайды.

— Совчи менданмас, — дея яна кулади Жүлли. Ичи ситила-ситила кулади йигит.

— Ҳай бетамиз, сендан бұлмай кимдан? — дейди Жонгул момонинг аччиғи келиб.

— Тиловингиздан, энажон, Тиловингиздан! — Жонгул момо бақраяди-қолади. Ичидан бир нималар узилиб-узилиб кетади. Миқ этмайди. Нега деб сұрашга мадори етмайди. Сұраса бир фалокат юз берадигандай, жони узилиб кетадигандай. Астагина қоқ гилам устига чўкади. Жўллининг энасига тикиб турган нигоҳлари кула туриб ёшланади, ёшлана туриб кулади. Товуши титраб кетмаслиги учун гапирмайди, гап қўшмай тураверади. Эна-бала узоқ жим қолишади. Гап борми гапиргидай? Сўз борми сўзлагидай? Энаси эпсиз-эпсиз қарайди Жўллига. Энасининг термулган садоси йўқ, сўзи йўқ саволига жавоб беради Жўлли ниҳоят:

— Ақиқни Тилов яхши кўришини қаердан билай, эна?! — дейди.

Жонгул момо индамай уйта кириб рўмолини ўраб чиқади. Майрам ҳамсоясиникига қараб юради. Шу куни Жонгул момо қизнинг бошини боғлаб қайтади. Бунга қиз ҳайрон, эна-ота ҳайрон, эл ҳайрон, улус ҳайрон. Фақат жафокаш Жўлли, хабарсиз Тилов. Фақат шаҳарда ўқиб юрган, сирларини акасига ёзган бир йигит баҳтли.

* * *

Ёз келиб Тиловнинг уйи ёнидан янги уй солаётган Жўллига ҳормантга келган ҳамқишлоқлар сўрашади.

— Бу нима ташвиш, Жўлливой? Бу уй кимга?

— Кенжамиз Тиловжонга!

— Ие, ўзингиз кенжа эмасми?

— Йўғ-е, биздан ҳам кичиги бор, — дейди Жўлли ним кулги қилиб. — Ишонмасангиз ана, энамиздан сўранг!

Үй ичидә күрпа қавиб ўтирган Жонгул момо бу гапдан бир қалқиб тушади. Ич-ичидан алланима тошиб келади. Кейин ёшли күзларини кенг енги билан артади-да, жилмайиб қўяди.

ЎСПИРИН

Чинни сотувчи ўспирин кўчада молини мақтаб жар соларди. Қишлоқ аҳли бу каби майда-чуйда савдогарларга ўрганиб қолган, ҳали зиравор, ҳали кийим-кечак, ҳали портретчиларнинг уймай санғиб юришини кўравериб кўзлари пишиб кетганидан ўспириннинг қуиб-пишишларига ҳам парволари палак эди. Ўспирин пешингача турли эшикларни қоқди. Ариқ ёқасидаги тол навдаларини кетмон соп кесиб олаётган қария ўспиринни кузатиб турап, ўспириннинг қадам олиши суст ҳамда вазминлигидан иши юришмагани сезиларди. Ўспирин ариқ ёқасидаги катта тол дараҳти соясида дам олмоқчи бўлиб чўкди. Қария унга яқинлашаркан:

— Куни кеча сенга ўхшаган чинниfuруш келиб кетганди, — деди ва ўспириннинг яқинидан жой олди, — савдонгнинг юришмагани ана шундан.

Шашти синиқ ўспирин қарияга салом бераркан, бошини хиёл силкиб қўйди.

— Шундан, ота, шундан, — деди ҳоргин бир кўринишда.

Қария ўспириннинг қаерданлигини, ота-бобосини сўраб-суриштириди. Ўспирин бу ерлик эмас эди.

— Чинниларингни сота олмасант нима қилмоқчисан? — деди қария синчков назар билан.

— Билмадим, бирор бошқа ишнинг бошини тутсам керак, — деди ўспирин ўйчан.

Қария бир зум ўйланиб турди. Алланималарни хаёлан тарозига солиб турди-да:

— Менга ёрдамчилик қилмайсанми? — деди у. — Бозорда кетмон соп сотаман. Тирикчилик. Мана шу толзор меники, — дея ариқ ёқалаб экилган талай тол дараҳтларига имо қиласкан. — Ўзим экканман. Мана ҳосилини йигиб ётибмиз, — кулди у, — энди бу ишларга кучим етмай қолди. Уйда невара-қизим бор. У бу ишни қила олмайди... — Қария бир зум сукутдан сўнг яна ўспиринга юзланди.

— Нима дейсан, болам?

Ўспирин қариянинг таклифига ўйланиб қолди. Дарвоқе, бирор иш билан машғул бўлмоғини ўйлаб кўриши керак эди у. Энди узоқ ўйланиб туриши учун ўспириннинг бирор тайинли мақсад-маслаги йўқ эди. Қаерга бормасин, омадсизликнинг қора кўланкаси унга эш бўлиши-ю, изма-из кўнгилсизлик таъқиблари қуршови бор эди, холос.

* * *

У на отасини, на онасини эслай оларди. Аллақайси қариндоши уни қишлоқдаги ёлғиз яшайдиган кампирга берганди. Қўлидан иш келиб қолган пайтларида кампир уни темирчининг қошига олиб келди ва унга шогирдликка берди. Бола бу ишга жон-дилдан берилганди. У темирчининг ҳол жонига қўймай, устахона қурилиши учун куйиб-пишди ва темирчилик устахонаси битишида жонбозлик кўрсатди. Темирчи шогирдидан кўнгли тўлганди ва ҳатто энди унга маош ҳам бермоқчи эди. Бу илтифот қувонтирганди уни. Янги устахонада ҳали бир ой ҳам ишлаб улгурмаганди у. Фира-ширада қўзларида асрий таҳлика ва аламзадаликнинг излари қотган, қоқсуяк кимса уларнинг эшигини

қоқди. Эшикни шошиб очган кампирнинг кўзлари бир лаҳза ҳайрат ва хавотир қоришиғида қолди. Кампирнинг доимо ҳорғинлик ва умидсизлик сизиб турадиган кўзларидан ёш оқар, унинг кўксига бошини босган кўйи ушоққина елкалари титрарди. Узоқ ватангадолик, айрилиқ ва меҳрсизликдан кейин онаизорга раҳнамолик илинжида гўё тун қўйнидан сизиб чиққан шарпа мисоли намоён бўлганди у. Ўспирин кампирнинг жоҳил ўғли ҳақида эшитганди. Жаннатий ором, шоҳона ҳаёғ излаб кетган ўғил кампирнинг қалбига задалик ва ҳақда кампирдан сўраб-сурширишни хаёлига ҳам келтирмасди. Кампирнинг ўғли ўспирин томонга ўгириларкан, унинг файирилик ва такаббурлик исён қилган нигоҳлари совуқ йилтиради.

— Сенга эрталабгача муҳлат бера оламан, — деди ўспиринга гўё муруват эҳсон қилгандек, — катта бола экансан, кунингни кўрарсан. — Кейин кампирга истеҳзо сизган нигоҳларини қадади: — Ука керак бўлса, топиб оларман, а, она? — деди.

Кампирнинг кўзлари илинж ва илтижо билан жавдиради. Бу ечим ва мақсаддан батамом норози эди у ва ўғлига тушунгирмоқ учун талпинди.

— Ўғлим, — дея кампирнинг сўзлари титраб кетди, — сен йўғингда кунимга яраган шу етимчани қувма, кўй яшаб юрсин.

Кампирнинг ўғли гўё сапчиб тушгандай бўлди.

— Ўлиб кетган деганимидингиз? — деди сарғайган, хунук тишлари орасидан заққум сочаркан. — Қайтиб келмайди деганимидингиз, меросхўр асрabsиз-да?

Ўспирин қадрдон қишлоқни, ўз онаси деб билган мўътабар инсонни, отаси ўрнидаги устозини, ёру ёронларини ва унинг навқирон қалбига илиқ бир

Турсуңмурод ЭРМАТОВ

Ҳиссият мұхрини босған яна бир хилқатни — отасига озиқ олиб келиб турады, унға пинҳоний ва сирли табассумлар ҳадя қылады, устозининг гүзәл қизи-ни ҳам ташлаб кетишга мажбур әди.

* * *

Үспириң энди бозорда ҳар хил ишлар қиласарды. Құп үтмай бозор новвойи құл-оёғи чаққон бу үспириңнің ёнига олди. Аввалига үспириң ҳамир қориб, тандирга үт ёқди. Үқувли бола тандирнинг күйдірувчи алансига ҳам бардоши мустақкам әди. Қүёшдай қызарған нон унға ҳузур бағишилар, одатдагидай қилаётган ишидан мамнуну мас-рүр әди. Шундай шодмон күнларнинг бирида, таассуфки, ундан омад яна четлади. Новвойхона ҳисоб-китобида камомад чиқди ва бу ишда насли насаби бетайин бұлған үспириң гүмөн қилинди...

* * *

— Мен сени аввал күргандай бұляпман, — деди қария үспириңга синчиклаб назар соларкан. — Қаерда әди-я?

Үспириң синиққина күлди.

— Бозор майдонидаги устахонада бирор нарса қархлатармидингиз? Қариянинг чөхрасида табассум ёйилди ва: — Танидим сени, — деди шошиб, — танидим! Ахир сен қархчи боласан-ку. Бир гал даскалламни қархлаб берганинг учун пул олиб, пичоқ учун олмагандынг, эсладим, оббо сен-ей!

Үспириң бош иргаганча жилмайды:

— Пичноқ учун пул олмаганмидим? — деди. Үспириң бир зум сукут сақлади ва үйчан нигоҳларини қарияга тикди. — Ёнимиздаги дүкондор устахонамизни бузиб, дүконини кенгайтирди, — деди надомат билан.

— Устам арзимас пулга ҳам күна қолди, бояқиши.
Бойнинг иши ўрол экан-да, а, ота.

* * *

Ўспирин янги иш топганди. Уқувли ўспирин яна яхши шогирд эди. У кетмон соп кесиш, арчиш, қуритиш, бозорга олиб бориб пуллашдан ташқари, қуриган ва новда беришдан тұхтаган кекса дархтларни кесар, эринмасдан кундаков қилар ва ўрнига янги ниҳоллар әкарди.

Қариянинг күнгли түқ эди. Набираси ўспирини акаси ўрнида күрар ва ҳурматини жойига құярди. Қариянинг күнгли бир нарсаны истардикі, бу пинҳоний дард ва хоҳиши кун сайин ҳаловатини ўғирларди. Қани эди бу мәхнатсевар ва келишган йигитча уйида қолса ва гүзал набирасига муносиб қаллиқ бұлса, бу билан унинг озурда күнглиға әркинлик шабадаларини олиб кирса ва қолған умри хотиржамлиқда кечса. Қариянинг наздидә набирасининг ўспириңга майлу хоҳиши, кулиб-қимтинган қарашларыда мәхру интиқлик сезилар ва унинг истаги ижобат бұсағасига яқынлашаётгандай туюлар эди. Қария ана шуларни умид қилар ва бу истакнинг шукухи тунларини тонгларга уларди. Таассуф, бу орзу-умидлар сароб эди. Қиз қалбіда ўзға бирөвнинг ишқ чечаги күртак ёзғанди. Бедор тунларда қиз томонидан битилмиш номалар, ўқылмиш муждалар, сеҳр ва ҳаяжон қоришиқ нафас саслари тунларда қиз каби бедор ўспириңта ҳам сезилмай қолмаганди. Ва ўспирин бу нозик сирни қариянинг қүнглиға озор етказишдан сақламоқ пайида гул барғига ўрагандек пинҳон сақлар, надоматки, у қариянинг муддаоси ва мақсадини билгани боис кун сайин иложсизликнинг чирмовуқ занжирларига ўралғанча азоб чекарди.

* * *

Сайёр кино келгани қишлоқдаги ёшу қарининг кўнглига хурсандчилик уругини сочди. Ўспирин ишларини элбурутдан адо этди-ю, қишлоқ маркази томон ҳаллослади. У келганида киночи йигит тайёргарлик ишлари билан машғул эди. Ўспирин одатича қараб турмади, енг шимариб ёрдамлашишга киришиб кетди. Киночининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатарди у, савол берар, киночи ҳам унга хайрихоҳлик ва бажонидил жавоб қайтарарди. Кино сўнгига қизни уйга олиб келиш ўспириннинг зиммасида эди. Томоша якун топгач, ўспирин одамлар орасидан қизни топа олмади. “Уйга кетиб қолгандир” деган ўй ўтди бошидан. Алафда эди у. Ташвишли бораётган ўспирин ногоҳ пастқамда, ойнинг соҳир ёғдусида қизни таниди. Қиз ҳам уни кўрди ва ёнидаги кимсадан үзоқлашаркан, унга яқинлашди. Иккисининг ҳам айтар сўзи йўқ эди. Остонада уларни қарши олган қариянинг юз-кўзидан мамнунлик ва хотиржамлик сезилди ва ўспиринга:

— Синглингни олиб келдингми? — деди оҳиста. Шу топ ўспириннинг ботинида алланима чирсилаб узилгандай бўлди. “Сингил! Нақадар қадрли, ардоқли ва қалбга яқин сўз. Бироқ... бир қарич наридаги яқинлигу, чексизлик қадар олис, йўқлик қадар узун... Бахт аталмиш неъматга қай йўсин етса бўлади ўзи?! Ҳеч замонда ва ҳеч қачон тасодифан эшигингни қоқадими у? Инсон учун осонми унинг ташрифи? Қани эди унга бағрингни очганингда, у ҳам хайрихоҳ дўст мисоли сенга талпинса ва бир лаҳзада қўнглинг ардоғига айланса. У ахир мاشаққат, меҳнат ва муҳаббат, қадр ва эзгуликнинг ёвузлик, маккорлик, хиёнатнинг устидан қозонган буюк фалабаси эмасми? Шунинг учун ҳам у ноёб, камёб

ва нодирдир! У доимо ҳақиқатга, аслликка тобе ва мақсад учун курашган, интилган ва музafferлик яловини кўтара олгангагина тегишли” Ўспириннинг хаёллари узун ва бедор эди.

* * *

Қария ўрнига хотиржам оёқ узатди. “Дарҳақиқат, икки қалбни эшиитмоқ ва изн олмоқ фурсати эди. Яхши лаҳзаларнинг яқинлашмоги нақадар лазиз”. Қария хаёл сурар ва бу ўйлар унга янада енгиллик ҳадя қиласарди.

Қария барвақт уйғонди. Ўспирин хонасининг дераза пардалари эрталабки шабада измида нафис ҳилпиради. У ўспиринни уйғотмоқ ва юрагида қалқиб турган ниятни айтиш илинжида пардани оҳиста кўтарди. Уй ичи ҳар доимгидан ҳам саришта ва қариянинг қалбини кемирар даражада кимсасиз ва сокин эди. Ҳовли супираётган қиз таассуф тўлган нигоҳларини ердан ололмади. Кун жуда секин ўтарди. Ва қария бир лаҳзаки кўча эшигидан кўз узмас, атрофни кўнгли каби қоронгилик қўланкаси ўраган бўлса ҳам уйга кириш хаёлига келмас эди.

Қария мустар ва тушкин ўй суарди, бу вақтда дунёнинг барча ҳаловатсизликлари ва хиёнатларидан қўнгил узган ўспирин анча йироқда, саодат камалагини қучмоқ ва унга сингиб кетмоқ илинжида дадил ва шиддат билан одим ташлаб борарди.

ФАРИШТА ҚАЙТГАН МАКОН

Дарвоза ҳовлини кўчадан тўсиб турарди. Темирдан ясалган бу матоҳ аввало уқувсизларча ясалган бўлиб, бунинг устига шамолнинг забтидан бир томонга қийшайиб кетган ва бутунлайича занг қоплаб ётарди.

Ховли тошкүча яқинида. Дарвозанинг ёнида энсиз ва эскирган омонат ўтиргич бўлиб, якшанбадан бошқа Худонинг берган куни хонадон эгаси Нусратни шу ерда паришон ва ғамгин ҳолда учратиш мумкин. У йўлдан ўтган аксарият одамларга тавозе қиласар, бош иргаш билан саломлашиб қўярди. Баъзан у қоқсуяқ қўлини ҳавода ҳаракатлантирганча фудраниб, алланималарни тушунтироққа тутунар, айниқса, унга иши тушиб келган одамга шу қадар берилиб сўзлардики, фақат бундан ўзигина ҳузурхаловат топар, фудраниб ҳаяжон билан тўлиб-тошган гапларини эшитиб турган одам унинг тушуниксиз сўзларига бош қимирлатиб маъқуллашдан бошқа йўл топа олмас, бундай соме ва хушхулқ бандар, албатта, Нусратнинг ҳурматига сазовор бўларди.

Нусрат гапира олмасди. Шундай пайтда унинг ягона эрмаги чархлаш матоҳи бўлар, тайинли иш бўлса-бўлмаса, темир-терсакни ёніга уюб олиб, қулоқни қоматга келтирганча чархлаш асбобини ишлатар, лабини чўччайтириб, қайсиdir бир оҳангни ҳуштак билан хиргойи қиларди. Бироқ уни чархлаш касбини яхши ўзлаштирган ва темир-терсакка уқуви бор, деган кимсанинг ҳақи кетмасди. Унга иш олиб келган одамни яхши кутиб олар, илжайганча ҳурмат бажо этар ва албатта чарх ёнидаги эски курси устидаги чегаланган чойнакдан чой қўйиб узатарди.

Нусрат ёлғиз яшарди. Ховлига қарашиб учун унда хоҳиш-ҳафсала бўлмаганидан атрофни ажриқ ва турли ўт-ўлан қоплаб ётар, ҳар хил тақир-туқурларнинг тартибсиз сочилиб ётганидан бирор нарсасини ўтқирлатиш учун келган одам ишини битириб булиши ҳамон бу фаришта қочган уйдан тезроқ даф бўлиш пайида бўларди.

Нусратнинг пешонасининг шўрлиги – хотини унга хиёнат қилар, одам ўрнида кўрмасди. Қа-

чондир, кимларнинг гапига кириб, бу нотовонга эрга текканига ва Худонинг қарғишига учраган ўша бадбаҳт кунга лаънат ўқирди. Кун келиб онасини таниб олар, дея уч яшар ўғлини ва ўзи лаънатга кўмган хонадонни эрига қолдирди-да, бутунлайича қораси ўчди...

Ёлғиз ўғли онасиз катта бўлди. Нусрат болани вояга етказди. Бола унинг айтган гапларига кўнмас, соқов отани қадрламас эди. Сўнг аллакимларни этагини тутди, бошқа мамлакатга жаннат қидирганча жўнади... Ёмон кунларнинг бирида ўғли мутлақо бегона юртда фоний дунёдан ризқи насибаси узилди.

Ўшанда Нусрат темир тобутни қучоқлаб узоқ йиғлади.

* * *

Отасидан қолган чархлаш ускунаси ҳали эс-кирмаган эди. У ҳар хил рўзгорбоп нарсалар ясар, тузатар, оқибатда касби-кори гуллаб яшнарди.

Ўша маҳаллар газета-журналлар, хатлар ва ҳатто нафақа пуллар ҳам уйма-уй тарқатиларди. Бўйи етиб қолган қиз туман марказидан келиб почтачилик қилас, қиз ростдан дилбар ва ақлли эди.

Хат ташувчи қиз Нусратнинг қалбини оташдек куйдиради, бироқ қизнинг салобати ва малоҳати сўз очишига халал берар, бу ночорлик йигитнинг интизор қалбини қийнарди. Баъзан у кун узоқ қизнинг йўлини пойлаб ўтиради. Тасодифан қизнинг олдидан чиқиб қолгандек бўлар ва унга нималарни дир гапирап, аммо ҳар гал муддаога кўча олмас эди. Қизнинг ўзига бўлган эътибори ва муносабатини қузатганида ҳар гал қиздаги бепарволикдан хафа бўлар, куюнар ва тушкунлик исканжасидан чиқолмас эди. Қизга шунчаки гапиришдан нарига ўтолмас, қалтис гапириб қўйишдан ва унинг чиройли юзига

ботиниб қарааш умидидан мосуво бўлмаслик учун ниҳоятда эҳтиёт бўларди. Йигит қачондир келиб қиз унинг бемор кўнглига малҳам сувини қуишига ишонар, висол аталмиш саодат инъомига эътимод қиласар бу иқболдан умидланар эди.

Нусрат ҳарбий хизматга отлана туриб қизни кўриш умидида кўчаларни сарсари кезди. У қизга дил изҳорини айтишга чоғланганди. Нусратнинг ҳарбий хизматга кетаётганини эшигтан қиз яхшилик тилади, мулойим табассум қилди. Нусратга шунинг ўзи етарли эди. Бу манзара унинг кўз олдидаги абадийликка муҳрланиб қолди.

Нусрат энди аскар эди. Афғонистоннинг тоғларида аёвсиз жанглар борарди. У издиҳом ва бўҳронлар ичидаги кезиниб чопар, тоғ ва саҳролар алмасиниб борар, кимни қутқариш ва кимнинг, ниманинг уруғини қуритиш лозимлигини аниқ тушуниб етмасдан қандайдир ноаниқ максал ва қаҳрамонлик сари олға босарди. Нусрат ва унинг сафдошлари қамалда эдилар... Бешинчи, олтинчи ва шу зайл кунлар сеҳиилик билан ўтар, ҳар сафар кейинги тонгнинг отиши мавҳумлик тӯфонлари ичидаги сингиган, гўёки Қуёш ўзининг сўнгги нурларини сочарди. Гумбурлашлар еру кўкни ларзага солганча, борлиқни уфунатга кўмарди... уюм-уюм култўдалар, аланса тиллари узра қоврилиб ётган тоғу тош ва жонсиз жасадлар, жаҳаннамнинг машъум қаҳқаҳаси Нусратнинг ёнгинасида аждарҳодек айқириб ётарди... Нусратнинг қулоқлари факат кучли гумбурлашларни эшигтиб турди ва кейинги қудратли чақнашдан сўнг кўз олди... сўнг шуури тинди...

Нусрат аллақаерда уйғонди. У таҳлика ва қўрқув исканжасида шошилиб ва сабрсизлик билан оёқ панжаларини қимирлатиб кўрмоқчи бўлди. Минг шукрки, оёқ ва қўллари бўйсунмоқда, қийналиб

бўлса ҳам нафас олмоқда ва атрофни кўрмоқда. Нусрат теварагига аланглади. Яқин юртдошини излади. Ва уни чақирмоқчи бўлди. Таассуфки, тили ўзига итоат этмади. Қаттиқ қичқириғи фақат жонсиз ва тушуниксиз ғудраниш бўлиб эши билди. У жуда кўрқди... Хўрлик ва надомат титроғидан йиғларди у.

* * *

Нусрат фақат якшанба куни эрта тонгда ўзининг шогирди – ўспирин Билол билан чархлаш матоҳини шалоқ аравага ортганча бозорнинг олдигача олиб борар ва жойлаштиради. У якшанбада тинмай ишлар ва ўз меҳнатидан қувониб қўяр ҳамда қаноат ҳосил қиласади. Ўспирин ундан бир қадам узоқлашмас, баъзан ўзи ҳам ўткирлаш учун мустақил ул-булга уриниб кўрап, иши ўхшагудек бўлса устозига илжайиб қараб қўярди. Ўспириннинг ҳаракатлари Нусратни бирмунча қаноатлантиради, аҳён-аҳёнда ўспириннинг ҳадеб қилган ишини мақтовини келтираверганига, борйүғи бош бармоғини кўрсатиб, “яхши” дегандек ишора қилиб қўярди ва яна ишига шўнфириди.

Ўспирин онаси ва ўгай отасининг ишларидан ортиб устозининг қошига ҳадеб кела олмасди. Бир гал ўгай отаси “устозликка шу соқов, темир жиннисидан бошқа бирор қуриб қолганми, сени бутунлайича ўшанга бериб юборсанми?” деганида, отасидан астойдил ранжиган, ундан бундай гапларни айтмасликни ёлвориб сўраган бўлса-да, хаёлида устози билан бирга яшамоқнинг гаштлироқ эканини туйган.

Ўспирин устозига янгиликларни етказиб турарди. Айниқса, ой охирида почтачи қизни шахсан эргаштириб келар, устози нафақа пулинин навбатсиз олиши учун ёрдам берганидан боши осмонга етарди.

Устозининг почтачи қизни күриши ҳамон негадир ўзгариб қолиши Билолга сезилмай қолмасди. Нусрат почтачи қизни бундан йигирма йил олдинги худли шундай газета ва журнал тарқатиб юрувчи бир қизга жуда ўхшатар ва бундан ҳайрон қоларди. “Балки бу қиз ўшанинг қизи бўлса-чи?” деган ўй уни жуда қийнар, ҳаловатини ўғирларди. Нусрат ҳар сафар нафақа олиш учун имзо чекаётганда идрокини йўқотар, шуури тарқаб кетарди. Қиз кетгач, дунёдан умидини узган лоқайд ва тушкун одамга айланар. Кўзларини бир нуқтага қадаган кўйи музтар, маъносиз тикилиб ўтиради. Устозининг бу файришуурий одати Билолнинг ҳайратини оширади.

Ўспирин ҳар гал бу ҳолни қузатар ва ҳар сафар ҳам бунинг асл моҳиятидан бехабар қолаётганидан ўқинарди. Бироқ бир сафар суриштириб ҳадеб жонига тегаверганидан кийин бу воқеа ҳақида чалачулпа бўлса ҳам алланималарни имо-ишора ёрдамида қисқа ҳикоя қилди. Шогирд устозининг изтиробидан хабар топди. Қани эди устозига ёрдам бера олса? Шу хаёл Билолга тинчлик бермасди.

Ўшанда якшанба эди. Улар ҳар галгидек чархлаш асбобини ва бошқа ашиқол-дашқолларни жойига ўрнатаётган эдилар. Шу маҳал эътиборлари улар томонга ҳассасида пайпасланиб келаётган аёлга тушди. Аёл улар турган ердан нарироқقا бориб тўхтади ва тўрвасидан тахтадан ясалган пастак курсича олиб ерга қўйди-да, омонатгина чўкди. Гўё оғриқдан азоб чеккандек уф тортди ва кўзларини юмди. Кейин у ёқ-бу ёққа аланглади, рўмолини аввал пешонасига, кейин кўзларигача бостиради.

Нусрат аёлга тикилиб тураркан, раҳми келди. Аёлнинг юзи қаримсиқ ва сепкил билан қопланган, шалвираган узун енглари учидан қўлларидаги оқ доғлари кўриниб турарди. Аёл олдига кир ва эски

бир рұмолчани ёзіб қўйди-да, кўзлари атрофни кўрар даражада бошини кўтарди. Сўнг бир оз атрофни кузатиб турди, ўтаётган одамларга қалтироқ қўлларини хиёлгина чўзганча тиланди. Нусрат аёл томонга қарамади ва чархини ишга туширди.

Уларнинг ишлари ҳар якшанбадагидек унумли бўлди. Кун қайтганда матоҳларини йиғиштириб бўлишди. Тиланчи аёл ҳамон жойида қимирламай ўтирас, титраб турган бармоқлари олдинга чўзилган, сепкилли лаблари фалати пи chirларди. Ашқол-дашқоллар аравага юклаб бўлингач, Нусрат чўнтакларини ковлади-да, қиймати энг йирик пулни титкилаб топди. У тиланчи аёлга қараб юрди. Нусрат пулни эгилиб, аёлнинг олдига қўйди. У қаддини кўтара туриб кўзи ногоҳ тиланчи аёлга туши. Аёлнинг кўриниши уни сесканттирди. Нусрат тиланчи аёлга ортиқ қарай олмади ва зудлик билан узоқлашди. У ортига қарамади, жадал одимлаганча аравага етиб олди.

Ўспирин устозиникига тез-тез келар ва унга меҳрибонлиги ортарди. Бир гал ўспирин устозиникида тунаб ҳам қолди ва уйдагилар унга рухсат берганидан қувонаётганини тушунтириди. Устози Билолга меҳр тўла кўзларини тикди.

Нусрат ўспириндан почтачи қиз ҳақидаги гапларини жимгина тинглаб ўтириди ва бир пайтлар қизнинг онаси ҳам шу касб билан шуғулланганини билиб олди. Унинг ҳаяжони ошди. Тахминлари тўғри чиққанидан ўзини қўярга жой тополмай қолди...

Якшанбаларнинг бири эди. У чархини юргизар, қўли қўлига тегмай тер тўкарди. Ногоҳ унинг нигоҳи яқингинасида жилмайиб турган почтачи қизга тушди. Нусрат қиз билан одатича тавозе билан сўрашди. Почтачи қизнинг ёнида бир аёл турарди. У аёлни кўрди ва бир муддат ҳаяжон ичидаги қолди.

Нусрат секингина бош эгиб саломлаши. У аёлни таниди. Рұпарасида бир пайтлар унга бутун умрига татийдиган шириң табассум ҳадя қилған йигирма йил олдинги почтачи қызы жилмайиб турарди.

Шу пайт қаёқдандир үспириң пайдо бўлди. Унинг қув қўзлари хиёл кулимсиради. Устоз шогирдини қўлларини авайлаб ушлади ва секингина сиқиб қўйди.

Нусрат иш охирида ҳар доимгидай тилачни аёлнинг рўмолчасига пул ташлади.

У ҳар якшанба қўли ишдан бўшамаса-да, кўзлари ўша газета тарқатган аёлни излар ва тоқатсизланарди. Аёл гоҳ кеч, гоҳи эрта албатта кўриниш берар ва Нусратга баҳт ато қиласиди. Нусрат ҳаммадан ҳам үспириң орқали аёлнинг тул эканлигини билгаち, ҳаловатидан батамом жудо бўлди.

У шогирди Билолга ҳам чарх сотиб олиб берган эди. Икковлашиб пул топишар, энди үспириң ўгай отаси олдида ҳеч қандай тили қисиқлик жойи йўқ эди. У үспиринни ўз ўғлидай қадрига етарди.

Бир гал Нусрат шогирди иккиси ўша газета тарқатган аёлнинг уйини ахтариб бориши, аёл билан узоқ гаплашиб ўтириши... Аёл Нусратни жон қулоги билан тинглади.

Кунлардан бир кун Нусрат аёлнинг розилигини сўради ва уни хасми ҳалолликка олди. Нусрат ҳақиқий хожалик ҳиссини туйди. Энди кечалари дарди дунёсини тўкиб соладиган, уни имо-ишорасини тушунадиган ва соқовлигидан номус қилмайдиган ҳамдарди борлигидан ҳадсиз севинарди.

Шундан кейин беўхшов темир дарвоза ўрнида шинам бир эшик қад ростлади. Бир пайтлар шу хонадонга ҳам газета тарқатган аёл энди Нусратнинг ҳовлисини супуриб-сидираради. Ҳовлига фаришталар макон тутганди гўё. Нусрат энди кўчадаги чўзин-чоқ курсига ҳам эътибор қилмай қўйганди. Якшанба

кунлари бозор олдида чархини ишлатишни канда қилмасди. Тиланчи аёл одатдагидек унга яқин ердан жой эгаллар ва кун бўйи ўтган-қайтганга титроқ кафтларини узатганча тиланиб ўтиради. Нусрат кун узоқ тинимсиз ишларди ва ҳар сафар ҳам ишлаб топган пулининг энг йиригини тиланчининг олдига ташлашни канда қилмас эди.

Тиланчи аёл уни ва ўғлини ташлаб кетган аёл эди...

ШОГИРД

Зиёning хотини ўлганига беш ой бўлганди. У мана шу давр ичida қандай кунларни бошидан кечиргани ўзига-ю, ёлғиз Яратгангагина аён. Айниқса, қоронғи тунлардаги задаликларини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Ёлғизликнинг уқубатлари унинг мадорини синовдан ўтказар, дунёни қўзига бир тутам қиласди.

Худо раҳмат қилгур Зийнат ақлли аёл эди. Тузукроқ саводга ҳам эга бўлмаган ҳожасига рўзғор икир-чикирларидан торғиб, хўжалик юритиш юмушлари-ю, кўчадан ризқ топиб келиш йўлларигача муаллимлик қиласди. Бир кўрган одам бу хотин “шўрлик эркакни роса миниб олган шекилли” деган хулосага бориши ҳеч гап эмасди. Бироқ Зийнат ўша одамларнинг айтганича эмас, бор-йўғи уйим-жойим дейдиган, тадбирли, ром ясовчи оддий бир ҳаваскор Эрни усталик даражасига етишишида меҳнати сингган, кўча-кўйдаги косаси оқармаган, дангаса улфатларига қўшилишига тиш-тирнофи билан қарши бўлган бир виждони қайнаган аёл эди. Зиё хотининг ақли фаросатига доимо таҳсин ўқир, жин ургур баъзи бир ақли етмаган масалаларни ҳам у билан осон ечар, бундай пайтлар хотинини ошкор мақтаб талтайтирмаса ҳам, ичидан қувониб, шундай хотинга дучор қилган Парвардигорга ҳамду сано айтарди.

Рўзгорида барака бор эди Зиёнинг. Тўғри, икки киши нимани ҳам маҳлатиб еб-ичарди дейиш мумкин, бироқ ейиш-ичишни айтмаганда ҳам уларнинг ҳамма ҳам орттира олмаган мўмайгина жамғармаси ва кўпчилик орзу қилган ҳашамдор уйлари ҳам бор эди. Фарзандсизликларига келганда, гарчи бу баҳтсизлик юракларига заҳар сачратиб, ич-этини куйдирисиб юрса ҳам бир-бирига таъна қилишни ўйламас, айбламас, башарти шундай мавзу қўзғалгудай бўлса ҳам дарҳол суҳбат нишабини бошқа ёққа бурав ва ўша заҳоти бу дилгирилик барҳам топарди.

Орадан беш ой ўтди. Зиё хотини иккиси эккан ва ҳозирда кўкка бўй чўзиб қолган теракларни бутаб, ром ясашга мос ходаларни ажратаетганди, кўча эшик томондан кимдир уни чақирди. Зиё кўча эшиги олдига чиқди. У ерда нотаниш чол ва бола туарди. Улар шу ерлик тиланчи лўлиларга ўхшамасди. Чол Зиёдан нимадир истар, бироқ буни айтиш учун иккиланарди. Бироқ у Зиёнинг самимий чеҳрасини кўриб тезда иккиланишларини енгди ва:

— Бу бола менинг набирам, — деди чол оҳиста гап бошларкан. — Ота-онаси бир бедаво дардан бу дунёни тарқ этишган. Сизни қора тортиб келяпман. Буни қарангки, орамиз кўп узоқ эмас экан. Акс ҳолда кела олмасдим. Юришга менда мадор қайда дейсиз. Қарилик ҳам бир дард, иним. Эрта нима бўламиз, ёлғиз Ўзига аён. Бир бадбахтнинг қўлида қолиб, хорлик чоҳида умри ўтмасин дедим. Агар йўқ демасангиз шу болани тарбиянгизга олсангиз, ҳунарингизни ўргатсангиз.

Зиё алланималарни тарозига солиб кўтарди. Ёлғизлик азоблари ва мазмунан мавҳум кечмиши кўз олдида дилгир чизгиларини чизарди. Бироқ бу билан бир қаторда чол айтган ўтинчни адо қилиш

ҳам гүёки қақраб ётган ҳаётига савоб сувларини олиб келиш билан баробардек эди.

Зиё шогирди Мусо билан хотинига қабр тоши қўйиб уйларига қайтиб келишганди. Шу кез кўча эшик очилиб, эски улфатлар бош суқишиди. Бир пайтлар хотини сабаб бўлиб улфатчиликдан кечган Зиёнинг уйида яна улфатлар дийдори кезинди. Аввали насиҳат китобларини варақлашди улар.

— Оллоҳнинг раҳми бўлсин сенга, — деди улардан бири Зиёнинг елкасига оҳистагина қўлини қўяркан.
— Кейин, мен сенга айтсан, дунёда бир сен эмассан хотини ўлган одам. Бунга ҳадеб уйга кўмилиб олиб, аза тутишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Олдинги бўйдоқлик давринг, шу холос. Энг асосийси, аввалги, ҳуда-беҳуда болага ўхшатиб сени сўраб-сўроқловчинг йўқ. Бизнинг кунимиздан кўра, агар таққосланса, сенинг кунингни ўлса ўлиги ортиқ, — дея яна бири гап бошлади. — Бу дунёда эркинликдан ҳам азизроқ нарса бор эканми? Сенинг кунингга тушсан йўқ демасдим...

Гурунг шу тариқа давом этарди. Улфатлардан бири кутимаганда стол устига тўқ эткизиб шиша қўйди. Чўнтағидан қурут чиқарди. Буни кўрган Зиё бир қалқиб тушди. Ҳозирдан бу иш?.. У кимдандир ҳадиксирагандек, атрофга бетоқатлик билан, худди ёш болаларга ўхшаб мўлтираб қаради. Кўз олдидан Зийнат ўтди. Улфатлар буни пайқаб турар, Зиёнинг ҳолини тушунишарди. Ўша куни Зиё ичди. Мусонинг кўзича ичди ва маст бўлди. Улфатлари тарқагач, қорни оч гўдакка ўхшаб ўпкаси шишгунча овунмади.

Мусо дастрўмолчасига тутулган онасидан қолган қутни яна бир бор ушлаб кўрди. Чиройли ва бежирим тилла балдоқ эди у. Онанинг ўғилга қолдирган ягона мероси! Мусо бу буюмнинг қанча қадри,

Турсунмурод ЭРМАТОВ

қанча қиймати борлигини билмаса-да, азизлигини, мұътабарлигини яхши тушунарди.

Мусо сархушлиги ариган устозининг қошига келди.

— Кеча айттан давлатингизга мана буни ҳам құшиб қўйсангиз, — деди илтижо билан. — Мен бу қимматбаҳо нарсани йўқотиб қўйишим мумкин. Бу онамдан ёдгорлик.

— Мен сенга давлатим бор дедимми ҳали, — дея ҳовлиқди Зиё. Мусо жавобдан кулиб қўйди ва деди:

— Ҳатто қўрсатдингиз!

Зиёнинг ҳайрати зўрайди, ичидан бир нарса чирсиллаб узилгандай ички ингроқ ва оғриқ сезди ўзида.

— Йўғ-е, — деди ишонмай. — Наҳотки, сен буларни қўриб индамай турдинг. Меничув туширишинг, уларни олиб қўйишинг ҳам мумкин эди-ку?

Мусо ҳайратли кўзларини устозига тикди, лаблари бир оз қимтилди.

— Бу ишни мен қила олмайман, — деди Мусонинг кўзлари жавдираб. — Бундай иш қилган шогирдни қасам урмай қолмайди.

Мусо қўлидаги балдоқни ҳамон ушлаб турарди. Зиё балдоққа қўл узатди:

— Энди йиққан-терганимиз бирга бўлади, — деди ва Мусонинг пешонасига авайлабгина лаб босди.

Орадан кунлар ўтарди. Тол ходалар қуриб ётар, бироқ Зиё дастгоҳ олдига келай демас, қўллари ишга бормас, энди у худди улфатлари измида қолгандек ҳар кеч сармаст қайтар, шу пайтлар хотинини эслаб ўпкаси тўлар, ўз-ўзича хотини билан гаплашар, телбанамо қилиқлар қиласи ва ҳар кимникида мардикорчилик қилиб ҳориган Мусонинг тинчгина ором олишига ҳалал берарди.

Бир гал Мусо ишдан қайтганида устози ерга

бағрини берганча ётар, күринишидан хийла ахвали тант, күзлари йиғидан қизарыб кетганди. Бугун у ичмаган, билъакс, ҳар қунгидан ҳам ҳушёр эди. Унинг йиғламсираб айтаётган гапи уйидан үмарыб кетилган бор-буни ва Мусонинг онасидан қолган омонати эди. Мусо устозини бир зумгина кузатиб турди. У ҳамон қовурилган балиқдек ғужанак бўлганча ётар ва тинмай елкалари силкинарди. Мусо устозига жуда раҳми келди. Унинг қошига чўкка тушди ва авайлабгина савол берди:

— Пулингиз кўп эдими?

Зиё “ҳа”, дея бош иргади.

— Ярмини ичиб тугатгандим, — деди юзини ёстиққа босиб. — Қолгани ҳам олам жаҳон эди.

— Бу ишни улфатларингиздан бўлак бирор қилмаган, — деди Мусо ишонч билан.

Зиё бирдан Мусога ўгирилди.

— Улар қачон олган бўлишлари мумкин?

— Албатта, сархуш пайтингиз, — деди Мусо, — ахир сиз кейинги пайтлар иссангиз ўзингизни билмай қолаётгандингиз.

— Мен уларнинг олганини исботлай олмайман, — деди Зиё истиҳолали оҳангда. — Сизлар ўғирлагансизлар, деган гапни қандай айта олай?!

Мусо устозининг қўлларидан меҳрибонлик билан тутди ва деди:

— Бас, энди уларга аввалгидек эшигингиз ёпиқ. Мен буюртма олиб келдим. Ёғоч ва ходалар тайёр. Пулларни жойига қўймасак, ҳадемай қашшоқлик эшик қоқади.

Зиё шогирдига бақрайганча қараб қолди. Хотининг ўгитлари қулоқлари остида қайта жаранглаб кетгандай бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Зиё ва Мусонинг ишлари

авж олгандан олганди. Бироқ Зиё ҳамон узоқ йиллар хотини иккисининг тўплаган жамғармаси ва Мусонинг омонатини эсдан чиқара олмасди. Кексалик эшик қоққан, оёқларидан мадор кетаётганди Зиёning.

Зиё кунлардан бир кун шогирдини ёнига чақириди ва:

— Жамғармамиз қанча бўлди? — дея сўради. — Сен мен айтган балдоқни сотиб олгандирсан, ахир марҳума онангдан иккимизнинг ҳам қарзимиз бор? — Мусо жамғармани ҳисобини устозига айтди. Зиё ҳайрат билан шогирдига қаради. Унга шу қўйи: — Сен янгилашяпсан, — деди қатъий, — бунча бўлиши мумкинми, менинг тахминимча, сен айтган пул икки ҳисса кўп-ку? Шунинг ярмини айтганингда тўғри бўларди.

Мусо бир зум жиддий турди, сўнг кулимсиради. Устозига яқин келди. Гарчи уйда иккисидан бўлак ҳеч ким бўлмаса ҳам Мусо устозининг қулоқларига пицирлади. Зиё аввалига шогирди айтган сўзни англамай турди. Кейин бирдан сергак тортди. Кўзлари ҳайратдан йириклишиб кетди. Шогирдини урушиб беришини ҳам, мақташини ҳам билмай ҳайрон эди Зиё. Зиёning тиллари калимага келмасди. Бир оз ўтиб зўрбазўр ҳаяжонини босди. Ва:

— Оббо сен-ей, — деди ҳамон қув кўзларини ўзига тикиб турган шогирдига. — Шунчалар билимдон экансан, қойил! Худо раҳмат қилгур Зийнатимдан ҳам ўтдинг-ку сен. Ҳали ўгри ўзим эдим, дегин?!

Бу гапдан иккиси ҳам баравар шарақлаб кулиб юборишли. Ва энди устоз ва шогирд бир-бирини қучоқлашар, қийқиришар, уйни бошларига кўтариб бақиришарди. Айни дам уларнинг қилиқларини четдан кузатиб турган одам, албатта, бу бояқишар ақлдан озишибди-да, деб ўлаши турган гап эди.

ОНА БҮРИ ҚАСОСИ

Тахти Қорача довонидан тортиб пастликда ястанган адирларни түлдириб тушган қор ҳаддан зиёд бўлди. Ялангликни қор қоплаб, сурувни ёйиб, оёғини ёзиб келиш имконсизлиги сабабли, бир неча кундирки, Қайнарбулоқ ҳудудидаги учта катта сурув емиш гарамидан кун кўриб туриди. Жондор зотининг силласи қуриган. Нажот ҳам, имкон ҳам кўринмайди. Тунда отар томонларга ўлжа излаб чиққанлари ҳам чўпоннинг атала ичиб, куч йифиб ётган бўрибосаридан панд еб, томоғи тушиб қайтиб келади. Ҳозирги палладарда бўрини оёғи боқади, деган гаплар ҳам бир чўпчак.

Гардлаб ёғаётган қорнинг изфирини паррандаю даррандани тинка-мадорини қуритиб бўлган, айниқса, каклик деган жониворнинг шўри қуриб, қуий қишлоқларга гала-галалашиб, емиш излаб учиб келган. Одамлардан нажот истаб, хонаки паррандалардай хонадонлар атрофида ночор учиб, қўнади. Отнинг ўлими – итнинг байрами, бўлганидай эти суюгига ёпишган, маза-матрасиз каклик гўшти қўпайганидан баъзи бандай боумидларнинг оғзи ошга тегиб, қозони ўчоқдан тушмай қолган.

Қишлоқдаги овчи касбини тутган шоввоз йигитлар каклик, капитарларни назарлари илмай, каттароқ ўлжаларга умидланиб, белни маҳкам боғлаганлар. Китоб бозорининг ошхоначиларидан тортиб, пулдор бойваччалардан каклигу капитар учун буюртмалар олиб, овчи тугул, қўлига кечагина милтиқ тутган ҳавасмандларигача чўнтаклари пул кўриб, бурнила-ри танқайган. Хуллас, мўлжални баланд олган, ном чиқарган овчилар Оёқчи тоғларидан тортиб, бу ёғи Ҳазрати Башир, Самарқанднинг Ургутига ёндош,

Турсунмурод ЭРМАТОВ

осмонни ўпид турган Күлтоққача. Ана күринг, архару түнғизнинг макони ўша жой. Худо бериб, ҳадемай бир нималик бўлишса не ажаб. Файрат отлари ўзғир, йигитлик шаштлари баланд. Ҳай-ҳай демаса, ҳамманинг оғзига тушган, кузакда адашиб Ҳисор томонлардан Қўргонтоққа келиб қолган қўнғир айиқни ҳам ухлаб ётган ўнгиридан суғуриб олгудай шижаатлари бор.

Кеча Тилов овчиникига Китобдан меҳмон тушди. Меҳмон ҳам оддий меҳмон эмас, Раззоқ бойнинг ўзи, бир-иккита ошналари билан атайлаб какликхўрликка келишган.

Раззоқ бой яқинда бозорнинг ёнидан катта расста очган. Шунинг қутловигами, хушомадигами, ишқилиб бирор мақсадни чўтлаб бу кеч Тилов овчи киройи базм қуриб шу бойни чорлаган. Тилов овчининг муддаоси – ўзининг таъбири билан айтганда шу зоти мунаавварнинг кўнглини овлаш, дидлаганини бажариш. Раззоқ бойнинг бўлса, унга атагани тайин. Унинг валломатлиги, марду тантлиигига Тилов таҳсин айтади, ўзининг валинеъмати ўрнида кўради, суюниб, акам дейди. Шу валинеъмат бой казо-казо меҳмонлару ошнарушнлари учун ҳали каклик, ҳали бедана, тустовуқ дегандай сўраттириб, уни зўр овчилигига таърифу таҳсин айтади, бу билан ўз мақсадига биринчилар қаторила эришишдан ташқари, Тиловни обрў-эътибори, довруфини ошириб, хизматини ҳам яхши баҳолайди.

Хуллас, бу кеч печкаси зардоли тараашасининг алангаси билан қизиган Тилов овчининг кенггина меҳмонхонасида қўр тортган қўноқлар учун келтирилган нави асл, бир неча йиллардан бери кўзанинг тубида дам ростлаб ётган Ровотмешнинг мусалласи барчани сархушу сармаст қилган. Алалхусус,

Тилов овчини булбулдай сایратган, тил-тилчигини қайратган ҳам шу зорманда. Шундан боши қизиб, келган меҳмонларга ҳам гал бермай, овдаги ғаройиб, сеҳри синоатга бой саргузаштларидан саннаб, оғзи күпириб ётиби. Тилов овчининг шотирлари Ҳалим савдогарнинг атайлаб Ровотмешлик савдогар ошна-рушналаридан Тиловга ўхшаган бир-иккита қишлоқда ўзини қўрлилар сафида кўриб, керрайиб юрганлар учун олиб келиб қўйган мусалласдан ташийвериб ўzlари ҳам ухламайди, Ҳалим савдогарга ҳам уйқу бермайди.

Тиловнига тушган меҳмонлардан хабари бўлган Юсуф мерган ўзида хийла нотинчланиш сезарди. Тиловнинг феъли Юсуфга аён бўлгани учун ҳам юрагини аллақандай кўнгилсизлик қоплаб келар, дили-димоғи туман ичида қолган каби хира тортганди. Устига-устак кўчада яқинда Тиловнинг этагини тутган Жўлли даллолнинг унга йўлиқиб, айтган гапидан Юсуф ўйлаб юрган ўйларининг тасдифини топгандай бўлди.

— Ҳа, ака, ошнангизнида кўринмадингиз? — деди Жўлли илжайиб. — Китобдан меҳмон бор. Раззоқ бой билан бир-иккита ошналари келишган. Насиб бўлса аzonдан овга жўнаймиз. Зўр ов бўлади, ака, зўр. Үтинг, манави қўйнимдаги Ҳалим савдогарнинг қулинг ўргилсин оловидан бир татиб кўрасиз, ҳи-ҳи-ҳи...

Юсуф мерганнинг юрагига ҳақиқатан ҳам бир ҳадик из солди. Руҳи сусайди. “Раззоқ деганлари Тиловнинг тўртта қоқсуюқ каклигига ор солиб, зор қолиб қолмагандир?!“ Юсуф мерганнинг хаёлидан шу гап ўтди.

Кун чошгоҳга келганда ҳам Юсуф мерган ҳовлидан ичкари кирмади. Унинг кўнгли ҳали-ҳануз алланечук беҳузур. Тиловнинг муддаосини у аниқ билиб

турибди. Тарки одат-амри маҳол экан-да. Ҳозирги об-ҳаво ҳам унинг истагини амалга ошиши учун айни муддао.

* * *

Юсуф қишлоқдош тенг-түшларининг орасида бир қадар қорувли бўлди. Подачиқарда катта болалар Юсуфга ўхшаган майда бачаларни кураш тушириб, текин томошадан маза қилишларида ҳам Юсуф тенгиман дегандан тортиб, ўзидан бир-икки ёш катталарини ҳам бир қафасда таппа босарди.

Юсуф ўн саккиз ёшида Шаҳрисабздаги мактабни битирди. У баодоб ва зеҳни ўткир эди. Айниқса, ҳисоб илмидаги салоҳияти ҳар бир масаланинг чигалини ечишда қўл келар, шу боис қишлоқ амини уни қатор қишлоқлардаги деҳқонлар етиштирган дон ҳисоб-китобига масъул этиб тайнинлаганди. Эл отамиз, деб билган, қароматгўй, кайвони, беш қишлоқнинг амин-оқсоқоли Йўлдош аминга жиян эди Юсуф. Тоғасидаги юртни сўраш, эл-улус, раият қадрига етиш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, улуғлаш каби тарбияни, муруватлиликни қўриб ҳаваси ортар, тоғасининг йўлидан боришни шараф деб билар, шунинг учун баъзи бир нораво ишларнинг олдини олишда ўзида мунтазам мажбурият ҳиссини сезиб келарди.

* * *

Шу кеча-қундуздаги совуқ об-ҳавонинг забти жамики жондор зотига, паррандаю учар қушга ҳам азобли эди. Кўзи оч овчи халқи бирор нарсани яса-чи? Оллоҳнинг буюрганини қилса қани эди? Юсуфнинг алағда юраги шундан нотинчланар, шу кезларда Тилов овчига айтадиган гаплари ҳам йиғилиб борарди. Каклик отсин, каптар отсин,

майли, сүфур овлаб баъзи беморларга даво учун берсин. Тирикчилиги шулардан бўлгач, қилмасин эмас, қилаверсин. Бу унинг ризқи. Рассоқ эмас ундан зўрини чақириб меҳмон қилсин. Бироқ пул учун диёнатни эсдан чиқармасин, ов деб мусулмончиликни унутмасин.

* * *

Тилов барвақт уйғонди. Кечаги базми жамшид бир зум кўз олдида гавдаланди. Энг асосийси, бош меҳмоннинг кайфияти чоғ бўлди, зиёфатдан кўнгли тўлди, шундай одам икки-уч бор уни мақтаб сўз олди. Яна аллақандай дилни яйратувчи гаплар. Айниқса, валинеъмат ҳадя қилган қимматбаҳо қундуз телпак унга ўзгача бир фахр баҳшида этди ва бундан ўзгача бир мағрурлик нашидасини туйди. “Мана, дўсти душманнинг кўзи олдида яна бир зўр фахр. Кимсан Рассоқ бойдай бир валломат унга худди ўзиникидақа қундуз телпак совға қилди. Шундай телпак кийганлардан бу ўрада беш бордир, ўн бордир. Ана шулардан бири энди Тилов. Эртаиндин қишлоқда кўпкарили тўй. Қундуз телпакни кийиб чиқади. Ана унда бошқача бўлади! Эркак-ку, эркак, аёл зоти ҳам бир ҳавасланиб қараб қўйиши тайин. Обрў кимга ёқмас, мавқе кимни мафтун қилмас. Тилов шуни орзу қилган. Овчидан бой бўлмас, деганлартилини тишласин. Ҳар бир ишнинг ҳам жон зирқиратувчи машаққати, жон ато этувчи яхши томонлари бор. Бунга сабот керак. Матонат даркор. Астойдил, қилинган ишнинг ҳар доим хайри ҳам бўлади, баракаси ҳам. Тилов хаёллари таъсиридан хушнуд жилмайди. Бу аллаловчи ва роҳат ато этувчи руҳият бир лаҳза хаёлида қотиб қолди-ю, яна шу хаёлнинг ўзи ботинида бегона бир сезгини етаклаб кирди, у оғриниш ҳиссини

туйди, бир лаҳза олдинги масрур ҳолати аллақаерга чекинди. Ўйлари бошқа бир руҳият билан қоришиб бораётганини ички бир мутаассирлик ва таассуф исканжасида англади. Тиловнинг ҳозиргина борлигини аллалаб турган ўйлари шамолда қолган ҳазон янглиғ түзғиётганди. Шуурида меҳмоннинг буюртмаси кечаги оҳангда эмас, бошқа бир оҳанг билан қулоқлари остида жаранглади. Тиловнинг ботинида лоҳас бир түйғу кезинди, руҳиятида ғалати ўзгариш из ўиди. Бу ўзгариш таъбирини англай олмади у. Үсмирлик паллаларидан ардоқлаб келган ва севган касби – овчиликнинг гашти, қувончи ва унинг қадр-қиммати кўз ўнгига аввалги каби сурурли, таассурот бермади. Буни аниқ сезса-да, ишонмади. Ишонгиси келмади. Файри бир куч эди. Бегона қутқу эди у: кечаги майшат таъсири, деб ҳам бўлмасди, эринчоқлик ҳам эмас, қаҳратоннинг забти ҳам эмас, бутунлай бошқа бир сезги – масъулият азоби толиқтиради уни.

Овнинг ўзига яраша ташвишлари бисёр. Уззукун кўзинг тешилгудай ўлжангни пойлайсан, фурсат қидирасан, қор кечиб изғиш, кўксинг яхдан музлаб, ўмганинг тешилгудай ер бағирлайсан, азоб, азоб бўлса ҳам ит азоби. Буни фақат овчигина билади, ўша мардумгина идрок қила олади. Фақат у мана шу курашга шай туради. Ўлжа – ёв кабидир. Ёғолиб бўласан, ёки мағлублик сиртмоғига бўйин соласан. Шунга иқрор бўлмаганда, бу ишга астойдил бел боғламаганда, ошиқнинг тикка тушишига ҳам, пикка тушишига ҳам чидамаганда Тилов овчи бўлармиди, улус оғзига фалончи деган номни олармиди? Ўзини валломат менгзаган кимсан Раззоқбойдай одамлар катта бошини кичкина қилиб, унинг дархонасини босармиди? Базмда боши қизиб, ўйлаб-нетиб ўтирумай, ўзининг илҳоми жўшдими,

девлари күттардими, ёхуд Раззоқбой ёнидагиларга: “бу яқинларда Тиловбойдай юраги иккита, шери мард овчи йўқ, бўлмайди ҳам” деган мақтовига ҳаволандими, билмайди, кўзлари оловдай ёнди-да, чин эркаклик ваъдасини берди-юборди.

— Азиз бошингиздан садақа, — деди Тилов ва тұлқынланиб кетди. — эртага оёқларингиз остига ташламаганни йигит деманг.

Ҳай-ҳай оғир эди бу гап. Бироқ айтилган гап — отилган ўқ.

Кечаги маслаҳат-машваратдан Юсуф мерғаннинг хабардорлиги, бунинг устига овнинг ташкил этилаётганинидан боҳабарлиги Тиловни аччиқлантириди. Оғзида гап ётмас бетутуриқ Жўллини сўқди: “суюнчи олмай ўл, даққи ит!!” Шунга ўхшаган обрўси бир пулларни ўзига тенг кўриб, дастурхони атрофидан жой бериб юрганидан малоли кучайди. Бу галги ов сафари ҳам, мақсад-муддао ҳам қалтисроқ. Жўллими, ундан бошқасими, бари бир гўр. Бирор бир шиша ҳалиги савилдан ма, ол, деса, Тиловбой не ишлар билан машғул деса сайраб турибди, сўраганга айтар, сўрамаганга ҳам мақтаниб, ўзидан қўшиб, валақлаб сирни ёяди булар. Шунинг учун ўзидан ўзгага ишонч йўқ. Ёлғиз жўнаса нима бўларкин. Икки киши билган сир сир бўлмас. Кечга қолса, Омонқўтонда ошналари ҳам бор. Қолаверса, Каптарғорнинг биқинидаги овчиларнинг ертўласида қолса ҳам бўлади. Бу иш ҳарҳолда ими-жимида бажарилгани ҳар ёқлама дуруст. Ҳам иш ошкор бўлмайди, ҳам ўлжадан умидгор йўқ. Бироқ бу овга ўзининг ҳам қўнгли чопмай, юраги дов бермай тургани ўй-хаёлини тушкунлик, ҳадик гирдобига отади, пароканда шуури турғун эмас. Қўнгли барибир ҳам қаватида бирор ҳамроҳ бўлишини тилайди. Тўзғиган ўйла-

ри азоб беради Тиловга. Қани эди, омадини берib, ёлғиз үзи эпласа?!

Тилов ўтган йилдаги овни эслади. Ёлғиз эди ҳар галгидай. Бир-иккитаси эш булиб кўрганда, Тилов уларни қайтарди. Доим шундай бўлади-да, савил. У бирор билан овга чиқдими, овнинг барори бўлмайди. Бора-бора буни ирим биладиган бўлди.

Тилов бу сафар кичик ўлжаларни овлаб вақт ўтказмасликни дилига тугди, каттароқ ўлжага кўз тикиб йўл тортди. У Дўшали атрофи, ҳатто капитар макони – етти қиз горини ҳам четлаб, тўғри Самарқанд тоғларига ошди. У ердаги тоғлар арчазорлардан иборат булиб, саратонда ҳам яшиллик билан қопланиб ётади, сувли, сўлим маскан, архарлар ўйнаб юргувчи сўлим гўша. Ўтган йилнинг кузагида Юсуфнинг ўша томонларда қилган овини эшитганди у. Үзиям зўрини урган экан, баччағар. Меҳмонга келган қайноғаси шарафига битта архарни ўлжа қилиб, беш-ўнта бева-бечорага гўшт улашгани Тиловнинг қулоғига чалинганди. Тиловнинг бўлса овлагани капитар билан каклик. Нари борса бўрсиқ, ё бўлмасам, суфур. Жин ургурлар оёқ остидан лоп этиб чиқиб қолади-ю, вақтни олади. Тайёр ош. Ташиб кетса увол. Қўзи қиймай шуларнинг ортидан кетиб, кунни кеч қолади. Архар орзулигича қолади. Шу сафар дуч бўлган капитарга ҳам, какликка ҳам қайрилиб қарамайди. Оёқчи тоғлардан ошса, у ёғи Самарқанд ҳудуди. Элда гап бор: ўтхўр жониворнинг тўртта оёғидан учови доимо сувда бўлиши керак. Сувли жойлар уларнинг макони. Юсуф қилган ишни нега у қилмасин, Юсуфдан қаери кам унинг. Зиёди бордир-ками йўқ!

У кун оғиб қолган пайтлари Оёқчи тоғларига этиб борди. Тилов анча саргардон кезди. Ўлжани излай-излай кўзлари толди. “Олдингдан оққан сувнинг

қадри йўқ. Йўлда учраган гала қушларни писанд қилмаган, үзича буларни ўлжа санамаган, йўқ олқорни қўзлаган ношукр овчининг жазоси шу”. Хаёли чин эди унинг. Тиловнинг ҳафсаласи пир бўлиб ўтираверди. Аксига олиб яқинидан бирорта тайинли қуш ҳам учиб ўтмади. Алами баттар кучайди. Кимгадир зардалангандай, арази кучайди. Ўйга жўнамоқчи бўлиб йўлга ҳам тушди. Шу пайт олазарак қўзлари ўзидан унча олис бўлмаган чўққида, ундан қўзларини олмай қотиб турган архарга тушди. Тиловнинг юраги шувиллаб кетди. Ҳатто унинг босаётган қадамининг саси ҳам архарни ҳуркитиб юборадигандай қадамларини омонат босди. Имкон борича архарга камроқ назар ташлади. Ўзини худди архарни кўрмагандек, харсангларни паналаб-паналаб, энкая-энкая жўнади. Тилов қўрқаписа архар турган жойга назар солди. Архар ҳали ҳамон ҳайкалдек қотиб турар, овчининг бор-йўғидан хабари йўқ эди. Жонивор турган жой энди анча яқин эди. Тиловнинг юраги ҳаприқиб кетди. Ҳаяжондан бармоқлари хиёл титраб турди-ю, фурсатни бой бермай тепкини босди. Тиловнинг кўз ўнгига архар сапчиб тушди. Сакраб ўзини пастга олди. Наҳот, ўқ хато кетди. Унга нима бўлди? Ёнгинасида турган ўлжани бой берган бўлса-я? Тилов ўзини кечириши қийин. Наҳот, ўқ зое кетди. Илк марта ишончсизлик туйғусини сезди у, армон азоби юрагига алам уруфини сочди. Бироқ Тилов буни тан олмади. Ўлжани маҳв қилди у, бошқача бўлиши мумкин эмас. Борди-ю, шу ишни уddyалай олмаган бўлса, милтифими тошга уриб синдиришга, ўзи эса бу касбнинг нонини емасликка тайёрдек жунунвш ва ёввойи ҳиссиёт юрагини ўртаб юборди. Ва жон ваҳмида архар сакраган томонга чопди. Тилов пастга эниб кетган ва албатта ўқи ер тишлатган архарни кўриш учун ҳеч нарсадан

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Қайтмас ва ҳеч нарсани ўйламасди. Унинг чаққон ҳаракатларига гоҳ чағир тошлар, гоҳи тик харсанглар халақит берарди. Тошдан-тошга сакраб борар экан, фавқулодда олдини бутунлай түсіб турган ҳарсангга рўпара бўлди-ю, бирдан юраги увишиб кетди. Тилов архарга етишиш учун шошганидан ва ҳаяжондан нотўри йўл танлаганди. Рўпарасидаги харсанг ортида ўтиб бўлмас тик қоя Тиловнинг батамом умидини яксон қилди. Фира-ширада ўлжасини то-пиш амри маҳол эди. Қашқирларнинг ҳид олиши ўлжани нимталаб кетишлари уни батамом ларзага солар, қаттиқ хавотир исканжасидан қутула олмас эди. Тиловнинг олдидаги ягона илинж – таваккал иш кўриш эди. Қаршисидаги харсангдан мутлақо айланиб ўтишнинг имкони йўқ, бунга илож бўлган тақдирда ҳам тик қояни забт этиш иложсиз эди. У харсангга тирмашиб борар экан, пастлик томон сабрсизлик билан назар солди ва ҳаяжондан юраги гурсиллаб кетди. У мақсадига эришган эди. Пастда ўзи нишонга олган архар жонсиз ётарди. Бетоқатлик ва ўлжадан айрилиш хавфи юрагини кемиради унинг. Харсанг баланд ва хавфли, силлиқ сиртдан чиқиш имконсиз эди. Ён томондаги қоя у ўйлаганчалик ваҳимали эмас, архарлар из солган сўқмоқлар хиёл оқариб кўриниб турар, харсангни забт эта олсагина мақсадга эришиш мумкин эди. Ҳозир ёнида бирорта ҳамроҳи бўлмаганидан қаттиқ армон қилди Тилов. Бирор кифт бериб ёки қўл узатиб турганда амалласа бўларди. Тилов айланиб ўгадиган масофани чамалаб кўрди. Энди бу йўлдан юриш ҳам мashaққат эди. Чунки атрофга қоронғилик ёйила бошлаган, олдидаги йўлдан аниқ чама ололмас, ҳар бир қадам хатар ва ҳалокат билан бақамти турарди. Ўлжа турган жойгача камида бир соат йўл босиши лозимлигини ўлларкан, Тиловнинг

бошидан ҳуши учди, алами зўрайди. У имкон қадар эҳтиёткорлик билан пастлай бошлади. Бироқ у ихтиёrsиз ва ҳаддан зиёд очкўзларча шошилар, ҳар дақиқа хаёлида узайиб борар, тоқатсизланар эди. Тилов қияда тўшалиб ётган, тойғоқ майда тошларда сирпаниб кетар, баданини чақир тошлар аёвсиз тилар ва сизган қон кийимларига ёпишганча, азоб берарди. Бироқ Тилов буларга эътибор бермас, фақат ёлғиз овга чиқишининг аянчли оқибати-ю, бемисл надоматлар миясига урилар, борлифига азият солар, аламданми, оғриқданми инграб қўярди.

Тилов пастга тушган пайт ойсиз оқшом атрофни зулматга кўмганди. У мўлжалидаги ерга яқинлашаркан, юраги орқага тортди. Хаёlinи ва вужудини пармалаб келган ўша мудҳиш ҳодисанинг олдидан чиққанди у. Нарироқдаги қорайган шарпалар тинимсиз ириллашар, алланимани талашиб тортишарди. Унинг кўз олдидаги шарпалар даҳшатли эди. Тилов аламидан ҳайқириб юборди ва тепкини босди. Ўқ овози тоғу тошни ларзага солди. Акс-садо тошдан-тошга урилганча галдаги ҳайқириқقا ва милтиқ овозига қўшилиб кетар, янада ваҳшатли янгради. Тилов кўз ўнгидаги ҳолатдан инграб юборди. Архарнинг гўшти батамом шилинган, суяклари қоронфида хиёл оқариб кўриниб туарди...

* * *

Тиловнинг боши ғовлади. Токчада ичилмай қолган бир шокоса мусалласга кўзи тушиши билан ўқчиғиси келди, кўнгли айниди. Кейин шошилиб ташқарига чиқди. Қор ҳамон ёғар, Қўрғонтоғ қалин тумандан кўринмас эди. Бундан Тилов бир оз хотиржам тортди, кайфияти кўтарилди. Ҳалиги

хаёлига келган тушкунлик – архар воқеаси эсидан күтарилди.

У одамлар молларини сувлатадиган катта ариқ-қача борди ва дала томонга кетган йўлга кўз ташлади. Бирор-бир изни кўрмади. Ҳозирги обҳавода ит ҳам инидан чиқмайди. Тилов Юсуфнинг уйдалигига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли хотиржам тортид. Йўлга чиқса ҳам бўлар. Рӯпарасида юқорига қараб ўрлаб кетган қир-адирлардан тортиб, Қўрғонтоғнинг устигача ястаниб ётган эрталабки тиник оппоқ рангдан Тиловнинг кўзлари қамашди. Сўнг овга ҳозирланиш учун уйга қараб юрди.

Тиловни билган одам яхши овчи сифатида танийди. Кўпчилик шу билан ишини битиради. Ҳозирда улусда қизиқ бир одат юрибди. Камбағалми, бойми шу ишни қилишга бел боғлайди. Ўғил уйлантироқчи бўлган ҳам, суннат тўй қилмоқчи бўлган ҳам шу одатга бўйсунади. Тўйдор тўй маслаҳатига оқсоқол, эл катталарини чорлаб зиёфат беради. Нонини зўрга топадиганида ҳам шу масъулият бор. Шундан Тиловнинг иши беш. Оддий халқ олдига қўйган бир чуқум ошини еб, бир пиёла чойини ичиб кетар, бироқ, тўй кунини белгиловчи маслаҳатгўй отахонларга бундай қилиб бўлмайди. Қишлоқнинг оқсоқоли тўйдорни олдига чақириб, Тилов овчига беш-ўнта каклик ёки каптар буютириб қўйинглар, деб батайин қиласди.

Озиб-ёзиб элнинг ковушини ўнгламоқчи бўлиб турган тўйдор бу гапни фарз билади. Умрида бедана гўштининг таъми-тотини билмаган тўйдор боёқиши, азиз меҳмонларнинг кўнглини олишни бурч билиб тараддуд қиласди. Қилган ҳимматларини билишса билишар, билишмаса Худо билсин! Армонда қолмайин, дегани Тилов овчининг олдига бораверади. Бундан Тиловнинг боши осмонда, руҳи

дармонда-ю, бироқ юрагидаги нотинч бир ҳис ҳам борки, унинг хотиржамлиги илдизларини қирқади, қутқу ва таассуфларнинг рутубат из ўйган кўчасига йўл солади, гўёки унга бир умрлик тузалмас дард каби ёпишиб, ҳаловат эшикларига тамба уради. Ҳар қандай кўнгилхуш дамларидан кейин ана шу сезги уни доимо ўз исканжасига олиб аёвсиз кийнайди.

Ҳар қандай замонда ҳам инсоният рақобат издиҳомлари аро қезинади. Қарама-қаршилик тиканлари заҳмини ейди. Баъни одам зоти борки, гарчи унинг аъмол жоми савобга тўла бўлмасин, ё аксинча, увол тупроғига қоришмасин, қаршисида доим ўзининг ўтмиши ва келажагига терс бир туйғунинг соя каби эш бўлиб юрганини пайқайди, бундан надомат ўтида қуйса ҳам бу каби қисмат бўхронлари аро ивирсиганча чиқиш йўлини излайди. Бироқ бу нажоткор чиқиш йўлаги ҳар доим ҳам очиқ бўлмайди. Буни Тилов шунчаки овчиликдаги зиддият ва рақобат деб тушунмайди. Бу Тиловнинг юрагидан бутунлай бошқа ҳолат, бошқа бир ҳиссиёт бўлиб бош кўтаради. Шоирнинг байти келади ёдига:

*Билгинки, бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани гадо бўлади.
Иккиси бир-бирин тугатгунча то,
Ўртада бу дунё адо бўлади.*

Тилов билан Юсуфни солиштирганда дунёни англаш, мулоҳаза, идрок каби тушунчаларда фарқтафовут кўрса бўларди, бироқ Тилов ҳеч қачон Юсуфни ўзидан устун қўймас, ўзини мард ва тадбирли бир кимса сифатида кўради. Юсуф мергандаги кўнгилчанлик ва соддадилликни у журъатсизлик ва бўшангликка йўяр, савобталаблик доимо эркак зотига тўғри келавермайдиган хусусият, баъзида уни

асл мақсадидан адаштириши ва ҳатто ўша савобли ишдан ҳам чалғитиши мумкин, деб ўйлади.

* * *

Тилов милтигини артиб тозалади. Сочмани эринмай жойлади. Кечаги режаларини ўйлаб, тадбир тузди. Бу юмушнинг уддаси оғир... Бироқ, асосийси, мақсад ва ишонч бор. Вужудини кемираётган фалати ва душманлик қиличини қайрамоқчи бўлган ҳисни қува олса марра уники. Тилов бу юмушда иккиланмайди. Худо омадини беради. Ўтган сафар бу ишни қила олганди. Бир ўзи эмас, бироқ унинг режаси асосида амалга ошган. Ўшанда у бу ишни бировга билдиримай қилдим, деб ишонганди. Бироқ ўшанда Юсуф мерган мардлик қилди. Юсуф бу итликни элга ёйганида, бу ҳаракати ва номусулмонлиги учун Йўлдош амин Тиловни сазойи қилиши тайин эди. Йўлдош амин адолатпеша. Банданинг бурнини қонатмайди. Бироқ ёмонни аямайди. Жияни Юсуф ҳам тоғанинг йўлидан кетган. Эгриликка тоқати йўқ.

* * *

Юсуф қандай овчилик касбга боғланиб қолганини, бу эса бора-бора унинг тақдирига; қисматига айланганини эсдан чиқармайди.

Ўшанда кеч куз эди. Юсуф тоқقا ўтинга чиққанди. Сербута ва тиканли қарғанакдан бошқа буталар ҳали баргини тўкиб улгурмаган, дўлананинг учларида кўринган ним оловранг мевалари кишининг эътиборини тортади. Кузак меваси. Дараҳтда қолган меванинг таъми бошқача бўлади... Юсуф шохларни эгиб дўланадан тагиб кўрди. Нордонликдан шириналликка айланган меванинг таъми унинг оғзига ўзгача маза берди. Яна интилди, икки дона узди.

Изланди. Энди йўқ, тугаган. Бироқ шохларнинг энг учидаги биттагина кўринди. Мевани узиш учун шох учига қўл етмайди. Синдириб олса бўлади. Юсуф дараҳтни синдиришга кўзи қиймади. Шох учидаги мева яна ўзини кўз-кўз қилди, ловуллаб қизаринди. Юсуф дараҳтдан тушиб, ўтинларни дасталади. Оёғи остида майин хас юмшоққина, ёқимли. Кечаки ёғиб ўтган ёмғир Қўрғонтоғни янада яшнатиб юборганди. Фуборлар ювилиб тоғнинг тошлари чиннидай ярақлайди. Қуёшнинг заррин нурлари этни куйдирив турса-да, тоғдан эсаётган майин насим худди юзни силаб тургандай ёқимли. Йигит киши бундай пайтлар дам олмай ишлайверса ҳам толиқмайди. Юсуф анча тер тўқди. Мўлжалидаги ўтинни йифиб бўлгач, уйига жўнашига шошилмай майин хас устистага бир оз чўзилгиси келди. Чанқоқ сезди. Ёнидаги хуржун ичидан рўмолчани ечиб, бир шинча қора шувурғони узумдан оғзига солди. Рўпарасидаги дара Қўрғонтоғ этакларига ушлашиб кетган, икки ёнга худди бирор тартиб билан экиб чиққандек арчалар баҳоргидай ям-яшил ва кўркам. Даранинг қоқ ўртасидан оқиб келаётган жилғаларнинг сувлари кўзга узоқдан оппоқ рангда тасвир беради. Жилғани опичиб турган катта-кичик харсанг тошлар, яшилтоб ўт-ўлан қуршовида оч сариқ тусда товланиб ўзга бир ҳуснкорлик етаклайди, кўзга, дилга ором беради, сеҳрли бир куч руҳни самолар билан ҳамоҳангликка чорлайди. Юсуф ҳам сеҳрлангандай тикиларди. У дарадан кўз олмай қолди. Ва фикрини жамлади. Узоқдан келаётган кимсани кўрди. Овлоқ дарадан тушиб келаётган ким бўлди? Чўпонмикан? Улови бўлсаки, ўтинчи ёки бирорта йўловчи деса. Юсуф ундан кўзларини узмас, йўловчи бирор-бир танишига ҳам ўхшамас, у оқсоқланганча келаётганди. Юсуф йўловчи яқинлашгач, елкасига осилган милтиғидан

Турсунмурод ЭРМАТОВ

унинг овчи эканини пайқади. Кўзлари мулойимликка монанд бўлса ҳам бургутникидек ўткир нигоҳлари ундаги зоҳирий бир шижаотдан белги бериб турарди.

Юсуф унинг овчи эканлигига шубҳа қилмади. Нотаниш кимса қўлидагини ерга қўйди ва қўш қўллаб саломлашиди.

— Ако, қандойсиз, эсон-омон юрубсизми? — Юсуф сўраша туриб бу кимса бу яқинлардан эмаслигига ишонди. Қўрғонтоғ ортидаги қишлоқлар, омонқўтонлик, ҳам, Терсак, Қоратепа элати ҳам бу лаҳжада гаплашмайди.

Юсуф келган кишини олдига рўмолча ёзди.

— Қани меҳмон, олинг, чарчаган кўринасиз, — деди-да, нон синдириди. Киши оёғини авайлабгина ён томонга узатаркан, оғриқ сезди шекилли, юзи буришиди ва их, деб қўйди-да, зўрма-зўраки жилмайди.

— Узр, оёқ салгина, — деди-да, ӯзини мажбурлаб жилмайди, оғриқдан юзи буришиб, қийналди.

— Оёғингизга нима қилди? — деди Юсуф шошиб.
— Жароҳат оғир эмасми?

— Э, қўя беринг, — кулди у. — Овнинг оддий машаққати-да. Сирғалиб йиқилдим. Аксига олиб боғлай, десам бирор рўмол ҳам йўқ менда.

Юсуф ўйланиб ўтиrmади. Тугилган рўмолча ичидаги нон ва узумни хуржунга бўшатди-да, йигитдан ижозат кутмай:

— Қани, жароҳатни очинг-чи, — деди. Юсуф рўмолчани йиртиб боғловга тайёрлади. Жароҳатни рўмолчанинг бир парчаси билан авайлаб артди, сўнг кўзадаги сув билан ювиб, тозалади. Кейин эҳтиётлик билан боғлади.

— Қийнадим-а сизни, жўра, — деди-да, кулди Юсуф. Йигит Юсуфнинг ҳаракатларини жимгина кузатиб ўтирас, гоҳо оғриқдан кучсизгина, “сисс”,

“үф”, деб құярди. Юсуф яна дастурхон ёзди. Энди дастурхон Юсуфнинг камзули бўлди.

— Олинг, нонга қарант мәҳмон, — деди Юсуф ўзи-ни мезбон ҳисоблаб. — Ҳозир оғриқ ҳам босилади.

Мәҳмон киришимли чиқиб қолди. Юсуфни олдиндан кўриб, билиб қўйгандек гаплашаверди.

— Ўзим Сумакдан. Овчилик қасбимиз. Қизиқиб-қизиқиб кеп қоппан, — деди кулиб. — Ов дегани шуниси билан гаштли-да, сабил. Оёқ билан иш йўқ, оғриқ билан ташвиш йўқ, товушқон қувишга бало борми, дeng-да, — ҳиринглаб кулади. — Бу ён-ларни кантарлари жудо ширин ҳам семиз.

У ҳар бир гапида жилмайиб қўяр, самимий гаплашар, ҳар замонда нон билан узумга узалганча, шўхлик қилиб, сиз ҳам олинг-да, тортинманг, дея, унданда қўяди.

Нотаниш йигит ўзини Мирзонор овчи деб таништириди. Уларнинг суҳбати чўзилди. Ўртадаги узум билан нон тугаб бир оз гурунгдан сўнг Мирzonor ўрнидан қўзғалди.

— Сиз ўтира турасиз, ман ҳозир келаман, — деди-да, Юсуф йифиб қўйган ўтин атрофдан қарғанак-нинг майда-чуйда резги чўпларини йиға бошлади. Юсуф бу хатти-ҳаракатни унчалик тушунмай қа-раб тураверди. Мирзонор ўтин тера-тера қўйидаги тошлоқ, кузакда қуриган сой томон халтасини кўтарганча кетаверди. Бир муддат ўтиб Мирзонор пастликдан Юсуфни чақирди. У тошлоққа олов ёқаётган эди. Юсуф бунга ҳам тушунмаган кўйи унга томон яқинлашди. Димогига гўштнинг ёқимли ҳиди урилди. Кўзлари тутундан қизариб, ёшовлаганча Мирзонор Юсуфга илжайди:

— Кабобхўрлик!

Уларнинг кабобхўрлиги ҳам кун қайтгунча чўзилди. Мирзонор халтасидаги қолган иккита какликни Юсуфнинг олдига чиқариб қўйди:

- Бола-чақа билан баҳам күрасиз, — деди.
- Раҳмат ошна, буни ололмайман, — деди Юсуф.
- Узингизга қолмади.
- Менинг ризқим олдинда, ола беринг охи, беҳижолат. Келин болага олиб борасиз. Шўрбо оссинлар. Бир маза қилинглар!
- Ҳали келин боланинг ўзи йўқ, — деди Юсуф ҳам кулиб.
- Менда ҳам йўқ, — деди Мирзонор қувлик билан, — бўлмаса бўп қолар, ер юзида ким кўп, қиз кўп! Аммо тўйимга айтаман. Борасиз. Бир қизни бошини боғлаб қўйганман. Ажойиб-да, ўзиям. Чиройли. Кечаси қўчага чиқса бор-ку, ой чиқмайди, хижолат бўлади-да, бечора, ана шундай!
- Мирzonор хандон отиб кулади. — Бешни, бешни ташанг!

Кулгидан чиройи яшнаб кетади. Юсуф унинг шунчалик эркин сўзлашлари ва баҳтдан порлаган нигоҳларига маҳлиё бўлиб қараб турарди. Улар қучоқлашиб хайр-хўшлашаркан, Мирzonор Юсуфни маҳкамроқ қучди.

— Бир-биримиздан туз едик, — деди хийла жиддий тортиб Мирzonор. — Энди дўст бўлдик, қарангки, ёшимиз ҳам teng чиқиб қолди. Ҳалиги гурунг гурунг. Келаси ҳафта бозор куни карvonсаройга келиб туринг. Ман сизга зўр милтиқ олиб келаман. Касбимни ўргатаман. Сумакка олиб кетаман. Ана у ёқларда овни күрасиз. Маъқулми?

Юсуф бош ирғади:

- Маъқул, маъқул, — деди.

Юсуф бир ҳафта ўтишини интиқиб кутарди. Гап Мирzonор ваъда қилган милтиқда эмас, унинг беғубор, дилга яқин суҳбатида, нурли чеҳрасида эди. Унинг овчилар тўғрисидаги қизиқарли ва

ғаройиб ҳам ҳаяжонли саргузаштларидан баҳраманд бўлишиликдан қувонарди.

Юсуф бозор куни эрталаб карвонсаройга етиб борди. Карвонсарой сайисхонасида башанг афзалланган бедов боғланган турар, бўйнига осиб қўйилган ем халтадан куртиллатиб арпа чайнарди. Юсуф ичкарига разм солди. Айвон эрталабдан супириб, тозаланган, супада офтоба, офтоба устидаги узинасига қатланган, нопормон гулли сочиқ, бўсафа олдида икки жуфт Самарқанднинг хироми этиги. Хона тўрида икки одамнинг паст овоздаги тиловати қулоққа чалинади, бомбод намози адo этилмоқда. Улар Юсуфга тескари тургани ва уй ичининг нимқоронилиги боис аниқ таниб олишлик имкони бўлмаса-да, уларнинг бири Мирзонор эканлигини тахмин қилди.

Юсуф ҳовлига ўтди. Нарироқда карвонсарой эгаси бўлса керак, кўк беда кўтариб дарвозадан кирди, бедани бедов боғланган охур ёнига қўяркан, отнинг бўйнидан ем халтасини олди. От бир-икки дум қоқиб олгач, энди олдига солинган кўк бедани ейишга тутинди. Шу асно хонадан икки йигит чиқиб келди. Юсуф уларнинг истиқболига юраркан, салом берди. Дарҳақиқат, уларнинг бири Мирзонор эди. Улар самимий кўришиб-сўрашиб олгач:

— Бу йигит Шарифжон, — деди Мирзонор ҳамроҳини таништириб. — Ҳам дўст, ҳам қайноғамиз, насиб бўлса. Ҳув ман сизга айтган қизнинг акаси. Ўзбакчани кам тушунади. Шарифжонга сиз ҳақингизда айтиб берганман.

Улар суҳбатлашиб бозор жойга чиқиб келдилар. Мирзонор уларни карвонсарой яқинидаги чойхонага бошлади. Чойхона ҳали сийрак, узоқдан келган бир-иккита бозорчиларни демаса, ҳали субҳидамги

сокинлик. Мирзонорни кўрган чойхоначи унга қараб юрди. Улар қадрдон оға-инилардай кўришиб сўрашиши. Алланималарни айтиб, бир зум чақчақлашиб ҳам олдилар

— Суҳбатларингизни соғиндик, иним, — деди чойхоначи. — Каклик олиб келмасангиз ҳам ўзингиз камнамо бўлманг. Каклик олиб бормасам Ҳасан чойхоначи қувиб солади дедингизми ё бизсиз тўйни ўтказиб олиб, келиннинг оҳанрабосидан чиқолмай ётибсизми, а биродар?! — Ҳасан чойхоначи ўзининг қочириимидан маза қилиб кулди. — Бўлмасам гап бундай, — дея давом этди чойхоначи, — сизлар аччиққина чой билан нишолдани кўриб турасизлар. Мен овқатга уннайман. Бугун биз мезбон. Ҳақни ҳар гал Мирzonоржон бериб ётмасин, бизга ҳам гал берсин!

Чойхоначи айтганини қилди. Орадан бир соатлар ўтиб, бедана димламани сузиб келди. Унгача бозор ҳам, чойхона ҳам гавжумлашди.

Учовлон чошгоҳдан ўтиб карvonсаройга қайтиб келишиди.

— Биз сизни Сумакка олиб кетамиз, — деди Мирzonор унга самимий боқиб. — Бирор ҳафта бизникида меҳмон бўлиб қайтасиз. Ман сизга устозлик қиласман. Шарифжон учаламиз овга чиқамиз. Бунга сиз ўзбакчани ўргатасиз, бу сизга тожикчани. Битта ўқ билан икки қўённи урасиз. Ҳам тил ўрганасиз, ҳам ов. — Мирzonор шарақлаб кулди. — Маъқулми?

Юсуф маъқул ишорасини қилди-ю, ўйланиб қолди. Ҳали тузук-қуруқ танимаган одамлар билан умрида бориш нарёқда турсин, эшитмаган бир жойларга етаклашиб кетиш қандай бўларкин? Уйидагиларга ҳам бу ҳақда оғиз очмаган. Мирzonор берган иккита каклик тўғрисида отасига айтган, яхши бир дўст экан, деган холос. Энди нима қилди? Боролмайман деса, астойдил таклиф қилиб турибди.

Бораверсинми ёки? Мирзонор ўйланиб турган Юсуфни тушунгандай унга яқин келди. Тирсагидан охиста тутиб карвонсарой ичкарисига етаклади. Юсуфга матога үралган нарсаны узатди.

— Ўша кунги ваъда, жўражон, — деди, — милтиқ, зўри, лекин... Атайлаб Самарқанддан сидириб келдим. Мандан сизга совға. Аммо буни деворга осиб қўйиш учун эмас, ов қилишни үрганишингиз, зўр овчи бўлишингиз учун келтирдим.

Юсуф милтиқни кўриб ҳаяжонланди. Милтиқ назарида бутунлай бошқача, кўзни қувонтирас даражада ярақларди. Юсуф милтиқни қўп кўрган. Ушлаган, томоша қилган ва ҳатто қўлини тепкига ҳам олиб бориб, алланимани бир кўзини қисиб кўзлаган ҳам. Отиб кўришга ҳаваслангани ҳам тўғри. Бироқ Юсуф кўрган эски ва битта нилли милтиқ олдида бу...

Болалик пайлари эди Юсуфнинг. Жўралари билан Қўрғонтоғ этакларига сомон йиғишга борганди. Толмас чўпоннинг кулбаси очиқ бўлар, деворга милтиқ осилган турарди. Толмас чўпон мерган эмас, милтиқни бўриларни ҳайиқтириш учун елкасига осиб юради. Кечқурунлари итлари шарпани пайқаб ваҳшат солиб юрган томонга қаратганча варанглатиб бўшатади. Толмас чўпон Юсуфга узоқроқ қариндош бўлганлиги боис ҳадди сигиб, кейин жўраларига ўзини кўрсатиб қўйиш учун чўпон тоганинг кулбасига киришга журъат қилганди. Юсуф милтиқни девордан олиб, қўндоғини елкасига тираганча, бир кўзини қисиб узоқларни кўзлади. Худди ўлжасига ўқни бўшатишга чоғланиб турган овчидек ичидан бир фахр туйфуси тошиб келди. Бироқ лаҳза ўтмади, жўраларининг “Қоч, ўлдинг” деган товушидан сергакланди. Юсуф милтиқни ушлаганча тураверди. Кулбага кирган Толмас чўпон

ҳай-ҳайлаб, милтиқни тортиб олган ва: “Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди, отилиб кетади”, деди жаҳл билан. Юсуф милтиқнинг ўқланмаганини билиб: “Қандай отилсан, милтиғингиз ўқланмаган-ку”, деди. Толмас чўпон аччиғи чиқиб ўқрайди: “Отилади. Бу бор гап. Милтиқни доимо шайтон ўқлаб қўяди, тушундингми, тирранча!” Юсуф дакки еган бўлса ҳам кулбадан ўзгача бир ғуур билан чиқди. Қачондир ўзининг ҳам милтиғи бўлишини орзу қилди.

Юсуф нишолда растасига ўтиб қишлоқдоши Ҳамдам ширагарни топди. Ўзининг бир сумаклик овчи ошнасиникига меҳмонга кетаётганини, уч-тўрт кунда қайтишини айтиб, уйидагиларга билдириб қўйишини тайин қилди.

Сумак Китоб бозорида беш тошлиқ йўл. Улар бир кун йўл босиб кечга яқин Мирзонорникига кириб келишиди. Мирзонор кийимларини алмаштириб чиқди-да, тожикчалаб Шарифжонга нимадир деди. Улар бир пиёла чой ичгунларича дарвоза томондан овоз бўлди. Ташибарида Шарифжон семизгина ширвозни ўшлаб турарди. Мирzonор меҳмонга кулиб деди:

— Келганингиз шарафига-да, жўражон, бугун кеч бўлди, эрталаб сўямиз!

Ҳисор тоғларини учовлан роса уч кечаю уч кундуз кезишиди. Ов ҳам ниятларига эш бўлди. Бир халта каклигу каптар билан қайтдилар. Мирzonорнинг тоғу тошда юрган танимаган чўпон-чўлиғи йўқ экан. Уларга беш-тўртта каклик улашиб, дуоларини олди.

Юсуф Сумакда тўрт кун меҳмон бўлди.

— Энди, Юсуфжон, биз чин дўст тутиндик, — деди Мирzonор хайрлашаётиб. — Ёмон эмас, уч кунда тўртта каклик отдингиз. Яхши овчи чиқарса бўлади сиздан. — Мирzonорнинг чиройли юзи бир қадар яшнаб, кулиб қўйди. — Энди, Худо хоҳласа,

түйдан бир ҳафта бурун келасиз. Овга чиқамиз. Түйга меҳмонларга каклик билан каптар гүшти тортамиз. Унгача ўзингизнинг Қўрғонтоғингизда овчиликни ўрганинг, яхшилаб ўрганинг, хўпми? Омонқўтонда каклик мўл! Ҳа, дарвоҷе менга қаранг, борганингизда юртингизнинг қизларига айтинг, бошингизни айлантириб, сарсон бўлмасинлар, сизга шу ерлик тожик қизлардан зўрини олиб бераман.

Ҳамма кулди. Уларга Юсуф ҳам қўшилди.

Юсуф йўлга чиқди. Кела-кела ўйлаб келаверди. Бир бурда нону бир шинча узумнинг эвазига шунча илтифот, шунча мукофот. Мирзонорнинг кеча дастурхон бошида кўпчиликка айтган гапини Юсуф ҳозир эслади. “Кимсасиз бир тоғда ўзига етаретмас таомини бирор билан улашган, ўзининг зарур ишини қўйиб, бир мусофиридан ёрдамини дариф тутмаган инсондан бошқа ҳам Худонинг севган бандаси бўладими? Худони таниган бир мўмин билан дўст бўлдим, биродарлар”, дея беихтиёр кўзлари ёшлианди, товуши титради. У шу орада бирор марта на Шарифжонга, на бошқага тожик тилида гапирди. Меҳмоннинг кўнглига тегмасин деб ўзбек тилида сўзлади. Бу гаплар, бу ҳурмат ва одамгарчилик Юсуфни тўлқинлантириди. “Шундай шеримард инсонга бир эмас юз жон фидо бўлса арзир экан-да”, деган ўй ўтди шууридан.

Юсуф ҳали ўн чақирим узоқлашмай Мирзонорни соғинганини сезди. Унинг бир гапириб ўн кулишларини эслаб туриб, жилмайди. “Балки дўст деганлари шудир?!?” дея ўйлади. Дўстлик ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган неъмат, эътиқод. Дўстга дўстдай муносабат ва эътимод даркор. Юсуф ҳам буни уддалай олармикан?.. Юсуф кифтини босиб бораётган қўширира тасмасини секин силкиб олди ва

елкасига яхшироқ жойлаштириди. Сүнгиз хаёллар оғушыда йўл тортаверди.

* * *

Тилов милтиқни обдан тозалаб бўлди. Ўқларни ҳам бир-бир кўздан кечирди. У Жўллига ўшаганларнинг келиб қолишини истамай, тоқатсизланди. Эртароқ йўлга чиқиш керак. Шўробсой томон Қўрғонтоғнинг йўлига чиқиши учун бир оз узоқ. Бироқ Юсуф мерганнинг чалғитишининг ягона йўли шу. Бошқа илож йўқ. Бу қалин қорда нақ бир соат йўқотилади. Шу совуқда Тиловга йўлга чиқиш малол эди. Бунинг устига овлоқ тоғу тошда якка ўзи. Йўлга чиқиш ҳам, ов ҳам олдингисидек эмас, қалтис, хатар. Тилов ўзини беҳуда чиранганини англаб турса ҳам сир бой беришни, паст кетишни истамасди. Тенгтенги билан, деган гап бор. Раззоқ бойнинг ҳавоий гапларига учеб, ўзича унинг ҳурматини қозониб юрибди. Шундай мартабали одам билан гап-гурунг ўйнаб юрганига фуурланади. Бироқ бирор кун келиб, худо сақласин овчиликка ярамай қолса-чи? Бу ишдан насибаси узилса, унда нима бўлади? Валинеъмати ҳолинг не сени, деб айтармикин? Бошини ҳозирги каби силаб ўтирармикан? Бой мардумда дўст бўлмас. Бой мардумда субут бўлмас. Улар учун Тилов бир малай, опке, деганини муҳайё этувчи бир шотир. Тилов бир нарсани ўйлаганда эгни қисилади, эти жимиirlайди. Дунёда тили қисиқликдан ёмон нарса йўқ. Тилов шундан озорланади. Бу иллат шундай бир ёвуз қудратга эгаки, йигитман деганинг фуурини кесади, бўйини эгади, метиндай иродасини қайишдай букади, кескир тилларини қирқади.

Тилов бир зум тин олди. Шўробсойга олиб борувчи

йўл бошида бир зум тўхтаб, ортга назар ташлади.
Негадир руҳи суст кетди. Алланима қалбига ботди.
Ўзида ғалати бир сезги, юрагига тушункисиз бир
қутқу из ўйди. Хаёлан ортидан Жўллими, бошқаси-
ми келиб қоладигандай умидланди.

Қадамлари залворли эди унинг. Тиззаларигача
қорга ботди. Танасида аллақачон толиқиши сезар,
ҳалитдан қор нурида қамашаётган қароқларида
таассуф учқунлари саҳрарди.

Тилов беш қиздан кейин Худодан тилаб-тусаб
олган ўғли эркароқ бўлди. Беш яшар болага от
олиб бериб, миндириб қўйди. Бола дуркун ўси.
Ўн беш ёшида йигирма ёшлиниг келбатини
берди. Энди уйлантириб, орзу-ҳавасимни кўрай,
деб ҳам ҳавасланди. Бироқ ўғли ўсмир ҳоли билан
ичадиган одат чиқарди. Шу кундан Тилов юрагида
бир ҳадик пайдо бўлганини сезди. Бир кун қишлоқ
оқсоқоли Тиловни учратиб, Бердиқул полвоннинг
тўйидаги жанжални ҳам унинг ўғли чиқарганини
рўй-рост айтди. Тилов ўглини олдига чақириб
танбеҳ берганида, унинг муомаласидан эти увиш-
ди, таби хира бўлди. Кейин бўлган воқеани
суриштириб билди. Кўчада кетаётган бир қиздан
муччи олибди. Бу қандай одоб, қандай муомала.
Гап ётармиди? Қизнинг акасига етибди бу гап. Ака
акалигини қилмай қоларми? Аканинг ори отадан
қаттиқ. Тиловнинг боласи бўлмай, авлиёники
бўлмайдими?! Бу воқеадан кейин ҳеч қанча вақт
ўтмади. Бу тийиқсиз ўғил Тиловнинг бошига яна
бир балони бошлаб келди. Ўриш қишлоқлик бир-
иккита бебошга қўшилиб Абдибоқи мулланинг
тўйга атаб боқиб юрган ҳўқизини Макрид бозорига
солди. Абдибоқи мулла чор томонга одам қўйди-
риб, охир бу ишнинг тагига етди. Ўғрилар авахтага
тушди. Қамалиш эҳтимоли кучайди. Ана шунда

Тиловнинг эсига лоп этиб валинеъмати Раззоқ бой келди. Раззоқ бой ҳам бош қашиб қолди. Мушук текинга офтобга чиқармиди? Буни тушунган Тилов овчи чор томонга ўзини урди. Йиғиб қўйғанларини белига туғиб борди.

Раззоқ бой Абдибоқи мулланикига катта бошини кичик қилиб келганини Ҳаловат халқи эшилди. Нима қилгани Худога аён. Тилов берган пулни Абдибоқи муаллимга бердими, ўзи олдими, бунинг аҳамияти йўқ. Раззоқ бой домангиран давойим йўқ деган бир парча қофозни ёздириб чиқди. Бир ҳафта ўтиб Тилов овчининг арзандаси яна қишлоқда пайдо бўлди. Бирор ундан деди, бирор бундан. “Абдибоқи мулла кўпни кўрган, кўзи очиқ одам. Бир болалик қилиб қўйган бебошнинг бошини силади-да”, деди сўраганларга Тилов.

* * *

Гардлаб турган қор энди тинган, кун ботишдан булулар йиртилишган, бироқ совуқ ҳамон забтига оларди. Тилов энди қадамларини тезлатди. Ҳеч қурса бугун Кантарғор ёнидаги ўнгирга етиб олишини ўйлади. Тилов иродали инсон. Асосийси, ўзига-ўзи буйруқ бера олади, ўзига-ўзи шарт қўя олади, ўзига-ўзи куч бера олади. У шу сабаб ҳам айни дамдаги толикиш ва руҳан иккиланишлар пойини қирқа олди. Бу унинг зафари эди. У эгилиб қор чангллади ва ўзга бир кайфият билан қорни юзларига ишқади. Ҳадемай юзи оловдай қизиди. Тилов қорни шашт билан кечиб бораркан, кўз ўнгига яна Юсуф бўй берди.

* * *

Юсуф Раззоқ бойнинг келганидан хабари бор. У зукко, ҳар бир ишни ўйлаб қиласди, гапдан

гап айириб олади. Жўлли ҳам шунинг олдидан чиқиб қолгани қизиқ. Иккиси нима деб сўзлашса сўзлашгандир, буниси Тиловга қоронғи, эҳтимол, Жўлли Юсуфни ўзига дўст билар, бу галварс унинг уйидаги сирни Юсуфга етказиб турар, бу билан Тилов Юсуфдан қўрқиб қолмайди, аксинча, Юсуфга ўхшаганларга зарба беради, улар қила олмаган, улар ботина олмаган ишни уддалайди, бу билан юрагига далда беради, куч олади Тилов. Йигитнинг йигитлиги аслида ҳам шунда. Тилов хаёлан Юсуф билан жангга киришарди. “Сенинг юрагигда шафқат бор, муруват бор, Юсуф. Йигитга саркардага хос феъл керак. Жўшқинлик, қатъият эр кишининг қибланамоси бўлмоғи керак. Эркакка қоядек мағрур ва мустаҳкамлик хос. Сен шундайсанми, Юсуф? Тўғри, ўшанда бир мардлик қилдинг. Аламингдан қақшадинг. Чидолмай мушт қўйдинг, армонингдан чиқдинг. Уволни мен қилдим, сен ранж чекдинг. Бироқ ўшанда ҳақ эдинг. Туриб-туриб ўйладим. Нега биз икки хил бўлиб яралдик? Дўст бўлсак, оға-ини бўлсак бўлмасмиди? Бу яқинларда сендей, мендай кучли ва марди борми? Овчиликда, ишбилармонликда, саховатда ҳам бу юртларда олдимизни кесадигани йўқ. Агар бирлашганимизда нималар бўларди, Юсуф! Тўғриси сендей йигит дўстим бўлишини орзу қилганман. Бироқ йўлларимиз бошқалигини билсам ҳам иноқлашиб яшаш таклифини айтганман. Кўнмадинг! Майли, дедим. Фақат менинг увол ёки савобларимга аралашма, дедим. Яна кўнмадинг. Ҳатто тулкини отиш ҳам сен учун увол. Дунёда мен кўрган, гувоҳи бўлган шундай нусхалар борки, улар учун мақсад ва маслак олдида увол деган, фаҳш деган тушунчанинг ўзи бўлмайди. Тили узун, дасти узун. Ҳамма ўшаларнинг гапини

Турсунмурод ЭРМАТОВ

tinglайди. Уларнинг ўтрик сўзлари ҳақиқат, субути йўқ каломлари залворли. Мен ҳам ўшандайлардан бири Рассоқбой билан ошначилигим бор. Унга нималарни дирайтгим келади. Бироқ ундаид одамларга ақл бўлиб бўлмайди. Ахир, улар зукко, фаросати беназир. Ҳархолда ўзларини шундай ўйлашади. Энг ёмони ва хавфлиси, улар ўзлари англаб турган уволга бировларни ундаиди. Уларда ҳеч қачон истиғфор туйғуси бўлмайди, Юсуф!” Тиловнинг хаёллари бўлинди. Боши узра бир гала капитар гуриллаб тоғ томонга учиб ўтди. Тилов бир зум тин сақлади. Капиталлар галасини ортидан кузатди. “Қани эди Рассоқ бой бир қоп капитар отиб кел, деганида, эҳ, унинг муддаоси бошқа, бутунлай бошқа...” Бу хаёлот Тиловнинг аллажойини симиллатиб кетди.

* * *

Юсуф Сумакдан келган куннинг эртаси аzonлаб Қўрғонтоғ томонга шошилди. Ҳазрати Султон тоғларида анча-бунча овнинг ҳадисини олган Юсуф ҳар бир учиб ўтган қушни кўрганда ҳаяжони зўрайарди. Шу асно тоғ этагидаги садага адир томондан учиб келган бир гала зоғчалар қўнишди. Юсуф дарҳол милтиқни тўғрилади-ю, тепкини босди. Шу зум тўртга зоғча потирлаб ерга тушди. У ич-ичидан қувонди. “Мирзонорнинг тўйига насиб қилса арҳар отиб бераман, тўёна қиласман”. Бу шунчаки ҳавас эмас, Юсуфнинг юрагида олов ёқ-қан фуур эди. Мирзонорнинг айтишича, арҳарлар жуда сезгир ва фаросатли жонзот бўлиб, уни овлаш учун овчидан катта тажриба ва мерганлик маҳорати талаб қилинадар экан. Юсуф мақсадига эришиш учун тажриба тўплаши, бунинг учун тез-тез овга чиқиши лозимлигини ўйларкан, пойидаги зоғчаларни халтага солди...

Юсуфнинг Сумак қишлоғидан қайтганига бир ойдан мұлроқ фурсат үтгач, құшниси Ҳамдам ширагар Мирзонор деган йигит уни түйига айтиб кетганини етказди. Мирзонорнинг түйи янги ойнинг иккинчи пайшанбасида белгиланган бўлиб, Юсуф бир ҳафта илгари бориши Мирзонор томонидан тайинланган эди.

Юсуф кейинги уч кунни Омонқутон томонларда утказди. Бир-икки бор дум судраган озғин тулкилар учради. Юсуф аввалдан бу ишга бўйин бермай юрганидан тулкиларга ўқ узмади. Онасининг оёқ оғриқ дарди бор. Жайрами, суғурми тўғри қелар, арчазор дара бўйлаб юраркан, анчагина каклик билан каптарни ўлжа олганидан қувонди. Чўпонларнинг кўрсатмаси қалин буталарни оралаб адир томон юра бошлади. Ялангликдан пастга эниб бораркан, ўзидан бир оз пастда кўзи каттагина суғурга тушди. Ҳаяжонланганча милтиқни маҳкам тутди. Пайт пойлаб бир зум кузатиб турди. Суғурнинг оловранг мўйнаси тоғ шамолида ҳилпираб туарди. Юсуф катта харсанг ортига паналади. Улжани аниқ нишонга олиш учун бир озгина юриш керак эди. Суғурнинг сезиб қолишидан хавотири ошиб эҳтиёткорлик билан бошини кўтарди. Суғур унга тескари томонга қараб туар, хатарни сезмас, қоққан қозиқдай, қилт этмасди. У пайтни бой бермай тепкини босди. Ўқ мўлжалга тегди. Юсуф бир энтикли, юраги тубидан отилиб чиққан мағрурлик ва ишонч ҳисси борлиғини яйратди.

Ўша куни у уйига шедликларга сиғмай қайтди. Молларни сувлатадиган жойга келганда бир гала ҳамқишлоқлари пода қайтишини кутиб туришарди. Юсуф улар билан бир оз суҳбатлашиб ўтириди. Қишлоқ кексаларидан Нафас бобога бир дона каклик узатаркан:

Турсунмурод ЭРМАТОВ

— Буни момом билан шўрва қилиб ичинг, — деди Юсуф, — каклик гўшти даво дейишади.

Нафас бобо дуога қўл очди.

— Овингнинг барорини берсин, мерган болам!

Ҳамқишлоқлар унга яқин келишди. Кимдир Юсуф ушлаб турган сугурни кўриб деди:

— Суғур отган бўлсангиз, Юсуфбой, мерган бўлибсиз. Бугундан Юсуф мерган номини олдингиз!

Шу чоғ бир болакай Юсуфнинг қошига чопиб келиб:

— Менга ҳам каклик беринг, тоға, — деди. Болани кимдир койиди. Юсуф болага ҳам каклик берди.

* * *

Юсуф Мирзонор тайинлаганидек тўйдан бир ҳафта олдин Сумакка етиб келди. У Мирзонорнинг бошқа дўстлари билан ҳам танишди. Юсуф тожик тилида гапира олмаса ҳам баъзи гапларни тушунадиган бўлди.

Овга чиқишининг учинчи куни. Шарифжон билан Юсуф бирга ов қилиб юришди. Мирзонор каттароқ ўлжанинг пайида юрар, қиз мажлисида келин ва унинг дугоналарига алоҳида совға бўлсин, деб астойдил, киройи ўлжа излаб юрар, ўқни беҳудага сарфламас, шу сабаб Мирзонорнинг милтиқ овози деярли эшитилмас, ҳар-ҳар замон, мен ҳам шу ерларда юрибман, дегандай овоз бериб қўярди. Аммо эрталабдан буён Шарифжон билан Юсуф Мирзонорнинг садосини эшитмади. Кун қиёмга етди. Қоринлар ҳам очди. Шарифжон овоз берди. Шарифжоннинг чорловига фақат баланд тоғлар жавоб қиласар, аммо Мирзонордан сас-садо эшитилмасди. Хавотирлар кучаяр, такрор овозлар бежавоб қоларди.

— Мен унинг феълини яхши биламан, — деди Шарифжон кайфияти суст бир кўринишда. — Ови бароридан келмай қолган кун бирорвга қулоқ

солмайди. Бирорта каттароқ ўлжанинг ортидан олислаб кетган чоги.

Юсуфнинг кўнглида алағдалик ва аллақандай ноҳушлик из солди. У нарироқдаги харсангга югуриб чиқди-да, бор овозда Мирзонорни чақирди. Юсуф бир оз кутиб, яна овоз берди. Ҳамон тоғу тош сукутда эди. Шарифжон ҳам бетоқатлик билан ҳайқирди.

— Мирзо-но-ооп!!!

Бу чақиравдан кейин бир зум ҳам ўтмади. Нариги дарадан милтиқнинг варанглаган овози тоғу тошни ларзага солди ва қудратли акс садо бутун дарага ёйилди. Шу сония аллақандай ваҳимали ҳайқириқ акс садога қўшилиб кетди. Юсуф ва Шарифжон ўқтин-ўқтин бир-бирига қаради. Ҳар иккисининг ҳам кўзида даҳшатли ҳадик ёнди. Юсуф борлиғида ноҳуш титроқ сезди. Бу ҳайқириқдан кўра одамзоднинг фарёдига ўхшар эди. Улар бу ҳолни сўзсиз идрок этишди ва жон ҳолатда ҳайқириқ келган дара томон чопиб кетишди. Улар тошдан-тошга сакраб боришар, Юсуфнинг негадир йиғлагиси келар, жон ваҳмида янада қаттиқроқ югурап эди.

Уларнинг нигоҳлари ялангликда чўзилиб ётган арҳарга қадалди, арҳарнинг бўғзидан қон сизарди. Юсуф яна бетоқат ҳайқирди:

— Мирzonor-oooор, овоз беринг!

Юсуфнинг кейинги саси йиги бўлиб бўғзида қолди. Нарироқдан Шарифжон бақириб юборди. Юсуф жон ваҳмида Шарифжон томон югурди. Юсуф етиб келганида Шарифжон Мирзонорни осилиб турган бошини қучоғига олганча ўз лаҳжасида алланималар деб ҳайқирап, фарёд солиб йиғлар эди.

— Чашмада кушо. Мана натарсон. Падар-мадарdba, Зарнигорба чи мугум?!

Бу кутилмаган мусибатдан Юсуфни эси оғиб
Кўзингни оч, мени қўрқитма. Ота-онангга, Зарнигорга нима дейман. (Тарж.)

Турсуымурод ЭРМАТОВ

қолган одамга қиёслаш мүмкін зди. У жонсиз танани бағрига босған күйи телбанамо ўкирар, инграр, ўксиб-ўксиб йиғлар, шашқатор күз ёшлари юзини юварди.

Мирзонорнинг жонсиз танасини икковлон галмагал күтаришди. Архар дарада қолиб кетди...

Шарифжон кимсасиз дарада гүё бирор эшитиб қоладигандай, надоматли пицирлади:

— Архар она архар экан, елинини күрдингизми?

Юсуф бу гапдан бир қалқди. Ялт этиб Шарифжонга қаради-ю, юраги увишди.

Сумакда қиёмат қойим зди. Еру осмон мотам заҳмидә эрирди. Сумакнинг зўр чинори ер билан яксон бўлган, бир умидвор қалб беваликнинг қора либоси билан бўялган. Ердан бир лаҳзага кўз ололмай ўтирган Юсуф ич-ичидан тошиб келаётган надомат, алам ва фарёдни боса олмас, андуҳ қоплаган нигоҳлари музтару мустағриқ мўлтирарди.

Мирzonорни жойига қўйган куннинг еттинчисида Юсуф Шарифжонга минг истиҳола билан уйга қайтмоқчилигини билдириди. Юсуфга етти кун берган нон-тузи учун Шарифжонга миннатдорлик айтди. Шарифжон Юсуфга бир оз кутиб туришини айтиб ичкари кирди. Орадан фурсат ўтиб Шарифжон Юсуфни уй ичига чорлади. Ичкарида нуроний қария ўтирас, Юсуф бу қария Шокиржоннинг отаси эканлигини фаҳмлади. Гарчи орадан етти кун ўтса ҳам Юсуф Мирzonорнинг отаси ёнида бўлганлиги, оқшомда қайтиши сабаб, бу қария билан учрашмаганди.

— Ассалому алайкум, — дея остона ҳатлади Юсуф.

Мўйсафид босиқ бир ҳолатда бош иргади. У чордона қурганча ўтирас, боқишлиари мулоим ва айни пайтда зеҳн из солган, ёнида арабий асо суюлган, олдидағи лавҳда эски китоб очилган турарди. Мўйсафид

ҳали бирор гап айтмаса-да, нигоҳларида қандайдир мубҳамлик сезилар ва бир муҳим гапни етказмоқлик андишаси устивор, рӯпарасидаги йигитнинг бу муддаога қандай жавоб беришини фикр тарозисида чамалаб тургандек эди. Шарифжон отасининг айтмоқчи бўлган гапидан боҳабар, Юсуф сукутдаги қария қархисида соме каби эди. Шу зум қария бир қўзғалиб томоқ қирди. Юсуфнинг юраги бир қалқиб тушгандай бўлди ва ҳар икки йигит ҳам беихтиёр мўйсафидга юз қаратди. Мўйсафид бир зумгина нигоҳларини Юсуфга қадади ва салобатига монанд босиқлик билан деди:

— Ба ҳурмати дўстад ҳамин дўхтара гифтагед даркор. Дигар касба фотиҳа шудаги духтара моҳонба мужаррат йигит намегирад.

Юсуф ялт этиб Шарифжонга қаради. Шарифжон Юсуфнинг ҳайронлик зоҳир нигоҳларидан унга отаси айтган гап англашилмаганини яққол сезди. Мўйсафид ортиқ оғиз очмади ва ёнида деворга суяб қўйилган ҳассани оларкан, жойидан қўзғалди. Отаси уйдан чиқиши билан Шарифжон Юсуфга юзланди, товушини хийла пастлатиб:

— Отамнинг гапини тушундингизми? — деди

Юсуф йўқ ишорасини қилди.

— Бўлмасам эшитинг. — Шарифжон жиддий ва айни пайт ҳаловатсиз кўринишда эди. — Отам сизга: “Дўстинг ҳурмати учун у уйланмоқчи бўлган қизга эр бўлмоғинг керак. Бизда фотиҳа бўлган қизни уйланмаган йигит олмайди” дедилар.

Бу гапнинг дафъатан мағзини чақолмаган Юсуф бир зум анграйиб қолди. Ва бирдан сесканиб кетди.

— Йўқ, бу гапни айтманг!

Юсуф тоқатсиз ва норози қиёфада ташқарига йўналди. Ногоҳ, худди бирор ҷақиригандек яна ортига ўгирилди. Ва шу зум нарироқда унга

فالاتи тикилиб турган нигоҳга кўзи тушди. У нигоҳ мўйсафиднинг мунғайган ва ёш қалқан нигоҳларини кўрди. Юсуф кўчага қараб одим ташлади. Бироқ унинг кўз олдида мўйсафиднинг мотамсаро ва ҳақирлик уфурган жисми тикрайди, кейинги босаяжак қадамлари гўёки мўйсафиднинг шаъни-фурурини янчиб ўтаётгандек, Мирзонорнинг руҳига озор етказаётгандек оғир ва мушкул туюлди. У шу асно ёнида садосиз турган Шарифжонни кўрди. Шарифжоннинг кўзларида ёш қалқар, нажоткор қорачиқларида худди Мирзонорнинг сиймосини кўргандек энтикли. Шу кез ихтиёrsиз бир руҳиятда Шарифжоннинг лаблари Юсуф тушунмаган забонда алланимани пи chirлади. Юсуф ўзи тушунмаган сўздан аллақаери симиллаб оғриди ва бесабир Шарифжонни маҳкам қучоқлади-да:

— Менга муҳлат керак, — деди. — Ота-онамга айтишим керак. Бироқ буни қандай тушунтиришни билмайман, билолмайман...

* * *

Юсуф учун бир кунлик йўл бир лаҳзадек туюлди. Бир-бирини инкор этувчи ўйлар азобидан толиқди. Хаёлларичувагандан чувади, ота-онасиға бу чигал ва фалати ҳолатни қандай тушинтириш юз бир чигириқдан ўтди. У бир неча кун уйдагиларга оғиз очмади. Шуури ўша мудҳиш воқеага тақаларди ва кўз ўнгидаги мўйсафиднинг илтижоли нигоҳлари қайта кўринар, бу сезги уни таассуф ва мавҳумик қамраган ўйлар тузогидан чиқармас, кўз олдида номаълум бир қисмат саргардонлиги кезинарди.

У дўстининг тўйига кетган эди. Шуни билишарди уйдагилари. Минг уринмасин Юсуфдаги тушкунлик сезилмай қолмасди. Ҳарчанд уринмасин, мўйсафид айтган гапни айтиш учун журъат тополмас, бу

ҳақда гапириш ва Зарнигор аталмиш бир қизнинг шум қисмати ҳақида айтмоқлик Юсуфни мاشаққат кўчаларига адаштиради. Унинг берган ваъдаси, Сиёбга қайтиш муҳлати яқинлашарди. Юсуф учун гүё ҳаловат эшиги соат сайин беркилиб борар, мўйсафиднинг айтган гапини отаси ва онасига айтиш Юсуфни тобора ғамга кўмар, умид ва илинж, тузга ҳурмат, жон дўсти руҳига иззат ва итоат худди ўқقا учган қушдек ер қаърига шўнгигб бораётгандек эди.

Отаси ва онаси қошига чўккан Юсуфнинг қалби зирқиради, эмраниб қаради. Худди айбдордай бош эгганча, Мирзонорнинг фожиасини эпсиз-эпсиз бўлиб, ўпкаси тўлиб-тўлиб айтиб берди. Мўйсафиднинг сўзларини сўзлади, мақсадмуддаолар, Зарнигорнинг қисмат шўрини гапириб берди Юсуф.

Отаси индамади, индамай тинглади. Гапирмади, гапирмай ҳам кўп нарсани айтди. Онаси бетоқатланаверди. Онасининг бетоқат кўнглига, хавотир, надомат, аччиқланиш ва изтироб тошиб-тошиб келаверди. Онасининг кўзига ёш келди. Охир онанинг чидами етмади, сабри охир бўлди ва ҳали эри сўзламасдан, ўғлининг гапини оғзидан юлиб олди:

— Бу бизга ҳеч тўғри келмайди, — деди қатъий. — Сен бола ақлингни йиғиб ол. Жўралик ўз йўлига. Дўстинг оламдан ўтган бўлса, унинг қайлиғига нега айнан сен уйланишинг керак? Наҳотки. Мирзонорнинг сендан бўлак дўсти бўлмаса? Ўзинг танантга ўйла, фикр қил, Мирзонор бир йилдан бери фотиҳалик юрган қизни йигит бўлибди-ю, сочини силамабдими, юзини сийпамабдими, эркалаб бағрига босмабдими? Ҳай болам-а, қоши кўзингдан айланай сенинг, бу фикрингдан қайт. Бир кун келиб пушаймон бўлма. Йигит оринг бор. Назар чавандознинг набираси

Турсунмурод ЭРМАТОВ

эканингни унутма. Эл нима дейди, улус нима дейди? Биронинг сарқитини қучоғига олган демайдими?

Онасининг гапини Юсуф ҳам ўйлаб кўрган эди. Уша чифириқ азобини туйганди у. Минг бир саволга ечим ахтариб тинкаси қуриган, виждан тажовузига кўкрак бергани ҳам ҳақиқат. Дўстининг айтганларини хаёлида тиклаб бир ишониб, бир ишонмай лол тургани ҳам чин. Бу сир бирорга айтиб бўлмас сир эди. Биронинг эшитиши ножоиз кечмиш эди бу. Бу андиша ёлғиз Яратган-у, Мирзонорга аён. Юсуф бу мудҳиш манзарани ҳар дам бошидан қувган. Ўйлай деганда ҳам кўз ўнгига Мирзонорнинг сиймоси келаверган. Худди Мирзонорга маломат ёғдираётгандай юраги эзилиб, танглиги куайган. Юсуф сўрамагандаги ҳам бир гал Мирзонор: “Ҳали қаллиғимнинг қўлини ҳам ушламаганман, чимилдиққа покиза олиб кирмоқчиман, бу Зарнигорга ҳурматим, жўражон” деб айтган. Бу самимий сўзлар унинг ўз тақдиди ечимига далда бўлади, аросат ҳолатидан олиб ўтувчи бир кўприк вазифасида қад ростлайди. Ҳудони таниган бу инсон йигитликнинг тийиксиз ҳисларини, бир гўзал хилқат қаршисидаги ўт-олов ҳис, титроқ ҳаяжон, интизорлик қийнаган туйғуни илоҳий бир куч билан жиловлай олганига ҳеч ким ишонмаса ҳам Юсуф ишонади. Бу хаёллар Юсуфнинг бошида сорлочин каби чарх ураверди.

— Дўстинг ҳақида кўп гапиргансан, — дея бошланган отасининг гапидан орадаги сукунат чекинди.
— Нима қиласардик, карами кенг Оллоҳнинг ишига шак йўқ. Агар фақат дўстинг учунгина шу ишга рози бўлаётган бўлсанг, майли, мен розиман. Борди-ю, шу қизни аввалдан кўриб, ёқтириб юрган бўлсанг, бу иш чакки. Бу адолат иши эмас. Бундан фақат дўстингни руҳини азобга қўясан, ўғлим.

Юсуф шошиб отасига қараганча деди:

— Ота, у қизни мен ҳали ҳам танимайман!

Юсуфнинг отаси ва онаси унинг бу гапига ишониш-ишонмаслигини, рози булиш-бўлмаслигини билмас, ўртадаги эзгин сукунат асабларни қақшатар, фикр ва ўйлар шамолдек тўзғиган эди.

Орадан олти кун ўтиб Юсуф Сумак қишлоғига қайтиб келди. Мирзонорнинг отаси билан анча гаплашиб ўтирди. Кун қайтар маҳал Шарифжонларнигига кириб борди. Ошхонада куймаланиб турган қизга кўзи тушди. Юсуф шу заҳоти қиздан кўзларини олди. Қиз рўмоли билан юзларини тўғсанча уйга кирди. Ҳаял ўтмай уйдан Шарифжон чиқиб келди. Улар Шарифжоннинг отаси ўтирадиган хонага йўналишди. Мўйсафид Юсуф билан қўл олиб салом-алик қилди. Кейин ўзбек тилида қийналиб бўлса ҳам Юсуфнинг ота-онаси, эл-элати тўғрисида сўради. Шу ҳаял Шарифжоннинг укаси дастурхон кўтариб кирди. Шарифжон чой қуиб, Юсуфга узатди ва унга гапиринг, деган ишорани қилди. Юсуф ҳаяжонланарди, яна Шарифжоннинг унсиз қистовидан, имо-ишорасидан кейин нафаси ичига тушгандай, ерга қаради-да:

— Мирzonорнинг йил худойиси ўтгандан сўнг келадилар, — деди истиҳола билан, — ота-онам розилар...

Мўйсафид Юсуфга ялт этиб қаради ва бир сония тек қотди. Кейин секингина бош иргаб қўйди-да, лавҳдаги китоб варафини очди.

Юсуф мўйсафид билан хайр-хушлашиб уйдан чиқди. Унинг ортидан чиққан Шарифжоннинг кўнгли равшан эди.

— Бугун шу ерда қоласиз, — деди Шарифжон. — Отам тайин қилдилар. Бемаҳалда йўлга чиқмас эмишсиз. Мен эрта саҳар пайти тоқقا чиқиб кетаман.

Кетар ҳаддингизда Зарнигор билан күришиб, рўмолчангизни ташлаб кетинг.

— Кўриш шарт эмасдир, — деди Юсуф бир хил булиб, — кейин янги рўмолча ҳам йўқ менда.

— Ҳай ўзбак, унда пичоғингизни ташлаб кетасиз, расми шунаقا! — Шарифжон астойдил зорланди. — Отамга нима деймиз?

— Бир пичоқ ё битта рўмолча бирор нарсани ҳал қила олармикин? — деди Юсуф ўйланиб туриб. — Шарифжон, мени бошқа билан адаштирманг. Кейин синглингиз олдида қарзим, йигитлик лафзимдир. Хўп майли, расми шунаقا бўлса ола қолинг.

Юсуф шундай дея Шокиржонга нимкулги қилдида, пичоғини узатди.

* * *

Тилов ўша кезлар аллақандай тожик билан ошна тутунган Юсуфни овчи булиб қолганига сира ишонгиси келмади. Одамларнинг ҳазили бўлса кепрак деб ўйлаб юрди. Подачиқарда унинг одамларга каклик улашганини эшитиб энсаси қотди. “Ўл-а, сичқон сиғмас инига, фалвир боғлар думига. Сен ҳали овчи булиб қолдинг-у, одамларга текинга каклик улашдингми?” Бироқ Тиловнинг эшийтганлари тўғри эди. Тилов ҳам овини овлаб юраверди. Бироқ энди баъзилар каклик ё капитар учун буюртмаларни Юсуфга ҳам айтадиган бўлишгандан сўнг алами ошди. Юсуфга нисбатан бир оз файирлиги қўзиди.

Тилов бир телпакфурушдан тулки териси учун буюртма олди. Терифуруш олдиндан ишончли бўлсин, деб пул ташлаб кетди. Эртароқ бажариб беришини тайинлади. Қайси куни Китобдан бир табиб ошнаси келиб, бел оғриққа сувур тери ҳам айтиб қўйди. Тилов бундай қараса, унга шу ҳаваскор овчи Юсуфнинг кўмаги керак булиб турибди.

Бир куни Тиловдай уста овчи катта бошини кичик қилиб Юсуфни сұраб келиб қолди. Гап асносида овчи бұлиб қолиш тарихини сұради. Овчилекнинг сиранындан бошлаб, бу касбнинг мاشаққатлари, азоб-үқубатларигача Юсуфга тушунтирган бўлди. Охири муддаога кўчди.

— Юсуфбой, жура, — дея гапнинг даромадини узоқроқдан олди Тилов. — Овчилек бирорларнинг назаридаги бир эрмакдай гап. Тўртта каклик, ё биринкита каптар отиб келиб қозон қайнатса бўлди. Тожиклар билан биродар бўлганингни эшилдим. Яна ҳам ўзинг биласан-у, тожикнинг ошначилиги том айлангунча деган гап ҳам бор. Жўра изласанг шу ерда ҳам кўп. Овчилек қилиб ҳам кўп нарсага эришиш мумкин. Мана, масалан мен шу касбнинг орқасидан кам бўлмадим. Уй-жой солдим, тўй қилдим, ошна, дўст орттиридим. Фақат касбга астойдил ихлос қилсанг, меҳнатдан қочмасанг бас. Бу ёғига ризқингни Худонинг ўзи бераверди. Кеча бирордан эшилдим, машаққат билан қўлга киритган ўлжангни ҳар кимга тортиқ қилиб юрганишисан. Оббо, Юсуфбой ошнам-еий, овчи жа унчалик эмасдир, ахир. Бу иш билан коссанг оқармайди, унинг ҳам пири бор, жўра. Касби кор дейдилар буни. Ҳазил, эрмакни кўтартмайди! Хуллас, битта таклиф бор. Иккаламиз бир танишимнинг буюртмасини бажариб беришимиз керак. Қайнарлик Рўзи овчига айтмай қўя қолдим. Сен ўзимникисан. Гап-сўз чиқиб юрмасин. Хуллас, беш-ўнта тулки тери керак. Суғур, қашқалдоқ дегандай... Ундей-бундай пул эмас бу!

Юсуф индамай эшилди. Тиловнинг гапига чил солмади. Шу зум хаёлига Мирзонор келди. Ўша машъум манзара гавдаланди. Елинидан сут оқиб турган жонсиз архар... Овчи учун фарқи йўқ эканда. Ўлжани кўрдими, бошқаси билан иши йўқ. Ахир,

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Тилов айтәётган ўша беш-үнта тулкининг орада боласига егулик излаб чиққан она тулки ҳам бўлиши мумкин-ку? Бу ишга Тилов айтган касбнинг пири нима жавоб қиласкин?

— Йўқ, Тилов, мен бу ишни қилмайман. Сенга ҳам маслаҳат бермайман, — деди Юсуф бош чайқаб.
— Менга каклик ҳам бўлаверади. Ўлжамни берган бўлсам, ҳамқишлоқларимга бергандирман.

Тилов энсаси қотиб, бир зум Юсуфга қараб турдида, надомат билан бош чайқади.

* * *

Юсуф бу воқеани унута олмайди. Катта қордаги ов эди ўша ҳам. Юсуф ўшандада бу ерларга тўхтамай, тўппа-тўғри Омонқўтон томонга ўтиб кетди. Ўша куни деярли тузукроқ ов бўлмади. Тушдан сўнг осмон очилиб, аёз эртароқ заҳрини сочди. Кун қайтганда ўнгир устидан ўтиб, бўрижар томонга энган икки кишининг изига кўзи тушди. Из тўғри бўрижар томонга йўналганидан Юсуф ҳайрон бўлди.

Ўнгир ичида олов ёқилмаган, ўнгир муздай совуқ эди. Юсуф дараҳтлардан қуруқ синган шоҳларни терди. Ўнгирда тунашни ўйлади. Эниб кетган изларга узоқ қараб турди. Атрофда ҳеч бир зоф кўринмасди. Ҳайҳотдай Қўрғонтоғнинг виқор тўйкан ва ўшшайган салобати киши руҳиятига сокинлик солар, зерикиш ҳиссини қўзғарди. Юсуф бу ерларда одам юрганидан бошқа овчиларга белги бериш учун ҳайқириб кўрди. Жавоб бўлар деб кутди. Кун қайтди. Аёзнинг шашти баттар кучайди. Тоғни қоплаган қорнинг усти музлаб, тошдай қотди. Юсуфнинг қандайдир ҳафсаласи сусайиб, ўнгирга қайтиб, ўша ерда тамадди қилишни кўнглига тугди. Бирорта кантарни кабоб қилишни режа қилди. Қандайдир

вужудида ҳорфинлик, чарчоқ сезди. Энди ўнгир томон қадам ташлаган ҳам эдики, ҳеч бир кутилмаганда нариги дара милтиқнинг овозидан гумбурлаб кетди. Юсуф сергак тортди. Ким бўлди? Ҳали замон Қайнарлик овчиларга баланддан кўзи тушган эди. Уйларига кетишмаган шекилли? Занғарлар бирор каттароқ ўлжага умидвор чофи. Кетишганда аллақачон қишлоққа етиб боришган бўлишарди. Омонқўтонлик Сами овчининг оёғи синган, уйида ётибди, деб эшитганди. Ростдан ким бўлди? Боз устига ҳадемай қоронғи тушади. Юсуф бирдан сергакланди. Юрагида қизиқиши пайдо бўлди. Мобода Оёқчи томонлардан келган овчи бўлса-чи? Яхши иш бўларди. Ўнгирга олиб келарди. Гурунглашиб ётишарди. Бўриларнинг емиш излаб чиқадиган вақти. Бирор фалокат юз бермасин. Оч бўридан ҳамма нарса кутиш мумкин. Юсуф тош қотган қор устидан катта-катта қадам ташлаб юқорига ўрлади, амаллаб тоғ тепасига чиқиб борди. Бироқ у ердан ҳам ҳеч нарса кўринмагач, тик қояни айланиб ўтишга ҷоғланди. Энди оёқларини ёнбош қўйганча хиёл сирпаниб борди. Шу кез ногоҳ қўзлари қуйида икки бўри боласига тушди-ю, тўхтаб қолди. Бўри болалари сарсари, ҳар ён чопишар, қаерга боришларини билмай, кучсиз ва заиф фингшишар эди.

Юсуф пастлай бошлади. У пастликка етиб келганича анча вақт кетди. Юсуф чарчаган бўлса ҳам, юргургилаб бўри болаларини излади. Қорда уларнинг оёқ изларини Юсуф зўрға илғади. Кейин бирдан яна бир изга кўзи тушди. Бу из ростакамига бўри изи эди. Из бўрижар томонга кетганди. Қор қаттиқ музлаганидан бўри болаларининг изи деярли билинмас, катта бўриники эса хиёл кўзга ташланарди.

Турсунмурод ЭРМАТОВ

Юсуф изига қайтишдан бошқа илож топмади. Кета туриб туйқус қон томчиларига кўзи тушди ва бир фалокатни пайқагандай эти увишди. Қон томчилари қорда янада аниқ қўринар, боз устига икки одамнинг қорга хийла ботган излари ҳам янада яққол кўзга ташланарди. Юсуф изни олиб тез-тез юрди. Атрофга қоронғилик туша бошлади. Юсуф жуда чарчади, аланглаб, у ёқ-бу ёққа чопди. Из қоронғида йўқолди. Юсуф жуда ташвишга тушди. Кўз ўнгига бўри болалари келди. Наҳотки... Уларни уяларига нима бошлаб кетди экан? Наҳотки, она бўрини отишган бўлишса! Демак, бўри болалари эркак бўрига қўшилиб кетган. Нега унга эркак бўри ҳужум қилмади? Уни тилка-пора қилиши мумкин эди-ку. Демак, эркак бўри ёлғиз бўлган. Бўри Юсуфни аниқ кўрган. Фақат ҳужум қилишга ботинолмаган. Мобода ёнида жуфти бўлганида аниқ Юсуф уларга ўлжа бўларди. Ёлғиз бўри инсондан ҳайқади. Ташланолмайди. Она бўри болаларини сайрга олиб чиққани тўғри. Нега айнан кўра била туриб... она бўрини?.. Демак, бўри уяси олисда эмас. Эҳтимол, ҳозир ҳам инидан Юсуфни кузатишиб туришгандир. Юсуфнинг юраги эзилди.

— Ноинсоф!

Унинг товуши ҳайқириқ бўлиб эшитилди. Овози бүғиқ эди, акс бермади. Овозини қалин тушган қор ютиб юборди.

Юсуфнинг юрагини ваҳима қоплаганди. Тезроқ юриб ўнгирга келди. Музлаб қолган тошларни зўрға қўзнатиб, ўнгир оғзини ёпди. Аёз кучайди. Юсуфнинг иштаҳаси бўғилиб, бир бурдагина нон еди. Алла-паллада кўзи илинди. Тушида архарни кўрди...

Юсуф тонг отар-отмас қишлоқقا етиб келди. Йўлда юриш оғир эди. Хаёлида яна бўри болаларининг сарсон изғиб юрган ҳолати гавдаланди.

Кечаси билан Юсуфнинг хаёллари тунда кўрган воқеа билан банд бўлди. Саволлар бир-бирини куварди. Ногоҳ хаёлига бундан бир ойча олдинги воқеа келди. Юсуф сапчиб турди. Наҳотки бу?!

Бир ойча бўлди. Юсуф бозорга келганди. Тамадди қилиб олиш учун чойхонага кирди. Ёнидаги чорпояда ўтирган уч-тўртта йигитнинг гурунги эшитилиб турарди. Бундай қараса, ўтган бозор жўраларининг гаштагига ўнта каклик буюртирган таниш йигит. Юсуф унинг отини сўрамаган эди. Бироқ у Юсуфни кўриши билан дарров таниб, ўрнидан турди.

— Э, э, овчи акамиз-ку! — деди бояги йигит унга томон юраркан. — Келинг, қани, бу ёқقا ўтинг. Юсуфни қўярда-қўймай даврага қўшишди. — Сиз керак эдингиз-да ўзи, — деди ҳалиги йигит хурсанд бир ҳолатда. Йигит Юсуфга чой узатаркан:

— Ҳозир айтайми, кейинроқми? — деди жилмайганча, қандайдир бир сирдан воқиф қилмоқчидай.

— Айтилмоқчи бўлган гапнинг эртароқ айтилгани дуруст, — деди Юсуф бир оз ҳайрон бўлган кўйи. — Айтаверинг.

— Рazzоқ бойни танийсиз-а? — деди йигит. — Ана шу киши бизга акахон бўладилар. Шу акамизга бир нарса керак эди-да...

Ҳалиги йигит бир оз овозини пастлатди, Юсуфга хиёл эгилди.

— Шу... расталарига илиб қўйиш учун биттагина урғочи бўри териси керак бўлиб турибди-да.

— Урғочи бўри?! Нега айнан урғочи бўри? — Юсуфнинг ҳайронлиги ошди. — Нима, урғочи, эркаклигини овчи қаердан ажратаркан? Эркагини бошида дўпписи, урғочисини рўмоли бўларканми?

Чойхонада кулги кўтарилди. Йигит бир оз анқайиб турди. Юсуфга овчи бўлиб шуни ҳам билмайсанми, дегандай фалати қаради. Кейин хиёл кулимсиради.

— Урғочи бўрини ҳеч бўлмаса эргаштириб юрган боласидан билади. Нонини еган овчи бир йўлини қиласиди-да. Нега айнан урғочиси кераклиги... — ҳалиги ери... — йигит бир оз тин сақлади-да, ёқимсиз ишшайди. — Хуллас, ўша жойи дўконга барака олиб келади, савдо юришади! Ирими шундай! Бу ёғини бой боболар билади-ку-я яна ҳам. Эшитганимизни айтамиз-да...

Юсуф бир зум караҳт бўлиб турди.

— Бу ишда бизда уқув йўқ, укалар, — деди қаловланиб. Йигитнинг кейинги гаплари қулоғига кирмади. Аллаким даврадан: “Бу ишни Тилов овчидан бошқаси уddyалай олмайди”, деди.

Юсуф чойхонадан фалати бир аҳволда чиқди. Улар нима деди? Тилов овчи, дейишдими. Қайси Тилов овчи?!?

Юсуфнинг хаёлига яшиндай урилган бу мудҳиш ўй унга алланимани англатди. Шаҳд билан ўрнидан турди.

Тилов бозорга, аниқроғи, Раззоқ бойнинг расталирига яқинлашаркан, юраги тез-тез уради. Мудҳиш бир жиноят устидан чиқиб қоладигандай саросима қамраб борар, фалати бир ёқимсизлик чулғар, тоқатсиз, жадал одимларди.

Юсуф муҳим бир нарсани излагандай тоқатсиз алантглади. Ва... у кўзларига ишонмади. Юргурилаб бориб растанинг бошланишида осиб қўйилган бўри терисини ушлади. Чойхонадаги йигитнинг гапи тўғри эди. Тери урғочи бўриники бўлиб, айнан ўшандай ҳолда осилиб туар, тери янгидан этидан ажратилгани яққол билинар эди. Аллаким Юсуфга яқин келди.

— Нима оласиз, ака? — деди мулойимлик билан. — Яхши моллар келган.

Юсуф бўри терисидан қўлларини тортиб, сўровчига

үгирилди. Индамади. Жаҳлини зўрға босиб растадан нари юрди. Нарироқда бир-иккита ўзига ўхшаган асл кийинган кишилар билан чақчақлашаётган Рассоқ бойга қўзи тушди. “Ноинсоф, ноинсофлар!” Бу шуур юрагига қаттиқ ботди. “Қотиллар!” У шундай дея пицирлади.

Юсуф Тиловникига қандай кириб келганини билмайди. У Тиловнинг ёқасидан тортиб уйдан чиқарди.

— Нимага бу ишни қилдинг? — деди Юсуф кўзлари жаҳлдан қисилиб. — Нега она бўрини отдинг?! Уволидан қўқмадингми? Унинг болаларини кўрдингми? Саргардонлигини кўрдингми?

Тилов силтанди, Юсуфнинг қўлини уриб юборди.

— Иш қилсам сендан сўраб қилмайман! — деди ҳансираф. — Ким айтса бекор айтибди. Бор ишингни қил!

Юсуф ортиқ ўзини тутолмади. Тиловнинг қаншарига мушт солди. Тилов мункиб кетди, бироқ ўзини тезда ўнглаб олганча Юсуфга ташланди. Тиловнинг зарбасига Юсуф чап беришга улгурди ва қайта мушт туширди. Қаншарига тушган кейинги зарбдан Тилов инграб юборди ва Юсуфнинг кучли тепкисидан узала йиқилди. Шу лаҳзада Юсуф кимнингдир орқа томонидан берган зарбасидан борлиғи зирқираб, кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Илкис қаради. Ортида Тиловнинг отаси Исҳоқ бобо қалтираб-титраб таёқ ўқталиб турар, Юсуфнинг бошидан оқаётган қон ўзига сизиб оқарди. Юсуф Тиловнинг отасига бир хезланиб яқинлашди-ю, ўзини тийиб қолди.

— Қотил бу, ўғлингиз қонхўр! — дея ҳайқирди Юсуф. — Ҳайф сиздай отага!

Юсуф титраб, муштлари тугилганча отилиб кўчага чиқди...

* * *

Мирзонорнинг вафотига бир йил бўлишига ҳам ҳеч қанча қолмади. Шарифжон Юсуфни икки бор Китоб бозорига чақирирди. Шунчаки гаплашиб ҳол сўраган бўлди. Бироқ Шарифжонни кўпроқ Юсуфдаги ҳолат, сўзида событлик, аҳдига содиқлик каби мақсад қизиқтирас, гарчи бу ҳақда оғиз очишга журъат қилолмаса-да, унинг кўз қарашлари бу сирни ошкор қиласарди. Шарифжон синглиси ҳақида бирор нарса айтмагани каби Юсуф ҳам сўрашга истиҳола қиласарди. Фақат Мирzonорнинг йили ўтгандан кейин отаси билан амакисини уларникуга боришлигини айтар, бу билан Шарифжонни хавотир қамраган шуурига далда берарди.

* * *

Юсуфнинг отаси ва амакиси аввали Мирzonорнинг отаси билан дийдорлашди. Кўнгил сўраб, дуои фотиҳа қилишди. Мирzonорнинг отаси орадаги гапдан бир қадар хабардор эканини ўқсиб-ўқсиб, кўздаги ёшини тиёлмай гапирди. Бир ночор қолган муштипарнинг қисматини, шаънини ўйлаб бу ишга розилик берган мардни дуо қилди. “Бизнинг ҳурматимизни қилиб, дўстининг арвоҳини ўйлаб, юзимизга оёқ қўймади: бирор марта қиз билан дийдорлашишни мақсад қилиб Сумакка оёқ босмади. Бундай гап қулоғимизга чалинмади. Бу дўстига ҳурмат, қолаверса, бизга, қариндош-урӯғимизга ҳурмат. Илоҳим, баҳтли бўлишсин. Юсуфжонга дуои салом айтинг”. Мирzonорнинг отаси фотиҳа бергач, хайр-хўшдан кейин меҳмонларни Шарифжон уйига бошлаб кетди.

* * *

Тўй Юсуфнинг назарида гўёки тушида содир бўлар, ҳадемай уйғонади-ю, барча кўрган воқеалари, мудҳиш кечинмалари барҳам топади. Ва ноилож ёнидаги хилқат томон омонатгина кўз қирини ташлайди. Ташлайди-ю, яна олиб қочади. Олиб қочган нигоҳлари тубига ҳақиқий гўзаллик, қиёссиз малоҳат яширинади. Ва у яна бир қарааш илинжи учун ўзидан нажот қидиради. У нажот узоқлашаверади, нигоҳи уни қайта-қайта излайверади, ёнгинасида туриб ахтаради. Топгандай бўлади ўша мукаррам чехрани ва таассуфки, яна йитиради, нигоҳлар аросат денгизларига чўкади... Бироқ ўёнидаги келинчакнинг кўнглига қарashi, уни эркалаши, суюнчиқ бўлиши кераклигини қандайдир ногаҳоний куч унга аста шивирлайди. Юсуф шунда булар ҳушида содир бўлаётганига ақли етади. Ва хаёлот дарёларига оқиб-оқиб боради. Кўз олдида яна Мирzonорнинг сиймоси гавдаланади, унга нимадир дейишни истайди, бу билан гўёки қақраб ётган қалб саҳросига сув сепади, “Эй, қиёматли дўст, дея пи chirлайди ва хаёлан Мирzonорни кўради, у билан дардлашади”. “Бу менинг инсофсизлигимми?” дея таассуф ичida сўзлайди. Мен бу хилқатга қўл теккизишим мумкинми? Бу мунаввар чехрага тўйиб боқишимга-чи, изн борми?.. Ана, сенсан ўша, чимилдиқ узра чирқираётган, уйнинг бурчак-бурчакларидан эпсиз-эпсиз тикилаётган. Мен сени илгаяпман. Мен сени кўряпман. Қўл теккиза кўрма унга, дея қақшаяпсанми? Ёхуд уни асраб-авайлашга изн бермоқчимисан? Билмайман! Била олмайман, мен лолман, мен аросат дарёларига чўкиб бормоқдаман, сарсонлик заққумлари бошим узра ёмғир бўлиб ёғилмоқда. Менга нажоткор ким? Ким? Ёнимдаги қалби ўксик, борлиги титроқ ичida турган

Турсунмурод ЭРМАТОВ

хилқатми, ким?” Юсуф чимилдиқ четида құлларини тиззасига боғлаб хаёлотта күйін сассизсадосиз ўтиради. Келинчакнинг хавотирга тұла нигоҳлари Юсуфга яширин-яширин тикилар, унга дилдош ва сирдош бўлиш учун қалби тубидан меҳр дарёси оҳиста-оҳиста тўлқинланиб, оқиб келарди.

Юсуф журъат қилиб яқин борди. Үзида журъат ва ишонч туди. Энди нигоҳлари уни топди. Унинг ҳарир рўмоли остидан балқиётган бир нурга қараб қолди ва рўмол четидан оҳиста ушлади. Энди ҳалиги юракка қутқу ташловчи алдамчи куч уни нари сурмади. Бильякс, ғаним ва бесамар хаёллар мағлубликка бош эгди. Меҳр ёлқини ва интиқ бир сезги юрагидан қоя каби мустаҳкам жой оларкан, илоҳий саодат ва интизорлик туйфуси музafferлик туғини кўтарди. Юсуф келинчакнинг қўлини авайлабгина ушлади ва эгилиб унга жуда яқин келди. Үзида ҳали учрамаган, ҳатто тасаввур ҳам қилмаган сеҳрли бир орзиқишдан юраги ёлқинланди, эти жимиirlашиб кетди. Ана унинг ақиқ лаблари билинар-билинмас титраётир, узун киприкларида ҳам ўша титроқ. Юсуфни интизорлик ва муҳаббат оташи мағлуб қилди, у бир сеҳркор куч ва девона сезги қуршовида юраги ҳаприққанча лоларанг лаблардан нағисгина бўса олди. Келинчак бу ҳолни кутган бўлса-да, бир сесканиб тушди ва ортга чекинди...

— Қочма мендан, — деди унинг қулоқлари остидан Юсуф. — Мен сенинг суюнчиғингман, Зарнигор!

Келинчак бир дамгина, гүё эшитган гапнинг мағзини чақмоқчидай сукутда турди ва Юсуфнинг кўксига бош қўяркан, энтикиш қоришиқ пичирлади:

— Мана эҳтиёткара, асракара митонитми? Агар ҳамтубошадагар ҳамин касматона намукунет!¹

¹Мени асраб, эҳтиёт қила оласизми? Агар шундай қилай десангиз шу касбингизни қилманг.

Юсуф Зарнигорни тушунди. Зарнигорнинг юраги зада эди. Унинг чиройли, ошуфта кўзлари мунгли жавдирарди. Юсуфга илтижо билан боқди Зарнигор. Юсуф унинг соchlарини оҳиста силаркан:

— Мендан хавотир олма, — деди аста. — Менга ишон. Уволдан қўрқаман, — Зарнигор Юсуфнинг нима демоқчи бўлганига ақли етди, синиққина жилмайди.

* * *

Мукофот олиш доим ёқимли бўлиб келган. Айниқса, бунга бошқанинг шерикчилиги бўлмаса. Бироқ Тиловнинг ишига, унинг масъулиятига бу уччалик мос тушмайди. Ҳеч бўлмаса Жўллини олганида ёрдами тегармиди? Ёлғиз ов қилишнинг азобини у бир гал татиб кўрган. Жўллининг оғзи шалоқ. Дўст-дushmanнинг фарқига бормайди. Ҳар гапни ҳам гап деб валақлагани ёмон. Керак бўлса бозорга бориб, растадаги осилган бўри терисини биз отиб берган она бўрининг териси, деган гапни айтишдан ҳам тоймайди. Тилов шу ўйлар билан Қўргонтоғ этагидаги Толмас чўпоннинг отарига етиб келди. Арслондай икки ит ваҳшат солиб, Тилов овчи томон бало-қазодек ёпирилиб кела бердилар. Итлар овозидан далага отилиб чиққан чўлиқ ҳай-ҳайлаганча итларни чақирди. Тилов овчини итлардан ҳимоялаб кулбага бошлаб кирди.

— Э-э, келинг-да, Тиловбой, — деди Толмас чўпон Тилов овчини ичкарига бошлаб киргандан сўнг ҳол-аҳвол сўраб. — Зарилда-а сизларга? Шундай совуқда ҳам тинмайсизлар. — Толмас чўпон Тиловга ёнидан жой кўрсатди. — Олдинлари битта-яrimта каклик билан йўқлаб турардингиз, Раззоқ бойга ошна тутиниб, эски қадрдонларни ҳам унутиб юбордингиз-а, Тиловбой?! Ҳали ҳам Юсуф мерган

яхши, овдан қайтишларида бир йўқлаб ўтади. Шунинг шарофати билан капитар шўрва ичиб турибмиз. Ҳадеб қўй гўшти ҳам бадга уради-да.

Толмас чўпоннинг Юсуфни мақтагани Тиловга малол келди. Еган оғиз уялар. Сабил. Берган Худога ҳам ёқибди.

— Ҳа, энди бир кириб исиниб ўтайлик дегандикда, Толмас тоға, — деди Тилов сал зардали. — Бирдан бетдан оласиз-а. Юсуфбой бир бериб ўтибди-да, сахийилиги тутиб. Юсуфникини бир еган бўлсангиз, бизникини кўп егансиз!

Тилов қалайсан, дегандай ҳоҳолаб маза қилиб кулди. Тиловнинг гапидан Толмас чўпон мийигида кулиб, бош қимирлатиб қўйди-да, бир қўзғалиб олди.

— Катта давралар кўриб тилингиз анча қайралиб қолибди, Тиловбой? — деди муғомбир қараш қиласкан Толмас чўпон. — Берган бўлсангиз пулимизга бергансиз, бепул сизникига қўл узатмаймиз!

Толмас чўпон бопладимми, дегандай тиззасига шапатилаб қийқирапкан, кулгидан ёшланган қўзларини артиб, “қўлни ташланг”, деди Тиловга қўлини узатиб. Тилов Толмас чўпонга қўлини узатаркан, зўраки илжайди.

— Тиловбой, шу қор тушиб, қишиш бошлангандан буён иккита бўри жондан ўтказиб юборди, — дея гап бошлиди Толмас чўпон жиддий тортиб. — Отиб ҳам, тутиб ҳам бўлмаётир бу савил қолгурларни. Олдинлар ҳеч бунақасини кўрмаганман. Тўдадан айри юришади. Ўзлари кўп катта бўри эмас. Бироқ шижоати қўрқинчли. Ана-мана деб учта қўйни олди. Қўйку майли, ўтган катта қорда отарда қолган кўктойни майиб қилиб кетибди, зангар. Туролмай ётибди. Ким билсин, ӯладими, қоладими ҳали. Бундай мардини кўрмаганман. Катта қорда ўйноқлаб, кеча оқшом тушар маҳал қирда кўриниш берди. Итларга олкиш

солдим. Парво ҳам қилмайди, денг, худди мазах қилгандай ерга боплаб ўтириб олиб, осмонга қараб улиганини айтинг.

Тилов туйқус үйланиб қолди. Ўтган йилдаги бўри болалари эмасмикин, ишқилиб? Чўпоннинг айтишича, аламзадага ўхшайди. Бўлмасам ҳар қандай жондорнинг марди бўлсин, одам боласи билан ҳазиллаша кўрмайди. Аламзадалик ҳайвонни ҳам қутуртиради, деб эшитган жойи кўп Тиловнинг. Бу гап тўғри. Ўшанда она бўрининг икки бўриваччаси ортларидан чийиллаб, заифгина фингшиганча чопишиб қолгани Тиловнинг ёдига келди. Ёдига келди-ю, бир сесканди. Кимсасиз овлоқ дарада қолиб кетган бўриваччалар оналарини излаб, гирён чопишгани, уларнинг ортидан мўнгайланча қолган најотсиз икки жуфт қароқ, ингроқ ва кучсизгина овоз ҳозир Тиловнинг кўз олдига келди, қулоқларига қайта эшитилгандай ўзини ғалати сезди. Бироқ Толмас чўпон айтаётган бўрилар айнан бултурги бўриваччалар эмас, дея хаёлланди Тилов. Бу билан юрагида қўпган беҳаловат туйфуни қувмоқни, қутқуни ҳайдамоқчи эди. Ундай бўлмаслиги аниқ. Сут эмиб турган бўриваччаларнинг она қаровисиз омон қолиши гумон. Изфиринда иини тополмай нобуд бўлгани аниқ. Эркак бўри ўша атрофда бўлганида уларга, албатта ташланган бўларди...

— Тиловбой, ука, сиз нима дейсиз? — Толмас чўпоннинг гапи Тилов овчининг хаёлларини бўлди. — Шу бўрилар дейман, Худонинг юборган бир балосими, нима бало, ўзим ҳам якка юрганимда ичимда ваҳм ўрлайди. Олдинлари бунақа бўриларнинг юзини кўрганман, бироқ қўрқиш нима эканини билмаганман. Ҳай демаса одамга ҳам ташланадигандай-да, тоғу тошда юрасиз эҳтиёт бўлинг дейман, ука.

Тиловнинг ҳам бу гаплардан ваҳима қуршаб турса ҳам, сир бой бермади.

— Толмас ака, кўп ваҳима қилдингиз-да, — деди Тилов ўзини бамайлихотир тутишга тиришиб. — Чақчайиб турган кўзидан ураман, нима деяпсиз! Сизга шуларни отиб берсам, нечта қўй берасиз? Йигирмата берсангиз, отиб, оёғингиз остига ташлайман!

— Отиб келинг шу зангарларни. Отинг! Бу ёғини келишамиз, — деди Толмас чўпон чиндан умидланиб.

Тилов олдига қўйилган қовурдоқдан икки туюр олди-да, устидан ўчиқда қайнаган чойдан ҳўплагач, совуқда қақшаган танаси яйради. Кўзларига уйқу тиқилиб келди. Бир зум кўзи илинди. Шу бир зумда ҳам туш кўрди. Тушини англамади. Бироқ қўрқиб уйғонди. Тилов апил-тапил кийимларини илган еридан олиб кийди. Пайтавани зичроқ үради. Милтиқни қайта кўздан кечирди. Кўчага чиқаётганда Толмас чўпон унга янада эҳтиёт бўлишилигини қайта тайинлади.

Тиловнинг юрагидаги фавқулодда кирган ғалати кечинма вужудини кемирди. Бугунча чўпонникида қолса яхши бўларди. Ҳарқалай эрталабдан бошланган иш унумли бўларди. Бироқ олдидаги масъулият бунга йул бермайди. Ваъда бор, вақт тифиз.

Тилов Толмас чўпоннинг отаридан анча узоқлашди. Кун қайтди. Қишида кун бир тутам. Ҳаял ўтмай кеч тушади. Тилов қачонлардир йўлга чиқсан эди. Ҳали Қўрфонтонқча етиб келолмайди. Ов қилиш нарёқда турсин, ўнгирга етиб олса ҳам катта гап.

Тилов яна Раззоқбойнинг айтган гапини эслади. Бу ов Раззоқбой учун эмас, Раззоқбойни Раззоқбой қилган, элга танитган самарқандлик, отам деб этагини тутган Сангир савдогар учун. Сангир савдогарнинг билмаган, эшифтмаган йўқ. Довруғи узоқ-узоқларга кетган. Бу ёғи Тожикистан-Душанбе, у

ёфи Тошҳовуз-Гурганж. Самарқанддаги катта бозорнинг ярми шунинг моли билан тўлиб-тошган. Давлати мил-мил. Бу қадар давлатдан, растасининг бошу адоги кўринмай ётгувчи. Ҳар бир катта раста бошида урғочи бўри териси. Бу гал Сиёб бозорида яна бир катта раста, Хитой чинниси растасини очган. Шу ишга кушойиш берувчи, савдога қутбарака олиб келувчи зўрроқ урғочи бўри териси керак бўлибди. Самарқандда ҳам тоғ бордир, овчи бордир. Ўша Сангиrbой келиб-келиб китоблик бир муридига ҳадди сифиб, айтибди, қаранг. Энди кўринг, тумонат таниган, дунёда зўрман дегичнинг иши бундай олиб қараса шу Тиловга тушиб турибди. “Шуни уддаласанг оғзингга сиққанини оласан. Карнайчидан бир пуф-да! Бўрининг хашакиси, майдадчидан бўлмасин тағин. Таъблари нозик” Раззоқбойнинг илтимоси, яна аниқроғи буйруғи мана шу. “Майдадчидан бўлмасин?! Дараҳтда қўниб турган ҳаккамидики, зўрини танлаб отсанг. Бўри деган жондор одамни бир тош йўлдан пайқайди. Бу учун қачон инидан чиқаркин, деб кунлаб кўксингни музга бериб пойлаб ётасан. Инидан чиқса хўпхўп, чиқмаса-чи? Қачон қорни оч қоларкин, қачон кўриниш бераркин, деб кўкайинг кесилиб кетади. Тағин урғочиси бўлиши керак. Бу ундан машаққат. Пешонасига ёзилган бўлсаки, пайқасанг-да, узоқдан ҳам кўзлайверсанг! Ҳе ўргилдим сенлардан. Қаердан чиққан гап бу? Урғочи бўрининг она жойи барака келтирамиши?! Ирими бор эмиш. Ирим эмас бу. Бу тўқликка шўхлик! Сендан мен камми қабилидаги иш!” Тиловнинг хаёллари тўзғиди. Бир чақиримча нарида ўйнашиб турган икки бўрига кўзи тушди-ю, беихтиёр оёқ илди. Бўрилар бир оз чопишиб, ўйнашли. Кейин дара томон йўртиб кета бошлади. Тилов беихтиёр милтиғига қўл олиб борди ва шашт

Тұрсұимурод ЭРМАТОВ

билин бүрилар изидан ҳаллослади. Тилов ён-бағир бүйлаб бурижар томон чиқишини маъқул күрганди. Бироқ бу йүл хатарли, катта қорда үнгир ҳам текис бўлиб кўринар, юргувчига панд бериши мумкин эди. Тилов шу кез ўзидан ранжиди. Бу шошқалоқликми, очкўзликми, ҳар қалай Тиловда бор иллат. Унинг Осқичи тоғларида архарни бой берган паллаларидағи ҳолати яна кўз үнгига аянчли гавдаланди.

Ён-бағир бүйлаб, оёқларини ёнбош қўя-қўя базур кўтаришган Тилов бурижарга яқинлашган эди. Узоқдан қора кўринди. Қандай ҳайвон бўлди? Тулкимики? Ёки бирорта адашиб юган чиябўримикин? Бўри деса, бўридан кичикроқ. Чиябўри деса?.. Йўқ чиябўри бундай пайтда қишлоқларда бўлади. У лаънати ҳайвоннинг жойи ҳозир қабристон. Бирор-бир очиқ мозорда жон сақлаб, үлакса нойлаб ётандир. Бу тулки ҳам эмас. Тулкидан катто ҳалиги қорайиб кўриниш берган жонзод иккита бўлиб олди. Тиловнинг ҳадиги зўрайди. Беихтиёр аввал ничоғини, сунг милтиғини ушлаб қўйди. Бунга ҳам қаноатланмай милтиқни елкасидан қўлига олди. “Бу ўша ўзи из олган, Толмас чўпон айтган бўриларнинг худди ўзи. Бир қувишиб кўрайлик-чи!” Тилов овчи ўз фикридан кулиб қўйди.

У ўлжа томон қадалиб тикилди. Қорда узоқ юрганидан қароқлари толиққанди унинг. Тилов бундан ҳадиксиради. Бундай ҳолат овчи учун фожиа бўлиши мумкин. Эҳгиёт бўлиш керак. У қор тушмаган қорамтирир ерларга тикилиб бир зум кўзларига дам берди. У энди қадамларини жадаллатди. Бир зумда ҳансираф, чарчади. Тилов беихтиёр агрофга аланглади. Юрагига ваҳима ёпирилди. Шунча йил овчи бўлиб, шунча йил тош кезиб, фақат ҳозир

бундай бегона ҳисни бошидан кечирмоқда эди у. Юрагини ваҳм қоплаб келарди. Атрофга аланглади. Қандайдир нажот кутди. Ва бирдан сесканди. Шарпа! Шовур! Илкис тепага қаради ва бу... бўри улиши эди. Тилов энди аниқ-тиниқ кўрди. Икки бўри худди пистирмада тургандай қор қоплаган катта харсангдан қулоқларини диккайтирганча гўё уни кузатиб турарди. Тилов шошилиб бўриларга милтигини тўғрилади. Хиёл титраётган елкасига қўндоқни маҳкам тиради-да, тепкини босди. Ўқ варанглаб кетди. Тепасидан қор кўчиб, шовуллаб тўкилди. Тилов отган ўқи зое кетганини аниқ билди. У bemўлжал босганди тепкини, бармоқлари титраётганди унинг. Тилов милтиққа қайта ўқ жойлади, бўриларни излаб аланглади. Бўрилар кўринмасди. Бироқ юрагига далда бўлиш, қўрқувни ҳайдаш учун яна юқорига қаратиб ўқ узди. Тилов ўнгирга олиб борадиган йўлни тахмин қилди. Тахмин қилган сўқмоқ бутунлай қор остида ётар, бир қараганда ҳаммаёқ теп-текис оппоқ қорга кўмилган эди. Тиловнинг кўзи пастрокқа, текисликка қадалди. Дара бўйлаб ўн чоғли бўри тўдасига кўзи тушди. Оёқ илди ва уларга тикилиб қолди. Бўрилар бир-бирининг изидан саф тортганча тоғнинг яссиланиб борган томонига қараб йўртиб кетиб боришарди. Тиловнинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар анча нарида, етиб бўлмайди. Бу ишга эртага эрталабдан уриниб кўради. Ёмони, бўриларнинг ҳар иккисини ҳам отиш керак бўлади. Улар ургочи ва эркак бўрилар, бу аниқ. Бироқ узоқдан фарқлаб бўлмайди. Иккисини ҳам саранжом қилиш керак, вассалом. Кейин ургочисини олиб бораверади. Борига шукр қилсин. Йирик бўлмаса ҳам ургочи бўлса бўлди-да... Эркаги

қолса қолиб кетар. Бу масъулият Тиловга янада оғир кечиши тайин эди. Қайнарлик овчи ошнасиникига бормаса бүлмайди, чоғи. Ёрдам керак. Ҳарҳолда бу ерлар бегона жой. Гап чиқмайди. Хизмат ҳақини беради, тамом. Ёпиклик қозон ёпиқлигича қолади. Тилов үз фикридан дадилланди.

Тилов үнгирга яқинлашганда икки бўри уни кузатиб келаётганини пайқади. Тиловнинг жаҳли чиқди. “Аҳмоқ ҳайвон, эртагача қараб тур, кўрасан мендан”, деди үзига үзи. Атроф сукунатга чўмганди. У бир оз хотиржамлик сезганча үнгир томон жадал одимлади.

Тилов ишни эртага қолдирди. Үнгир оғзига бориб, ҳолсиз ўтиреди. Милтигини ёнига қўйди. Ўтин-хас теришга ҳафсала қилмади. У бундай таҳликали вазиятда бу ишни қилолмас, хавотири ҳамон бо-силмаганди. У ҳолсиз үнгирга кирди. Гугурт чақиб қоронғи үнгирни кузатди. Шу зум үнгир ичкарисидан иккита қуш чўчиб, потирлаганча далага учиб чиқди. Үнгирдан зах иси келар, совуқ эди. Тилов нарироқда қорамтири бир нарсага кўзи тушди ва энгашиб гугурт чақди, диққат билан разм солди. Қўй гўшти ҳиди Тиловнинг димоғига урилди. Ердаги чала ейилган қўй нимтаси эди. Бу ишни овчи қилмайди. Бу аниқ бўрининг иши. Үнгирга қиш бўйи одам кирмаган. Олов ёқилмаган. Ёқилганда кули қолиши керак эди. Демак, ҳалиги бўрилар!.. “Ўлжасига келиб қолса-чи?” Юсуф бошига урилган хаёлдан ғалати бўлиб кетди. У тусмоллаб эҳтиёт шарт милтиғига яна ўқ жойлади. Белидаги садоқни ечиб енгиллашди. Шу кез үнгир атрофидан шарпа ўтди. Ҳали тоғ тепасидан чопишиб ўтган тулкиларга кўзи тушган эди. Шулармикин? Шарпа кўпайгандай бўлди ва үнгирнинг оғзигача

келди. Тиловнинг томоғи қуруқшади. Юраги орқасига тортиб кетди. “Ҳайт” дея ҳайқириб юборди. Кет, кет, бадбаҳт!

Қишининг оқимтири булутлари устидаги яримта ойерни хирагина ёритиб турар, оппоқ қорга қўйилаётган соҳир нур гүёки оқлик билан биргаликда зулмат билан олишар, атрофга қийналиб бўлса ҳам ёғду таратарди. Тилов ташқарига назар солиб тураркан, дафъатан юраги увишди. Ўнгир олдида бир жуфт кўз ёнди. Ва Тилов жон ҳолатда “Кет, кет!” дея ҳайқириб юборди. Тилов энди шаксиз ишонди. Улар йўлда таъқиб қилаётган жуфт бўрилар эди. Ҳайқириқдан бўрилар хиёл ортига тисарилди. Тилов титраётган қўллари билан пичоқни тутамлади. Қўзларини ўнгирнинг оғзидан узмай, милтиқни олиш учун пайпасланди. Кўрқув бостириб келди. Тилов қаттиқ ҳаяжон ва талвасадан ёнгинасида турган милтиқни тополмасди. Икки бўри тап тортмади энди. Улар олишга шайланишган, намойишкорона ириллаганча ўнгир оғзидан ичкари ўтди. Бўрилар энди ҳеч қандай ҳайқириқ, ҳадик, пўписани писанд этмасди. Ва шу зум Тиловнинг яқингинасида икки жуфт кўз ярқиллаб кетди. Улар сония сайин Тиловга яқин келар, бўриларнинг басма-бас ириллаган даҳшатли овози тор ўнгир ичида қўрқинчли садо берарди. Тилов ортиқ кутиб туролмади. “Мен ўлжа излаб келганман, зинҳор ўлжа бўлиш учун эмас!” Тилов шундай дея бор кучи билан унга нисбатан яқин турган бўрига пичоқ санчди. Бўри сапчиб кетди ва қаттиқ ғингшиди. Бироқ Тилов иккинчи бўрининг ташланишига пичоқни ишга сололмади. Титраётган қўллари пичоқни ўзи ўйлаганичалик маҳкам тутолмай қолди...

* * *

Юсуф мерганининг дарвозаси басма-бас тақиллади. Шошиб эшикни очган Юсуф рўпарасида Тиловнинг отаси Исҳоқ бобони кўрди. Исҳоқ бобо совуқданми, қўрқувданми титраб турарди.

— Тилов тўрт кундан бери овдан қайтмаяпти, — деди Исҳоқ бобонинг овози титраганча. — Уни тезроқ топмасак бўлмайди. Набирамни кимдир бозорда пичоқлаб кетибди. Ҳозиргина хабар келди. Аҳволи оғир! Куйдирди, бу бола, куйдирди, Юсуфжон! Мени олиб бор! Тиловбойнинг овга борадиган жойларни фақат сен биласан, болам!

Юсуфнинг юрагига фулгула тушди. Ҳадиги зўрайди. Қўрғонтоғдан тўрт кунда ҳам қайтмаслик... Қўрғонтоққа кетган овчи ўша куни қайтиши керак. Ўнгир кўпроқ оёқчилик, ё бўлмасам, Ҳисор томондан энган овчиларга асқотади. Бу яқинлардаги овчилар тор ва совук ўнгирга кириб ётмайди.

Юсуф шошилганча милтиқ ва пичоини олдида, Тиловнинг отаси кетидан юрди. Жўлли етаклаб келган отларнинг бирига Юсуф минди, Исҳоқ бобога Жўлли мингашди.

Юсуф шу куни икки бор подачиқар жойга чиқиб, қайтиб келганди. Бироқ Тиловни кўрмади. У Тиловнинг режасини фаҳмлаган, уни бу қалтис ва номақбул йўлдан қайтаришни жуда истаган ва буни ўз бурчи деб ҳам тушунганди. Юсуф Тиловнинг йўлга чиқмаслигига нимагадир ишонгиси келмас, унинг феълини яхши билганидан юраги нотинч эди. Шўробсой томондаги йўлга томон бораркан, одам изини кўрди. Из Қўрғонтоғ томонга ўрлаб кетганди. Из бир кишиники бўлганлиги боис Юсуф бу айнан Тиловнинг изи эканига шубҳа қилди. Бўри ҳазила-

кам ов эмас. Бир киши бундай об-ҳавода бўри ови учун ҳафсала қилмас, ҳатто Тилов сингари абжир овчи ҳам. Бироқ нега у ёлғиз кетди? Жўллини олса бўларди-ку? Үзига ишонган ёки... Наҳотки, она бўри яна... Жўллини олмагани, демак, гувоҳнинг кераги бўлмаган унга. Овчи мардум пайти келдими, бир тепки босиш билан ишини битиради. Айниқса, бу ишларнинг ҳадисини олган Тилов буни қийинчилексиз уddeлайди. У ҳам кучли, ҳам қирағай мерган.

— У Шўробсойнинг йўлидан кетган, — деди Юсуф Исҳоқ бобога юzlаниб.

— Шўробсойнинг йўли олис йўл-ку? Нима қилади у ёқдан юриб? — деди Жўлли ҳовлиқканча.

— У ҳаммани чалғитмоқчи бўлган, — деди Юсуф алами келиб. — Чалғитди ҳам... — Юсуф шундай деб отининг юганини силкиди.

Юсуф атай Толмас чўпоннинг отарига томон отнинг бошини бурди. Толмас чўпон Тиловни бундан тўрт кун олдин шу ердан ўтганини, унидан бир пиёла чой ичганини айтди. Толмас чўпон ўша икки бўри ҳақида гапирганда Юсуфнинг эътибори зўрайди. Толмас чўпондан қайта-қайта сўраб-сuriштириди. Толмас чўпон икки бўрини аниқ таърифини берди.

— Бугун аzonда улардан биттасини кўрдим, — деди Толмас чўпон. — Ҳув анави қирдан кетини ерга қўйиб, роса ҳам увиллади. Ким билсин, шеригини ахтариб юрибдими бу зангар!

— Сиз айтган бўриларнинг бири урғочи эмасмиди, тоға? — деди Юсуф мерган шошилиб.

— Узоқроқ эди. Англамадим. Ким билсин, шундайдир. Бўри жуфти билан юради, бўлса бордир.

Шу кез Жўлли негадир ялт этиб Юсуфга қаради. Жўллининг кўзлари бир қадар таҳликали эди. Жўлли ўнгайсизланди ва бирдан нигоҳларини четга олди.

Толмас чўпоннинг ҳар бир гапи Юсуфнинг ҳадигини зўрайтириди. Юсуф худди бир нарсаларни режа қилаётгандай ўйлар, кўзлари ниманидир жонлантирмоқчи бўлгандай тоғ томонга қадалган эди.

Юсуф от бошини ўнгир томонга бурди ва отни қичаб ҳайдали. Юсуф атрофдан бирор-бир изни ахтарар, бироқ кеча оқшомги тушган кучсиз қор изларни кўмиб кетганди.

Ўнгирга яқинлашаётган Юсуф негадир тоқатсизланди, вужудида нохушлик сезди. Мудҳиш бир фалокат билан тўқнаш келадигандек юраги увишди.

Юсуф ўнгир олдидা отдан тушди. Бир зум атрофга бетоқат аланглаб турди, сўнг ўнгир томон одимлади.

Юсуф билан Жўлли ўнгирга олдин-кетин киришди. Кўзлари ичкарига тушиши билан Жўлли қўрқувдан титраб кетди ва беихтиёр ортга тисланди. Уларга изма-из кирган Исҳоқ бобонинг фарёди ўнгирда мудҳиш акс берди:

— Болам!..

Ташқарида от депсинди...

Ўнгир ичкарисида кулранг бўрининг ўлиги чўзилиб ётарди, унинг ёнида бўғзи узилган Тиловнинг жасади совуқда тарашадай қотиб қолган, ўнгир тўридаги қўй нимтасидан фақат тери ва жунлар кўзга ташланар, ўнгирдан қўланса ҳид анқир эди...

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Бозордаги бола	3
Қудратли қоя күчкиси	13
Арвоҳ ёқсан чироқ	32
Қотилимни афв қиласман	42
Башорат	48
Буни ишқ дейдилар	56
Дүсти қиёмат	67
Ёзик	76
Ёмғирда қолган киши	85
Жонқора	89
Маломат юки	101
Муроса	117
Оқшомги оппоқ нур	124
Сотқин	131
Сүқир ва бола	138
Тилак	146
Ука	149
Үспирин	159
Фаришта қайтган макон	165
Шогирд	173
<i>Күсса</i>	
Она бўри қасоси	179

Адабий-бадиий нашр

Турсунмурод ЭРМАТОВ

ОНА БҮРИ ҚАСОСИ

Қисса ва ҳикоялар

Масъул мұхаррир:	<i>A. Қоржсовов</i>
Мұхаррир:	<i>O. Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>P. Ташиматов</i>
Мусаҳҳих:	<i>M. Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г. Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: AI №270

Босишига 4.03.2019 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Virtec Times UZ” гарнитурасида оғсет усулда босилди.
Нашр босма табоги 15.0 Адади 4000 Буюртма №33

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ҮЙЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50

*Email: book@ijodpress.uz
www.IjodPress.uz*